

# ЎШМЖ



Адабий-бадий,  
ижтимоий-сиёсий  
ойбитик

112  
Апрел

1982 йилдан чиқа бошлаган

Муассислар:

Ўзбекистон ЛКЎИ  
Марказий  
Қўмитаси ва  
Ўзбекистон  
Ёзувчилар  
уюшмаси

Бош муҳаррир:  
Омон МАТЖОН  
Таҳрир ҳайъати:

Эркин АЪЗАМОВ  
Эркин ВОҲИДОВ  
Хуршид ДАВРОН  
Владимир ЖОНИБЕКОВ  
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ  
Ҳамид ИСМОИЛОВ  
Насриддин МУҲАММАДИЕВ —  
масъул котиб  
Олим ОТАХОНОВ  
Азим СУЮН  
Абдуқодир ЭРГАШЕВ  
Нурали ҚОБУЛ  
Абдурашид ҚОДИРОВ  
Усмон ҚУЧҚОР  
Ғаффор ҲОТАМОВ —  
бош муҳаррир ўринбосари

Тошкент  
«Камалак» нашриёт-матбаа  
бирлашмаси

Абдулла Орипов

## Мен нечун севаман Ўзбекистонни...

\* \* \*

Мен нечун севаман Ўзбекистонни  
Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё.  
Нечун Ватан дея еру осмонни  
Муқаддас атайман, атайман танҳо.  
Аслида дунёда танҳо нима бор,  
Пахта ўсмайдиган ўзга элда ё?  
Ёки қуёшими севгимга сабаб?  
Ахир қуёшли-ку бутун Осиё.  
Мен нечун севаман Ўзбекистонни?  
Боғларин жаннат деб кўз-кўз этаман.  
Нечун ардоқларкан тупроғини мен  
Упаман: «Тупроғинг бебаҳо, Ватан...»  
Аслида тупроқни одил табиат  
Тақсим айлаган-ку ер юзига тенг.  
Нечун бу тупроқ деб йиғлади Фурқат,  
О, Қашқар тупроғи, қашшоқмидинг сен?!  
Хўш, нечун севасан Ўзбекистонни,  
Сабабини айтгин десалар менга,  
Шоирона гўзал сўзлардан олдин  
Мен таъзим қиламан она халқимга.  
Халқим, тарих ҳукми сени агарда  
Мангу музликларга элтган бўлсайди.  
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,  
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?  
Ватанлар, Ватанлар,  
Майли, гулласин,  
Боғ унсин мангулик музда ҳам, аммо  
Юртим, сени фақат бойликларинг-чун  
Севган фарзанд бўлса, кечирма асло!

1974

\* Шоир ҳаёти ва ижодий йўлини акс эттирувчи сурат-  
лавақа билан журнализмнинг «Ногоҳ» саҳифасида  
танишасиз.

Муҳтарам шеърхон!

Сиз «Ёшлик»нинг «Танишув» рукнида истеъ-  
додли ёшларнинг шеърларини мунтазам ўкиб  
келмоқдасиз. Шеър билан илк бор эл олдига  
чиқиш ижодкор зиммасига жуда катта масъу-  
лият юклайди. Халқимизнинг ардокли шоири  
Абдулла Орипов эса бундай шарафли манзил-  
ни бундан салкам ўттиз йил бурун босиб ўтган  
эди.

Илк кадамлариданок шеърятимиз кўкида  
«митти юлдуз»дек порлаган истеъдод соҳиби  
Абдулла Орипов бугун кутлуг 50 ёшни қарши-  
ламоқда. Шу муносабат билан биз шоир ижо-  
дининг жўшқин ва навкирон фаслида битилган  
энг сара шеърларидан бир гулдаста тизиб,  
Сизга такдим этишни лозим топдик.\*

Алишер

Жаҳонки муқаддас нени кўрибди,—  
Барига онасан, эй қодир ҳаёт.  
Беш юз йил наридан боқиб турибди  
Нурли бу юзларга нуроний бир зот.

Шу буюк ўғлингни ардоқлаб дилдан,—  
Халқим, таъзим этсанг арзигай тамом.  
Унинг номи билан бирга битилган  
Дунё дафтарида ўзбек деган ном.

Бойқаро иргчишлаб истак отида,  
Жаҳонга боққанда мисли бола шер,—  
Хирот дарвозасин бир қанотида  
Шеърый лашқарини тизган Алишер.

Дунёда бирор ном қолдирмоқ учун  
Юрт бузиш шарт эмас деган гап-ку, рост.  
Кимдир пеш қилганда найзанинг кучин  
Алишер қаламни кўрсатган холос.

Тун билан тонг эрур ташбеҳда удум,  
Мисоли захру май, ҳажру шакар лаб.  
Кимнидир қуёшдай эсласа мардум,  
Кимнидир зулматдай юрарлар қарғаб.

Нидо тингла бу кун юртинг тарафдан,  
Эй, йироқ Хиротда маскан топган эр!  
Огоҳ бўл, Алишер, сен ушбу гапдан:  
Ҳар икки набиранг — бири Алишер.

Байтингга бир бора қовушиган ҳар лаб  
Такрорлаб кетгуси Маҳшаргача то.  
Қаратиб турибсан бу ён, не ажаб,  
Миллиард мартабали жаҳонни ҳатто.

Бировлар наздида жоҳил Осиё  
Фақат завол кўриб, кўрмаган камол.  
Мусо илтижоси етди-ю гўё  
Ҳақ Тур тоғи узра кўргазди жамол—

Жаҳон меҳробида пайдо Алишер...  
Шодмон қасида айт сен ҳам, эй қуёш.  
Беш юз йил унга ҳам нима гап ахир,  
Мингга қадам қўйди йигирма беш ёш.

1968

## Муҳаббат

Ҳаёт менадан аямади неъматларини,  
Не истасам берди доим ҳеч бир тонмайман.  
Фақатгина бир ғам ўртар юракларимни,  
Мен муҳаббат тақдиримдан мақтанолмайман.  
Болаликдан ўтиб мен ҳам, бўй етиб секин  
Гоҳо пинҳон, гоҳо асов дарёдай тошиб,  
Бир ёш йигит севганчалик севдим-у, лекин  
Бошқалардай толе менга бўлмади насиб.  
Кўнгиш шишам бир сўз билан қолганда дарз еб  
Қаламимдан илк мартаба тўкилди ғамлар.  
Сен бўлмасанг дунё ўзи менга надир, деб  
Нидим ҳатто талай-талай шеърӣ қасамлар.  
Ўтар экан ҳамма нарса, йўқ экан турғун,  
Ҳатто севги неларгадир бўларкан таслим.  
Бугун ҳаёт нималиги, севги йўриги  
Бари маълум, ҳаммасига етади ақлим.  
Юрагимдан севги изи топилмас асло,  
На бир афсус, на бир алам чиқмайди ундан.  
Шоир сатрин такрорлайман секин, бепарво:  
«Қайтмас энди, умид қилма кетган тўлқиндан...»  
Сокингина бўлиб қолган юрагим шундоқ,  
Ўтирмайман у кунларни сўкиб, қоралаб.  
Энди менга бари бирдир, дейману шу чоқ  
Ўзга оташ ахтараман ҳаёт оралаб.  
Ёлғиз туриб юлдузларга боқаман гоҳи,  
Ё ўзимча туш кўришининг сирин ўйлайман.  
Қайфиятим кўтарганда, тушса нигоҳим,  
Тўғри келган ҳар нарсани шеър деб куйлайман.  
Баъзан узоқ қишлоқдаги кекса онамга  
Юбораман маъниси йўқ, пала-партиш хат.  
Ҳамма нарса гоҳо эрмак туюлар менга,  
Ҳамма нарса гоҳо осон кўринар фақат.  
Баъзан эса ўз-ўзимча кетаман тўлиб,  
Титрайман ҳам оҳанларни тинглаб жимгина.  
Уртоқларим ўраб олар юпатмоқ бўлиб:  
«— Айтгин, ахир, нима сенга етишмас, нима?!»  
Йўқ, йўқ, ҳаёт аямади неъматин менадан,  
Тўрт мучам соғ, дўстларим бор ҳавас қилгулик.  
Нолимайман на келажак, на ўтмишимдан,  
Иродам бор, келса агар бирор кўргулик.  
Фақатгина бир куч бордир, фақат угина  
Зор йиғлатар, қилолмайман мен унга тоқат.  
Ҳаётимда чақнамайсан фақат сенгина,  
Толемда сен бўлмадинг, бахтли муҳаббат.  
Кимга шошай, кимни кўмсаб, кимга сигинай,  
Фариштам, деб оқ ювибу оқ тарай кимни?  
Кимни, Лайлим, Шириним деб, бахтим деб атай,  
Ҳаётим, деб чўққиларга кўтарай кимни?!  
Йўқ, йўқ, ўтган муҳаббатни кўмсамайман ҳеч,  
Нима керак кулни титиш, бўлмаса учқун!  
Наҳот қайта севолмасман! Наҳот энди кеч!  
Наҳот энди кўнгиш узсам севгидан бутун?!  
О, қалбимга сен ҳам ошно бўлсайдинг, севгим,  
Айрилиқмас, висол куйлаб қолсайдим ғамда,  
Ҳар қандайин аянчни ҳам улуғлар эдим,  
Мен ўзимчи бахтли дердим ҳар қандай дамда.  
Йиғласам-да кулар эдим мағрур ва осон,  
Севгим билан зарб берардим ҳар қандай ғамга.  
Яна қайта севарманми? О, гар севолсам,  
Майли, ҳаёт, бор-йўгингни ташла елкамга,  
Ромеодай ўлимга ҳам тайёрман у кез,  
Қотиллик ҳам қилай майли Отелло монанд.  
Фақат сен кел, юрагимда армон бўлган ҳис.  
Сенсиз ҳаёт пуч бир нарса, эрмак, омонат...

1965

## Аёл

Йигитлар мактубин битганда қондан,  
Келинлар фиरोқдан чекканда ёху,  
Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан,  
Ун тўққиз ёшида бева қолди у.

Севгидан етиму умрдан ярим,  
Куриган кўксига ёлғиз беланчак.  
Абадий фиरोқни, ҳайҳот, дўстларим,  
Абадий висол деб билди келинчак.

Қақраган лабларда оловли нафас  
Кечалар кечмишин айлади кўмир.  
Паришон сочлари ёр кўкси эмас,  
Муздайин болишда қолди бир умр.

Йиллар ҳам ўтдилар, ҳамон у ёлғиз,  
Мунғайиб термулар ботғувчи кунга.  
Эй номард табиат, борми сенда ҳис,  
Қайтадан бахт берсанг бўлмасми унга?!

Наҳот ишқ қисмати бунча бераҳм,  
Бунчалар буюксан вафо шеваси.  
Сенгадир ҳурматим, сенга шарафим.  
Қаҳрамон жангчининг буюк беваси.

Сиз-чи эй, садоқат сатридан нолиб,  
Надомат комида қолганлар, айтинг.  
Узини минг битта бозордан олиб,  
Минг битта бозорга солганлар, айтинг.

Шу чўлпон кўзларнинг буюк ҳурмати,  
Шу ақиқ лабларнинг рост сўзи дея,  
Сўйланг-чи, вафонинг надир қиммати,  
Сиз ҳам кутганмисиз бирор сония?!

Баъзида тирноқлар безаги учун  
Саҳардан шомгача қилурсиз тоқат.  
Бироқ ёринизни кутгани нечун  
Топилмас тирноқча сабру қаноат.

Назокат пайтимас, яқинроқ келинг,  
Буюк зот қошида айлангиз салом.  
Шу содиқ бевага саждалар қилинг,  
Шу содиқ бевага айланг эҳтиром.

Ҳатто зеб-зийнатни юлқиб зиёда  
Хайкал ҳам кўйингиз бамисли хаёл.  
Шундайлар бўлмаса агар дунёда  
Бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл.

1965

## Тилла балиқча

Тухумдан чиқди-ю келтириб уни  
Шу лойқа ҳовузга томон отдилар.  
Ташландиқ ушоқ еб ўтади кунни,  
Хору хас, хазонлар устин ёпдилар.

Дунёда кўргани шу тор ҳовузча  
Ва мудроқ толларнинг аччиқ хазони.  
Менга алам қилар, тилла балиқча  
Бир кўлмак ҳовуз деб билар дунёни...

1965



Шоир Муҳаммад Али  
билан суҳбат

## Тарих—давомли мангу сабоқдир

— Тарих — хотиранинг ўғлидир, дейди машҳур бобокалонимиз Абу Наср ал-Фаробий ат-Туркий. Жуда ҳам нозик ўхшатиш. Халқнинг ҳаёти, дунёнинг тақдири хамиша ўғилларнинг елкасида бўлиб келган. Ҳамма гап ўша ўғилнинг ноқобил эмас, ақли солих, мўъминлар қатори баодоб ва оқил бўлиб вояга етишида.

Шукрлар бўлсинки, «ўғил» ноқобил эмас, фақат уни шундоқ деб таърифлашга, кўрсатишга уринишлар бор. Бундай уринишлар уни четлаб ўтиш, камситиш, ҳақоратлаш, қолаверса, уни ўқиб-ўрганмаслик билан боғлиқ. Буларнинг ҳаммаси тарихимизни яхлит тасаввур қилишга халал беради, уни олақуроқ қилиб қўяди. Холбуки тарихимиз сўзана янглиг мукамал ва тугал, ундаги ҳар бир нақш ўз жойида... Шу ўринда ўрис тарихини олиб кўринг. Урусия гарчи Иван Грозний вақтидагина йириқлашган ягона давлат нуфузига эга бўлган эса-да, биз княз Олегдан бошлаб унинг яхлит тарихини биламиз. Бу, албатта, ўрисларнинг тарихига меҳр-муҳаббатидан, уни ўқиб-ўрганишларидан, шунга интилишларидан...

— Дунё халқларининг ҳар бири ўзига хос тарихга эга. Туркий халқларнинг тарихан илдизи бир. Утмиш битикларида ёзилган: ўзбек, қирғиз, уйғур, туркман, тотор, бошқирд, козок, ёкут, қумик, нўғой, усмонли турк, чуваш, ҳақос, озарбойжон, тува, гагауз, қорақалпоқ ва булардан бошқа йиғирма бешдан ортик миллат туркий халқлар деб тилга олинади. Демак, бу

халқлар бир дарахтнинг улкан шоҳлари. Яна тарихий манбаларда таъкидланишича, йиғирмадан ортик катта туркий қабила ва қавм қайта гуруҳларга ажралиш натижасида шаклланиб ривожланган деган гаплар ҳам маълум. Кейинги яратилган айрим асарларда чалқаш, хато маълумотлар мавжудлиги кишини ўйлантиради.

— Чиндан, туркий халқларнинг илдизи бир, шу сабабдан ҳам қадимдан Турон, Туронзамин, Туркистон жугрофик номлари машҳурдир. Ростдан ҳам қизиқ ҳодиса: Туркистон, XII аср форс тарихчиси Муҳаммад ибн Мансур Марваррудийнинг «Тарихи Муборакшоҳ» асарида ёзишича, шарқда — Чин, ғарбда — Рум, жанубда — Хиндистон тоғлари ва шимолда Яъжуж-Маъжуж юрти (Урол тоғлари бўлса керак) билан чегараланади. Мана шундай катта ҳудудда турклар яшаган. V—VII асрлардаги Буюк Турк ҳоконлиги, Туркистон атамаларига эътибор бериш. Муттасил босқинларга дучор бўлган юртимиз аста-аста ўзининг яхлитлигини йўқота борди. Марваррудий таъбири билан айтганда «турк вилояти» парчаланиб кетди. Иван Грозний Қозон ва Ҳожи Тархон хонлиқларини босиб олганидан сўнг ғарбда Крим, жанубда Қозогистон (бугунги тушунчада), Кавказ ва Урта Осиё ерлари бирин-кетин забт этилиб улкан рус империясига қўшиб олинди. Буларнинг бари икки юз-икки юз элик йил ичида юз берди. Адолат юзасидан шунини ҳам айтиш керакки, бу пайт Туркистоннинг ўзида бўлиниш пайдо бўлган. Амир Темур ва Абдуллаҳон II давридаги бус-бутун юрт уч хонлиқка — Қўқон, Бухоро ва Хива хонлиқларига бўлинган эди. Туркистоннинг тарқоқлиги босқинчилар учун қўл келди. Шунингдек, «бўлиб олу даврон сур» ақидаси ҳам босқинчиларнинг энг ардоқлаган шiorларидан эди. Юқорида Сиз тилга олган миллатлар аслида номлари ҳар хил бўлган туркнинг қавмлари эди; туркнинг ҳар турли лаҳжалари, ўз-ўзини англаш жараёнини бошдан кечирар эканлар, парчаланишни тезлаштирдилар. Уктабир тўнтаришдан кейинги Урта Осиё жумҳуриятларининг ўзaro миллий чегараланиши ўтказилиб, Туркистон унл-кесид парчалаб ташланди. «Коммерсант» жаридасининг 1990 йил 25-сонида ёзилишича, Туркистонни миллий-худудий белгиларга қараб бўлиш фикри Ленинга тегишли экан. «РКП(б)нинг Туркистондаги вазифалари ҳақида» Марказий Комитетнинг қарори лойиҳасига Ленин 1920 йил 13 апрелда куйидаги сўзларни ёзиб қўйган экан: «Поручить составить карту Туркестана с подразделениями на Узбекию, Киргизию и Туркмению».

Миллий чегараланиш ўтказилиб, гўё инқилобнинг миллатлар ўз тақдирларини ўзлари хал қилиш ҳуқуқига эгадирлар, деган шiorига амал қилинди. Ана энди ўтмиш бир, дини, эътиқоди, урф-одати, маданияти бир халқлар бир-биридан узоклашиб, ҳар бири узокроқ ва мўътабарроқ тарихга эга бўлиш ташвишини чека бошладилар. Энди асли бир буюк халқнинг шоири бугун, шу халқнинг бир қамининг шоири деб эълон қилинди. Мен Алишер Навоийни назарда тутмоқдаман. «Муайян турк улуси худ мейингдур» деб хайқирган шоир, бугунги кунда фақат ўзбек халқининг шоири. У ҳақда юзлаб латифалар тўқиган Салжукий туркларининг айлочлари туркманлар уни бизнинг ҳам шоиримиз дейишга маънавий ҳақлари йўқ... Еки шеърларини қўшиқ қилиб қуйлайдиган ўзбеклар Махтумқулни бизнинг ҳам шоиримиз, дейишга тортинадилар — тагин қардошлар хафа бўлиб қолшмасин, даъво деб тушунишмасин, дейдилар... Еки Фузулий, Сайфи Саройи, Обойларни олиб кўринг — ўша манзара.

Туркистонни бўлганлар бошқа бир дахшватни унутдилар — аввало, юрт бўлиниб ҳар томонлама кучсизланди, иккинчидан, миллатлар ўртасида «ўзим бўлай» деган носоглом кайфият туғдирди, миллий худбинликни, миллий ҳасадни келтириб чиқарди. Мана ўша худбинликнинг охириги кўринишларидан бири — ўш воқеалари... Энди «йиғирма бешдан ортик катта туркий қабила ва қавмнинг қайта гуруҳларга ажралиш натижасида шаклланиб ривожланган» деган фикрга келсак, уларнинг ажралиши куч билан бўлганлигини айтдим, лекин ривожланиши ҳеч қачон алоҳида қечмайди, қеч олмайди ҳам. Чунки уларнинг илдизи бир, пирлари бир, тарихи бир...

— Тарихимиз улкан ҳазина. Урганишининг эрта-кечи йўқ. Ҳар бир аср ва давр аниқ бир босқич воқеа-ҳодисалар йўлини босиб ўтган. Тарихга ҳолисона баҳо бериш пайти этилмадимиз?



Бир назар ташлайлик. Туронзамин ва Шаркий Туркистон; Ахамонийлар (Эрон) ва Искандар босқини; VI аср Кўк Турк ҳоконлиги; VII—VIII аср араб истилоси; XI—XII аср қорахонийлар; XIII аср мўғул истилоси; XIV—XV асрлардаги Амир Темур ва темурийлар авлоди замонаси; Шаркий Туркистоннинг Манчжур империяси томонидан босиб олинishi (1759 йил). Ҳалигача кўп нарса ошкор ёзилмапти. Тўғри, бир-икки нарсалар матбуотда чиққанини инкор этмаймиз. Ахир, асл ҳақиқатни жаҳон ва рус тадқиқотчи олим ва ёзувчилари аллақачон айтган-ку! Бизда энди гапирляпти. Улар аниқлаган манбаларни ҳеч бўлмаса бугун халққа етказиш керак. Шундай эмасми?

— Тарихга ҳолисона баҳо бериш... Жуда кўпин вазифа. Қийинлиги шундаки, ҳаёт, турмуш, фан, ҳусусан, тарих ҳақидаги айтилган ҳолис фикр маънавий ва моддий ҳаётимизни ўзининг монополиясига айлантирган ягона сиёсий мафкура қоидаларига тўғри келиши керак... Ана шундай айтилган жуда кўп «ҳолис баҳо»ларни биламиз. Масалан, «Ўрта Осиёнинг Ўрусияга қўшиб олинishi» деган гап... Қарийб эллик йилдан бери юртимиз Ўрусияга қўшиб олинди, деб ёлгон сафсата сўкиб келинмоқда. Афтидан, «қўшиб олинди» ибораси «босиб олинди»га қараганда юмшоқроқми, билмадим... Ахир бу ҳақда талай тарихчиларнинг асарлари мавжуд, шунингдек, тарихчиларимиз Б. Ахмедов, Х. Зиёев, К. Махмудов, Ҳ. Бобобеков, шоир Ҳ. Даврон ёзилар.

Сирасини айтганда, ҳали бутун тарихимиз ҳолис баҳога муҳтож. Тарихимиз ҳақида жаҳон олимларининг асарлари бор, масалан, Вамбери, Бартолд ва х. к. Аммо мен ўз тарихимиз ҳақида ўз олимларимизнинг ёзишларини истардим. Ўзганинг фикрини ҳурмат қилмоқ керак, аммо ўз фикрингга эга бўлмоғини шарт! Ҳусусан, V-VII асрларда ҳукм сурган Буюк Турк ҳоконлиги, салтанат нуфузи, Шаркий ва Ғарбий ҳоконликларга бўлиниб кетишларининг сабаб ва оқибатлари ҳақида. Дарсликларда диёримиздаги фуқаролар уруши ҳам давр мафкураси нуқтаи назардан босмачилик ҳаракати деб номлаб келинди. Энди бу ҳаракатларнинг ҳар бири ҳақида ҳолис баҳо беришнинг вақти етди.

— Тўғри-ку, лекин бир гап айтганим. Айрим олимларимиз ва ижодкорларимиз илгари босмачилик ҳаракатига ҳолис баҳо бермади, салбий фикр билдиришдан нари ўтмади. Бугун босмачилик ҳаракати асосан юрт озодлиги учун бўлган ошқора айтиляпти. Босмачилик ҳаракати ҳусусида яратилган ижобий асарлар ҳам мавжуд. Мен ёзувчи Мамадали Махмудовнинг «Богдон қашқир» ва Шукур Холмирзаевнинг «Қора камар» асарлари ўз даврида ёзилган юксак асарлардан деб ҳисоблайман. Уша «турғунлик йиллари» аталмиш оғир пайтлари академик Иброҳим Мўминов сингари билимдон, халқпарвар илм соҳиблари ўз фикрини айтишга журъат қилган. Ҳозир ёш авлод Амир Темур тўғрисида йирик, кўзга ташланадиган асар йўқлигини қуйинчаклик билан гапирди. Жаҳон ва қардош халқлар адабиётида эса буюк саркардалари ҳақида том-том асарлар борлигини яхши биласиз. Қачон ўзбек китобхони аждодлари тўғрисидаги тарихий китоблардан теранроқ хабардор бўларкин?

— Бундан йигирма йиллар муқаддам мен «Қадимги кўшиклар» деб номланган бир туркум ёзган эдим, тарихимиз ҳақида. Унда «Подшо ва шоир» деган бир шеър бор, шеърда фуқаролик туйғуси ва бурчи ҳусусида фикр юритмоққа уринган эдим. Шеърда ҳикоя қилинишича, юртга душман бостириб кирган, ҳамма жон олиб, жон бериб Ватан ҳимоясига отланган... Шоир эса панادا туриб мана шу жанг ҳақида достон ёзмоқда. Бирдан юрт подшоиси — Насриддин Афанди шоир ўтирган хонага кириб қолади ва шоирдан, нима учун душманга қарши жангда иштирок этмаётирсан, деб сўрайди. Шоир қогозу қаламинни кўрсатиб, менинг жангим шу, дейди, жонини ҳам Ватанга беришга тайёрлигини айтиб, шеърлари етим қолишдан кўр-қилини билдиради. Ҳазабга минган подшо:

Юртинг етим қолса барибир сенга,  
Шеърларинг етим қолишмаса, бас,  
Бефойда қаҳрингу нафез севгинг-ла  
Қимга ҳам кераксан, эй бечора шахс?..

дейди ва уни жинойтчи атаб, зиндонга буюради.

Кўпимиз ўша шеър қаҳрамонига ўхшаб кетамиз. Бирон

журъатли ишни кўрсак, оғизда мактаймиз, лекин амалий ишга келиб қолса, ўзимизни панага оламиз... Хай-хайлаб курашга тушган одам, бир ўзи душман қуришанда майдонда қолиб кетади. Академик Иброҳим Мўминов ҳам ўшандай бўлди. Умуман, бу ўзбекининг, тўрқининг фожияси.

Амир Темур тўғрисида йирик асар йўқлиги тўғри. Аммо, ёзилади! Ҳўш, шундай асар йўқ экан, унда борларини таржима этайлик, уша ёш авлодга тақдим қилайлик ахир! Ахир шулардан бири буюк инглиз драматурги Кристофор Марлонинг «Буюк Темур» (1587—88) фожиясидир. Марло Шекспирнинг устози ҳисобланади, ҳатто Шекспирнинг илк асарларини ёзишда биргалишиб иштирок қилган, дейдилар. Марло бу фожиясини ёзганда бор-йўғи йигирма уч ёшда эди, мана қарийб тўрт юз йил давомида Буюк Британия киролинингнинг Шекспир театри ҳар йили ўз маъсумини «Буюк Темур» фожияси билан бошлайди. Бу Амир Темурнинг ола юртидан олисада бўлган Англияда. Оёз юртда-чи? Нима учун Ҳамза театри ана шу фожияни ўз сахнасида қўймади. Бу, билинчидан, буюк бобомиз руҳига таъзим бўлса, иккинчидан, жаҳон драматургиясининг энг ажойиб асарларидан бирини ижро этиб, ҳам театрни, ҳам халқимизни маънавий томондан бойитган бўларди. Уни яхши шорка ва таржимон Маъруф Жалил таржима этганидан хабарим бор.

Умуман олганда, фақат Амир Темур ҳақида эмас, балки халқнинг тақдирини мўлаҳиза из қолдирган сиймоларимиз тўғрисида ҳам ёзмок жондир. Юсуф Хос Ҳожиб, Махмуд Қошиғарийлар ўзларининг буюк асарларини битган, Бухорода бугун ҳам кўзини қувватиб турган Қалон минораси (уни қорахоний Арслонхон 1127 йилда бино қилдирган) пайдо бўлган қорахонийлар замони, Абдуллохон II, Абулғози Баҳолирхон, Нодирбағим замонлари ҳақида ҳам романлар, киссалар, сахна асарлари яратиб керак. Шу ерда бир нарсани айтиб ўтиш зарур. Мана, «Шарқ юлдузи» журнали Қуръони каримни Алоудин Мансур таржимасида эълон қилмоқда. Мен иккинчиинчи йилларни бошида адабиётимиз, маданиятимиз ва сийғатимизда ноёб истеъдодлар пайдо бўлади, деб умид қиламан. Улар Қуръони каримни ўз тилларида ўқиб ундан бевосита баҳраманд бўладиган ижодкорлар сирасига кирар. Шу пайтгача эса биз шундай улуг китобдан жуда йироқда эдик. Албатта, И. Крачковский таржимасидаги нусхадан ўқигандим. Лекин Қуръони каримни тушунарли лафзда изоҳлари билан ўз она тилинда ўқиган қабқла-ю, қатъий илмий йўсинда беғоша тилда қилинган мураккаб таржимада ўқиб қабқда!.. Бу улуг китобни ўқиб мағзин чакмок — бахт!

— Буюк Темур тузган давлат ва темурийлар сулоласи парчаланишининг сабаби асли нимада эди?

— Ана ўша... «бўлиниш!..» «Ўзим бўлай» фалсафаси!.. Амир Темур ҳаминша бундай бўлинишларга қарши бўлиб келган, аксинча бутун савий-ҳаракатини бирлаштишга қаратган эди. Бу ҳақда у ўзининг «Тузук»ларида ёзиб кетган, унинг марказлашган давлати бунга мисол ҳамдир. Аммо шунга қарамай, бу давлат парчланиб кетди, Сабабларига келсак, бу нарса тарихда шахсининг буюк роли борлиги билан боғлиқ. Шахсининг буюк роли бор экан, демак, бу ўша шахс мансуб халқнинг инсоният олдидagi буюк хизматиدير. Амир Темур шахс эди, унда билим, шижоат ва жасоратдан бошқа, қатта давлатни бошқариш салоҳияти ҳам мужассам эди. У ўзида бир неча авлодларнинг идрокчи қудратини жамлаштирган фавқуллода истеъдод соҳибига айланади. Темурдан кейин шундай қатта давлатни бошқаришга муносиб ворис топилмади. Улкан давлат эса Темур давридаёқ бўлиб ташланган эди, Амир Темур ҳозирги Ўзбекистон ҳудудини ўз қўлида сақлаб қолган ҳолда, Хуросон ва Сейистонни, шунингдек, Журжону Мозандаронни Шохрухга берди, пойтахт қилиб Хиротни белгилади, маркази Шероз бўлган Форси Умаршайх бошқарди, Афғонистон билан Шимолий Ҳиндистонни Жаҳонгирга суяроғол этди, Табризни макон қилган Мироншоҳга Озарбойжону Ирок, Арманистону Ғарбий Эронни идора этишни топширди. Тўрт ўғлига берилган бу улуслар номингагина Самарқандга итоат этишар, уларнинг ўз мустақил қўшинлари ҳам бор эди. Улар улусдан тўпланадиган солиқларнинг бир қисмини юборишар, жангларда иштирок этишга қўшини жўнатишар, марказий ҳокимиятга тобелик шу билан белгиланар эди, ҳолис. Шунини айтиш керакки, темурийлар давлати тузилishi яхши ўрганилмаган. Яна бир жиҳати, Темурнинг ўғиллардан ҳам унча омади келмади... Унинг бор-йўғи тўртта ўғли бўлган. Иккитаси Темур ҳаётлигидаёқ

дундан кўз юмган: Жаҳонгир — 1376 йилда, Умаршайх — 1394 йилда. Учинчи ўғли Мироншоҳни ўзбошимчалиги ва халқнинг порозилиги сабаб Темурнинг ўзиёқ ҳокимиятдан четлатди... Кенжа ўғли Шохруҳ оғалари ичида улуг отасига муносиброқ бўлиб чиқди. У давлатни парчалашнинг олдини олишга ҳаракат қилди, пойтахтни Самарқанддан Хиротга кўчирди... Лекин мана шу қадамнинг ўзиёқ парчаланишга кўйилган бир одим эди. Умуман, Темур ўғилларидан кўра кўпроқ набираларига меҳр кўйганди. Айниқса, Жаҳонгирнинг ўғли шахзода Муҳаммад Султоннинг суйган набираси эди. Мен «Гумбаздаги нур» достонинда шахзода ҳақида қалам сурган эдим. Амир Темур уни ўзининг валиаҳди деб билар, шу важдан етти йиллик урушга кетишдан олдин Самарқандга ҳоким этиб тайинлаганди. Темур суюкли набираса «Халоқхоннинг тахти»ни (Шимолий Эрон, Бағдод ва Кавказорти) бермок учун 1401 йилда уни хузурига чақиртиради. Аммо Муҳаммад Султон 1403 йилда бетоб бўлиб вафот этади... Яна бир ардокли набира Мирзо Улугбек бўлса саркардалиқдан кўра кўпроқ аллома эди...

— Ҳа, хонликларга бўлиниш парчаланишнинг бош сабаби дег. Семизкент (Самарқанд) XVI-XVII асрларга келиб асосий икки мустақил давлатга — Бухоро ҳамда Хива хонликларига бўлиниб кетади. 1709 йилда эса Бухоро хонлигидан Фарғона ва Тошкент ҳам ажралиб чиқиб, Қўқон хонлиги ташкил топади. Туркистонда «уч хонлик» вужудга келади. Ана шу хонликларга бўлинишга ўзаро уруш, ички низо, жанжал ва келишимовчиликдан ташқари яна нималар сабаб бўлган деб ўйлайсиз?

— Ана шу даврда давлат ва сибсат ботида буюк шахслар бўлмаганидан деб биламан. Темур, Бобур, Шайбонийхонга ўхшаш... Юртни ҳам ақл билан, идрок билан, ҳам қудрат билан бирлаштира оладиган подшоҳларимиз шу даврда учрамайдик. Аммо бир шахс ҳақида гапирмасдан ўтиб бўлмайди. Бу — Абулғози Баҳодирхон. Абулғозиҳонда ўз салафларига ўхшаш оламни кенг идрок этиш, ўшанга яраша билим ва мушоҳада, иқтидор мужжасам эди. Шу сабабдан ҳам у юрtda таркоқлиқни тугатиш, марказлашган давлатни мустаҳкамлаш ҳамда мамлакат мустақиллигини вужудга келтириш орзулари билан яшайди. Лекин ўзаро низолар, майда кин-адоват, ҳасадлар туфайлдан Абулғозиҳоннинг йигирма йилча умри бекор кетди. Юрtda тинчлик йўқлигидан у гоҳ Бухорога, гоҳ Эронга, (Эронда, Исфаҳон ёнида Таборак қалъасида ўн йил камокда ётди) гоҳ Мингкишлокка қочишга тўғри келди. Фақат қирқ ёшдан ўтгандагина Хива тахтига миғди. Ун тўққиз йил давомида хонлик қилиб, тахтни кўзи тирикчилигида, — ўзи! — ўғли Анушахонга беради. Жаҳон тарихида бунақаси кам бўлади, ҳа, Бобур ҳам шундай қилган, тахтни ўғли Хумоюнга ўзи топширган эди...

Афсусларким, Абулғозиҳонга ўхшаганлар жуда кам эди. Кейинги хонларнинг жуда кўплари фақат шахсий фароғатларини ўйлаб иш тутдилар, хазинани бойитиш, ҳарамни «янгилаш» хонлиқнинг асосий вазифаларидан бўлиб қолди. Буларга миллий худбинлик кўйилди, лекин улардаги худбинлик йигирманчи асридан фарқ қиларди албатта. Уларда тўпори худбинлик бор эди, бизнинг замонимизда эса миллий худбинлик жуда ҳам «нозиклашиб» кетди, сезилмас, ташқи таъсирлар кўп...

Хуллас, Туркистонда бирлашишга интилиш сезилмади, тарих ҳатто ўзгача манзаралар чизди; йўқса Қўқон саркардаси Алимкул Тошкентдан анча йирокда ўрис кўшилари билан жон олиб, жон бериб жанг қилиб ётганда, Бухоро хони унга ёрдамга келмок ўрнига... Қўқонга бостириб борармиди?..

— Ўша даврда кескин уруш, кўзғолон ва мусулмонлар ғазовоти ҳам бўлиб ўтади. Бунга асосли манбалар бор. Айтнингчи, мусулмонлар ғазовотни нимага жорий қилишади?

— Ғазовот, жиҳод — дин, эътиқод учун кураш демакдир. Ғазовотни қимдир ўйлаб чиқармаган, балки у ҳаётий заруратдан келиб чиққан. Ўша нарса дину эътиқодни оёқости бўлишдан асраб туради, энг муҳими, у кишиларни бирлаштиради. Айни шу нарса мусулмонликнинг юксак даражаларидан, бурчларидан бирига айланган. Исломда мусулмонлик миллат даражасига чиққан, бу ҳам унинг ўша бирлаштириш ниятларидан тугилгандир.

— Бизда жойларнинг тарихи алоҳида ўрганилиб келинди. Жуда яхши. «Самарқанд тарихи», «Бухоро тарихи», «Тошкент тарихи», «Хоразм тарихи», «Фарғона тарихи», «Андижон тарихи» ва ҳоказо. Ахир қачон «Туркистон тарихи» қомусини ягона асар тарикасида яратамиз?

— Тўғри айтасиз. Яқинда Ўзбекистон ССЖ Фанлар Академияси Тарих институтида «Чоризмнинг Ўрта Осиёга ҳарбий юришлари ва мустамалакчилик сибсати» мавзuida илмий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Ўрта Осиё ва Қозоғистондан таникли олимлар иштирок этдилар. Ана шу диққатга сазовор анжуманда шу ҳақда гап бўлди, бу давр талаб қилаётган иш эканлигини тасдиқлайди. Ажабки, юртимизга ҳам бостириб келган бўлса, ўзича унга ном кўйган... Мовароуннаҳр, Чиғатой улуси, Ўрта Осиё... Бунга бешта жумҳурият номларини кўшсак, манзара тўла номаёни бўлади. Туркистонга бунча номнинг зарурати йўқ эди. Туркистоннинг ягона, яхлит тарихи яратилиши керак! «Туркистон тарихи. Энг қадим даврлардан 1924 йилгача» деган улкан тарих яратилиб, мактабларда, олий ўқув юрtda ўқитилиши даркор. Шўро жумҳуриятлари тарихи эса 1924 йилдан, яъни миллий чегараланишдан бошланади. Тарихи ва тақдири битта, шунинг учун ҳам Туркистон тарихи ягона ҳолда яратилиши лозим, жумҳуриятлар тарихи эса ҳар бири ўзига хос кечди, уларнинг умумий жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Уларнинг алоҳида, бугунги тарихлари алоҳида-алоҳида ёзилиши ва ўрганилиши зарурдир. Буларнинг бари Туркистон тарихининг, минтақанинг бошқалариникига ўхшамайдиган томонлари борлигини кўрсатади. Уларни ҳисобга олмастик ҳақиқатга хиёнат қилиш билан баробардир.

Яна бир нарса. Бордию «Туркистон тарихи» дейиш қимгадир малол келса, майли, «Ўрта Осиё халқлари тарихи» дейилсин. Нима бўлса ҳам, ягона тарих лозим...

— Тарихий қўлёмалар хор-зор бўлиб ётибди. Кутубхона, архив, қўлёмалар мадрасасида халққа ҳам етказилмаган қанча-қанча нодир асарлар ханузгача тўла-тўқис ўрганилгани йўқ. Доимо бир хил баҳоналар рўқач қилинади. Бундан ташқари мутахассис камлиги, иқтисодий маблағ етишмаслиги тақор-тақор айтилди. Бу муаммони хал қилишда бутун жамоатчиликни жалб этиш муҳим. Халқ ва ҳукумат бирор қарорга келар... Ишни тезроқ бажариш учун ҳисоб очилишига кўпчилик рози бўлармикан?

— Аввало иш шу даражага етиб бормас, деб ўйлайман. Ҳисоб очиш масаласида. Бориники, очилди ҳам дейлик. Мен кўп маблағ тушишига ишонмайман. Масалани бошқачароқ кўйиш керакмикан. Назаримда, ўша чанг босиб ётган китобларни ўқиб-ўрганиш, халққа етказиш учун махсус давлат дастури ишлаб чиқиш лозим. Бу дастур бир-икки йиллик эмас, балки узок йилларга мўлжалланган бўлиши керак. Нималар қилиш керак? Ўзбекистон Фанлар Академиясининг муҳбир аъзоси Бўрибой Аҳмедов суҳбатларидан бирида, хорижий мамлакатларнинг қайсинидадир эски қўлёмаларни ғаровдан қилинган сандиқларда сақлашларини ҳавас билан гапириб берган эди. Демак, биринчи ғалда, ўша саксон мингга яқин қўлёмани асраш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ. Каровсиз ётган қўлёмалар бир офатга дучор бўлар эмишлар. Қоғознинг таркибида қандайдир моддага ўч кумурскалар ўрмалаб саҳифаларни тешиб, кераксиз «нуқта»лар кўйилиб, уни ўқийшни қийинлаштиришар эмиш. Бу чиндан ҳам офатдир. Қўлёмалар ғаров сандиқларда бундай балолардан холи бўлишади. Иккинчидан, ўша дастурда эски қўлёмаларимизни ўқийдиган мутахассисларни ниҳоятда кўпайтириш, уларга моддий жиҳатдан афзалликлар яратиш лозимлиги таъкидлансин. Шундай олимлар тарбиясида жумҳурият Улугбек фондидан ҳам фойдаланмок лозим.

— Ўрта Осиё минтақасида кейинги пайтда бахтсиз воқеа-ҳодисалар рўй берди. Фарғона, Паркент, Бўка, Душанбе ва Ўш жоғиалари.

— Миллатлараро, чиққан низолардан оғирроқ нарса йўқ... Фарғона: ўзбек-турк; Янги Ўзан: қозоқ-азарбойжон; Ўш: ўзбек-киргиз можаролари... Эътибор берсангиз, фақат туркий халқлар... Шуларни ўйлар эканман, болалгимиздаги воқеалар ёдимга тушади. Қишлоқ болалари ичида ҳаммамиз кўрқадиган каттамиз бўларди. У бизларни уриштиришга уста эди. Иккинчиси чақириб, ўртани бир қизиб кўяр эди-да: «Қани, қим шу чизикдан биринчи бўлиб ўта олади?» деб гиж-гижлар эди. Биз эса уришишни хоҳламадик. У бўлса: «Қим ботир экан? Қим ботир бўлса шу чизикдан шартта ўтади!» дейишини кўймасди. Ниҳоят, биттамиз «мард»лик қиламиз: чизикдан ўтамиз. Мана шу ўтган-ботир саналади. Муштун ҳам аввал шу уради, иккинчиси жавоб беради. Муштлашув авяга чиқади. Каттамиз қараса, иш чаток: ўйин деб бошланган нарса бурун қонашларга олиб борапти. Одамлар келиб қолса, қаттани айбор

қилади... У дарров иккимизни ҳам бир шапалокдан уриб ажратиб қўяди. Биз эса унинг ажратиб қўйганидан миннатдор бўлмайиз, хайрият, каттамыз бор-а, деймиз. Каттамыз ишини ўзи бошлаб, ўзи тўхтатади, бунинг эвазига раҳмат ҳам эшитилади... Бу ерда ҳам шундоқ: қандайдир катта қора кучлар туфайли миллий низолар келиб чиқмоқда. Гап кўп...

— Сизнинг «Бокий дунё» номли тарихий мавзудаги шеъринг романингиз ўзига хос аҳамиятга эга. Шу романда тарихий шахслар образларини чизасиз. Авлоний, Дукчи Эшон, Мадаминбек. Шу тўғрисида суҳбатлашсак.

— Мен бу асарда халқимиз ҳаётида, тарихида юз берган иурли ва фожейи, — аслида бу икки тушунчани бир-биридан ажратиб бўлмайди, — нуқталарни қаламга олдим ва уларнинг ўртасидаги кўзга кўринмас алоқаларни кузатишга уриндим. 1898 йилги Андижон кўзғолони, 1916 йилги Жиззах кўзғолони ана шундай нуқталардан, бу нуқталар халқнинг бўй-бастини тўла кўрсатишга имкон берадиган қудратга эга. Андижон кўзғолонининг бошида мингтепалик Мадали халфа ёки халқ тилида Дукчи эшон турган. Дукчи эшон шахсига шу пайтгача ўрисларга қарши курашган деб қаралиб келинди. Холбуки, у ўрисларга қарши эмас, ўрис мустамлакасига қарши курашган эди. Бу маънода у ҳақиқий фуқаролик бурчини бажарди. Чиндан ҳам ўрис бошка, ўрис мустамлакаси бошка. Мен Дукчи эшонни Широқ, Спитомин, Муқанна, сарбадорлар, Маҳмуд Торобий, Пўлатхон сингари қахрамонлар қаторига қўймади. Албатта, уларнинг қахрамонликлари кўлами ҳар хил, улар турли даврларда, турли шароитларда яшашган, лекин асл максادلари моҳият эътиборан бир-бирларига уйғунлашиб келади: улар босқинчиларга қарши кураш олиб борганлар.

«Бокий дунё» шеъринг романи устида ишлар эканман, бир нарса диққатимни тортди. Шундай тушунча бор: гўё Урта Осиё халқлари феодализмдан капитализмни «хатлаб» тўппа-тўғри сотсиализмга ўтдилар... Бу китобларда ёзилди, мактабларда ўқитиб келинди, тарғиб қилинди... Бунга кўшилиш кийин. Матълумки, ҳар бир халқнинг бировиникига ўхшамаган ўз ҳаёти, ўз тарихи, ўз умри бор. Табиатга зўравонлик қилганимиз учун табиат биздан қаттиқ ўч олмоқда. Тарих ҳам шундай, унга зўравонлик қилиб бўлмайди. Мана, халқимизни сотсиализмга «ўтказиб» қўйдилар, жаҳон халқлари тарихида юз-юз эллик йиллик жараёни бошдан кечирган капитализм бизда... осонгина ўтиб кетди... Йўқ, бу ташқаридан қараганда шундай, аммо онгимизда бундай бўлмади. Халқимиз сотсиализмда яшаётгани билан унинг онгида капитализм ва сотсиализм узлуксиз кураш олиб бормоқда... Капитализм — миллий онгни шакллантирадиган, миллий гурурин уйғотадиган, ўз-ўзини англашга мажбур этадиган даврдир. Жаҳон халқлари тарихига эътибор беринг. Уни ҳар бир миллат, халқ бошидан кечиршига мажбур — бу жамиятнинг ўзгармас қонуни. Ахир бирдан кейин икки келади, тўртга сакраб бўлмайди-ку!

— Хорижий ўлкаларда кўплаб ватандошларимиз истиқомат қилишади. Ошқоралик туфайли кўпчилиги ташриф буюриб келмоқда. Хорижда яшаётган ўзбеклар (туркий халқ) билан маданий-иқтисодий алоқалар мунтазам қачон ўрнатилар экан? Туркия билан-чи?

— Хорижда жуда кўп туркистонликлар истиқомат қилишади. Улар билан алоқаларимиз жуда суст. Бунинг сабаби аён. Жумҳурият президенти Ислом Қаримов, биз қонда яшаймиз, деган чиройли иборани ишлатди. Чиндан ҳам, биз оғзи боғлаб қўйилган қоп ичнда яшаймиз. Чет билан бутун алоқалар Москва орқали бўлади. У ерда, нечундир, бизларни юртдошларимиз билан учраштиришга унчалар ҳам қизиқишавермайди... Мана яқинда жумҳуриятимизда Мустақиллик декларатсияси эълон қилинди, яхши иш бўлди.

Умуман, биз энди қараб турмаслигимиз керак, ҳаракатда баракат, деганлар. Ўзимиз учун ўзимиз шароит яратмасак, ўз ташвишимизни ўзимиз чекмасак, ўзимизни ўзимиз ўйлама-сак, биров бизга ёрдам бермайди. Мустақиллик декларатсияси шунинг нисоли бўлди. Хуллас, тарих — давомли мангу сабоқдир. Ҳамма гап — унга ўтли-шудли шогирд бўла олишда!

— Раҳмат.

Суҳбатдош: Мамадали Эронов



\* \* \*

*Бу кеч ҳам паришон,  
ёлғиз негадир  
Кезиб юрганмишсан тушимда...  
Боғимда хазонларни  
биттаб териб,  
Ва дарахт шоҳларига илиниб қолган  
музлаган барглари қоқиб  
...ермишсан...  
Изларинг яланғоч, титрайди.  
Мен эса уларни  
Қучоғимдаги сап-сарик гулларга  
ўраб ухлатибман тушимда...*

\* \* \*

*Эсда айқ аёзда музлаган замин,  
Ўқинчми чанг солиб тирнаган таним.  
Гурурлар бесамар сочилар тошга,  
Не керак гар либос ўралса бошга?!  
Тош шаҳар юкининг салмоғи ортар,  
Минг битта ташвиши қомига тортар,  
Тонглари қутолмас донг қотган тунлар,  
Йўлларга зориқмас уйқусиз гуллар.  
Хаёлим кўчаси тап-тақир саҳро,  
Қароғимда соғинч — излар босилган.  
Лабимда жон узар аччиқ изтироб.  
Недан у?  
Соғинчми, узун сочли қиз?  
Билмам не эди у? Билолмам ҳануз.  
У недир? Аламми...  
У недир? Армон...  
Гуноҳ, сенинг кўйлагинг қани?*

МАРҲАБО АҲМЕДОВА. Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида туғилган. ТошДДнинг журналистика куллиётида таҳсил олмоқда. Шеърлари «Ешлик»да илк бор эълон қилинмоқда.



Мақсуд Бекжон



Ҳасанотсан хотири

I  
Ағанаб чиқаман тун бўйи,  
Биқинимга ботиб, уйқу бермайди  
Шағал тошлар каби фикрлар.  
Яшашга ҳалақит бераётган нарсаларни  
Юлиб ташлагим келар, ўтти юлгандай,  
Хусусан,  
Бошимни силайман ўзимнинг  
Бошим —  
Танамдан ўсиб чиққан улкан гуррага ўхшар,  
Фахрланса, арзийдиган баҳайбат гурра...

II  
Коса,  
Унинг ичида аллақандай таом...  
Косани кўтариб,  
Қайларгадир шошар вужудим.  
Кимнидир излайман кимсасиз оломон ичидан.  
Кимнидир кутаман.  
Кутаман сира келмаётган меҳмонни,  
Меҳмон эса йўқ...  
Бошимнинг косаси ичида эса  
Совиб қолган мия чайқалар илҳақ...

III  
Мен ўз сезгиларимнинг сурувиман.  
Сезгиларим — беҳисоб чўпонларим,  
Мени ҳайдаб борар номаълум уфққа.  
Мен қўй эмасман.  
Аммо менинг ҳам  
Ваҳм босар юрагимни аҳён-аҳёнда  
Кўплигини кўриб чўпонларимнинг...

IV  
Мен ҳам қадрлашни ўрганаман,  
Мен ҳам қадрлашни ўрганаман бир кун.  
Ишни юлдузлардан бошлайман,  
Улар негадир тобора  
Хиралашиб борар кўкда тун сайин.

Қадрлашни ўрганаман Вақтимни,  
Вақт солинган ҳамёним бўшаб бораётир.  
Ҳамёнимда бор-йўғи  
Бир неча ой қолди —  
Бир неча сариқ чақа.

Мен одамларни қадрлашни ўрганаман,  
Уларни эъзозлай вақт борида,  
Зеро, камаймоқда уларнинг сони,  
Озайиб бормоқда куррада  
Инсон.

V  
Уша ўрисларнинг Қорбобоси каби —  
Мен ҳам совға тайёрлайман ўзимга.  
Қорбобо бўм-бўш қопларни тўлдирар,  
Мен эса тўлдираман бўм-бўш кунларни  
Ва уларни жўнатаман ўз номимга  
Келажак сари.

Кун деб аталмиш бўм-бўш қанорларни  
Тўлдираман эринмай.  
Эринган кунларимнинг ичидан эса  
Совға эмас, ўзим чиқаман  
Ҳазиллашмоқ бўлган масхарабоздай.

VI  
Мен ўз атрофимда  
Уйилган қовоқларни кўряпман,  
Уларнинг ҳар бири  
Қабрдай дўппаяр манглай остида.  
Биламан, бу дўппайган қабрлар ичида  
Мен ётибман,  
Мен!

Баҳор

Баҳор содда тушунтирар, гапирар лўнда,  
Боз устига қалдирғоч бор, у — моҳир тилмоч,  
Баҳор айтган таклифларга ноз қилмай кўн-да,  
Менга келиб, эй малагим, юрагингни оч!

Яшилликка дадил қара, юмма кўзингни,  
Ранглар сўйлар, осмон сўйлар, сўйлар дўнг-ў,  
қир,  
Анқовликка солиб турма, эй гул, ўзингни,  
Асли баҳор билан, маккор, сенинг тилинг бир.

\* \* \*

«Мен ҳеч кимга малолсиз истаганча йўталишим мумкин. Менинг йўталим ҳеч кимнинг бошида ҳеч қандай фикр туғдирмайди...»

Езишга ўтирар экансан, ўзингни ана шундай сўзлар билан тинчлантирасан.

Йўтал — инсон бажарадиган ҳаракатлар ичида энг самимийсидир. Йўтал — энг мустақил, энг эркин ҳаракатдир.

«Шеър йўтал каби хунук эмас, йўтал каби самимий бўлсин», дейман ўзимга.



## Қор

Мана, сенга яна бир сабаб  
Кувонч учун ёки ғам учун —  
Севинч ёғар тишда бұралаб,  
Ғам ёғмоқда, кўринмас учи.

Тушқунликка туш ёки севин,  
Гумонсира қордан, хавфсира.  
Хисга дўндир топиб бир эвин,  
Ёғаверса, тинмаса сира.

Сабаб ёғар кўкдан бетиним...

## Сукунат

Бокира қиз каби ётар Сукунат,  
Кулоғингни силар унинг иффати.  
У шундай маъсума, шундай бегуноҳ...  
Оқхиста ётасан ёнига унинг.  
Нафасинг ичингга тушиб кетади.  
Сен... бузиб... қўйишдан қўрқасан ногоҳ  
Фаришта мисоли ётган Сукунти...

## Сўз

Қоғознинг мурдадай заҳил юзида  
Сўзларнинг бариси, бари китобий,  
Ненидир англатар дуо сўзидай  
Ҳатто айтал каби холис хитобинг!

Сўзларнинг боражак манзили маълум,  
Сўзларнинг бўғини яшиндай ўзгир.  
Сен сўзни айтишга улгурмай ҳали  
Тасаввур ўчоқнинг кулидай тўзгир

Ҳаммаси ойдиндир,  
Куйма беҳуда.  
Сўз сенинг бошингни еб қўяр бир кун  
Ва бошинг ўрнига қўнар беҳудай  
Чўнг мазмун касб этган ўша сўз — дуркун!

\* \* \*

Тонг бўзарди, шоир! Тонг биронта машғум хабарни  
эшитиб, бўзаргани йўқ, у ўз ҳолича бўзарди.  
Ахир Тонг Сўзлардан улугроқ эмасми?..

\* \* \*

Шоирнинг семиришга ҳаққи йўқ. Агар унинг кунлардан бир кун учиб кетиш нияти бўлса, бунга доим тайёр бўлиб юриши лозим. У мумкин қадар енгилроқ (енгил-так эмас) бўла бориши, қаттиқроқ шамол эсан пайтдан фойдаланиб, шамол билан бирга учиб кетишга тайёр юриши керак. Шоир бир умр ўша халоскор шамолни кутиб яшайди.

## Сўзлар

Ҳар қанақа сўз ҳам хунук, тасқара,  
Ҳар қанақа сўз ҳам сотқин, мунофиқ,  
Сўзларинг ўзингни қилар масҳара,  
Улар заҳар сочар сенга мувофиқ.

Улар фоҳишадай яланғоч, орсиз,  
Газетлар ичидан сенга кўз қисар...  
Кўчада дайдирлар бетавфиқ, корсиз,  
Кўнгил бир сокинлик, гунгликни тусар...

Сўзлар тентирайди расталар узра:  
«Қани, келиб қолинг, бераман арзон,  
Қадоғи фалон пул, ейсиз ҳузур-ла,  
Қани, татиб кўринг мевадан ларзон».

Гўё мева эмас, сўз сотилмоқда,  
Гўё мева эмас, сўзни татийсан,  
Гўё мева қолиб, у сўзни мақтар...  
Қанийди, бир зумга тилини тийса!..

Бас, кетмасам бўлмас олиб бошимни,  
Бошим олинмасдан тезроқ кетайин,  
Заминда мен яшаб бўлдим ёшимни,  
Мен қариб боряпман ҳар жумла сайин.

## Сенга

Ғайри — оддий ахир, ғайри оддийдир,  
Ғайриоддий эрур ушбу кечинма.  
Сўз эса, малагим, ўта моддийдир,  
Сўзларнинг қошида туйғу ечинмас.

Акс ҳолда, бағишлар эдим сенга шеър,  
Улуғлар эдим-ку, етгунича сўз  
Лек сўзга фарқи йўқ — осмонми ё ер  
Сўзга фарқи йўқдир — ипакми ё бўз...

Энг гўзал шеърларни сенга бахшида  
Этган бўлмасмидим сўз — севги бўлса.  
Аммо бу шеърларим девор нақшидай  
Кўз-кўз бўлур эди, халққа мен ўлсам.

Лекин истамайсан бундай ёзмишни,  
Чурқ этиб очмасман оғиз сен ҳақда.  
Энг гўзал шеъримни худо ёзмишдир  
кўксимга! Қолгани бариси сохта!



## Гулноза Эрназар қизи



### Ҳикоя

Осмон рангсиз эди, худди касалманд ва ғариб кимса янглиғ рангсиз ва мискин эди.

«Мен ҳеч ким эмасман. Ҳеч ким. Менинг энг катта гуноҳим... Балки бу гуноҳ эмасдир. Оддийгина хатодир. Ҳеч қачон кечириб бўлмайдиган хатодир. Ҳар тун эшик ғижирлаб очилади ва менинг азоблардан чалажон руҳим аста мўралайди. Бенаво ва ёлғиз эканимни кўриб сассизгина кириб келади. Ҳар доимги ўрнида ўтиради. Мунғайиб ўтираверади. Унга раҳмим келади. Аммо бирор чорасини кўрмоққа мажолим етмайди. Уртамизда сукунат отлиғ душман бор. Елғизлик отлиғ даҳшат бор, ўртамизда. Мени мана шулардан бошқа ҳеч нарса кўрқувга солмайди. Шу кўрқувни енгмоқ учунгина сенинг олдинга келиб, тиз чўкяпман. Мен сени зўрламайман. Хоҳласанг кетишинг мумкин. Фақат... Номига

бўлсаям... Мен сени ҳеч зўрламайман. Уйим бор...» Робия бармоқларини қисирлатганча, ётоқхонанинг ғариб хонасига бурнини жийириб кўз югуртирди: Кўнади!

Саид уни ўздан нари итарди. Лаблари титраб кетди. — Кет, — деди дардли овозда. — Керага йўқ, кет.

Робия дафъатан англай олмади: — Нега? — Саид унга диққат билан тикилди. Худди ноёб санъат асарини томоша қилаётган каби ҳайрат билан термулди. Робия ўқдек қадалган нигоҳлардан жунжикди. Рўй беражак даҳшатни ҳис этиб, бирдан мунис ва мушфиқ аёл бўлди: — Ҳайдама мени, Саид. Бирор кун ўзим кетаман. Ҳозир ҳайдама.

Саид унинг минг турда товланишини кўриб, ҳайратда донг қотди. Бу макру риёлардан карахтланди. Нохосдан унинг устига бостириб келди-да, кўзлари косасидан чиққудек бўлиб, елкасидан тортқилаб ўзига қаратди: — Кимсан сен? Айт, кимсан?!

Робия не деб жавоб қиларини билмади, қўрққанидан титраб-қақшаб тураверди.

Кўллари клавишлар устида чаққон югургилайди. Юрагидан силқиб-силқиб қон оқаётгандай. Кўзларидан қуйилаётган шўр ёшлар бир муддат иягида туриб, кейин ҳолсизгина узлиб кўксига тушади. Мубҳам, ҳеч ким ҳеч қачон оча олмайди-ган сир ўз қурбонини қидириб тентирайди. Ҳатто мана шу ғариб Саид ҳам ундан жирканади, хазар қилади. Ўздан паст билади. Нега у бунча бахтиқаро?!

Робия тимирскиланиб турди-да, бошқа иложи қолмаганини англаб қўзғалди. — Бўпти, — деди яна аввалги мағрур ҳолатини касб этиб. — Аммо унутма, пушаймон бўласан! Мен ҳозир кетаман. Ҳеч қачон қайтмайман ҳам. Бу дунёдаги сендек оплоқчаларнинг яна биттасидан қутулганим учун худога шукроналар айтиб кетаман. Сен эса... Сен... Сен шундайлигингча ўлиб кетсан.

Саид Шоирга умидвор қаради: — Шоир, одамларга хиёнат қилиши учун муҳит яратиб бериш керак эмас экан. Биз эса... Эҳ, Шоир!... Шоир кинояли илжайди: — Бирор гап борми дейман? Гапираверинг. Мен ўзингизникиман. Қани... — Саид ажабланди. Шоирнинг илинж билан йилтиллаб турган кўзига қараб туриб ижирғанди. Неки демасин, энди бу одам бадбин хаёлларидан қайтмаслигини билиб ўксинди. Туриб-туриб айтдики: — Шоир, мана сиз дунёдаги жуда кўп гўзаллар ҳақида ўқигансиз, ёзгансиз ҳам. Қош-кўзин дегандай. Шу... Бу дунёда бир гўзал бор, биласизми?

Шоир масрур илжайди: — Ҳа, Саидвой жўра, ундан кейин-чи? — Саид кўзларини юмди: — Эй Шоир, ундай гўзал сизнинг юртингизда йўқ. Бу дунёда йўқ. Исми ҳам гўзал — Робия.

Шоирнинг ҳафсаласи пир бўлди. — Сиз анаву, Робияни айтаяпсизми? — деди жиркангандай афтини буриштирар экан. — Ахир уни ҳамма... Жаа расво эмиш. Аммо-лекин тўғри айтасиз, кетворган. Бу дейман-а?.. Жуда катта пул дейишади-ку. Ҳа-а... Саидвой, ишингиз қийин...

Саид қалқиб кетди. Илкис ўрnidан турди, чарм сумкасини елкасига ила туриб, Шоирга нафрат билан пичирлади: — Сен ифлос қанақа шоирсан? Ҳеч қандай шоир эмассан. Бор-йўғи гадойсан. Ифлос гаплар йиғиб юрадиган гадойсан. Ҳатто кўл кўтаришга ҳам арзимайсан. — Саид бор аламини эшикдан олиб, сўкинганча чиқиб кетди. Муҳташам бинонинг оғир эшикларини зарб билан тарақлатиб ёпгач, енгил тортди. Не ажабки, шу дақиқада Робиянинг олдида боргиси, оёқларига бош

уриб худди ёш бола мисол ҳўпиқиб-ҳўпиқиб йиғлагиси келди.

Робия Саиднинг иягидан ушлаб ўзига қаратди: — Нега келдинг? Ким чақирди сени? — Сўнг қўли ҳолсизгина сирғалиб унинг кенг елкаларига тушди. — Тинчгина яшаётувдим ахир. Сен Исо алайҳиссалом қайдан пайдо бўлдинг яна? На сеники бўла оламан, на сендан кета оламан. — Саид эса ҳайкалдек қотиб тураверди. Робия илтижо қилиб, уни худо билиб, сиғиниб ёлворди: — Саид, мени олиб кет. Узоқ-узоқларга олиб кет мени. Ҳаммаси жонимга тегди. Чарчадим, Саид. Чарчадим.

Саид елкасида титраётган нозик бармоқларга қаради. Наздида, нимадир бармоқлардаги нозикликни ўлдирарди. Ҳа-я, тирноқлар қип-қизил қонга бўялган-ку! Робиянинг қўлини сиқиб ушлади: — Момоларинг ҳам тирногини ўстириб, қонга бўярмиди?

Робия оғриқдан чинқириб қўлини тортиб олди. Кўзларида жилва қилган ёш томчилари бир пасда қуриди, тирноқларига ачиниб тикилди. — Аҳмоқ экансан, — деди қаҳр билан.

Саиднинг устидан кимдир совуқ сув қўйди гўё.

— Робия, — дея секин чақирди уни. — Сени ҳеч қаерга олиб кетмайман. Олиб кета олмайман сени, Робия...

Талабалар шаҳарчаси деб аталадиган бу манзилгоҳ негадир бугун ҳар доимги одатига хилоф равишда сукунат қучоғида мудрарди. Саид гугурт қутилари монанд саф тортган ётоқхоналар оралаб узоқ санқиди. Укки кўзи каби чарақлаб турган чироқлар ҳам бирин-кетин ўчди. У кетмоқ ва қолмоқ деган икки сўз ўртасида саргардон кезарди. Ва ниҳоят, қоламан, дея қасд қилди. Ётоққа бурилган чоғ йўлини қоп-қора мушук кесиб ўтди. Кесиб ўтди-ю, тўхтади. Саиднинг дили ғашланди: «Касофат! Ўтайми ё қайтайми? Нима қилай?» Унинг беқарорлигидан мушукнинг энсаси қотди: — Кўрқоқ!

— Ҳа, — деди Саид мушукка ўқрайиб тикилиб, — нимага бақраясан? Одам кўрмаганмисан?

— Кўрганман, — деди мушук совуққина, — лекин сендақасини кўрмаганман.

— Менга нима қипти?

— Узинг биласан. Ҳар ҳолда, кўринишингдан на у ёқликсан, на бу ёқлик. Шўринг қурсин.

Саид энгашиб, йўлак четидан тош олди: — Йўқол дайди. Бир сен қолувдинг ўзи...

Мушук беписанд панжасини силтади: — Аламингни мендан олма.

Саид оғир «уф» тортди, бироқ ичини кемираётган алам босилмади.

Қандиллари чарақлаб турган мўъжазгина залда, оппоқ кўйлақда бир малак оқ гуллар денгизида қапа-лакдек чарх уради. Бахтдан сармаст. Лабларида азалдан-абадгача ҳеч бир эркак калитини топа олмайдиган жозибали табассум. Елкаси узра паришон ёйилган сочларигина бу оқлик қўйнида қора хол мисол янада ёрқинроқ кўринади. Ҳамма унга мафтун, ҳамма унга ҳавас қилади. Бурчак-бурчакларда ҳасаддан ёнган кўзлар чарақлайди.

Саид эшик олдида эсдан оғгандай тураверди. Киргувчилар ҳам, чиққувчилар ҳам уни туртиб ўтадилар. На кет дегувчи бор, на кел дегувчи. Ногоҳон кимдир холлис хизмат қилди. Малакнинг ёнидан ўтаётиб қулоқларига шипшиди: — Келди.

Келинчакнинг юзидаги бўёқлари ҳам иш бермай қолди. Ранг кўйлаги монанд оқариб кетди. Худди ўлимга маҳкум одам ўз қотилига қараган янглиғ азобдан

афти буришиб эшикка қаради. Нозик қўлларини олдинга чўзди-ю, сўнг нажот истаб атрофига мўлтиради. Аммо на уни биров суяди, на эшик олдидаги сўнгги илинж сари ундади. — САИД? — Келиннинг қирмизи лаблари шу исмдан титраб кетди, кўзларида гуноҳ изтироби жилва қилди. Жилва қилдию сўнди. Қулоқ пардаларига биргина сўз эшик томондан ҳаллослаб келиб урилди: — РОБИЯ! — Келинчак ўзининг «Робия!» эканлигини эслади. У ҳеч қачон мана шу оқ кўйлақда, келинчак деган пок ном остида мангу яшириниб қола олмаслигини, эртага яна Робияга айланишини туйқус англаб етди.

Робия эди ва Робиялигича қолади...

«Керак эмас», деди зўрға. Ортига қайтди. Башанг кийинган сип-силлиқ тўнканинг олдига бориб, ҳолсизгина унга суянди: — Пойгакда бегоналар юрипти. Шундоғам меҳмонларга жой етишмаяпти. Эшикбонга айтинг, ҳайдасин уларни.

Робияни барча азобларидан халос этиши керак бўлган тўй ҳам тугади. Бахтдан масрур бўлиб ётоғига кирди. Узини пари санаб минг бора кўзгуга солди. Қулоғи остида ҳали-ҳамон жаранглаб турган адоқсиз хушомадлардан сархуш бўлиб тонгга яқин кўзи илинди. Ва баногоҳ юзига урилган иссиқ нафасдан сесканиб тушди. Уйқусизликдан қизарган кўзларини катта-катта очиб, ўзига қадалиб турган кўзларни кўрди. Шарпани ўзидан нари итармоққа уринди. Аммо шарпа туман мисол вужудсиз эди. Бироқ уни аниқ-тиниқ кўриш мумкин эди.

— Кимсан? — сўради Робия ваҳима билан кўзлари олайганча. Аёл хунук кулди. Жавоб бермай туриб деразининг оғир дарпардаларини икки томонга сурди. Робия хонага сизиб кирган қуёш нурида аниқ-тиниқ кўрди: — Узим-ку у! — Ишонмади.

Ўтинч билан қайта сўради: — Кимсан, айт?

— Робияман, — деди аёл хотиржам овозда ором курсига ҳорғин чўкар экан.

— Қанақа Робия?

— Сендақа, — жавоб берди аёл хоҳламайгина. — Сенинг ўзингман.

Робия уни кўпдан кутган эди. Уша қора кундан буён кутар эди. Аммо бугун келар деб ўйламовди. Ва бундай ошқора шармандалик билан кириб келишини кутмовди.

Робия Ўзига мунғайиб қаради. Кечаги келинчак билан солиштирди. Уялиб кетди. Бурчакка тисарилиб, юзини яширди.

— Кет! — деди пичирлаб, ғазаб билан. Сўнг жазава билан қиқира бошлади: — Кет, ер ютгур! Энди нима қиламан, эй худо! — Оғзидан кўпик келиб, типирчилаб қолгунча қақшади. Аёл эса бепарво ўтираверди. Кет мади, қолди.

Шоир Саидга киприкларини пирпиратганча, аянчли тикилиб турди. Бир муддатдан сўнг паст овозда эзилишга тушди:

— Энди жўра, сизам бекорга қизишдингиз. Шундай улғу даргоҳ эшигини бундай ёпиб... Тўғри, тўғри, сиз ҳақ экансиз. Хиёнат деган нарсаларга қўл силташ керак экан. Ҳозир аср шунақа. Руҳий мадад деганларидек. Мен биттасини биламан. Шу десангиз хотини ёшгина, лўмбиллаган. Энди, уйда бекор ўтиргандан кўра... деб ҳалиги Палончи Писмадончиевнинг олдига тез-тез юбориб туради. Хи-хи-хи... Энди у кишиям унинг ҳимматини унутармиди дейсиз?! Ҳа, Саидвой ишлар шунақа бўлиб кетган. Биз билмапмиз. Узр, биздан ўтди бу сафар. Хи-хи-хи...

Саиднинг аъзойи-баданига қумурсқалар ўрмалади. Шоирнинг кўзларига тикилиб қаради. Уйнаб турган



қорачиқларнинг туб-тубида ожиз ва нотавон одамнинг алами липпиллаб турар эди. Кимдир мохов бўлган қўллари билан Саиднинг орияти ва ғуруричи чангаллаб ушлади. Аста-секин миждий бошлади. Танига ёйилган нохушлик ғувиллаб бошига кўтарилди. Йирингли зардоб чаккиллаб томиб турган қўллар эса пайпасланганча унинг бор-йўғи — одамлигини излар эди. Топса-ю, уни ҳам ҳаром қилса, булғаса. Саид билди: «Хотинини аллакимга қўшгувчи ҳам шу ифлоснинг ўзи». Ишонч ҳосил қилмоқ учун қўлини стол қиррасига тираб унга яқин борди. Шоир ваҳима билан тисарилди. Бурнига бурни теккудек масофадан аниқ кўрди: «Шунинг ўзи!»

Саид мажолсизгина жойига қайтиб ўтирди. Шу бадбахт билан сўзлашгани учун ўзини лаънатлади.

Шоир не қиларини билмай талмовсиради. Айтганига пушаймон бўлди: «Билиб қолди касофат». Хонада у ёқдан бу ёққа бесаронжом кезинди. Саиднинг қаршисига келиб, масхараомуз тиржайди. Тилини чиқариб ёш боладек мазах қилди. Аста-секин тили осилиб нақ оёғига тушди. Унда турли-туман кўртлар биждий ётарди. Хонани бадбўй ҳид тутиб кетди. Саиднинг кўнгли ағдарилди. Югуриб ташқарига чиқди. Хожатхонага кирди, ўхчиб-ўхчиб қўсди. Қўлини юваётиб кўзгудаги аксига қаради. Одамийлик шакли-шамойили шу маразлар билан бир тусда эканлигидан уялди. Ўз аксига ғазаб билан тупурди-да, хастаҳол шивирлади: — Ё раббим, бу не кароматинг?

Ҳар тун тушларимга кирасан. Узлатга чекинганлар мисол оппоқ ридода, худди Исо янгли маъсумгина жилмайиб турасан. Ҳар тун мен гуноҳкор сенинг оёқларинга бош ураман. Таваллолар қиламан, илтижолар қиламан. Унсиз йиғлаб гуноҳимдан ўтишингни сўрайман. Сен эса жимгина кечирасан. Ҳар тун сен туманларми-ей, тунларми-ей оралаб менга интиласан. Мен эса азобларми-ей, хатоларми-ей оралаб сен томон югураман. Орамизда минг йиллик йўл. Ҳар тун сен мени, мен сени сўғиниб муштоқ йўлга чиқамиз. Ҳар тун...

Пионининг клавишлари устида бармоқлар безовта юргилайди. Бир азобли сас таралади. Хонанинг деворлари инграйди. Жисму жонингда англаб бўлмас армон ҳукмронлик қилади. Бўғзинга тош қадалади. Тошки, бунинг азоби ҳар недан устивор.

Пойтахтнинг ҳашаматли меҳмонхонаси олдида уч парипайкар кимнидир бетоқат кутишар эди. Йўлақдан ўтиб-қайтаётган йўловчилар уларга сўқланиб қарашар, аммо биров юрак ютиб яқинларига йўламас эди. Кўп ўтмай ўрта ёшлардаги башанг кийинган эркак пайдо бўлди. У тўнғиздай сөмиз, турки ҳам баайни шу ҳайвонни эсга солар эди. Пишиллаб нафас олганча бир чангал пул узатди. — Қолганини бориб оласизлар, — деди ҳирс билан кўзлари ялтиллаб. У анчагина сўзамол экан. Йўл бўйи ўзининг кимлигини қарда хизмат қилишини ялтоқланиб айтиб борди. Улар — уч улфат — чўнтақларини пулга тўлдириб, Қримга кетишадиган экан. Бугун бир кўнгли ёзиб, кайф-сафо қилишмоқчи бўлишибди. Фақатгина жононлар кам экан. Шунда... Робия таксига ўтираётиб, пешонасида жон олгувчи оғриқ сезди. Негадир оёғи тортмади. Кўнгли аланчун ғашланди. «Борсаммикан», дея иккиланди, аммо буни тилига чиқаришга журъат топмади. Улар шаҳар четидagi уйга етиб келишди. Тўнғизбашара эзини очиб, тавозе билан ичкарига бошлади. Уларни бир айқишфат хуш-хандон кутиб олди. Робия уйга кирибди, нимагадир ўчинчини излади. Буни сезган тўнғизбашара ёғ босган

қийиқ кўзларини қисганча ювиниш хонаси томон ишора қилди. Қизлар қийқириганча ўзларини муздек шампан виносига уришди. Ниҳоят, сувнинг шариллаб оқиши тиниб, ювиниш хонасининг эшиги қия очилди. Негадир хонани оғир сукунат қоплади. Робиянинг юрагида санчиқ турди. Ўз-ўзидан ваҳима боса бошлади. Дақиқалар йиллар мисол чўзилди. Ахийри, эркак остонада юз кўрсатди ва очилиб-сочилиб ўтирган қизларга нигоҳи тушиб, бирдан кўзлари олайиб кетди. Робиянинг ўрнидан кўзгалмоққа мажболи етмади. Лаблари қуриқшаб, томоғига аччиқ зардоб тиқилди. Танглайига ёпишиб қолган тилини зўрға қимирлатди: — ДАДА! — Бу сўз деярли унсиз айтилди, аммо бутун пойтахт эшитди. Шу сўзнинг зарбидан остонада хушсиздек турган эркак тоғдек гурсиллаб қулади.

«Йўк, бу дадам эмас. Мени яратган, вояга етказган, не истасам, барини муҳайё қилган бу эмас. Бу — бошқа одам. Дадамга жуда ўхшайдиган одам. Бу дунёда бир-бирига ўхшаш одамлар камми? Бу одам ҳам дадамга жуда ўхшар экан-да, фақат...

Йўк, буларнинг бари туш. Даҳшатли туш. Ҳозир уйғонаману иймон келтираман, кейин ҳаммаси унут бўлиб кетади. Дадам мени кўргани келади. Қучоқлаб, пешонамдан ўпади, эркалайди. Нега уйғонмоғим бунча душвор. Йўк, истамайман, бунчалар узоқ ва кўрқинчи туш кўришни. О, кошки эди туш бўлса. Нима қилиб қўйдим, дадажон? Мен шарму ҳаёсиз нималар қилиб қўйдим. Бу янглиғ разилликни ҳеч бир замон кўрганмикан? Менга нима етишмасди, эй худо...

Мен ўзимни шарҳ этолмам, ким мени шарҳ айлағай? Менинг йўлимнинг ҳам адоғи борми? Бу кунларнинг ниҳояси кўрингайми? Қачон? Нима қилиб қўйдим? Умидим деганингиз ажал бўлдим, дадажон? Орузим деганингиз сароб аталдим?

Мен-ку ифлос эдим, сиз не учун?..

Аслан томиримда оқаётган қон тоза эмас экан-ку, гуноҳ кимда? Ер нетиб кўтариб юрибди бизни? Осмон нега бизни босиб қолмади? Бизни — ота-ю қизни...

Ҳеч ким, ҳеч қачон бизни кечирмайди. Биз ҳам бир-биримизни кечиролмаймиз. Оҳ, биз киммиз?!»

Машинанинг деразаларидан тушаётган қуёш нури Робиянинг очиқ елкаларини куйдира бошлади. Жиққа терга ботди. Бошини кўтариб, эринчоқлик билан атрофга қаради. Бийдек дашт. Ут-ўланлар қовжираган. Жазирама. Шоир хоҳламайгина кўзини очди. Робияга термулиб туриб ҳайрон бўлди: — Сиз... — деди дудуқланиб, қаердан пайдо бўлдингиз? — Робия индамай ўзини қуёшда тоблаверди. Шоир туйқус англади: — Ахир бу... Бу Саиднинг мулки эди-ку?! Шайтон йўлдан урди мени. Ҳе, энангни, сен падарлаънатини...

— Кетдик, — деди Шоир.

Робия унинг қўлидан ушлади: — Тўхтанг, Шоир. Ҳали улгурасиз. — Сўнг кўзини қисиб қуёшга қаради. Анча туриб, оғриқ билан дедик: — Шоир, дадам мени ҳаммадан ортиқ яхши кўради. Ҳеч кимни бунчалик суймайди. Сиз бундай бахтдан бенасибсиз. Бирор одам ўз қизини бу қаер севмаса керак. — Икки томчи ёш киприклари орасидан сизиб чиқди. Шоир қўлини Робиянинг муздек бармоқлари орасидан сўғуриб олди. Машинанинг калитини бурайтириб оғир хўрсинди. Машина олдинга ўрмалаган чоғ шаҳд билан тўхтатди. Рул чамбарига бошини қўйиб ингради ва Робияга еб қўйгудек важоҳат билан қичқирди: — Минг лаънат сенга. Сени шундай яхши кўрган отанга ҳам лаънат. — Сўнг оғзидан



кўпик сачратиб вишиллади:— Мен қизларимни ёмон кўраман. Аёл зотини ёмон кўраман. Билдинг...

Саид тонгга яқин хонасига кириб келди. Чироқни ёқди-ю, негадир яна қайтиб ўчирди. Қоп-қоронғу хонанинг бурчагига бориб ҳолсизгина чўкди. Туннинг беҳаловат париси келиб деразани аста-секин чертишга тушди. Дераза ва эшик тирқишларидан оппоқ нур сизиб кира бошлади. Бутунлик касб этди. Шакл олди. Саиднинг бутун танини қизиқиш ва ҳаяжон чулғади. Ниҳоят англадики, бу шакл узун-узун бармоқларидаги қонли тирноқлари майишган, кўм-кўк томирлари кўриниб турган қўл эди. Англади-ю, ўзини эшикка урди. Очолмагач, деразага югурди. Қўл эса пайпасланиб ўз ўлжасини изларди. Саид деразага етганда оёғи остидаги мушук чинқираб миёвледи. Шундагина Саиднинг шуурига «буларнинг ҳаммаси алаҳлаш» деган ўй урилди.

Оёғи остидаги мушук биқинини силаган кўйи хўмайиб сўради:— Келдингми? Нега шайтондай сакраб юрибсан? Жинни бўлдингми?— Сўнг сал ҳовуридан тушиб Саиднинг қаршисига келиб керишди:— Мен сени ана у шайтонзоданг билан келарсан деб ўйловдим, нечук ўзинг?

— Унинг отаси бугун эрталаб қазо қилибди. Узини осган эмиш. У бўлса қандайдир муттаҳам билан тўй қилапти, Базму-жамшид кураепти.

— Астағирулло. Ўз номини оқлаётгандир-да. Мен сенга айтсам, сен уни ташла. У энди ботиб бўлди ботадиган жойига. Мен ўзим сенга зўридан топиб бераман. У ўзининг бошига етди, сениям бошинга етади.

— Жим бўл, илтимос, жим бўл!

— Нега экан. У фар ким бўпти. Ҳозир ҳамма шунақа ўзи. Мушуклар ҳам бу соҳада одамлардан қолишмайди. Сен яхшиси уйингга кет. Бир меҳнаткаш, мушфиқинасига уйлан. Сочи тақимини ўпадиганлари бордир.

— Мен уни деб бу шаҳарга келганман.

— Уф... Тутуриқсиз экансан.— Мушук аччиқланиб четга қаради. Кўзлари ёнганча хуриллаб турди-да, яна ақл ўргатишга тушди:

— Барибир у билан яшай олмайсан, тўғрими? Яхшиси, қишлоғингга бориб биттасига уйлан. Бу ерда эса у билан айшу ишрат қилиб юрарасан. Афти-ангорингга бир қара, адои тамом бўлибсан. Энди сен одамлардан ўрган. Уларнинг...— мушукнинг оғзидаги гапи оғзида, бўғзидаги бўғзида қолди. Саид уни томоғидан қисиб ушлаганча биғиллатиб деразадан ташқарига итқитди. Мушук кўча ўртасидаги кўлмакка шалоп этиб тушди. Уридан туриб бир икки силкинди-да, яна шанғиллади:— Менга деса ўлмайсанми? Яхшиликни билмаган. Тупурдим сенинг поклигингга, аҳмоқ!

— Йўқол!— деди Саид бўғилиб, — ҳозир тушиб терингни шиламан.— Мушук бепарво тупурди:— Ҳали пушаймон бўласан...

Саид дераза раҳига умидсиз суянди. Тонг оқариб кетаётир, унинг дарду дунёси эса қоп-қоронғу.

«Ҳазон япроғи янглиғ гул юзинг ҳажрида сорғардим», дея мискин пичирлади у.

Робия кўзларига сурма тортиди, кўзгудаги аксига қараб туриб, ҳали мана ман деганини ҳам ўз хуснининг кўйида телба қилиши мумкинлигини сезиб завқланди. Иягини сал кўтариб, қошларини кериб, ўз хусни-жамолини томоша қилди. Кўнгли тўлди. Бир вақтлар соҳиб-жамолларнинг қувди-қувдисида биринчилигидан масрур бўлгани каби хушбахтланди. Шу баробарида юрагининг тубида чўкиб ётган хотиралар алами дилини тиглаб ўтгандай бўлди. Агар ҳаётини қайтадан бошлаш имкони берилса ҳаммасини бошқача бошларди. Бошқача яшарди. Агар қайтганда...

— Ҳаммаси яна шунақа бўларди, сен тавбани биласанми?— деди қип яланғоч Робия бурчакдан.

— Елғон!— У ўзи сезмай қайсидир ҳинд кинофильмидаги қаҳрамоннинг сўзларини такрорлади:— Менинг ўзимга кучим етади. Мен, ахир, инсонман-ку!

Торгина хонанинг тош деворлари ортиқ риёга чидаш беролмади, чинқираб Саиднинг сўзларини такрорлагандек бўлди:— Айт, кимсан ўзи?!

Робиянинг кўзи тинди. Товонидан кирган титроқдан тишлари таккиллади. Бошини сиқиб ушлаган кўйи хўнграб йиғлаб юборди. Узининг афтодаҳол турмушига чидай олмай сочларини юлиб, дод солди. Бевақт хазон бўлган нимадир уни тинмай қийноққа сола бошлади. Шунда кимдир елкасига муздек совуқ қўлларини қўйди. Сесканиб ўғирилди. Тепасида Шоирнинг жирканч турқини кўриб бўшашди. Кўз ёшларини арта-арта жилмайиб илтифот кўрсатди.

— Нечук? Қайси қутлуғ шамол олиб келди сизни?

Шоир худди унинг яқин сирдоши мисол айтдики:— Сизни кўмсадим, Робия. Сиз томондан бир дард бориб дилимга санчилди. Ҳис этдимки, сиз озор чекаясиз. Келавердим учиб.

Робия навозиш билан жилмайиб пианино олдидаги курсига ўтирар экан, рўмолини қаттиқроқ, тортиброқ ўради. Оппоқ, нозик бармоқларини клавишлар устига намойишкорона қўятариб нозланди.

— Нима янгиликлар бор оламингизда, Шоир?

— Ҳеч,— деди Шоир хўрсиниб. Кейин эслаган киши бўлиб талмовсиради:— Саид деган бола сизнинг ҳамшахарингиз-а?

— Ҳамқишлоғим, Шоир. Нима эди?— Робиянинг юраги ғашланди.

— Шу бола бечора ўзи жаа баодоб эди-ю, кимдир йўлдан урганми, анави разил доридан томирига юборар экан.— Шоир Робияга нажот истаб қаради, чарақлаб турган кўзлари пирпираб турган киприқларда рағбат кўрди. Кўрди-ю, тез-тез давом этди:— Шуни кайфи билан ўз туғишган синглисини... Садқаи ака кетгурни айтинг, одамни оласи ичида экан-да.

Бутун дунёни жирканч кўршапалаклар босди. Бадбўй ҳиддан нафаслар бўғилди. Кўзлар ёшланди. Улар қоп-қора зулукдек сочларга ёпишдилар. Ҳар қанча ҳайдаб солмасин, шунчалар зўр бериб ўз қурбонлари устига ташланавердилар. Урдак панжалари сифат оёқлари билан юзларини тимдаладилар. Қон ўрнига зардоблар оқди. Осмон деб аталмиш чексизликдан ўз бандаларининг найранглари томоша қилиб ўтирган парвардигор кўзларини чирт юмди. «Шайтон,— дея ҳайқирди ғазаб ила.— Эй малъун, сенга ким ҳуқуқ берди яратмоққа. Нега буларни менинг бандаларим суратида барпо этдинг. Тўхтат бу ўйини!» Нафас олмоқ душвор бўлди бу ҳиддан. Шайтон зор қақшаб-титраб дегайки: «Менинг айбим йўқдур. Булар менга ҳам дарс бергайлар-ку, не этиб уларга кучим етсин».

Робия хонада аста кезинди. Алҳол кўзи Шоирнинг бужмайган башарасига тушди. Кўзларида алам кўрди. Азоб кўрди. Риё кўрди. Негадир шаштидан қайтди. Қаршисидаги махлуқни ўзига шерик билди. Ҳамдард билди. «Нима қипти. Буям мендай бир гуноҳкор бандадан. Саид ким? Битта қозонга солиб қайнатганда ҳам қоним қўшилмайди. Жуда яхши-да, булғайверсин». Беихтиёр кўзгудаги аксига қаради: лаблари қимтилган, кўзлари қизарган. Бедаво, йўқ, бенаво. Оғир тин олди. «Йўқ, ўзим расво бўлганим етар. Бу маломатлару тўхматларга ташлаб қўймайман уни. У менинг поклигим эди-ку. Уни ҳам хароб этсам, кейин менда нима қолади. Аммо...» Пешонасида оҳиста лўққиллаш сезди. Оғриқ симиллаб бутун танига ёйилди. Жони бўғзига тиқилгу-

дек бўлди. «Нега экан? Бир ўзим адо бўламан. Яхши бўлса, гўрга. Мен ҳам яхши эдим аввал. Ҳадеб мағрурлик қилади. Мени қувди-я...» Шоирга қараб масрур жилмайган кўйи қайтиб жойига ўтирди. «Оҳ-ҳо, ўзинг ким бўпсан. Мана ҳозир бир кишт бераман, жамки қумурсқа зоти сени ёппа таларга тушади. Ҳали-ку синглингда қўшишяпти. Керак бўлса онангга ҳам... Кейин оёқларим остида ётиб типирчилайсан. Ялиниб-ёлворасан. Ҳолингга маймунлар йиғлайди». Шоирнинг башарасига нафрат аралаш меҳр билан тикилиб турди. Бутун вужудини икки ўт азоби ўртади.

Оллоҳ инграб юборди. Бандаларимни асра бу ғанимлардан, дея фариштани чорлади. Фаришта зор келдида, Робияни қулоқларига шипшиди: — Қайт бу йўлингдан. Қўшилма унга. Яхшиси бу ифлоснинг устига алвастидек ирғиб чиқ, паҳмоқ сочидан ушлаб, оғзидан қора қони келгунча бошини тош деворга ур. Токи қайтиб ҳеч кимни булғамасин. Парвардигорнинг инояти шу. Ҳайдаб сол! Шоир монанд шайтон эса хокисорона термулиб кўзлари билан аврашда давом этарди: — Қўй, индама. Бир ўзинг расво бўлиб юрасанми? Ана энди одамлар Саидга ёпишишади. Қанча тез тармашишса, сени шунча тез унутишади. У ҳам бир таъзирини есин.

Робия не қиларни билмай, лаби гезариб тураверди. Ундан садо кутиб Шоир ҳам чарчади. Охир-оқибат бўғиқ пичирлади:

— Вой, бечора синглиси. Саидни ким ҳам шунақа деб ўйлабди.

Бирдан товуши кўтарилди, овози мамнун жаранглади.

— Мен ҳам эшитувдим унинг расво қилмишлари ҳақида...

Шунда ғойибдан Робиянинг бошига зил-замбил гурзи келиб тушди. Аллақайда мушуклар аламли миёвлади. Шайтоний қийқириқлар янгради. Қип-яланғоч Робия армон ва азоб билан «ДАДА, ДАДДА» дея жумла-жаҳонга жар солди. Тўрт девор Робияни аямай сиқар, бўғар ва сўрардики:

— Кимсан, айт, нимасан?!

Эшик шахт билан очилди-да, чинқирганча қоп-қора мушук кириб келди: — Айтмовдимми, расво қилишади, деб. Расво қилиш ҳам гапми, адо қилишди сени. Улувдинг «Робия, Робия» деб, боплади-ку Робиянг.

Қишлоққа қайтмоқ ниятида кийимларини йиғиштираётган Саид ичида нимадир узилгандай бўшашиб қолди. Мушук ҳамдардона ғўлдирашга тушди: — Қишлоқда синглингни бузуқи деб кўёв бўлмиш роса тўпалон қилди. Онанг ер муштраб, сени қарғаб ётибди, борма ўша қишлоққа.

Оламни ноғоралар садоси тутди. Мастона-мастона эшилиб Робияхон рақс айлай бошлади. Пешоналарига атлас дуррача танғилган, кўзларини риё пардаси тўсган. Ҳар бир имоки жонни олгай, ҳар бир нозу ишваки хиёнатлар ботқоғида ўлдиргай. Нағоралар бу кеча тинмас. Бу кеча не бўпти, бир йилча саси сусаймас. Ва бир йил тинимсиз ғолиба Робия «мавҳ» этилган яна бир ҳукмдор — Саиднинг устидан шодон кулади. Бу «жанг» тафсилоти эса ҳали-бери оғизлардан тушмайди, чайна-лаверади. Ҳар чайналганда Робиябонуга ҳамду сано, Саидга нафрат ёғилгай.

Саид чорасиз қолди. Мушукнинг ёниб турган кўзларида ўзининг ожиз ва ҳимоясиз аксини кўрди. Ижирганиб ўрнидан қўзғалди. Юкларини кўтариб эшикка томон юрди. Остонада мушук кўндаланг бўлди: — Кетма, Саид! Фалокат босади сени. Кўнглим сезиб турибди. Кетма!

Саид оёғи остига қараб туриб, англай олмади: — Нима бу? Мушукми? Нималар деб минғирлайди? Энди шу қолувди осилмаган, атрофимда айланиб сасима-

ган. — Мушукни тепиб юборди...

Пойи-пиёда, борар ери ноён, хаёллари паришон, сарсон-саргардон йўлга тушди.

Ув тортаман гувраниб, бағрим бўшамас. Нима қилиб қўйдинг, Робия? Энди неткайман? Худойим, ёзмишим не эди? Унинг якка ўзидан бу янглиғ фикру хаёллар чиқмайди. Робияжон, сулувим, Робия...

Саиднинг на жисмида жон бор эди, на руҳида тиним. На кўрарди, на эшитарди. Тун қўйнида тентираб юрган Робиясини кўнгил кўзи билан томоша қиларди. Қулоқлари устида ойбалдоқ сочлари сочилган. Қоп-қора куйлакда, кўзлари ёнади. Қўлларини олдинга чўзиб Саидга интилар, на-да даста етар, на-да орқага қайтиб кетар, гўё сирли доирага тушиб қолгану ундан қутулиб чиқмоғи душвор.

Саид тўлиб оқаётган анҳор лабида чўк тушди. Руҳи юлдузлар сари учди. Юксак-юксакдан ўзини ва ўзгаларни томоша айлади. Бир хонада икки бедор Робияни, тўнғиз қўшилган аравада тилларини осилтириб шаҳар кезаётган Шоирни кўрди. Анҳор лабида кўзларидан ёш қуйилиб ўтирган йигитга — ўзига назар солди. Ва япроқлар тилида шивирлади: — Эркаклар йиғлайди қаттиқ севганда.

Қишлоқда бир кулбанинг чироғи ёниқ, онаизор эшикка мўлтириб кўз тикар, сингил тўшакда дардманд тўлғанар, қайдадир уккилар сайрар, анҳор бўйидаги йигит учун эса нажот йўқ, нажот!

Саид олдинга интилди. Онасининг оёқларига бош уриб, тавалло қилмоқчи бўлди. Кимдир қўлларидан ушлаб ўзига тортди гўё. Кулбадаги она чинқириб юборди: — Вой бола-а-а-а-а! — Нафас олмоғи азоб бўлди. Гирдоб отлиғ бир ўрам ўз кучоғида ғарқ этди уни. Икки-уч бор тепага — тирикликка интилди. Аммо яна қайтиб гирдоб қўйнида кўрди ўзини. Атроф зим-зиё тун эди...



Умида Абдуазимова



Туш

Кодирийни тушимда кўрдим,  
Кумуш билан кулиб турибди.  
Отабекнинг кўзларидан ёш  
Тўкилолмай тўлиб турибди.

Хаво булут эмиш, қуёшнинг  
Кўринмоғи даргумон эмиш.  
Отабекнинг кулмоқлиги ҳам  
Йиғисидек бир гумон эмиш.

Отабекни қўйинг ўзига,  
Йиғлаб олсин дедим, Кодирий.  
Йиғисини ичига ютиб  
Яшамасин экан то тирик!

Мен ўзим ҳам йиғламоқ учун  
Кўп уриндим, дермиш, Кодирий.  
Йиғлатмоққа ё кулдирмоққа  
Фақат битта эгам қодир-эй!..



Сенга ишониб бўлмас,  
Топшириб бўлмас ўзни.  
Сир нима, киши билмас  
Айтиб бўлмас бир сўзни.

Ёз ёмғири мисоли  
Ғубор ювасан, аммо  
Бошланар шарбат, болим  
Нигоҳида муаммо.

Сепкил тушган узумдан  
Заҳар тома бошлайди.  
Олма, анжир безиллаб  
Сендан тона бошлайди.

Осмонида қуёшдек,  
Порлаб қоласан бир он,  
Дув тўкилар кўз ёшдек—  
Гапим қолмайди бирон...

Эл бўласан, гоҳо сел.  
Киши билмас довимсан.  
Десам: дўстим бўлиб кел,  
Сен тошбағир ёвимсан.

Ишониб бўлмас сенга,  
Айтиб бўлмас ниятни.  
Кенг юракни бер менга,  
Сен ол самимиятни...

Менинг суюгимни офтоб пишитган,  
Менинг зуволамни моҳтоб пишитган,  
Менинг кўз ёшларим шароб аталиб,  
Қарғиш ўтмас тоққа руҳим қадалиб,  
Яшайман кулгуга суюниб, болам,  
Умидвор кунларга таяниб, болам.

Қудуққа ташланган челагимда тош,  
Ун деб элаб эдим, элагимда тош,  
Тош кўнғил бўш энди, тош эмас экан,  
Ўткинчи кун қари, ёш демас экан,  
Яшайман эртамга интилиб, болам,  
Қароқчи кунларга тинтилиб, болам.

Муродига етар эртаклардан айт,  
Хушхон қўшиқлардан, шўх байтлардан айт,  
Бир кўнми, икки кун қолса-да умрим,  
Шўх-шаён сайраб турсин мусичам, қумрим,  
Яшайман ўзингга шукр, деб, болам,  
Унеланар гўрида букр, деб болам...

Ишқли баҳорлар

Киш чекиниб, ишқли баҳорлар  
Эшигингни қоқса боқмайсан.  
Оққанида жўшиб анҳорлар,  
Сен қўшилиб, эй воҳ, оқмайсан!

Ростланади баҳор бўйингдек,  
Сен ёқмайсан умринг шамини.  
Оловланса орзу ўйингдек,  
Тўлдирмайсан кемтик, камингни.

Ишқнинг тўлин фаслларида,  
Қайтмас баҳор битта бўларкан.  
Ҳар фаслнинг васлларида  
Ушалмаган орзу ўларкан...

Юрак, пинҳон куйинган юрак,  
Армонларга тўйинган юрак,  
Ушалмаган орзу армонлар  
Умидида суйингин, юрак...

Йўл

Ҳар кунни ўтаман шу тошлоқ йўлдан,  
Баҳорда гулдаста туган дарахтлар—  
Вақт ўтиб, бахтини бергандек қўлдан,  
Баргини тўкиб тек турган қарахтлар,  
Кузатар қушларнинг кетишин аста...

Йўл эса, шу битта, йўл ҳамон битта,  
Қариган илдишлар қаъридан настда,  
Бўй чўзар ниҳоллар яна сон мингта...

Йўл эса, шу битта, йўл ҳамон битта—  
Менингдек танҳодир, қайтарилмайди.  
Чўзилиб ётади ёзу куз пайти,  
Менингдек баъзида кетмайди дайдиб...



Луқмон Бўрихон



## КўЧНОҚ

Ҳикоя

Уни кўрдиму юрагим орқага тортиб кетди. У тобутдек тебраниб бораётган вагон тамбурининг бир бурчида чўнкайиб ўтирар, ҳар бир ўтиб қайтувчини қон нуқси урган кўзлари билан қизиқсиниб-қизиқсиниб, бош-оёқ кузатиб қоларди.

Мен тамбурга чекиш учун чиққандим. Унга кўзим тушди-ю, сесканиб кетдим, бу ҳам етмагандай, беихтиёр саломига бош ирғаб юборибман. Бизни шу аҳволда четдан кўрган киши эски танишлар экан, деган ўйга бориши аниқ эди.

Балки у чиндан ҳам кўзимга иссиқ кўрингандир? Йўғ-е, бу нухсани биринчи марта учратишим. Балки кўр-қув аралаш бош ирғаб юборгандирман?

Мен ўз қилмишимдан уялиб кетдим. Кўнглимга ҳижиллик чўкди. Одатда, таъбим тортмайдиган, иззатим кўтармайдиган иш қилганимда кўнглим шундай ғашлик уяси бўлиб қоларди.

Мен ўзимни ғирт бепарволикка олиб, лабларимга аъло нав булғор сигаретидан қистирдим. Сўнг, гугурт

чақа туриб, киши билмас, ер остидан унга бир қараб олдим. У ҳамшагидек, мени ҳамон синчиклаб кўздан кечирар, зўр бир қаҳ-қаҳа отишга чоғланаётгандай лаблари аҳён-аҳёнда ёноқлари томон ёйилиб-ёйилиб кетарди.

Мен тамбурининг қўш ойнали деразаси томон юзланиб, ўзимча ташқарини кузатаётган киши бўлдим. Афсуски, ташқари аллақачонлар қуюқ қоронғулик қаърида қолган эди. Шу боис, ойнада ўзимнинг ажабланган, ғашланган турқи-тароватимдан бошқа ҳеч нени кўролмадим.

Қизиқ, у ростакамига қаҳ-қаҳ урмоқчимикан? Шунчалар хурсандмикан занғар? Ундай бўлса, бу сассиқ тамбурда нима қилиб ўтирибди, наҳотки, шундай шодмон одамнинг купеда жойи йўқ? Э... э, балки у телба-дево-надир? Ўз-ўзидан илжайверадиган ақли пастдир? Рост, у тентак!

Менинг худди шу хулосамни тасдиқлагандай поезднинг олд томонидан паровознинг узун ўкириги эшитилди. Темир филдиракларнинг тарақа-туруқ овози кучайди. Вагонлар зардали-зардали тебрана бошлади. Афтидан, поезд бошқа йўлга ўтмоқда эди.

— Ака, чекишингиздан беринг.

Шундоқ ёнгинамда эшитилган товушдан чўчиб тушаёздим. Қарасам, ҳалиги нусха қимтинибгина қўл қовуштириб турибди. Унинг «ака», дейиши ёғдек ёқиб, дарров, сигарет қутимни унга узатдим.

Бу нухсанинг ёши, нари борса, йигирма иккиларда эди. Унинг кўпдан бери сув кўрмай ҳурпайиб кетган сочларига, кир-чир қўлларини уст-бошига қараб, дарҳол, лўли бўлса керак, деган хаёлга бордим.

У қутичамдан суғуриб олган сигаретни анча вақт эзгилаб туриб қолди; ҳойнаҳой, у ҳам, барча тилаб чекувчилардек, сигарет изидан гугурт сўрамоққа ийманаётган бўлса керак. Унинг одоб сақлаб туриши менга ёқди.

Олифталарча гугурт узатдим. У шошиб гугуртни оларкан, раҳмат, деди. Жилмайди. Тамбурдаги кирла-ниб кетган чироқнинг хира ёруғида унинг қорамғиз юзи баттар қорайиб кўринарди. Юз-қовоқларида, бўйнида бир вақтлар орттирган жароҳат излари яққол кўзга ташланиб турар эди. Назаримда, у ҳар кунни дўппослашадиган урушқоқ кўчабезориларга ўхшарди.

Мен ўзимни яна бепарволикка солдим. Аммо, қанча уринмайин, қизиқишим тобора ортаётганидан унга тез-тез кўз ташлаб олардим.

Кутилмаган шеригим сўраб чекса ҳам, чакана кашанда эмас экан: уч тортишда сигаретни яримлатди. Қурмағур ҳар пуфлаганида оғиз-бурнидан бурқситиб тутун чиқарар эди. Унинг бу қилмиши мени кўп ажаблантираётган бўлса-да, негадир, андек ёқинқирамай ҳам гурарди. Ахир, зиёли одамнинг олдида... яхши эмас.

Шеригим ўқтин-ўқтин лабини ялаб, кетма-кет ютини-б, катта тайёргарлик кўрувига қараганда, гурунглашмоқ истарди. Лекин у сўз бошловга ботинолмасди чоғи, мен томон умидвор-умидвор кўз ташлаб қўярди. Мен эса ўзимни ҳамон лоқайдликка, совуққонликка олардим.

Ниҳоят, унинг тоқати тоқ бўлди. Бир томоқ қириб олиб:

— Саёҳатга кетаяпсизларми? — деб сўради у.

Мен вазмин бош ирғаб, «ҳа» ишорасини қилар эканман, ажабланганимдан шерикни беихтиёр бош-оёқ кузатиб чиқдим. Қизиқ, ёлғиз эмаслигимни қаёқдан билди у?

— Қирқ киши бир вагонда келаяпсизларми?

Унинг иккинчи сўрови мени тамом доводиратди. Ахир, ҳақиқатан биз қирқ киши эдик. Узоқ бир шаҳарни мўлжаллаб саёҳатга чиққандик. Тамбурдан сал наридаги



купеда мен уч ўртоғим билан жойлашганман. Қизиқ, биз ҳақимизда қаердан билади у?!

Билагон шеригим хунукдан-хунук ҳомуза тортиб, яна алланимадир деди. Шу пайт чап томондан узун бир эшелон шиддат билан ўтди-ю, қулоқни қоматга келтирувчи шовқин-суронда унинг гапини тушунмай қолдим. Шундай бўлса-да, «ҳа» деб бош силкитдим.

Эшелон ваҳшат солиб ўтиб кетгач, тамбурга жиндек осойишталик инди. Бу орада қутилмаган шерик қулоқ-чаккасини кўмиб кетган сочини зўр бериб, аммо ҳузур билан қаршилади.

— Эртага эрталаб фалон шаҳарга етсак керак-а? — деб сўради у, негадир кулимсираётган кўзларини менга тикиб.

Мен елка учирдим. Тўғрисини айтсам, бу нусха мени хийла қизиқтириб қўйди. Ажаб, уст-боши бир аҳволда-ю, яна тинмай илжайишига, бошқа киши олдида ўзини эркин тутиб, нақ қучоқлаб олғудай бўлишига бало борми?

Унинг афт-ангорига энди ошқора ҳайрат билан қараб турарканман, бир пайт юрагим «шув» этди. Негагини билмадим-у, миямда ноҳуш фикрлар ялт-юлт эта бошлади. Балки, бу нусха ўғридир?! Тавба, нега шу ўй эрта-роқ бошимга келмади-я? Об-бо, қип-қизил ўғри эканлиги шундоққина кўриниб турибди-ку?! Мени гапга тутишлари бежиз эмас. Занғарнинг бошқа ерда шериклари ҳам бор-ов? Бу нусхани биз ҳақимизда маълумот тўплашга юборган улар! А-ҳа, манови, афтидан, бизникилардан ким биландир гаплашган ҳам...

Гўё шубҳаларимни тасдиқлагандай, бир маҳал, қутилмаган шерик яна сўроқ қилиб қолди:

— Биринчи купеда бошлиқларингиз борми, дейман? Назоратчи нуқул ўша ерга чой ташийди.

Мен биланар-билимас бош ирғар эканман, баттар хавфсирардим. Аммо, тан олиш керак, тафтишчининг гап оҳангида ҳеч бир қароқчилик аломатлари сезилмасди. У ҳаддан ташқари илиқ муносабатда бўлар, тамакидан сарғайиб кетган тишларини кўрсатиб, тинмай табассумлар ҳада этар эди. Кўрган киши, хоҳласа-хоҳламаса, икки оғи-ини узоқ айрилиқлардан кейин учрашиб қолганлар, деб ўйларди.

Бироқ, унинг бари соф — самимий муомалаларини мен ўз шубҳаларимга ем қилар, манов нусхага ишонмасликка ўзимни-ўзим даъватлар эдим. Тўғри-да, ўғри ҳеч қачон, «мен — ўғри» демайди-ку? Илжаяди, хўм-раяди, ишқилиб, ўзини кўнгли тоза, самимий кўрсатмоққа тиришади. Иш пишгач, шартта бўйнингга пичоқ тирайди. Ана, кейин кўраверасан ҳар икки гапиде «ака» дегувчи мулойим супургининг ҳунарларини!

Поезд шитоб билан елиб бормоқда. Вагон ва темир «туёқ»ларнинг шарақа-шуруқ, тарақа-туруқ қилиши асаб торларини ғоят таранглаштирарди. Бу томонларга аввал йўлим тушмаганлиги сабаб қай бир манзилда кетиб бораётганимизни билмасдим. Боз устига, вақт кеч — ҳуфтон маҳалига яқин бўлиб, тамбур деразаси ортида қоп-қора қоронғилиқдан бошқа ҳеч нарса кўзга ташланмайди.

Қутилмаган шерик тамбурни обдон қараб чиқаркан, бир пайт:

— Бу ерни нимага ўхшатасиз, ака? — деб сўради. Мен одатдагидай елка қисдим. Лекин номига бўлса-да атрофимга кўз югуртирдим.

Ҳамма матоҳи темир-терсақдан бўлган оддий вагон тамбури. Тепада хира чироқ. Оёқ остида сигарет қолдиқлари, қоғоз, латта бўлақлари сочилиб ётибди. Кўкиш рангга бўялган темир «девор» — тамбурнинг нақ ҳурмат китоби деб ўйлайсиз. Унга кимлардир ўз исминини, шахрининг номини ҳафсала билан ўйиб ёзган. Ҳат-

то яна аллаким нўноқларча юрак ва найза тасвирини ҳам туширибди, анъанага хилоф равишда найзанинг икки учига катта-катта ҳарфлар ёзишни унутибди. Ким билади, балки шошиб тургандир?

Ҳалиги нусха ҳануз ишшайиб, мендан кўз узмай жавоб кутарди. Мен лабимни чўччайтириб яна елка учирдим. У эса чекиб тугатган сигарети қолдиғини оёқлари остига ташлаб эзгилади-да, чопиб бориб, ўша жойига бояйдай чўнкайиб ўтирди. Тиззаларига икки тирсагини қўйиб, рапидадек қўлларига нягини тираб, менга кулимсираб қараркан:

— Энди-чи? Энди нимага ўхшатаяпсиз? — деб сўради у. Гўё бу лаънати тамбур нимага ўхшашини билмоғим шартдай.

Мен бепарво сигарет тортидим. Унинг ўзини талабчан отадек тутиши менга ёқмаётган эди. Оғиз-бурнимдан чиқаётган қуюқ дуд ачиштирган кўзларимни ярим юма туриб яна бош чайқадим.

— Турма. Бир кишилик камерага ўхшайди, — деди у ўрнидан туриб, — ё нотўғрими?

Мен унинг сўровларига жавоб бермоқни ўзимга эп билмасдим. Аммо кўнглимнинг қай бир бурчида эзмавойга нисбатан илиқлик силқиб чиқмоқда, бояги гумонларим табиатимга бўйсунмай, асов айғирдек орқага тисарилмоқда эди.

— Уч кун олдин қамоқдан чиқдим, — деди у ботинмайгина.

Мен нима деяримни билмай қолдим. Ахир, қамоқдан қутилган одамни биринчи марта учратиб турибман. Нима қилай, табриклайми, «балли, сизга» дейми, ё... «об-бо-о, чатоқ бўпти-ку», деб ачинган бўлайми?

Бўғзимдан маънисиз «э» деган қисқа ва заиф товуш чиқди. Жабрдийда бу маҳал хира чироққа термулиб турарди.

— Турмани одам боласи кўрмасин экан, ака, — деди у култ этиб ютиниб. — Одам боласи кўрмасин...

Шу лаҳзадаёқ қутилмаган шерикнинг кўзларига хаёлчан маъюслик бостириб кирганини пайқаб қолдим. У устма-уст хўрсинди-да, менга яна жилмайиб қаради:

— Энди ҳаммаси орқада. Ана энди... — жабрдийда шундай деди-ю, бақувват қўлларини негадир мушт қилди. Билмадим, нега, балки бирортасини «ана энди» дўппослар, балки «ана энди» мустаҳкам бўлганини кўрсатмоқчидир?

Мен чекиб бўлинган сигарет қолдиғини оёқларим остига ташлаб, шошилмай эзгиладим. Қутилмаган шерик кетмоққа шайланаётганимни кўриб бир чўчиб тушгандай бўлди, йўқ, ростдан ҳам чўчиб тушди у!

— Боя, — деди ажаб нусха шошилинч томоқ қириб оларкан, — чўнкайиб ўтирганимни кўриб ҳайрон қолгандирсиз. Тентак бўлса керак, деб ўйлагандирсиз, тўғрими?

Мен зўраки илжайдим. Тентаквой эса яна чопқиллаб бориб ўша жойига чўнкайиб олди. Илжайди.

— Қамоқда, — деди у яна кўзларини хира чироққа қадаб, — тонггача шундай ўтирардим. Мени кўпинча бир кишилик камерага қамашарди. Камеранинг бир бурчагида шундай ўтириб тонгни кутардим. Эҳ...

У шундай деди-ю, сиқиб, сўнг қўйиб юборилган пружинадай сапчиб ўрнидан туриб кетди.

— Эҳ, — деди у эҳтирос билан қўл силтаб, — энди ҳаммаси орқада. Энди елкамнинг чуқури кўрсин у камера-памерасини. Мен энди... мен энди...

Ажаб нусха роҳатланиб керишди. Кўзларини сузиб жилмайди. У айна чоғда қорни тўйган гўдакка ўхшаб кетган эди.

Мен ҳам вазмин бош ирғаб илжайиб қутилмаган шерикка ҳам — қувончилик кўрсатган бўлдим. Аммо,

кўнглим нимадандир гап эди. Мен кетиш ниятида, вагон эшиги томон бир қадам ташлаб хайрлашув учун энди қўл чўзмоққа шайланганимда у яна шоша-пиша гап бошлаб қолди.

— Ҳалиги, — деди у, мени суҳбатга қизиқтирмаққа жон-жаҳди билан ҳаракат қилиб. — Ҳалиги... мен камерада шунчаки чўнқайиб ўтирмасдан. Қаранг...

У шундай дедию чўнтагидан газетага ўроғлик оҳак бўлагини чиқарди. Ажаб, у чўнтагида доим оҳак бўлагли олиб юрарканми? Ё вагон назоратчисининг челагидан толганими? Балки бирор станциядан, поезд тўхтаган чоғи териб олгандир, ким билади дейсиз?

— Ҳозир, ҳозир... — лўливой шундай деди-ю, ҳалиги ҳурмат китобига айланиб кетган тамбур деворини шошиб, ютоқиб бўяшга тушди.

Мен унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатарканман, ҳайронлигим тагин кучайди. Қизиқ, намуноча менга ёпишиб олди бу нусха? Негадир тамбурдан кетишимни ҳеч истамапти? Унинг «кетма» дегандек ёлвориб қарашлари, бошимни айлантормаққа ўлиб-тирилишлари, негадир ботқоққа чўқаётган одамнинг дуч келган хас-хашакка ёпишишини эслатиб юборарди. Об-бо, ғоят антиқа чиқиб қолди-ку бу оғайним.

У ҳаш-паш дегунча ишини тугатди. Афтидан, у бундай майнавозларча бўёқчилик билан жуда кўп шуғулланган кўринади.

— Қаранг, — деди майнавоз, оҳак юқи бўлган қўллари пуфлаб тозаларкан. — Қаранг, ака, жуда зўр бўлди бу гал, кутмагандим.

Мен икки қадам олға юриб у ишора қилган жойга қарадим. Кўрдимки, ўша — ўйиб-чишиб ташланган тамбурнинг «девори» оппоқ тусга кирибди. Темир девор оқ — оппоқ эди.

Мен ҳеч вақога тушунолмаб ажаб нусхага ўгирилдим. У худди мушуқлимни осон қилиб қўйгандай, оғзи қулоғида, талтайиб турарди. Сўнг, менинг ҳайрон қотганимни кўрди-ю, шошилиш тилга кирди:

— Қаранг, яхшилаб қаранг, ака. Нимани чиздим мен. Унинг ҳаддан ташқари эзмалиги нақ ҳиқилдоғимга келган бўлса ҳам яна бир карра қизиқиш билан оппоқ темир деворни кўздан кечириб чиқдим. Аммо, бу лангнати бўёқчиликдан ҳеч қандай маъно уқа олмадим.

Менинг жуда қийналиб кетганимни, сабр косам тўлиб-тошаётганини эзма дарров пайқаб олди. У, кетиб қолишидан чўниди шекилли, ҳовлиқа-ҳовлиқа илтифот қила бошлади:

— Чўнқайиб қаранг, ака, чўнқайиб. Анови — мен ўтирган жой қулайроқ, тортинманг, чўнқаяверинг.

Шу чоғ тамбурда башанг қийинган қандайдир кимса пайдо бўлди. У беш-олти вагондан ўтиб келаётган бўлса керак, билинар-билимас ҳансирар, юзига қизиллик тепганди.

Ўткинчи бизнинг вагон томонга зипиллаб ўтаркан, ҳаяжонда тинмай типирчилаётган ажаб нусхага, оппоқ девор ёнида гангиб турган — менга қизиқувчан нигоҳини бир-бир қадаб олди. Ҳатто кинояли ишшайгандек ҳам бўлди. У бизни тамбурга амал-тақал қилиб, илашиб олган дайдилар, деб ўйлади чоғи.

Ажаб нусха, гўё кадрдон ошнасини кўриб қолгандек, ҳеч бир тап тортмай, ўткинчига устма-уст кўз қисди. Бу ҳам етмагандек, изидан «даврамизга марҳамат», деди қўлини кўксига қўйиб.

Мен бошим қотган бир аҳволда турган бўлсам-да, унинг таклифидоғи самимий лутфни илғаб қолдим! У етти ёт бегонанинг олдида ҳам ўзини элга ош бераётган, қўли очик, кўнгли кенг бойвачча мисол тутуши мени қандайдир завқлантириб юборди ва беихтиёр пиқ-пиқ кула бошладим.

Эзманинг лутфи карами, менинг ҳиринглашим бир сония бизга анграиб қолган ўткинчининг кўнглига гулу солди, ҳойнаҳой, у зинғиллаб вагон ичкарисига уриб кетди. Афтидан, у қимматбаҳо кийимию сўлкавой лик тўла ҳамёнини биздан қизганди. У олий зот энди тонг отгунча бу тамбурдан қайтиб ўтишга ботинолмасов.

Ўткинчи кўздан йўқолиб, вагон эшиги қарс этиб ёпилди-ю, мен дарҳол ўзимга келдим. Бемаъни бир жумбоққа бемаъниларча бош қотириб ўтирганимдан уялиб кетдим. Устига устак, ҳалиги ўткинчининг масхараомуз ишшайгани кўз олдимга келиб кетди-да, иззат-нафсим кўзғолиб, ажаб нусхага аччиқланганнамо ўқрайиб қарардим. У ҳам портлашим яқинлигини сезди шекилли, эгардан тушмаса ҳам ҳар қалай отдан тушиб гап бошлади:

— Майли, ака, овора бўлманг. — Унинг овози энди бироз ҳорғин ва руҳсиз эшитиларди. — Майли, ўзим тушунтираман. Бу сизга қандай билмадим-у, лекин менга жуда оддий.

Эзма ўз бурчагига бориб яна чўнқайди-да, бир-икки ютиниб олгач гапида давом этди:

— Камера деворини ҳам шундай оққа бўярдим-да, тонг отгунча термулиб ўтирардим. Ҳеч чарчамасдим. Мумкин, сизга кулгилдир, мумкин, мени тентакча чиқарсиз, лекин барибир гапиравераман.

Ажаб нусха шартта ўрнидан турди-да, ўша бўялган жойига яқинлашди.

— Шу оқликка термулсам ўзимни кўм-кўк осмонда, оппоқ булутларнинг орасида озод учиб юргандай ҳис қиламан. Термулганим сайин шу оқликка сингиб кетаётгандай бўлавераман. Эҳ, нимасини айтай, ўша бетон деворларнинг оққа бўялган бир қулочча жойи мени уч йил омон сақлади, уч йил!..

Жабрдийда ҳар бир сўзини сарғайган тишлари орасидан суғириб-суғириб гапираркан, менга бир марта ҳам қарамади. У фақат ўша — бўялган жойга тикилиб турарди. У, гўё мени унутган, мутлақо унутган эди!

— Эҳ, — деди жабрдийда, ниҳоят, менга ўгирилиб. — Бекорчи нарсаларни гапириб ўтиришимга қаранг. Бунинг ҳаммаси бемаънилик, ўз-ўзини алдаш. Худога шукур, энди ҳаммаси орқада, ҳаммаси ўтди. Мен энди озодман! Мен озод! Менга энди ҳеч бир оқлик — поклик керак эмас. Мен энди одамлар орасидаман! Ҳа-ҳа-ҳа...

Ажаб нусха қувонч ва эҳтирос билан елкамдан қучди. Унинг танидан ақиётган қўланса ҳиддан жирканибми, ё шунчаки чўчибми — беихтиёр орқага тисарилдим.

Ажаб нусха ҳамон тинимсиз алжирарди:

— Камера-памерасини ҳам, оқ деворини ҳам елкамининг чуқури кўрсин. Энди жиннига ўхшаб чўнқайиб ўтириш йўқ, энди фақат шахдам қадамлар...

У шундай дедию тамбурни гумбурлатиб, икки-уч қадам ташлади. Мен унга шоша-пиша йўл бера туриб вагон эшигини қия очдим. Охири, елимдек ёпишиб олган бу нусханинг олдида тезроқ кетишга узил-кесил қарор қилгандим.

— Ака, йўл бўлсин? — деб сўради у писмиқланаётганимни сезиб.

Мен зўраки илжайдим:

— Уёқда... дўстлар кутиб қолишди.

— Мени купенгизга таклиф қилмайсизми? — деб сўради ёпишқоқ аллақандай нозланган, эрқаланган оҳангда.

Унинг жиддий ё ҳазил гап қилганини билолмай саросимада қолдим. Наҳотки жиддий — сурбетлик қилаяпти? Йўғ-е, ҳазиллашаётгандир? Жигимга тегмоқчидир, ярамас?!

Негадир унинг таънали сўровлари менга ҳазилдай туюлди-ю, у барибир бормаиди, деган умидда шер бўлиб:

— Марҳамат, — дедим олифталарча кучоқ кериб.

Аммо кароматим чиппакка чиқди. Ёпишқоқ ташаккурона бош ирғаб изимдан эргашди. Мен сипогарчилигимдан қаттиқ пушаймон бўлдим. Начора, энди кеч эди.

Поезд пишқириб, ҳаллослаб елгани-елган. Вагон асабий-асабий чайқалмоқда.

Биз купега кириб борганда ўртоқларим ҳали ухлашмаган экан. Юқоридаги икки жойда Бой билан Жон чўзилиб олишган, Бой аллақандай расмли журналини суқланиб томоша қилмоқда. Жон эса олифтагарчиликка кўтариб юрадиган қалин китобини варақлагани-варақлаган. Пастки икки жойдан бирининг эгаси менинг қўшним Бек одатдагидай алмисокдан қолган магнитофонини титкилаб ўтирибди.

Улар менинг жуфт бўлиб қолганимни кўриб, бир зум анграйиб қолишди. Мен айбдорона илжайдим. Сўнг шеригимни ўтирмаққа ундай туриб, кескин масхарамуз оҳанга:

— Танишинглар, бу киши бизнинг ошно, — дедим. Шу билан гўё келган меҳмон ҳеч бир эътиборга лойиқ эмаслигини дўстларимга ошкор қилган бўлдим.

Меҳмон ўзини тантанали учрашувда деб ҳис қилди чоғи, қўйиб берса ўтирганларнинг ҳар бири билан қучоклашадаган даражада ҳаяжонланиб, саломлашувга тутинди.

Бой билан Жон ётган жойларидан эринибгина қўл чўзишди. Бек эса кўриша туриб, ўрнидан хиял кўзғалиб қўйди ва яна ўз юмушига шўнғиб кетди.

— Бу киши — Бек, буниси — Бой, буниси — Жон, — дедим ҳар бир дўстимни қўноққа кўрсатиб. Аммо шу пайт танишимнинг исмини ҳалигача билмаслигим, у ҳам меникидан беҳабарлиги лоп этиб ёдимга келди-ю, озмо-мулзам тортиб қолдим. Лекин гапимнинг охирини ўсталик билан ҳазилга буриб юбордим:

— Мен эса — ўша-ўша Қулман.

Афтидан, шу орада қўноғимиз ҳам ўзини таништирмаганини эслаб қолди шекилли, дарров ўз исмини тилга олди.

Биз ҳалигача бир-биримизни билмаслигимизни пайқаб қолган Бой билан Жон пиқ-пиқ кулишдилар. Ишга астойдил берилиб кетган Бек эса гап нимадалигини билолмай ҳаммамизга бир-бир анграйиб чиқди.

Ажаб нусха кулгиларга кўп ҳам эътибор бермай, гўё ўзининг юз йиллик уйига киргандек бемалол жойлашиб оларкан, яғир куртқасининг занжирини шиғиллатиб пастга тортиб қўйди. Одатдагидай, тинимсиз илжайишда давом этди.

Орага жимлик чўқди.

Дўстларим ўзларини ғирт лоқайдликка солишаётган бўлса-да, аммо меҳмон билан ғоят қизиқиб туришганини пайқаш қийин эмас эди. Хусусан, Бекнинг аҳён-аҳёнда бир менга, бир меҳмонга кўзини лўқ қилиши, тепада ётганларнинг хийла бесаранжомлашиб қолуви уларнинг мақсадини ойдинлаштириб турарди.

— Бу киши, — дедим мен сўйламоққа қандайдир эҳтиёж сезиб, — кўп қийинчилик кўрибди. Уч кун олдин қамоқдан чиқибдилар.

Шундай дейишим биланоқ юқоридаги иккала калла бараварига эгилиб бош-оёқ синчиклаб кузатиб чиқди.

Қўноғимиз уларнинг жунбушга келиб қолганини ўзича тушунди шекилли, худди, кўп катта юмушни тиндириб келгандай, камтарона илжайиб, мисоли саҳнадаги артистлардек, бошини уч-тўрт силкитди.

— Биз жуда иноқ бўлиб олдик, — деб гапда давом

этдим мен. Бироқ шу лаҳзадаёқ қаршимдаги юқори жойда ётган Бойнинг ғазаб билан уюлаётган қовоқ-тум-шуғига ногоҳ кўзим тушди-ю, дамим ичимга тушиб кетди. Уники камдай, Бек ҳам чақчайган кўзлари билан меҳмонга таҳдидли ишоралар қилди. Бу — унинг «йўқот мановини!» дегани эди.

Тепамда ётган Жон ҳам умумий безовталикдан четда қолмай, устма-уст маъноли томоқ қирди.

Мен анча шошиб қолгандим. Аллақачонлар тумандек тарқаб кетган шубҳаларим қора булутларга айланиб, ваҳима билан яна бостириб кела бошлади. Ахир, манови учови аҳмоқ эмасдир? Шулар ҳам бир нарсани сезишганки, тинчини йўқотишди? Об-бо, нега ҳам бошлаб келдим-а, бу шилқимни?

Шилқим эса купедаги нохуш ола-тасирдан беҳабар Бекнинг магнитофон тузатишини иштиёқ билан кузатиб ўтирарди.

— Роса қийнабди-ку, — деди у астойдил ҳамдәрлик билан. — Янгимиди?

Бек унга шубҳали бир қараб оларкан:

— Кўрмаяпсизми титилиб кетганини, — деди истамайгина.

Меҳмон Бекка таънали бир тикилиб олгач, менга ўтирилди. Унинг қаттиқ хафа бўлгани юз-кўзидан шундоқ билиниб турарди.

Мен ҳамон ўз ёғимга ўзим қоврилиб, шубҳаю гумонларнинг аёвсиз ҳужумларидан гарангсиб турардим. Устига-устак, дўстларимнинг совуқ қарашлари танаффус билмас эди.

Мен ахийри меҳмондан тезроқ қутулиш пайига тушиб қолдим. Бунинг бирдан-бир йўли тўмтайиб олиш, у билан гаплашмаслик деган фикрга бордим ва ўзимни қаттиқ ҳориганга сола бошладим.

Шу орада Бек магнитофонини асабий йиғиштирди-да, емак столчасининг устига тарақлатиб қўйди. Сўнг ўз жойига ётмоққа ҳозирлик кўра бошлади. Унга тегишли ўриндиқнинг бир чеккасида ўтирган меҳмон шошапиша мен томонга кўчди.

Бой билан Жон ҳам аллақачон ўзларини ухлаганга солиб олишди.

Вагон бир маромда тебранмоқда. Темир ғилдирақларнинг шовқини авж пардасига кўтарилган. Купенинг кенг деразасидан қоронғулик ваҳима солиб турибди.

Нимёруғ купеда фақат икковлон ҳўрпайишиб қолган мушуклардек сукут сақлаб ўтирибмиз. Гўё гурунгобозликка ҳеч бир гап-сўз йўқдай. Аслида-ку, ичим тўла саволлар. Хусусан, унинг қачон қамалгани, нима учун қамалгани, қамоқхона ҳаёти мени жуда-жуда қизиқтирарди. Лекин бу нусханинг тезроқ даф бўлишини истаб турганимдан, бирор нарса сўрамоққа ҳеч ботинолмас эдим. Ахир, бу қурмағур лўлибашаранинг бир гапдони очилиб кетса қутулиб бўладими ундан?!

Қўноқ бир маҳал қаршимиздаги юқори ўриндиққа кўз ташлаб:

— Ака, тилла соатингиз неча бўлди? — деб сўради Бойдан. Афтидан, у Бойни ухламай ётганини сезиб, дўстона суҳбатга тортган, ҳатто суҳбат завқли бўлсин дея «тилла» сўзини атай ҳазил учун қўшган эди.

Бой эса гумонларга лиммо-лим кўзини унга эмас, негадир менга қадаб қўполдан-қўпол тўнғиллади:

— Тилла соат бузуқ.

Қўноқ ҳорғин ва хафаҳол илжайиб менга қаради. Мен ўзимча вазиятни юмшатган бўлиб:

— Бечоралар чарчашган, — деб минғилладим.

Аммо қоп-қора деразага маъюз тикилиб турган меҳмон гапимни мутлақо эшитмади.

— Қарта ўйнаймизми? — деб сўради у бир-икки да-



қиқадан сўнг қўлини куртқасининг чўнтагига суқиб.

Мен шоша-пиша бош чайқадим:

— Йўқ, йўқ, ўйнашни билмайман.

У қўлини чўнтагидан олмай, бир зум ўйланиб турди-да:

— Сизга зўр-зўр фокус кўрсатаман, хўп? — деди.

Мен гап тополмай елка қисдим.

Қўноқ чўнтагидан ҳали кам ўйналгани биланиб турган бир тўп қарта чиқарди-да, устамонлик билан чийлай бошлади. Унинг тарашадек қўллари шундай тез айланардики, нақ машина моторининг парраги дейсиз. У ми-соли гармон чалаётгандек ҳар қулоч керганда қарталар пружинадек эшилиб-эшилиб, чўзилиб кетар, ҳатто шиф-шиғ этган ёқимли овоз ҳам чиқарар эди.

Мен шунчалар галитс ҳаракат чоғи ҳам қарталарнинг сочилиб кетмаётганини кўриб ҳайратга тушардим.

Ниҳоят, у тилга кирди:

— Манави, — деди у эркак туширилган бир дона қартани нақ тумшугимга тиқиб, — «Приступник № 1». Сиз яхшилаб кўриб олинг, лекин мен кўрганим йўқ, тўғрими?

Мен тасдиқладим. Қўноқ «приступник»ни яна қарталарга аралаштириб ташлади-да, яна бир қартани кўзимга кўндаланг қилиб:

— Манови, — деди, — унинг севгилиси. Яхшилаб кўриб олинг, ака.

Мен яримьяланғоч аёл тасвирланган қартани эслаб қолганимга, фокусчининг ўзи бу қартани ҳам кўрмаганига яна бир карра ишонч ҳосил қилганимдан сўнг у «махбуба»ни ҳам тўпга қўшди. Кейин боягидан-да чап-дастлик билан қарталарни чийлаб, пружинадек чўза бошлади.

— Ҳозир, — деди у чўғдек порлаётган кўзларини менга қадаб, — «Приступник № 1» соқчини гум қилиб, қоровул бошлиқларини отиб ташлаб, камоқхонадан қочи-б кетади ва ўз севгилисининг бағрига эсон-омон етиб олади. У бахтли бўлади, у бахтли бўлади!

У охириги сўзларини оғзидан тупук сачратиб такрорлар экан, кўзларини купенинг қоғ-қора деразасига бурди. Афтидан, у бизни буткул унутган эди!

Қўноқ эҳтирос билан гапириб, қарталарни яшин тезлигида аралаштираркан, назаримда, у гоҳ афсун ўқиётган жодугарга, гоҳ киноларда кўрганим — сим тўсиқлараро судралиб бораётган, кўзларида қатъий ишонч қалқиб турган маҳбусга жуда-жуда ўхшаб кетарди.

Охири қартабоз чарх уриб айланаётган қарталарнинг ичидан бир жуфтини олдимга ташлади-да, тинчиди-қолди.

Мен жуфтларни қизиқиш билан ағдариб кўрдим-у, ажабланганимданми ё завқим жўшиб кетганиданми ҳе-ҳелаб кулиб юбордим. Булар — ўша «ошиқ-маъшук» қарталар эди.

Шу орада гўжанак бўлиб ётган Бек уёндан-буёнга маъноли ағдарилди. Мен дарҳол ўзимга келиб, сал бўл-маса «вазифам»ни унутаёзганимни сезиб қолдим.

Яна кўнглим безовталана бошлади. Қўноғимиз эса қарталарни ўз ҳолича чийлаб маъюс ўтирар, бизга кўп ҳам эътибор бермас, чамаси ниманидир кутмоқда эди!

Мен энди пайти етганини пайқаб, ёстиғимни уён-буён-га сурдим. Хайрият, имо-ишораларим зое кетмади.

— Узалмоқчимисиз? — деб кескин сўради меҳмон тўсатдан ва жилмайди. Бироқ унинг бу галги табассуми хийла синиқ ва ширасиз эди.

Мен уқувсизлик билан ишжайиб пешона қашладим. Қўноқ мени бир қур кўздан ўтказди-да, чаққонлик билан ўрнидан кўзгалди.

— Бўпти, бизга рухсат энди, — деди у хайрлашувга қўл узатиб. — Раҳмат, ака, ҳангомалашиб келганингиз учун.

Меҳмон кетишга шайлана туриб, дўстларимга қарата:

— Кечирасизлар... — деди қуруққина қилиб.

Зум ўтмай купе эшиги шифиллаб очилдию ёпилди.

Мен турган жойимда серрайиб қолдим.

Эшик ёпилиши билан Бек жойидан сакраб турди. Бой билан Жон ҳам оёқларини осилтириб олдилар.

— Уфф, кимни эргаштириб келдинг, а? — деб сўради Бек кўзини лўқ қилиб.

— Инсонпарвар, — деб тўнғиллади Жон юқоридан ихраб тушар экан.

Мен шундай таъналар тошбўрони остида яна бир карра айбдорона илжайиб жойимга чўкдим.

— Ювуқсизнинг қип-қизил ўғрилиги башарасидан билиниб турибди-ку?! — деди аллақачондан бери тепам-да қоққан қозикдай бўлиб турган Бой.

Мен ўзимни оқламоқча бир-икки ҳаракат қилгандим, улар аёвсиз қайириб ташлашди. Ноилож, дамим ичим-да, миқ этмай туравердим.

— У ёлғиз эмас, — деди жиддий таҳликага туша бошлаган Бой. — Уни атай, разведкага юборишган.

Бек унга илова қилди:

— Ярамаслар, доим саёҳатчиларни пойлаб юришади-да.

— Купега бегонани киргизманглар, деб Палончаев қанча тайинлаган эди-я... — деди Жон ҳам ўйчан бир қиёфада.

Бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеа муҳокамаси тўртовлон ўртасида гуруллаб ёна кетди.

— Магнитофонга еб қўйгудай қаради-ей...

— Купени зимдан кузатишини кўрдингми?

— Сенинг соатинг тилла кўриниб кетдими дейман, ҳе-хе-хе...

— Уккағар, жуда қув кўринади-я?

— Қарта чийлашига беш кетдим-да...

— Бу ҳам бир айёрлик-да...

— У ҳам ҳозир шериклари билан маслаҳат қилиб ётгандир?

— Палончаевга айтсакмикан?

— Э, қизиқмисан, бир камимиз ўша жирраки бошли-фингдан сўкиш эшитишми?

— Энди нима қилсак-а?

— Энди нима қилсак-а?

Шубҳалар-гумонлар, ташвишли шивир-шивирлар, жиддий маслаҳатлар ярим соатча чўзилди.

Мен ҳам уч-қуйруғи йўқ хавотирлар чанғалида, миқ этмай, игна устида ўтиргандай ўтирар, дўстларимга умидвор тикилар эдим.

Ниҳоят, маслаҳатлар пишди. Биз шу тунда муқаррар ҳужум қиладиган босқинчилар билан беомон олишув-га қарор қилдик.

Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолганди.

Биз ёстиқларимиз тагига ичимликлардан бўшаган тўрт-беш шишани бостириб, жой-жойимизга омонат-омонат чўзилдик. Аммо уйқу қаёқда, дейсиз. Хийла пайгача ўғрилар, талончилар, қотилликлар ҳақида гу-рунглашиб ётдик.

Поезд вишйллаб, халлослаб елгани-елган. Темир «туёқ»ларнинг тарақа-туруқи ҳориган вужудларни бат-тар ҳоритиб, асабларни раҳмсиз эговлайди. Дераза орти зим-зиё зулмат. Поезд ҳойнаҳой улкан бир дашт-лик бўйлаб кетиб борар эди.

Менинг ниҳоятда чекким келарди. Шерикларим таҳ-ликали тўлғона-тўлғона жимиб қолишди. Афтидан, сал-пал мизғиётган бўлишса керак.

Мен охири чидайолмай ўрнимдан турдим. Сигарет қутимни, гугуртимни пайпаслаб топдим-да, ташқарига



чиқмоққа шайландим. Кўнглим алланечук хижилликка тўлиб турарди.

Купе эшигини шиғиллатиб очганимда дўстларим дар-ҳол бирин-кетин бош кўтаришди. Мен кулгу билан улар-ни тинчлантирган бўлдим.

Вагон йўлагида ҳеч ким кўринмасди.

Мен тамбур томон йўналдим...

Ногоҳ унга кўзим тушдию, қаттиқ сесканиб кетдим.

У яна ўша ўзининг иприски бурчагида чўнқайиб ўти-рар, кўзлари бир нуқтага — ўз қўли билан оққа бўяган ўша тамбур «девори»га маъюс қадалганди.

Ажаб нусха мени кўрмади. Ё кўрса ҳам заррача эъти-бор бермаган эди.

Мен тамбурда бир зум каловланиб тургач, бу ерда чекиш хийла ўнғайсизлигини англаб, секин изимга қайт-дим.

Унга яна беихтиёр кўзим тушди. У ҳамон чўнқайиб ўтирар, ўша бўялган жойга толиқмай тикилар эди. Ажаб нусха худди шу ўтиришида қушга ўхшарди. Ҳа, баҳай-бат, мағрур қушга ўхшар эди! У, назаримда, ўзининг бепоён Оқлик ўлкаси томон мангу парвозга шайланаёт-гандай туюлди.

Поезд ўкириб шиддат билан елиб борар эди.

## Тил сандиғи



Адарман — ишбилармон  
азаланмоқ — илтимос қилмоқ, ўтиниб сўрамоқ  
аззик — сўлак  
акана — хонқизи  
бепири — варақи  
бештош — болалар ўйини  
битан — келишган, қоматдор  
бикир — бутун  
билгишли — атайин, жўрттага  
бўгат — кичик дамба  
бўймас — ўсмирлик даврида чаноқ-сон бўғимида  
кўзғаладиган оғриқ.  
гиткир — ишбилармон, ўткир  
гизланмажак — бекинмачоқ  
гизламоқ — яширмоқ, бекитмоқ  
гулмих — миҳсимон темир қозик  
гўнаимоқ — ёлчимоқ  
гўгайини — ари  
дали — суюқ, ёқимсиз  
дашрмоқ — сўзламоқ,  
дапмажак — болалар ўйини  
димдик — бутунлай  
дигил — филдирак  
доримоқ — ёпирилмоқ  
дузгам — 1. ўйин тури. 2. балиқлар тизиб олина-  
диган чўп.  
душиқмоқ — йўлиқмоқ  
дўққи — данакнинг мағзи  
дўлама — биринчи соғилган сутнинг пиширилгани  
дўғмоқ — синдирмоқ, майдаламоқ  
дўғик — синиқ  
дўлоб — тўполон, шовқин-сурон  
дўла — қазноқ  
дўв — навбат келди маъносида  
ертут — қулупнай  
ерқанот — кўршапалак  
ёвоқ — паншаха, айри  
ёвонтовуқ — қирғовул, тустовуқ  
ёлинг — гармсел  
ёллинг урмоқ — лаганбардорлик қилмоқ  
жигжикка — 1) синчалак, 2) кичкина одам  
жирриқ — барра қўзичоқ гўшти

жигилдирик — жийда данаги  
игли — ориқ  
игнаси — ниначи  
игнавожиқ — тўғноғич  
изғор — ном  
илвиз — ўргимчак  
илдак — олдин, аввал  
ирни — эртапишар, азалги  
ишқирим — хуштак (овоз)  
кашқаш — тегирмон  
келинбармоқ — узумнинг бир нави  
кол — анҳор, канал  
кўм — бузилган бедапоядаги беда томирлари  
кўйоқ — қизганчиқ  
мўрс — ариқ суви тубидаги қора лойқа  
манглайга — пешонабоғ  
мижана, мижокин — данак  
мирзабоши — қирқоёқ  
миққиламоқ — эзмоқ (бармоқлар билан)  
миллиқ, милқи — юмшоқ, мулойим  
мирриқ, миқмирриқ — мажмағил  
мўжак — ҳар хил ҳашорат, қўнғиз  
нури — гўнг  
одиқмом — таниқли, номи чиққан  
олоқо — шокила  
орқайини — бемалол, хотиржам  
патта — қайрағочнинг бир тури  
рева — чўлда ўсадиган ўсимлик  
риттик — доимо, ҳамisha, мудом  
сирқин — ёйилиб ўсадиган шувоқ  
сирдоқ — шиғил, меваси кўп  
сиринжа — мевали дарахт ва ўсимликларга туша-  
диган шира, ўсимлик бити  
тўмзоққа — қўнғиз  
учқур — иштонбоғ  
учмо — вабо  
хинти — пакана  
чағил — майда тош, шағал  
чолик — шўх  
чундик — 1) тумшук, 2) жўмрак  
чўмирмоқ — ботирмоқ  
шаван — хамир ёядиган тахта  
ширникмоқ — мазахўрак бўмоқ  
шиқирқоғоз — целофан пакет  
ўвратмоқ — майда қилмоқ  
ўзаланмоқ — аҳволи яхшиланмоқ  
қарта — пластинка  
қомоқ — оқбош (ўсимлик)  
қуйдамоқ — йўрғакламоқ  
кўлорқа — исирға, зирак  
қушжийда — жийданинг меваси майда бир тури  
ғулво — қувур  
ғўлим — туршак  
ҳажжа — тирговуч  
ҳилбўй — ялпиз  
ҳовул — човул — юғуриб-елиб, апил-тапил  
ҳўпиқмоқ — нафас ололмай қолиш

Тўпловчи: Ғулом Карим,  
Бухоро вилояти, Олот ноҳияси

## Зулфия Мўминова



## Синиқ табассумли аёл

Мени кўппакларга талатган оғам,  
Гийбат қаловини қалатган оғам.  
Аввал олма, сўнгра тош отган оғам,  
Сиздан кетмайин, мен кимдан кетайин  
Ва Сиздан кетганим кимга айтайин.  
Беҳад кўркли оғам, келишган оғам,  
Бахтимни оловга бўлишган оғам.  
Устимдан ўзга-ла қулишган оғам,  
Мен сиздан кетмайин, кимдан кетайин  
Ва сиздан кетганим кимга айтайин.  
Кўзингиздан ёлғон ёди келаркан,  
Сиздан хиёнатнинг ҳиди келаркан.  
Бўғзимдан қиёмат доди келаркан  
Мен сиздан кетмайин, кимдан кетайин  
Ва Сиздан кетганим кимга айтайин.  
Дарёман, чўмилар, кечар ёт аёл,  
Рошимда либосин ечар ёт аёл,  
Сиз-ла, кўз ёшимни ичар ёт аёл,  
Мен Сиздан кетмайин, кимдан кетайин  
Ва Сиздан кетганим кимга айтайин.  
Боламга кесатманг, кетади қолмас,  
Руҳимга тош отманг, кетади қолмас,  
Хайдасангиз ит ҳам кетади қолмас,  
Мен Сиздан кетмайин, кимдан кетайин  
Ва Сиздан кетганим кимга айтайин.

Чопқир бола, бўз бола,  
Чопқирлардан ўз, бола.  
Юрагимга мих кирди,  
Тишинг билан уз, бола.  
Чопқир, чопоғоним, ҳай,  
Томда ётагоним, ҳай.  
Ўғрилари паналаб  
Тошлар отагоним, ҳай.  
Кўрар кўзларим, бола,  
Тилимда айтарим, ҳай.  
Руҳимдаги боғларим  
Сенсиз ярим-ярим, ҳай.  
Чопқир бола, бўз бола,  
Қора, бўтакўз бола.  
Кўзларим қирғоғида  
Севинч бўлиб суз, бола.  
Юрагингни йўлбарс қил,  
Юрагингни шер қилгин.  
Қувларни, маймунларни  
Тупроқ билан бир қилгин.  
Кўнглингни кенг-кенг айла,  
Кўкрагингни қир қилгин.  
Тошларни-да кемиргич  
Тишингни темир қилгин.  
Чопқир бола, бўз бола,  
Чопқирлардан ўз, бола.  
Юрагимда мих занглар,  
Тишинг билан уз, бола.  
Тўшакларинг тош бўлсин,  
Ёстигинг бардош бўлсин.  
Сен даврага тушганда  
Хизирлар йўлдош бўлсин.  
Елканг ерни искамас,  
Бошгинанг ҳам бўлмасин.  
Чеккада боқиб энанг  
Кўзлари нам бўлмасин.  
Қамишзорлар ичидан  
Кишанг келар бир тулпор,  
Сувлигини тишида  
Тишлаб келар бир тулпор.  
Алпомишинг юртида  
Кишлаб келар бир тулпор,  
Бўронларни ёлида  
Ушлаб келар бир тулпор.  
Чопқир бола, уни тўхтат,  
Ўзинг билан эл қилгин.  
Туёғи теккан жойни  
Гулзор қилгин, гул қилгин.  
Сағринидан тер қуйилсин,  
Ёмғир қилеил, сел қилгин.  
Сусанбиллик баҳодирдек  
Тошларни чил-чил қилгин.  
Чопқир бола, бўз бола,  
Менга кўрар кўз бўлгин.  
Кўп югурдим дунёда,  
Келгин, қолар из бўлгин.  
Бу маънисиз ҳаётимга  
Маъни бўлгин, туз бўлгин.  
Ётлар доим ёт бўлар,  
Ўзинг менга ўз бўлгин...

Азизим, бахтиёрим,  
Қалб ситилур, эшилур.  
Сенга боққан кўзларни  
Кўриб, кўзим тешилур.  
Мен боқмаган кўзингга  
Қандайин боқди экан?  
Қўл етмаган елкангда  
Қандайин оқди экан?  
Азизим, бахтиёрим,  
Қалб ситамга дорилур.  
Кўзларингни эсласам,  
Юраккинам ёрилур.  
Бу дунёнг ҳам дунёми?  
Сен йўқ жойда дор ўлур.  
Сен сизмаган ёзиққа  
Икки дунё тор ўлур.  
Ўртамизда оқар дарё,  
Оқар дарё бор ўлур.  
Сен томон баҳор ўлур,  
Мен томони қор ўлур.  
Юрак йўлбарс — болалаган,  
Нолалаган гор ўлур.  
Билки, йўлбарс яшар жойда  
Тулки хору зор ўлур.  
Дерлар, кийик отилса гар,  
Кўзи гуноҳкор ўлур.  
Наҳот рақиб томонидан  
Кўзларинг шикор ўлур.  
Азизим, бахтиёрим,  
Токи жоним бор ўлур,  
Унда сен бор, бор ўлур,  
Бошқаси бекор ўлур.  
Бахт тилама, тилама гар  
Сенда ихтиёр ўлур.  
Сенсиз бахтли бўлиб юрмоқ  
Зулфияга ор ўлур.

Кўнглим — синиқ ойна қарама  
Қарамагин йўлингдан қолма.  
Яна уни ҳеч ким йўғида  
Яширинча қўйнингга солма.  
Қанча десанг шеърлар берайин  
Жон қушимдан патлар берайин.  
Тунлар ўқиб айглашинг учун  
Маъюс, маъюс хатлар берайин.  
Етар, кўнгли сўрама мендан  
Кўнгли десанг тутақиб кетгум  
Руҳингнинг тинч гўшаларига  
Ловуллашиб ўт ёқиб кетгум.  
Мен бахт сўраб бошлар урувдим,  
Ишқнинг азиз булоқларида.  
Не қилайки ковушим қолди,  
Омадсизлик ботқоқларида.  
Сенинг кўнглинг кўчаларидан  
Кизғалдоқлар даласи ўтар.  
Менга эса тош отиб ҳар кун  
Гийбатчилар галаси ўтар.

Сен бахтли бўл, менга қарама.  
Ким айтади тахтсиз бўласан.  
Фақат синиқ ойнага боқсанг,  
Бир умрга бахтсиз бўласан.

\* \* \*

Хайр, бахтли бўлишим керак.  
Хайр, бахтли бўлишинг керак.  
Хайр!

Ҳаётимда кулфат бошловчи  
Изларимга хайр дегайман.  
Мен йўгимда кўнглинг овловчи  
Кизларингга хайр дегайман,  
Гоҳ кулгу, гоҳ кўзёш узатган  
Кўнгироқлар, сўровлар, хайр.  
Ҳеч титрамай ёқанг тузатган  
Жуда таниш бировлар, хайр.  
Иккимиз-чун, осмондан тушган,  
Қорлар, хайр, қировлар, хайр.  
Парвоналар айланиб юрган  
Кўзингдаги оловлар, хайр  
Хайр, хайр, бу сўз қушчадек  
Деразанга бориб урилар.  
Бу қушчани киритмоқ бўлиб  
Гуллар ўннга, сўлга сурилар.  
Хайр, хайр, бу сўз қушчадек  
Ёстигинга йўлаб кўнади.  
Кўтаролмас хиёнатни у,  
Қушча ёстигинда ўлади.

\* \* \*

Менга кўп тошларинг отмагил, ағёр,  
Қилни туя дебон сотмагил, ағёр,  
Ғийбатнинг қўйнида ётмагил, ағёр,  
Бу дунё сендан ҳам, мендан ҳам қолар.

Севгим, севмадинг, нени кўзладинг,  
Мендан яхшисини бунча изладинг,  
Ўт ёқдим сочимдан тирноғимгача —  
Музладинг, музладинг, музладинг,  
Бу дунё сендан ҳам, мендан ҳам қолар.

Дўсти хиёнаткор, сени кечирдим,  
Ишонча музларнинг жонин ичирдим,  
Дардимга дардларнинг қонин ичирдим,  
Бу дунё сендан ҳам, мендан ҳам қолар.

Кўзимдаги ёш ҳам менга меҳмондир,  
Бошимдаги тош ҳам менга меҳмондир,  
Севги — бағритош ҳам менга меҳмондир,  
Бу дунё сендан ҳам, мендан ҳам қолар.



# Танишув

## Юсуф Худойкул

\* \* \*



Поёнсиз чўл, катта карвон,  
Йўл солган машириқ томон,  
Эргашади бўталоги —  
Жони омон, оҳ, омон!..

Ўзинг қўлла, она даштим,  
Йўл ахтариб кўп адашди,  
Тоғиб йўлни, бироз шошди,  
Жони омон, оҳ, омон!..

Кўзларига қум тўлмасин,  
Оч бўрига ем бўлмасин,  
Йўл топгани пайт ўлмасин,  
Жони омон, оҳ, омон!..

Поёнсиз чўл, катта карвон,  
Қадим йўлдан ўтсин омон,  
Ўзинг қўлла, она даштим,  
Жони омон, оҳ, омон!..

\* \* \*

Гул водийнинг қучоғига  
Сизмаган юрагим бор,  
Бу дунёга менинг, дўстлар,  
Нима ҳам керагим бор...  
Сув оқар шилдир-шилдир,  
Бу қандай ажиб кўйдир?  
Агар ишқ куйи эса,  
Кўнглим оч, уни тўйдир!

Ишқ осмоний, ҳур озод  
Руҳ дейдилар, ростмикан?  
Кўёш ювмиш қанотини,  
Замин ундан пастмикан?!  
Сирлашар шивир-шивир  
Юлдузлар, бу не кўйдир?  
Агар ишқ куйи эса,  
Кўнглим оч, уни тўйдир!

\* \* \*

Чарақлаб боқади қизгина,  
Нафасим тиқилар бўғзимга,  
Ой чеҳра — маъсума юзгина,  
Юрагим қолдирмас ўзимга.  
Чопаман, ортимда адирлар,  
Лолалар очилар қирмизи.  
Гидамчи турналар на дерлар,  
Олдинда ҳижроннинг шум изи.  
Қаришлар соясиз саксовул,  
Кўзига қум тўлган сардоба.  
Олислаб боради бир овул  
Йўлида йўлчиси зор қоб-а...  
Чопаман, ортимда изгина,  
Хаёлим олмоқчи бўларлар.  
Йўқ, мени чорлади қизгина,  
Тўхтасам, бедил деб куларлар.



## Шониёз Дониёров



## МАДАМИНБЕК КИМ ЭДИ?

Ватанин севмоқ имондандир.

Ҳадисдан

Инқилоб, аниқроғи ҳокимият тўнтариши... Очларга нон, йўқсилларга бошлана, деҳқонга ер ва эрк, тенглик ва тинчлик ваъда қилган инқилоб. Ҳа, ўша йўқсиллар кутган инқилоб... «Озодлик ва эрк» куйчилари томонидан хуб маромига етказиб обдон куйланган инқилоб... Улардан ўтказиб инқилобга таъриф у тавсиф бериш бандасининг қўлидан келмаса керак. У туфайли инсон кадр-қиммати ва унинг ҳаётидан озодлик ҳақидаги тахминий гоёлар ва орзулар устун келган, ака укага, ота болага, жиян тоғасига ёвқараб милтиқ ўқталган давр бошланди.

Бугунги ошкоралик ва қайта куриш шарофати, биздан унча узоқ бўлмаган бу «сирли» даврга ўзгача кўз билан қараб, қайта кўриб чиқишни талаб қилапти. Туркистоннинг қонли ва шонли йилларини баҳолашда ва у замонда Ватаним, миллатим, халқим, эътиқодим дея от чоптирган мураккаб тақдирли, зиддиятли ўғлонлар фаолиятини, шахсини, алғов-далғов замонни, даврни ва давр руҳини баҳолашда схематизм ва замонасозликка, бирёқламаччиликка мукамилдан кетганлигимизни тэн олиб, у сирли даврни қайта ўрганиш ва ўргатиш замон талаби бўлиб қолди.

«Тарихимизнинг фожиали жиҳатлари тўғрисида тўла ва аниқ ҳақиқатни билишни истамаслик ҳам, тарихий меросимиздаги чинакамга буюқ ва қимматли бўлган ҳамма нарсаларни йўққа чиқариш йўлидаги уринишлар ҳам бир хилда хатарлидир». (М. С. Горбачёв). Шунинг учун ҳам ҳар бир даврнинг ўз мезони бор ва у давр тўғрисида фикр юритаётганда ана шу мезонни унутмаслик керак.

Инқилобнинг дастлабки кунлариданоқ Фарғона водийси қип-қизил аланга ичида қолди. Четдан қараган кишига Туркистон ёнаётган тўқайзорни эслатарди. Йўқсиллар қалбини исит-

моқни ният қилган инқилоб олови бу юртни ҳўлу қуруғига қарамай ҳаммасининг қалбини ва кулбасини бирдай куйдираверди.

Туш пайти. Қуёш нури самони тик ёриб, бугдой ўраётган ўрус деҳқонларининг атайлаб елкасига найза бўлиб санчиларди. Жануб қуёшининг ўткир тиғи Константин Монастровга ҳам, бошоқ боғлаётган деҳқонларга ҳам бегона эмас эди. Узоқдан от чоптириб келаётган тўртта отлиқ кўринди. Улар тўғри К. Монастров қароргоҳига, аниқроғи армия штабига кириб келишди. Ва осийликларга хос ҳурмат билан кўлини кўксига қўйиб қўйиндан аллақандай мактуб чиқариб кўмондонга узатдилар.

«Муслмон отряди йўлбошчиси» Муҳаммадаминбек Аҳмадбек ўғлининг «Фарғона вилояти деҳқонлар армиясининг кўмондони Константин Монастровга йўллаган мактуби»:

Қузатишларимдан шунинг англадимки, большевойлар ҳокимиятни эгаллагандан буён, уйқудаги муслмон халқини таламоқда, мавжуд бўлган қонуний солиқлардан ҳам анча кўп тўловлар беришни талаб қилмоқда, қишлоқларни талон-тарож қилапти. Халқ очликдан қирила бошлаганида ҳам большевойлар бир сиқим ҳам дон бермаяпти. Мен кўлимга қурол олиб, большевойларга қарши жанг қилишга бел боғладим...

Роппа-роса бир йилдан буён уларга қарши жанг қиламан. Менинг мақсадим, большевойларни ҳокимиятдан ағдариш ва ҳокимиятни умумий, тенг, яширин ва тўғри овоз бериш йўли билан сайланган, халқнинг ҳақиқий вакиллари қўлига бериш.

Шахсан ўзим ҳокимиятпараст эмасман, унга интилмаман ҳам, юртимда осойишталик, тинчлик бошланган заҳотиёқ ўзим севган деҳқончиликка қайтаман.

Большевойлар менинг тўғримда бор кучи билан «Мадаминбек миллатчи, у хон замонини қайта тикламоқчи» деб иғво тарқатишга уринмоқда. Шунинг алоҳида таъкидламанки, мен фақат ўруслар билан ҳамкорликда ишлайман ва бошқаларни ҳам шунга қақираман. Уруслар ва муслмонлар оға-инилардир, улар бир-бирига ёрдам бериб дўстона яшашлари керак.

Шунинг учун ўрнатиладиган тартибда, ҳамма қишлоқларда мактаб ташкил қилинишига алоҳида эътибор бериш керак. Ерли халқ фарзандлари мактабни тугатиб, олий ўқув юртиларда, жумладан ҳарбий билим юртида ўқишни давом эттирадилар бўлиши лозим.

Фарғона деҳқонлар армиясининг 1919 йили 22 августда Армия Ҳарбий Кенгаши томонидан қабул қилинган ва маъруз кенгаш протоколида қайд этилган бандларнинг қолган қисмига қўшиламан.

Муслмон армиясининг кўмондони  
Муҳаммадаминбек Аҳмадбек ўғли  
27 август 1919 йил. Наманган».

Биз Фарғона деҳқонлари армияси ва уларнинг кўзғолони тўғрисида, Мадаминбек ва унинг армияси, уларнинг мақсади ёхуд жанг ҳаракатларининг қандай кечганлиги тўғрисида жуда оз нарсаларни биламиз. Чунки бу кўзғолон тарих дарсликлари ва қомусномаларда қулоқлар исёни деб юритилган бўлса, Мадаминбек ва унинг ҳаракатлари, умуман ўлкадаги ҳаракат босмачилик, бандитлар ҳаракати деб қайд этилган. Аслида Фарғонадаги «қулоқ»лар, Мадаминбек ва мадаминбекчилар янги ҳокимиятдан нега норози бўлган? Уларнинг мақсади нима экан? Мадаминбек ким эди?

Инқилобнинг дастлабки кунлариданоқ Шўролар сиёсатининг туғи «ким биз билан бўлмаса у бизга душман» шиори остида баланд кўтарилди. Сталинизм эса бу сиёсатни мустаҳкамлади ва ҳаётга чуқурроқ тадбиқ этди. Биз бу машъум сиёсатнинг қурбони бўлган шоиру ёзувчилар ва давлат раҳбарлари номларини жуда яхши биламиз. Боғдорчилик, чорвачилик, деҳқончилик илмининг усталарини-чи? Анъанавий шарқона ҳарб илмининг билимдонларини-чи?

Ана шундай саркардалардан бири Мадаминбек эди. У 1889 йили Фарғонада ўқимишли савдогар оиласида дунёга келди. Ёшлигиданоқ она ерга, деҳқончиликка меҳр қўйди. Шундай бўлса-да, ота касби савдогарчиликни ҳам ерга қолдирмади. Тирикчилик вақидан шаҳарма-шаҳар кезиб юриши ёш Мадаминни тезда улғайтириб қўйди. Тижорат ишларини ўрганиш мақсадида отасига эргашиб юрт кездди, эл кўрди, бозор-ўча-

\*. П. Алексеевков. «Крестьянское восстание в Фергане» издание Акционер. Общества «Средазкинога» Т.1927., стр.67. (Отдел Сред-Аз Бюро ЦК ВКП(б) по изучению истории партии Октябрьской революции в Средней Азии).

ру фойда-зиёнини оқ-қорасини ажратадиган бўлди. Инқилоб-гача мавжуд бўлган савдогарлар тоифаси ўз замонасининг илгор фикрли, ўқимишли уддабурон кишилари саналарди. Улар шахарма-шаҳар, юртма-юрт кезиб фақатгина молу дунё эмас, балки маданият ва ангеликлар ҳам таширди. Савдогар ҳаётининг ўзи ўқимишлилигини, узоқни кўра оладиган бўлишлигини талаб қиларди. Мадамин замонасининг маърифатли оиласида тарбия топди. У юрт кезганида тенгсизлик ва адолатсизликларни, озод элларни ва эзилаётган халқларни, мустамлака ва мустамлакачи бўлган давлатларни, улар ўртасидаги тафовутни ўз кўзи билан кўрди. Ватани Туркистоннинг қоқоқлиги сабабларини излади. Қолоқликдан кутулиш учун Ватан озод бўмоғи керак, озод бўлмоқ учун унинг ягона чораси қўлга қурол олиб курашмоқ кераклигини англаб етди. Жаҳон уруши арафасида мустамлакачи Оқ подшо ҳукуматидан норози бўлиб, ёнига ўзига ўхшаган йигитларни тўплаб унга қарши бош кўтарди. Николай Иккинчининг Туркистондаги маъмурлари исёнкор Мадаминни 14 йиллик Сибир сургунли билан «сий-лади».

Ун еттинчи йилнинг феврал инқилоби ғалабасидан сўнг минглаб сиёсий маҳбуслар қатори Мадамин ҳам юртига қайтиб келди. У юртига қайтиб келганида Ватанида «инқилоб тонги» отган, инқилобни сақлаб қолиш учун қонли жанглар авж олган, халқ эса хонавайрон бўлган эди. У инқилоб берган ваъдаларга ишонди ва уни ҳимоя қилиш учун Эски Марғилон шахри миршабларига сардорлик қилди. Агар Мадаминбек, ҳозирги тарих дарсликларидега эзилганидек хотинини ўлдиргани учун бадарга қилинганда, ўша давр қонунига мувофиқ 14 йилга ҳукм қилинмасди ва сиёсий маҳбус сифатида бандиликдан озод этилмасди ҳам.

Шўровийлар томонидан йўл кўйилган адолатсизликлар, инқилобчилар амалга ошираётган зўравонликлар туфайли, нафақат хонлик, амирлик, Оқ подшо замонида пичоғи ёғ устида бўлган бой ва бойваччаларгина эмас, балки бир бурда нонга зор бўлган фақирлар ҳам ҳеч қандай ташвиқотсиз хорижга жўнаб кетаётганди. Чунки тирик қолишинг ягона йўли — ақдоқлар хоки кўйилган, кимдик қони томган Ватанини тарк этиш, ёки биз ҳозирда босмачилар деб атаётган тўдаларга кўшилиб, Ватан, эътиқод, миллат, озодлик дея қуролли инқилобчиларга қарши қурол кўтариш эди. Чунки шўровийлар зўравонларча куракка милтиқ тираб «Яша Шўро» деб қичқиршига ундарди. Мадаминбек эса бу воқеаларга бефарқ қараб туrolмасди. «Қўқонга хон бўлиш» учун эмас, юртида тинчлик ўрнатиш учун қўлга яроғ тутди. Ватанларварлик, фуқаролик туйғуси уни шунга ундарди. У шундай қилди, эл эса унга ишонгани учун ортиндан эргашди.

Энди Фарғона деҳқонлар армияси тўғрисидаги айрим далилларга тўхталиб ўтсак. Фарғона вилоятида инқилоб арафасида Русия марказидан кўчириб келтирилган 40 мингга яқин ўрус деҳқонлари истиқомат қиларди. Вилоятдаги ўрус аҳолисининг 45 фоизини деҳқонлар ташкил этиб, посёлкаларда яшаб қишлоқ хўжалиги билан шуғулланарди. Улар Андижон уездининг Жалолобод районида Николайевский, Благовещенский, Спасский, Уш уездида Роджественский, Покровский, Наманганда Успенский деб аталадиган рус посёлкаларини бунёд этдилар.

Инқилобий тўнтарининг дастлабки кунлариданоқ Шўролар томонидан йўл кўйилган жиддий хатолар (аслида жиноятлар) эвазига Эргаш, Холхўжа, Кўршермат (Шермухаммадқул), Муҳиддин бошлиқ мусулмонлардан иборат тўдаларнинг қаршилиги кучайди. Улар орасида талончи фанатик «мусулмонлар» ҳам анчагина бўлиб, юқорида санаб ўтилган рус посёлкаларига тез-тез ҳужум қилиб турарди. 1918 йилнинг ноябрида Холхўжа йигитлари Никольский ва Ивановский посёлкаларига ҳужум қилиб, 14 кишини ўлдирди ва посёлкани вайрон этди.

Натижада рус посёлкаларини ҳимоя қилиш учун Шўролар деҳқонларга «ўз-ўзини ҳимоя қилиш» мақсадида қурол тарқатдилар. Қуролланган деҳқонлар марказлаштирилди ва кейинчалик Фарғона деҳқонлари армиясига асос бўлди. Айрим манбаларда Халқ армияси деб юритилса, айримларида қўроқлар армияси деб ҳам юритилди. Умумий сон 4 минг атрофида бўлган рус деҳқонлари 4 та полкка бўлинган эди. Армия кўмондони этиб Константин Моностров сайланди. Деҳқонлар нафақат ўзларини ҳимоя қилиб қолмай, қизил армиячилар билан ҳамкорликда босмачи тўдаларига қарши кураш олиб борди.

Қизил армиячилар билан қишлоқларда талон-тарожиликка йўл қўйишда ҳам, гуноҳсиз кишиларга азоб беришда ҳам қатнашдилар. Ўз кўрсатмаларининг бирида Деҳқонлар армиясининг кўмондони Константин Моностров куйидагиларни ёзиб қолдирганди.

«Деҳқонлар қизилармиячилар билан биргаликда ҳарбий ҳаракатларда қатнашиб, улардан безориликни ўрганмоқдалар. Улар қанча бирга бўлишса, шунча талон-тарожилик ва ваҳшийликларга кўникиб бораётгилар. Деҳқонлар раҳм-шафқатсиз бўлиб қолди. Улар хулқининг бузилишига Қизил армияда ҳукм сураётган тартибсизликлар сабабчидир. Деҳқонларда ўз «устозлар»ига нисбатан қалбининг тўрида нафрат учқунлари пайдо бўла бошлади»\*.

Шўролар ҳукуматининг иқтисодиёт жабҳасида олиб борган сиёсати, жумладан, ҳусусий савдонинг таъқиқланиши (бошқасининг ўзи йўқ эди), ҳукуматнинг нон ва дон маҳсулотлари устидан яқка ҳукмронлик ўрнатганилиги ва эътиқоднинг оёқости этилиши ва яна қатор сабаблар деҳқонларнинг Шўролар ҳукуматига қарши бош кўтаришига сабаб бўлди.

Мадаминбек эса ўз сиёсий фаолиятининг бошданок, нафақат аҳолини, балки, босмачи тўдаларини ҳам маълум тартиботга бўйсундиришга ҳаракат қилди. Мадаминбек рус деҳқонлари билан тил топишишга, улар билан иттифоқчи бўлишга интилди. У ўз гуруҳининг талончи эмаслигини рус деҳқонлари орасида ҳам ташвиқот қилди. Рус деҳқонлари армиясининг кўмондони Мадаминбек фаолиятини кузатиб борди. Ва у ҳақда куйидагича фикр билдирган эди. «Уч ойдан буён босмачиларга қарши курашиб, шу нарсага амин бўлдимки, Мадаминбек отряди моҳиятига кўра қароқчи ҳам, талончи ҳам эмас. У маълум бир тартибот ўрнатиш тарафдори. У аҳолига берган ваъдалари устидан чиқяпти. Рус деҳқонлари ҳам Мадаминбекка ўз халоскори сифатида хайрихоҳлик билдирмоқда. Унинг отряди рус посёлкаларини талончи, ваҳший Холхўжанинг чангалидан сақлаб қолди. Ҳозирда деҳқонлар куйидагича мулоҳаза юрляпти. «Мана тўрт ойдики биз босмачиларга қарши кураш олиб боряпмиз. Улар бизга нима ёмонлик қилди (мадаминбекчилар назарда тутиляпти — Ш.Д.). Ёмонлик қиладиганга ўхшамайди ҳам. Шўро ҳукумати, Қизил армиячилар-чи? Уларнинг ўзи тартибсиз солиқлари билан хўжалигимизни вайрон қилиб юборяпти-ку!»

Бас, шундай экан, босмачилар билан мазмунсиз курашни тўхтатишимиз керак. Аксинча, улар билан биргаликда Шўролар ҳокимиятига қарши курашмоғимиз даркор»\*

Шундай қилиб, большевийлар сиёсатидан норози бўлган рус деҳқонлари Мадаминбек отряди билан бирлашишга интилди. Айни вақтда Мадаминбек ҳам улар билан иттифоқчи бўлиш ёки қўшилиш йўллари кидираётганди. Шу мақсадда кўмондон К. Моностров Мадаминбек билан учрашишга шошилди. Иккала томон вакиллари 1919 йилнинг 20 июнида учрашди ва фикри бир жойдан чиқса ҳам битим имзоланмай қолди. Бу вақтга келиб деҳқонлар армиясининг умумий сони 4 минг атрофида бўлиб Фарғона вилоятидаги биродарқушлик урушининг борлишига жиддий таъсир кўрсатиши аниқ эди. Деҳқонлар кўзғолон кўтармокчи бўлса-да, кўзғолон кўтарилмади. Бир томондан Мадаминбек билан бир битимга келиша олмаганилиги, иккинчи томондан июл ойи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиб-териб олиш мавсуми бўлганлиги учун кўзғолон бироз орқага сурилди.

Бу вақт оралиғида Мадаминбек К. Моностров билан бир неча бор учрашди. Деҳқонлар армиясининг Ҳарбий Кенгашида Мадаминбек гуруҳига муносабат масаласи алоҳида кўриб чиқилди. Ва бир неча кунлик музокарадан сўнг улар ўртасида кўшилиш шартлари имзоланди.

#### «ШАРТНОМА

Мусулмон армиясининг кўмондони Мадаминбек Аҳмадбек ўғли билан Фарғона Деҳқонлар армиясининг келишув шартлари:

1919 йилнинг 1 сентябрида Деҳқонлар армиясининг кўмондони К. Моностров ва Мусулмон армиясининг кўмондони Муҳаммадминбек Аҳмадбек ўғли Ҳарбий Кенгаш ва Штаб аъзо-

\* П. Алексеенков, Уша асар, 25-бет.

\* П. Алексеенков, Уша асар, 39-бет.

лари билан келишилган ҳолда мазкур шартномага имзо чекамиз:

1. 1919 йилнинг 22-25 августида бўлиб ўтган Фарғона деҳқонлар армиясининг Ҳарбий Кенгаши протоколида қайд этилган ва Муслмонлар армиясининг кўмондони Муҳаммадинбек Аҳмадбек ўғлининг 1919 йил 27 августдаги кўмондон Константин Моностров номига битилган мактубида баён этилган сиёсий платформасини ҳар томонлама, жумладан, қуролли куч билан қўллаб-қувватлаш;

2. Мен, Мадаминбек Аҳмадбек ўғли Фарғона деҳқонлари армияси билан келишилган ҳолда ҳаракат қилишга, зарур бўлганда Штаб кўрсатмаларига бўйсунмиш ва йигитларимни учдан бир қисмини кўмондон Константин Моностров ихтиёрига жўнатишга розилик билдираман;

3. Ҳарбий қурол-аслаҳа ва ўлжаларни тақсимлаш учун, пул, зарурий хўжалик ва озиқ-овқат муаммоларини ҳал этиш учун Фарғона деҳқонлар армияси ва муслмон отрядлари томонидан тенг сонли доимий комиссия тайинлаш тарафдориман!

Иккала томон ҳам сентябр ойининг ўрталарига, яъни кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиб-териб олгунга қадар ҳукуматга қарши уруш ҳаракатларидан ўзини тийиб туришга келишиб олишди. Ўз навбатида қизилармиячилар деҳқонларни қуролсизлантиришга уриниб кўрди. Лекин уриниш муваффақиятсиз чиқди.

Деҳқонлар армиясининг Ҳарбий Кенгашида Шўролар ҳукумати ва Мадаминбек армиясига муносабат масаласида анчагина мунозаралар бўлди. Узоқ давом этган тортишувлардан сўнг Ҳарбий Кенгаш қуйидаги мазмунда қарор қабул қилди:

«Фарғона деҳқонлар армияси Ҳарбий Кенгаши шунинг билдирадигани, ҳозирги ҳокимиятни уқувсиз, қаллоб ва ёлғончи шахслар бошқаряпти деб ҳисоблайди. Чунки улар мамлакатни бутунлай ҳалокат ёқасига олиб бориб қўйдди. Халқ қашшоқлашмоқда, ҳукмрон партия вакиллари атайлаб зўравонлик сиёсатини олиб бормоқда. Юқори лавозимларни халқ сайламаган шахслар эгаллаб олган. Шаҳарликлар ва ишчилар эркин меҳнат қилиш имкониятидан маҳрум қилинган, оч-наҳор яшашга маҳкум этилган, ҳукумат қўлини меҳнаткаш деҳқонларга ҳам чўзмоқда. Бизни қуролсизлантириб оғир меҳнатимиз завоига етиштирган ноинимизни арзон баҳода тортиб олмоқчи. Деҳқонларни деҳқончиликдан узиб, сиёсий фронтдаги биродарқушлик урушига тортмоқда. Ҳукумат, меҳнаткаш халқ манфаатини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган, армиямиз томонидан сайланган Ҳарбий Кенгаш ва Армия Штабининг ўзбошимчалик билан қамоққа олишга уриниб кўрмоқда. Қуролларни эса фақат кам сонли коммунистларга беришни талаб қилляпти. Меҳнаткаш халқ устидан бундай зўравонлик қилишга йўл қўйиб бўлмайди.

Биз меҳнаткаш деҳқонлар ҳукуматдан қуйидаги талабларимиз бажарилишини талаб қиламиз.

1. Туркистон жумҳурияти маъмурий органлари, яъни Шўролар Ижроқўми ва Қўмиталардаги ва бошқа органлардаги мансабдор шахсларни ҳукуматдан четлаштириш ва умумий, тенг, тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан ерли муслмонларга ўринларнинг тенг ярмини берган ҳолда қайта сайлов ўтказиш.

2. Фуқароларнинг ҳаммасига меҳнат қилиш, эркин кўчиш ва савдо-сотик қилиш ҳуқуқини ва бошқа фуқаролик эркинликларни беришни, партияли ва партиясизларга бир хил муносабатда бўлишни;

3. Эркин умумтаълим мактабларини очишни, сўз ва матбуот эркинликларни берилишини;

4. Зудлик билан шахс эркинлиги, диний эътиқод ва виждон эркинлиги устидан зўравонлик қилувчи ҳамма органларни, муассасалардаги комиссарликни, аксиндиқчиликларга қарши курашувчи деб аталадиган «Фавкулдада комиссия»ларни «особий отдел»ларни тарқатиб юборишни;

5. Инқилобий Трибуналга бўйсунмайдиган ва унинг олдида жавоб бермайдиган мустақил Халқ Судини яратишни;

6. Нон ва дон маҳсулотлари устидан ўрнатилган давлат монополиясини бекор қилишни;

7. Сиёсий фронт жангларидан зудлик билан деҳқонларни ўз районларига, деҳқончиликка қайтаришни;

8. Туркистонда сақланган Ҳарбий асирларни (биринчи жа-

ҳон урушининг 42 мингдан ортиқ ҳарбий асир Туркистонда эди!) ватанига қайтаришни, қуролларни эса Жалолободдаги деҳқонлар армияси штабига топширишни талаб қиламиз. Эркин деҳқонларнинг талаб ва ҳуқуқларини зарурият туғилса қурол кучи билан ҳимоя қиламиз.<sup>1</sup>

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, Оврўпадан кўчириб келтирилган деҳқонлар ва мадаминбекчилар талабномаларида баён этилган фикрлар ҳар қандай зўравонликсиз ҳуқуқий давлат тузиш талаби экан. Биз бу талабларнинг асл моҳиятини етмиш йилдан буён халқдан яширдик ва кулоқлар, буржуйлар талаби деб тушунтириб келдик. Социал қатламларни дўст ва душман синфларга ажратдик. Улар ўртасига Чин деворини тикладик ва бирини бирига гиж-гижлаб отани болага, акани сингилга душман қилиб қўйдик. Оқибатда минглаб кишилар киндик қони томган Ватан тупроғини тарк этишга мажбур бўлди. Оғанилар бир-бирининг қонини тўқди ва тўқмоқда. Буюк ўрус файласуфи Николай Бердяев ўша воқеаларни ўз кўзи билан кўриб қуйидагиларни ёзиб қолдирган экан. «Аҳолисининг миллий белгиларига қараб қамситишини эмас, балки қайси синфга мансублигига қараб қамситишини ҳам геноцид деб аташ лозим».

Етмиш йиллик тарихимизни кузатсак, бу хулоса ҳаққа ўхшайди. Мадаминбекчилар ва деҳқонлар армияси талабларининг асосий қисми бугунги кунда бизнинг талабимиз бўлиб янграмоқда. Юқорида қайд этилган талаблар инқилобнинг дастлабки йилларидаёқ ижобий ҳал этилганда, ҳаётнинг кейинги оқими шу йўналишда кетганида биз бугунга келиб, етмиш йилдан сўнг қайта қуриб ўтирмасмидик. Дарсликларимизда кулоқлар армияси ва босмачилар деб юритилган гуруҳларнинг Туркистон халқига муножабатномаси ва ноласини ўқиб кўрайлик.

«Фарғона деҳқонлар армияси Ҳарбий Кенгашининг Туркистон халқларига МУРОЖААТИ

Инқилобга қадар деҳқонлар ҳимоясиз, ҳуқуқсиз қатлам эди ва ҳозир ҳам шундайлигича қолимоқда. Биз фуқаролик ҳуқуқларимизни, озошликни қўлимизга қурол олиб ҳимоя қиламиз. Бизнинг исёнимиз конституцияга қарши исён эмас, биз ўз инсоний ҳуқуқларимизни, озода яшаш ҳуқуқимизни ва бутунлай поймол бўлган муслмонлар ҳуқуқини биргаликда ҳимоя қиламиз.

Халқ сайламасдан ҳокимият тепасига чиқиб олган номаълум шахсларни ҳокимиятдан четлаштиришни, конституция бўйича сайлов ўтказишни, Советлардаги ўринларнинг тенг ярмини муслмонларга берилишини талаб қиламиз. Деҳқонлар (кўчиб келган деҳқонлар назарда тутиляпти) ва муслмонлар ҳалигача бирор марта сайлов ҳуқуқидан фойдалангани йўқ. Уларга йиғилиш ўтказиш таъқиқланган. Муслмонларга Николай замонидаги волостной хўжайинлик қилмоқда, уезд, вилоят ва ўлка Шўроларида бизнинг манфаатимизни ҳимоя қиладиган бирорта ноинимиз йўқ. ... Нега биз тавсия этган вакиллар қувиб юборилиб ўрнига фақат фирқалар қўйилди?

Русий ҳукумати Туркистон ҳукумати, ҳамма сайловда тенг иштирок этсин деб буюради, маҳаллий ҳокимият эса бунинг халқдан яширмоқда. Муслмонлар Туркистон аҳолисининг 95 фоизини ташкил этса, ҳукуматда бирорта ҳам вакили йўқ. ... Ҳозирги ҳукумат халқ талабини ҳам, Ленин декретларини ҳам назар писанд қилмаяпти. Улар фақат ҳокимиятдан ажралиб қолишдан кўрқди ва ўзларини халқ сайлаган деб ҳисоблайди. Кимлар қачон сайланганини ҳеч ким билмайди, халқ олдида жавоб беришни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Ҳамма фуқароларга яшаш жойини танлаш, эркин меҳнат қилиш ва шахсий озошлик берилишини талаб қиламиз.

Бизнинг эркин меҳнат қилишимизга умуман имконият йўқ. Давлат ноинимиз устидан монополия ўрнатса, маҳсулотларимизни текинга тортиб олаверса, қандай қилиб дон экамиз. Бундай таланишлардан сўнг келаси йили ҳар қанақа аҳмоқ ҳам дон экмайди-ку?

Темир йўлдан мандат билан фақат фирқа аъзолари фойдаланмоқда, бизларнинг эса пиёда юришимизга тўғри келяпти.

<sup>1</sup> УзССЖ. Марказий Давлат Архиви, Р-25-фонд, опись 1, дело — 18, 38-39 варақ.

<sup>2</sup> П. Алексеев. Уша асар 52-53 бетлар.

<sup>1</sup> П. Алексеев, Уша асар 68-бет.



ти. Сўз ва матбуотга эркинлик берилсин! Йўқолсин оҳранка бўлимлари! Оҳранка ва айғоқчилар подшо замонида бўларди! Хур мамлакатда уларга ўрин йўқ!

Халқ судлари ташкил этилсин ва ундаги ўринларнинг ҳаммасини коммунистлар эгаллаб олишига йўл қўйилмасин.

Ҳамма фуқароларга талабномаларимизни ўқиб эшиттиришни талаб қиламиз. Нега бизнинг талабларимиз қабул қилинмаяпти, аксинча, аксиллиқчиликлар чиқиши деб баҳоланаяпти. Конституцияга мувофиқ фирқалар эга бўлган ҳуқуқга бизлар ҳам эгамиз. Лекин бизга уни фирқалар раво кўрмаяпти. Ревкомлар, группалар ва яна ҳар хил комкомларнинг айтишларича, улар биродарқушлик урушини хоҳламаётган эмиш. Ундай бўлса эркин меҳнат қилиш ва фуқаролик ҳуқуқимизни берсин, қанча дон керак бўлса етиштирамиз. Қуруқ сўз-да эмас, амалда, Исо пайғамбар айтганидек, оғанини бўлайди. Шўролар ҳукумати деҳқонларни қуролсизлантирмайди, донларингни тортиб олмайди, жангу жадалга сафарбар қилмайди деб алдашдан нима фойда?

... Айрим деҳқонларни қуролсизлантириб авахтага ташладилар. Дон топширмаганлар трибуналга топшириляпти, трибуналнинг оқибати қандай тугаши бизга маълум. Деҳқонларни фронтга олиб кетмоқдалар, ерини, иш ҳайвонларини тортиб олмақдалар, боғини пайҳон этиб, молу мулкини талон-тарож қилмоқдалар. Турк ЦИК ахборотномасидан 351-сонли ёки фронтдаги деҳқон оиласининг оч қолганлиги тўғрисидаги ўша газетанинг 157 сонидан «Сафарбар этилганларга ёрдам» номли мақолани ўқиб кўришингиз мумкин.

... Биз конституцияга мувофиқ сайланган ҳукуматга қарши бормаймиз аксинча уни ҳимоя қиламиз. Талабларимиз ревкомларда, оҳранкаларда муҳокама этилсин ва ким ҳақу ким ноҳақ эканлиги аниқлансин. Агар адолат биз томонда бўлса, бизга қўшилишлар ва талабларимизни очиқчасига қўллаб қувватланлар.

... Ҳозирги ҳокимият ишчи-деҳқон ҳокимияти деб аталади, агар шундай бўлса ҳокимият нега оҳранка ва айғоқчиларга суянади. Россия Республикасида (РСФСР назарда тутилган) ишчи деҳқонлар 85 фонсни ташкил этади. Биз уларни ҳокимиятдаги ўрнини кўрмаймиз-ку?

#### Халқ армияси<sup>1</sup>

Ҳа, орадан етмиш йилдан ортиқ вақт ўтибдики, биз ҳам уларнинг (ишчи-деҳқонларнинг) ҳокимиятдаги ўрнини кўрмаймиз. Тўғри, Олий Кенгашларнинг фахрли ўринларида савлат тўкиб ўтирганни кўраемиз-у, ҳокимиятни бошқарувдаги родини кўрмаймиз десам тўғрироқ бўларди.

Келинг яхшиши, 1919 йилнинг охири—20-йилнинг бошларида Фарғона водийсидаги қонли воқеаларга Мадаминбек армиясининг муносабати ва улар тақдири билан боғлиқ уруш ҳаракатларига оид айрим ҳужжатларни биргаликда кўздан кечирсак.

Мажбур ҳокимият бошқарувидан норози бўлган ўрус деҳқонлари ва Мадаминбек бошлиқ мусулмон армиясининг қўшилиши Фарғона водийсида Шўролар ҳокимиятини ағдартиш учун реал куч бўлиб қолди. Бу байналмилалчи армия 8 сентябрда Уш шаҳрини эгаллади. Минтақада сиёсий вазият мадаминбекчилар фойдасига кескин ўзгарди. Бутун-бутун отрядлар улар сафига қўшила бошлади. Куйида, Помир тоғи сарҳадларини ҳимоя қилувчи тоғ отрядининг мажлис ахборотомасидан бир лавҳа келтирамиз.

«Помир тоғи ҳарбий чегара районининг Гулчи кўнгилли отрядининг умумий йиғилиши протокоolidан:

Уш район ҳарбий қисмлари командири Плотниковнинг деҳқонлар армияси ва мадаминбекчиларнинг ҳарбий ҳаракатлари ва минтақадаги сўнги воқеалар тўғрисидаги хабарлари тингланди.

Қарор қабул қилинди: ўшлик ўртоқларнинг биродарқушлик урушини тугатиши ва халққа сиёсий дунёқарашидан, диний эътиқодидан қатъи назар ҳақиқий виждон эркинлиги, матбуот ва сўз эркинлиги, шахс ва фуқаролик эркинлиги берилсин деган талабни тўла маъқуллаймиз. Ва мазкур принципларни ҳаётга тадбиқ этиш учун улар сафига қўшилаемиз.

Уш район ҳарбий қисмларининг қўмондони ўртоқ Монастров буйруғига мувофиқ ҳаракатдаги Гулчи отряди командирини ва қалъа комендантини қайта сайлаш.

<sup>1</sup> П. Алексеевков, Уша асар, 60-62 бетлар.

Қарор қабул қилинди: Ҳаракатдаги Гулчи отрядининг командири этиб Г. Жуков, қалъа комендантлигига ўртоқ Зиновьев сайланди. Таклифлар: Уртоқ Юренберг, Плотниковга ва унинг коллегиясига биродарқушлик урушини тўхтатишга қўшаётган хизматлари учун чин юрқдан миннатдорчилик билдирамиз. Қарор қабул қилинди: бир овоздан.

Мажлис раиси Г. Жуков.

Секретари Науменко  
9-сентябр 1919 йил Гулчи<sup>1</sup>.  
(Уш уезди)

«1919 йилнинг 15 сентябрида Эски Марғилон шаҳрида босмачи гуруҳларининг бошлиқлари Мадаминбек, Кўршермат<sup>2</sup> (Шермухаммадқул), Холхўжа, Эргаш<sup>3</sup> ва бошқа кўрбошилар иштирокида йиғин бўлиб ўтди. Уларнинг мақсади биргаликда ҳаракат қилиб, биринчи навбатда йирик шаҳарларни қўлга киритиш эди». Бу йиғинда Мадаминбек ўзбошимча, тарқоқ ҳаракат қилаётган кўрбошиларни бошини қовуштиришга, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишга ундайди. Кўрбошилар Мадаминбекни «Ислому лашкарининг бошлиғи» эканлигини тан олса-да, амалда ўз билганларича иш тутавердилар.

Мадаминбекчилар ва деҳқонлар армияси 1919 йилнинг 18 сентябрида Андижон шаҳрини қамал қилди. Кўзғолон отрядлар белгиланган муддатдан эртарақ бошланиб кетди. Чунки ҳали далада йиғин-терим ишлари тугалланмаган эди. Мана шунинг ўзи ҳам меҳнатқаш халқни сабр касоси тўлганлигини исботлаб турибди. Иттифоқчи (бирлашган) кўшинлар катта куч бўлса-да марказлаштирилган уруш олиб боришдан йироқ эди. Кўзғолончилар ҳадеганда командири буйруғига бўйсунмасди ҳам. Кўзғолончиларнинг бир қисми қамални давом эттирмай даладаги ҳосилни йиғиб олиш учун уй-уйларига тарқаб кетди. Замоनावий қуролланган қизилармиячиларнинг кўзғолончиларга нисбатан ҳарбий жиҳатдан устун эди. Бунинг устига улар сафига 1919 йилнинг 22 сентябридаёқ Андижонга М. С. Соколов бошлиқ Қозон полки кўшинлари, М. С. Сафонов отряди ва Э. Ф. Кужело бошлиқ жанговар группалар ёрдамга келди. Факатгина Э. Ф. Кужело иктирида 4,5 мингдан ортиқ аскар, 12 та замбарак, 3 та бомбамёт, 57 та пулемёт бор эди. Вилоятдаги қизилармиячиларнинг асосий қисми 2-ўқчи дивизияга бирлаштирилиб, унга Н. А. Верёвкин-Рохалский кўмондонлик қилди. Улар сафига 12,5 мингдан ортиқ қуролли инқилобчилар бор эди. Улкан армия олдида Мадаминбекчилар ва деҳқонлар армияси танг аҳволга тушиб қолди ва чекинишга мажбур бўлди. Улар 26 сентябрда Уш шаҳрини, 30 сентябрда Жалолобод шаҳрини қизилармиячиларга топширди. Мағлуб бўлган деҳқонлар армияси тарқалиб кетди. Бир қисми Мадаминбек лашкари сафига келиб қўшилди.

Қисқа вақт ичида Мадаминбек катта лашкар йўқотса-да, армиясини сақлаб қолди. Мадаминбек 1919 йилнинг 22 октябрида Хитой билан чегара район ҳисобланмиш Эркештомда «Вақтли мухтор Фарғона ҳукумати»ни тузди. Унинг бу уринишидан ҳам бир наф чиқмади. «Ун тўққизинчи йил Октябр ойининг охирида Ойим кишлоғида Мадаминбек

<sup>1</sup> П. Алексеевков, Уша асар, 71-бет.

<sup>2</sup> Шермухаммадқул Фарғонада туғилган. Тарихга Кўршермат номи билан кирди. Кўршермат Фарғонада мағлубиятга учрагандан сўнг, ўзига содиқ 140 та йиғити билан Қашқарга қочиб ўтади. 1923 йили Пешаворга етиб келади ва Англия ҳукуматидан сиёсий бошлана сўрайди. Айни вақтда Хитой ва Ҳинд мусулмонлардан нажот излади. Инглиз олими Гленда Фрезер ўзининг 1987 йили Лондонда чоп этилган «Босмачилар» деб номланган китобида таъкидлашича, 1924 йилнинг мартда Англия ҳукумати Кўршерматга ёрдам бера олмаслигини билдирган. Афғонистон ҳукумати эса унга 500 афғон рўпийси миқдорига нафақа тайинлаган (К. Н. Абдуллаев «Из истории Бухарской послеволюционной эмиграции» Общественные науки в Узбекистане 1990 г. № 4, стр. 54.)

<sup>3</sup> Туркистонда босмачилик даврида иккита Эргаш кўрбоши Шўроларга қарши жанг қилди. Биринчиси, катта Эргаш 1918 йилнинг эзида Марғилон шаҳри ёнидаги жангда ҳалок бўлади, у бунгача Мусулмон армиясининг кўрбошиси этиб сайланганди. Иккинчиси 1920 йили Кўконда мағлубиятга учрагандан сўнг сиёсий фаолиядан четлашиб кетди.

<sup>4</sup> Шўролар Армиясининг Марказий Давлат архиви. 25859-фонд, 1-изоҳнома, 35-дело, 92-варақ.

Фаргона водийсида ҳаракат қилаётган кўрбошилари марказлаштириш ва ягона улкан мусулмон армиясини тузиш учун учинчи марта кўрбошилари бир жойга йиғишга муваффақ бўлди»<sup>1</sup>.

Улар ягона армияга амалда бирлашолмадилар ва Фаргона водийси бўйлаб тарқоқ ҳаракат қилавердилар. «Қўқон ва Хўжанд уездида Эргаш, Раҳмонқул, Исломқул, Эшматбой, Наманганда Омонполвон, Марғилон ва Фаргона шаҳри оралигида Кўршермат (Шермухаммадуқул)нинг йирик гуруҳи, Узганда Холхўжа, Ушда Муҳиддин, Андижон ва Асака оралигида Мадаминбек ва унга бўйсунувчи Исроил, Парпи, Аҳмадполвон йигитлари ҳаракат қиларди»<sup>2</sup>.

Биз босмачи тўдалари деб атаётган гуруҳларнинг ҳаммаси ҳар хил кайфиятда бўлиб, турлича ҳаракат қиларди. Энг йирик гуруҳ ҳисобланмиш Мадаминбек гуруҳи халқни таламасликни тарғиб қилса, Эргаш бошлиқ тўда бунинг аксини қиларди. У Бувайда аҳолисига: «Икки кун ичида менинг йигитларим учун 15 миллион сўм, 200 та қўй, 50 қоп гуруч йиғиб бермасанлар, ёшу қариларингга қарамай ҳаммангни бўғизлайман»<sup>3</sup> деб талабнома кўйди.

Мадаминбек лашкарида турли миллат вакиллари бор эди. Андижон учун бўлган жангдаги мағлубиятдан сўнг ўрус деҳқонлари армиясининг катта қисми Мадаминбек лашкари сафидан жой олди. Байналмилалчи улкан армия яна жанговарлик қобилиятини тиклай бошлади. 1919 йил декабр ойининг бошларида Афгон делегацияси Мадаминбек ҳузурига ташриф буюради. Делегациянинг ташрифи мусулмонлар ва насронийлар орасидаги дўстона муносабатларнинг дарз кетишига туртки бўлди. Чунки делегациянинг мақсадини турлича талқин қилдилар. Улуғ давлатчилик шовинизми таъсирида улгайган ўрус деҳқонининг кайфияти ҳам ўзгача эди. Тагин қизилармиячиларнинг хуфёна ташвиқотию хуфёна айғоқчиларининг жонбозликларини айтмайсиэми? Бунинг устига мусулмон лашкаридаги кичик тўда бошлиқлари Холхўжа, Йўлчи, Раҳмонқул бошлиқ гуруҳлар бекнинг буйруғини доимо бажаравермасди. Улар бошлиқ гуруҳлар насронийларга ола кўз билан қарарди. Бу ҳолатлар армиядаги бирликка, муштаракликка катта зарар етказарди.

«1920 йилнинг 31 январида Маҳкамхўжа ва Акбарали 800 та йигити билан Мадаминбек бошлиқ мусулмон армияси лашкарига кўшилди. Йигитларнинг 600 таси милтиқ билан қуролланган эди. Шу йилнинг 2 февралда Парпи кўрбоши 300 та ибтидоий қуролланган йигити билан Мадаминбек ихтиёрига келди»<sup>4</sup>. Шундай бўлса ҳам 1920 йилнинг баҳорига келиб Фаргона водийсида сиёсий вазият қизилармиячилар фойдасига кескин ўзгарди. Мадаминбекчилар сафи ерли халқ томонидан тўлдирилиб ва бошқа зарурий ашёлар билан таъминланиб турилишига қарамасдан кетма-кет мағлубиятга учрай бошлади.

Биз юкорида мағлубиятлар сабабларига қисман йўл-йўлак тўхталиб ўтдик. Яна бир ҳолатга диққатингизни жалб қилмоқчиман. Босмачилик ҳаракатининг мағлубиятга учрашининг асосий сабабларидан бири ҳам шу бўлса ажаб эмас. Негадир бунга тарихчиларимиз эътиборсиз қарашади ёки атайин четлаб ўтади. Бу ҳам бўлса марказдан алоҳида топшириқ олиб келган қуролли инқилобчилар ва уларнинг Туркистонда инқилобни амалга оширишдаги оламшумул ролидир. Улар хизматини тан олмаслик ёки «қаҳрамонлик»ларидан кўз юмиш ноинсофликдан бошқа нарса эмас.

Бир зум йигирманчи йиллар воқеаларини кўз олдингиздан ўтказинг. Октябр тўнтарыши бутун ўлкани кўпориб ташлади. Нафақат Туркистон, балки бутун Русия империяси ини бузилган аридек тўзиб кетди. Бу жараён чор Русиясининг қолок, чекка ўлкаси бўлмиш Туркистонда ўзгача кечди. Қуролли инқилобчилар феодализм қобигини эңдигина ёриб чиқаётган ўлкада коммунизм қуришга киришиб кетдилар. Ерли халқ хоҳиш-иродаси билан ҳеч ким ҳисоблашмади. Минг йиллик

этикод поймол этилди. Ер, сув, молу мулк бойлардан, деҳқонлардан тортиб олинди-ю ҳақиқий эгасига қайтариб берилмади. Аросатда қолган қора халқ бу янгиларни оғриқсиз қабул қилолмасди. Натижада ерли халқ янги тузумдан норози бўлиб оёқ етган томонга кета бошлади. Катта бир қисми Хитойга, Афғонистонга бош олиб кетди. Ватанидан, киндик қони томган тупроқдан ажралишни хоҳламаган, рўҳий, диний, миллий этикоди топталишини истамаган қисми тоғу тошларга, чўлу биёбонларга кетишни ихтиёр этди. Ва улар беихтиёр тарзда партизан отрядларига бирлашдилар, овёрпаллик қуролли инқилобчиларни қурол билан қарши олдлар. Биз бу отрядларни тўдалар, партизанларни босмачилар деб атай бошладик ва шундай деб атаб келмоқдамиз. Биз ўша босмачилар деб атайдиган кишилар учун, наздимиз, Ватан бу шунчаки бошпана эмас, муқаддас макон, муқаддас саждагоҳ, ўзининг жисми эканлигини бугунги янгича фикрлаш даврида ҳам тан олгимиз келмаяпти.

Марказдан келган қизилармиячилар сони кундан кунга ортаверди. М. В. Фрунзе алоҳида армияга бош бўлиб 1920 йилнинг 21 февралдаёқ Туркистонга етиб келди ва бевосита Фаргонадаги жанг ҳаракатларини ўз қўлига олди. Айни вақтда олдинма-кетин Куйбишев, Калинин, Каменев, Будённий, Зиновьев ва Троцкийлар Туркистонга келди ва Фаргона босмачилари билан овора бўлдилар. Ҳозиргача бизга асли нияти номаълум бўлган Турккомиссияларнинг эса кети узилмасди. Қуролли инқилобчилар ерли халқнинг маълум қисминини ўзлари томонга оғдира бошлади ва шу мақсадда ўлка бир бурда нонга зор бўлишига қарамасдан 1919 йилнинг ноябр ойида «Фаргона вилоятида ерли аҳоли ўртасида шўровий ташвиқот ишларини олиб бориш учун 40 млн сўм ажратди»<sup>5</sup>.

Катта ҳарбий кучга эга бўлган қизилармиячилар Мадаминбек лашкарини Олой тоғи этакларигача таъқиб қилиб борди. Улар Жилтиқ довоини орқали Гулчига ўтиб кетишга уринди, қиш фасли қорнинг қалинлиги ҳалақат берди ва қуршовда қолиб кетдилар. Мадаминбек олдида икки йўл бор эди. Бири кучлар тенг бўлмаган ҳолда жангга кириб кирилиб кетиш, иккинчиси ўз армиясини сақлаб қолиш учун Шўролар томонга ўтиш. Мадаминбек инсон ҳаётини, унинг қадр қимматини ҳамма нарсадан устун кўйди ва шўровийлар билан яраш битимини тузишни танлади. У бу билан бирдорқушлик урушига мумкин қадар хотима беришга, бекорга қон тўкилишининг олдини олишга ва юртида осойишталик ўрнатилишига ишонди.

Мадаминбекка қадар бир қанча босмачилар гуруҳи Шўролар томонига ўтганди. «Амир ул муслимин» ёки Мусулмонлар армиясининг қўмондони Мадаминбек (у бу лавозимни 1918 йилнинг ёзида катта Эргаш кўрбоши Марғилон шаҳри ёнидаги жангга ҳалок бўлгандан сўнг мерос қилиб олганди) Қозон полки командири Юсуф Иброҳимов воситачилигида Н. А. Верёвкин-Рохалский билан музокара олиб боришга киришди. Айни вақтда М. В. Фрунзе «Музокараларнинг қандай кетишидан қатъий назар, Мадаминбек қўшинларини қўлга олиш учун қатъий чоралар кўрилсин» деб буйруқ берди. Н. А. Рохалский билан Мадаминбек яраш битимига келиша олди. 1920 йилнинг 6 мартда Эски Марғилон шаҳрида тантанали ярашув маросими бўлиб ўтди. Ва иккала томон қуйидаги битимга имзо чекдилар:

«Туркистон fronti Инқилобий Ҳарбий Кенгазининг амалдаги буйруғига асосланиб, 2-Туркистон ўқчи дивизиясининг бошлиғи Николай Андреевич Верёвкин-Рохалский, иккинчи томондан Мусулмон армиясининг қўмондони Муҳаммад-аминбек Аҳмадбек ўғли қуйидаги битимга имзо чекализ.

Мен, Муҳаммад-аминбек Аҳмадбек ўғли армиям, кўрбошиларим ва маслаҳатчиларим номидан тантанали равишда баёнот бераман.

Ушбу шартларим бажарилса, Шўролар ҳукуматини тан оламан. Унга содиқ дўст бўлишга ва буйруқларини бажаришга ваъда бераман.

1. Шўролар ҳокимияти Туркистонда фуқаролик ишларини ташкил этишда шарнат асосларини сақлаб қолсин.

2. Менинг асосий қароргоҳим этиб Наманган шаҳри белгилансин...

3. Шўролар ҳукуматининг ички ва ташқи душманларига

<sup>1</sup> Резолюции и постановления съездов коммунистической партии Туркестана 1918—1924 гг. Ташкент, изд-во «Узбекистан» 1968 г. стр. 26.

<sup>1</sup> УзССР Марказий Давлат архиви, Фонд Р—243, 1-изоҳнома (опись), 6-дело, 9-варак.

<sup>2</sup> УзССР Марказий Давлат архиви, 17-фонд, 1-изоҳнома (опись) 250 «а» дело, 9-варак.

<sup>3</sup> П. Алексеев. Уша асар, 71-бет.

<sup>4</sup> «Краткий очерк возникновения и развития басмачества в Фергане» (по данным 1 марта 1922 года) Ташкент 1922 год; 21-стр.

қарши жанг қилиш учун зарурият туғилса Фарғона ҳудуди сарҳадларига ҳам ўтишим мумкин. Бошқа фронтларга жўнаб кетишни ва жанг ҳаракатларига қўшилишни зиммамга олмайман.

4. Менинг армиямда хизмат қилаётган ўрус биродарларимнинг ҳаммасига амнистия (кечириш) эълон қилинсин. Уларнинг ҳоҳишига қараб менинг отрядимда қолдирилсин.

5. Туркистон fronti Ҳарбий Кенгаши ва Туркистон Марказий ҳукуматига ўзининг содиқлигини билдириш учун 1920 йилнинг 13 мартигача Тошкентга етиб боришга сўз бераман»

**2 — Туркистон ўқчи дивизиясининг командири, Н. А. Верёвкин-Рохалский.**

**Дивизия Ҳарбий-сиёсий командири А. Слепенко. Мусулмон армиясининг кўмондони, Мухаммадминбек Аҳмадбек ўғли 1920 йилнинг 6 март. Искобелов шахри<sup>1</sup>.**

Мадаминбек ва унинг етти мингга яқин қўшини, унга итоат этувчи қўрбошилардан Бойтуманхўжа, Омон полвон, Примқўрбоши ва бошқа қўрбошилари билан бирга маслаҳатчилари Ситниковский, Иван-Фаринский ва Ненсберглар Шўро ҳукумати томонига ўтди.

Мадаминбекнинг бу хатти-ҳаракати кимларгадир маъқул тушди ва уни қўллаб қувватладилар. Айримлар уни «донликда, қолаверса хоинликда айбладилар.

Тинчлик сулҳи имзоланди, лекин у зоқ яшамади. Мусулмонлар шартномада кўзда тутилган ҳамма мажбуриятларни бажарди. Қизил армиячилар эса...

Келинг, яхшиси Турккомиссия аъзоси В. В. Куйбишевнинг яраш сулҳига берган баҳосини эшитайлик. «Мазкур битим шу ҳолида сиёсий соҳада ҳам, Ҳарбий соҳада ҳам ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин... Биринчи банди бизни Фарғонада ва ҳатто Туркистонда фуқаролар орасидаги ишимизни чеклаб қўяди ва Шўро ҳокимиятига ёт бўлган принципларга амал қилишга мажбур этади». В. В. Куйбишев сулҳни бекор қилишни (орадан анча вақт ўтгач) ва «Мадаминбекни аста-секин шаштидан тушириб, уни оддий бир итоат этувчи киши даражасига келтириб қўйишни»<sup>2</sup> таклиф этади. Орадан бир неча кун ўтгач (Мадаминбек ўлдирилгандан сўнг) «Фарғона вилояти партия кўмитаси махсус қарор қабул қилди: Туркистон Комфиркаси,— дейилади бу қарорда,— ўлка фирка кўмитасидан ва Туркистон Ҳарбий Инқилобий Кенгашидан Мадамин билан тузилган сулҳ битими матнининг кириш қисми ва 5-бандидан бошқасини бекор қилиш сўралсин, чунки у вилоят фирка кўмитаси ва Ҳарбий Инқилобий Кенгашнинг баъзи аъзоларининг фикрича сиёсий жиҳатдан мутлақо нотўғридир»<sup>3</sup>.

Мадаминбек Шўролар томонига ўтгач, «Амири лашкари Мусулмон» лавозимини Кўршермат (Шермухаммадқул) эгаллади. У қизилариячилар ўқидан омон қолган босмачиларни уюштиришга ҳаракат қилди.

1920 йилнинг март ойида Мадаминбек Кўршермат ва Холхўжага музокара олиб бориш учун бир неча марта одам юборди. Ва Кўршерматдан қуйидаги жавоб мактубини олди.

«Бисмиллоҳир раҳмонур раҳим

Етимлар, есирлар ва камбағаллар дўсти, энгилмас саркарда Мухаммадминбекка, Шермухаммадқулдан.

Сизнинг довуғингиз Бухорою Шеробод ва Кобулгача бориб етибди. Бутун мусулмон лашкарига бош бўлиб, Шўролар ҳокимияти хизматиға кириб, тинчлик ва осойишталик учун курашаётганингизни биз ҳам эшитдик.

Менинг ҳам йигитларимни умумий тўдага қўшиш учун, биргаликда кенгаш ўтказиш мақсадида Гарбува кишлоғида сизни ва ўрус маслаҳатчиларингизни кутаман»

**Шермухаммадқул.**

**Хижрийнинг (қамарий) 1238 йили Шабзон ойининг 3-куни. Водия кишлоғи.<sup>4</sup>**

Мадаминбек Кўршермат билан юзма-юз музокара олиб бориш учун 12 та йигити билан Учқўрғонга Кўршермат ҳузурига йўл олади. Улар Учқўрғон йўлидаги Қоровул кишлоғига етиб келганида, бир неча кун илгари ўзига бўйсунган, ўзининг собиқ кули Холхўжа томонидан қўлга олинди. Ватан хоинлигида айбланиб 1920 йилнинг 14 майида Қоровул кишлоғида Холхўжанинг ўзи бекни бошидан жудо қилди»<sup>5</sup>.

Мадаминбек ўлимидан сўнг армиясининг асосий қисми яна босмачилар томонига қочиб ўтди. Босмачилик ҳаракати эса яна бир неча йил давом этди.

Биз узоқ вақт тарихий шахсларга, жумладан Мадаминбекка ва мадаминбекчилар фаолиятига, шахсига баҳо беришда, улар яшаган замонни ва давр руҳини эсдан чиқариб қўйганмиз. Шунинг учун бўлса керак бутун хўжалиги, ижтимоий ҳаёти деҳқончиликка асосланган ўлка фарзандидан марксизм-ленинизмни талаб қилдик. Гўёки, Мадаминбек коммунист, унинг чўнтагида фирка билети бордай муносабатда бўлдик. Ва уларни фирқанинг мафкурага бағишланган Олий Кенгашларида муҳокама этдик. Саркарда ҳаёти билан боғлиқ айрим эсдаликлар ва архив ҳужжатлари билан танишиб шу нарсани англадимки, Мадаминбек Ватанини, халқини, динини севган байналмилалчи саркарда бўлган экан. Агар у халқини севмаганида тинчликка интиلمасди, ҳаётини гаровга қўйиб Учқўрғонга Кўршермат қароргоҳига ёлғиз бормасди. Мадаминбек эндигина 28 ёшга тўлганди. Афсуски у довурақларини ҳам, халқпарварлигини ҳам ўзи билан бирга олиб кетди.

Мабодо ўша алғов-далғов замонда довурақларимиз тирик қолганида минглаб ватандошлар ватангадў бўлиб хорижга чиқиб кетмасди, имло-алифбаларимиз ўзгартрилиб саводсизликка маҳкум этилмасди. Агар Мадаминбекдай саркардаларимиз омон қолганида жаҳон урушида миллионлаб юртдошлар кумурсадек қирилиб кетмасиди? Балким улар миллатпарвар генералимиз бўлармиди? Туркий халқлар ўртасидаги Ҳарб илми ҳам бугунгидан бошқачароқ бўларди. Москвалик олимадан марказий матбуот орқали «ўзбек халқи жисмонан ночор, Ҳарб илмига ўқувсиз, уларнинг армиядаги салмоғи ошган сари Ватанимиз мудофааси ҳам шунчалик кучсизланиб бораёпти» деган дашиномларни эшитмасидик. Балким «босмачилик даври 10 йилгина олдин таҳлил қилинганда Туркистон фожеаси Афғон фожеаси бўлиб тақдорланмасдими? Минглаб бегуноҳ тенгқурларимизнинг қони дарё бўлиб оқмасди. Бугунгидек турна қатор темир тубтулар келмасди. Гдлян ва Ивановлар халқимизни бугунгичалик хўрлай олмасди.

Шунча йўқотилган қадриятлар ва нобуд бўлган фарзандларимиз эвазига биз бугун нималарга эга бўлдик?.. «Ўтмишни ўрганиш бу келажакни олдиндан кўриш» дейди доноларимиз. Келинг яхшиси ҳечдан кўра кечи ҳам яхши деганларидай, Ватани, халқи, миллати учун жонини фидо этган қаҳрамонларимиз руҳини шод этайлик. Мадаминбек орзу қилгандай, Ҳарбий мактаблар очайлик, ўрус биродарларимиз суворовчи бўлганидай биз ҳам темирчи ва бобурчилар бўлайлик. Темир ва темирчи боболаримиз қолдирган Ҳарб илмларидан баҳра олайлик. Мазкур Ҳарбий мактабларда укаларимиз, фарзандларимиз туркий тилда сабоқ олсинлар. Ва мактабларимизни Ватаним, халқим дея жон берган Бобон ботирлар, Олимқули ва Номозботирлар, Муқанна-ю Торобийлар номи билан атайлик.

Евага қарши жангда шаҳид бўлган Темир Маликка Хўжанда, Искобелевдай фотиҳни тиз чўктирган Бобон ботирга Самарқандда, истилочи Черняев тўлига кўкрагини тутган Тошкент ҳимоячиси Олимқулига Тошкентда, ярим подшоҳликни ларзага келтирган Номозботирга Даҳбетда, тулқидек айёр Кауфманни мағлуб этган Мулла Исҳоқхонга Андижонда ҳайкал ўрнатсак, уларнинг ватанпарварлигини ҳимоя қилувчи музейлар ташкил этилса, кинофильмлар яратилса ана шундагина ёш авлод қалбига ВАТАН туйғусидек муқаддас руҳни сингдирган бўламиз.

<sup>1</sup> Шўролар Армиясининг Марказий Давлат архиви, Фонд—110, опсь 1, дело—62, 101—варак.

<sup>2</sup> Шўролар Армиясининг Марказий Давлат архиви, Фонд—110 1—изоҳнома, 62—дело, 107—варак.

<sup>3</sup> М. Х. Назаров. Туркистон интервенция ва биродарқушлик уруши даврида «ЎзССЖ Давлат нашриёти». Тошкент—1961 йил. 227 бет

<sup>4</sup> Марк Поликовский. «Конец Мадаминбека». Ташкент 1961 год 157. (записи о гражданской войне)

<sup>5</sup> КПСС Марказий Кўмитаси қошидаги марксизм-ленинизм институтининг архиви 122—Фонд, 1—изоҳнома, 44—дело, 124—варак.



Садриддин Салим

## ДЕВОР БОСИБ ҚОЛГАН КАМПИР

ёхуд эгасиз обидалар  
хусусида

Албатта, дунёда тарихсиз шаҳар, қишлоқ бўлмайди. Ҳатто ҳар бир гузарнинг ҳам ўз тарихи мавжуд. Бу тарих авлоддан-авлодга мерос сифатида кўчиб, китобдан-китобга ўтиб янги насл мулкига айланади. Лекин тарихга, обидаларга бўлган эътибор шахсга сиғиниш ва турғунлик даврларида сусайди. Тарих ногўрри талқин қилинди. Инқилобдан олдинги барча давр тарихига қора кўзойнак билан қараш расм бўлди. Натижада минглаб тарихий китоблар оловга ташланди, обидалар вайрон қилинди. Ўз тарихини биладиган, у билан фахрланадиган кишилар эса «миллатчи» сифатида отилди.

Бухоро обидалари — бу тарих, фахр, гўзаллик, хотира. Агар мана шу тарих бузилса, фахр топталса, гўзаллик маҳв қилинса, хотира таҳқирланса, демак, бундай жамият фожиага юз тутган ҳисобланади.

Ривоят қилишларича, қадимда ғоят тақводор бир шайх яшаб ўтган экан. У кишининг уйи билан масжиднинг орасидаги масофа 100—150 қадам экан. Шайх масжидга бораётганда ва у ердан қайтаётганда ибодатхона ҳурматини сақлаб ерга тупурмасканлар. Чунки ибодатхонага элтадиган ҳар қандай йўл муқаддасдир.

Маълумки, Бухоро шаҳрининг ичида 217 гузар масжиди, 185 мадраса (мазкур мадрасаларнинг кўпида ҳам масжид бор эди) бўлган. Демак, бу шаҳарнинг ҳар бир қаричи муқаддас, мўътабар ва табарруқдир. Унга тупуриш, мағзава тўкиш гуноҳ ҳисобланади. Лекин айни шу кунларда Бухорои шариф гўё улкан ахлатхонани эслатади. Турки Жанди мақбараси, Зиндон, Арк атрофлари, шунингдек, Теллақфурушон тоқининг кун чиқари, Туркман мадрасасининг жануби, Абдулазизхон мадрасасининг кун ботар томони, Бўйрабобон гузарининг қибла саҳни ҳадсиз-ҳудудсиз ахлатхонага айланган. Саройи таш, Чуқур мадрасаси, Улуғбек саройи, Саррофлар ҳаммомининг ичи ахлатхона. Шайх Жалол дарвозаси ёнидаги Қалъа қапталида ахлат уюмлари тўқилган, кўмилган. Келажак насл бу ерни қазиб кўрса, XX аср ахлатларини топиб оладими? Ҳатто Бухоро ҳудудидаги чўлларда уюм-уюм қурилиш чиқиндила-

ри, ахлатлар ястаниб ётибди. Ариқлар ичи, кўллар ичи ахлатхона. Во дариф!

Заргарлар гузаридаги масжид, Кунжаск масжиди ёнди, Қалъа девори бўлақларини одамлар кунпа-кундузи йиқитиб, тупроғини ўғирламоқдалар. Қалъа ўрнида ўзларига ҳовли-жой қурмоқдалар.

Обидаларнинг эгаси борми?! «Давлат томонидан қўриқланади» деган ёзув осиглик турса-да, уларни қўриқловчи Давлат йўқ!

Яқинда «Бухоро шаҳридан қадимийроқ» (Наршахий) ҳисобланадиган Ромитан туманидаги Кўргон обидаси бузилиб, унинг устида мол бозор қуриш бошланибти. Туманларимиз, қишлоқларимиздаги обидаларнинг аҳволи шаҳардагидан ёмонроқдир. Араб сайёҳи ва тарихчиси Муттаҳир ибн Тоҳирий Муқаддасий (X аср) Бухорони «минг шаҳарлар мамлакати» деганда Кўргон шаҳрини ҳам назарда тутган.

Бир ибратангиз воқеа содир бўлди. Арkning шарқий девори тагида бир кампир ўзига хожатхона қурдирган. Жамоатчилик бу хожатхонани кўчиришни талаб этиб, бир неча бор кампирга мурожаат килди, лекин у ҳақли талабларга кулок солмади. Кампир кунлардан бир кун хожатхона ичида бўлганида Арkning девори кулаб тушди. Натижада кампирнинг умри фожияли тарзда тугади. Бу воқеа бизга катта сабоқ бўлиши лозим.

Нодир Девонбеги (XVII аср) қурдирган мадраса, ҳовуз ва Хонақонинг довруғи бутун дунёга ёйилган. Мазкур Хонақо бир неча йиллар давомида «Атеистлар уйи»га айлантирилди. Улар ўзларининг шиор, хитоб, даъватномаларини тилми қозиклар билан меҳроб ва унинг атрофида ёзилган Қуръони Карим суралари ва шоҳбайтлар устига қоқиб, осиб қўйганлар. Айни кунларда бу Хонақо музей-қўриқхона ихтиёрида бўлиб, унда расм, кулоллик буюмлари намойиш қилинади ва сотилади. Лекин Хонақонинг шимолий девори ёнидаги ер чўккан. Бунга қору ёмғир сувларининг тўпланиб қолиши сабабдир. Афсуски, бундан «эга»ларнинг хабари йўқ. Аркда ва Абдулазизхон мадрасасида музей-қўриқхона маъмурияти жойлашган. Абдулазизхон мадрасасида «Бар» ҳам бор, у ерда кечқурун майнўшилик қилиб, чет эллик сайёҳлар концерт томоша қилишади. Лекин мадрасанинг кун ботар томонини қору ёмғир сувлари чўқтирган. Арkning атрофини эса мағзава, гўнг, тезак, ахлатлар билан «безаган»лар. Бундан ҳам «эга»лар беҳабар. Кўкалдош мадрасаси ичидаги «меҳмонхона» да ёнгин чиқмаслиги учун ўт ўчирувчилар ташаббуси билан обиданинг тўрт томонида «водопровод» қувурлари ўтказилган. (Тошдан ўт чиқаркан, ё тавба!). Меҳмонхонанинг шимол томони меҳмонларнинг «овиниши» натижасида дарз кетган. Улуғбек мадрасаси ичида бир неча йил кино-театр фаолият кўрсатди. Ҳозир эса унда ит, сичқон, ўргимчак, каламушлар «тахсил» олмақда. Наҳот, Улуғбек, Абдулазизхон ва бошқа мадрасаларни диний билимгоҳ ихтиёрига топшириш учун юқоридан маҳсус қарор қутиши керак бўлса?! Ахир, Хожя Зайноддин, Мири Араб, Тағбандбофон, Хожя Таббанд обидаларининг ҳақиқий эгалари, яъни диндорлар гард юқтирмай асраб келдилар-ку!

Бобойи Порадўз, Фавсул Аъзам ва бошқа обидалар атрофида сохта «шайх»лар уя қуриб, зиёратчилар хайру садақасини туя қилмоқдалар. Наҳотки, бу обидалар ичида хайрия қутиларини ўрнатиб, диндорлардан бу ерда вақил тайинлаб қўйиш оғир иш бўлса? Зиндон ичидаги хайрия қутисига ҳар ойда минг сўм атрофида пул тушяпти. Кўпгина зиёратгоҳлар атрофида кашшоф «нарзхўр»лар пайдо бўлган. Улар, айниқса, чет эллик меҳмонларнинг сақич, нишонча, тангаларига ўч. Качон-

гача бундай уят ишларга панжа орасидан қараймиз? Качонгача Хожа Исмаиловдай улуг аллома мазористони устида мол боқишадил?

Сайфиддин Бохарзий, Баёнқулихон мақбаралари ёнидан ўтқазилган темир йўлни олиб ташлаш, Исмоил Сомоний мақбараси ва Қалъа бўлаклари ёнидаги кўлни қуриштириш, обидалар атрофидаги кўчаларга тош ётқизиш масаласини маҳаллий маъмурларимиз зудлик билан ҳал этмоғи даркор. Бу масалалар бир неча йиллардан бери ҳал қилинмаётганлиги сабабли қайта-қайта такрорлашимизга тўғри келяпти.

Етмиш йил бадалида ҳали бирорта обиданинг устидаги қор куралмаган, улар атрофи қордан тозаланмаган.

Энг даҳшати, куйдирилган, ярим вайрона Кунжак масжидини сотиб олмоқчи сўраб бир киши шаҳар маъмурларига ариза берибди. У одам масжидни йиқитиб, ўз ҳовлисига қўшиб олмоқчи экан. Тўғри, ота-боболаримиз мазористонини, авлиё-алломаларимиз қабрларини текислаб, уларнинг устида қасрлар қурдик, ибодатхоналар ичини чўчқахона, молхона, майхона этдик, улуг машойхлар қабрини портлатдик, шифобахш сувли чашмаларни булғадик, лекин натижада нимага эришдик? Нотўғри сийсат одамни ваҳишн зотга айлантираркан.

Хожа Зайниддин ҳовузи ташландиқ ҳолда. Яқинда унинг ичида ёнгин чиқариб, киночилар кинони суратга олишди. Натижада ҳовузнинг бир неча юз йиллик синчлари, мрамартошлари куйди, зарарланди. Лекин киночиларга ким рухсат берган? Барча маъмурлар бу воқеадан бизнинг хабаримиз йўқ, деб жавоб беришди. Наҳот, обидага зарар етказганини сўрайдиган, тергайдиган киши Бухороини шарифда бўлмаси?

Яқинда Хожа Таббанд масжидини сув босиб, обидани чўктирди. Водапровод қувури ёрилган экан. Масжиди Қалоннинг ўн бешта гулбази водапровод қувурининг ёрилиши натижасида шикастланган эди. Айбдор ким? Албатта, водапровод қувурини, ҳар йил ёғаётган қору ёмғир сувларини суднинг қора курсисига ўтиргизиб бўлмайдилар-ку!

Энг қизиги, Бухородаги Аркнинг жанубий девори «Кўли гул» лойиҳачи ва таъмирчиларнинг «шарофати»дан қулади, шундан кейин янги лойиҳа тақдим қилинди. Тошкентдаги лойиҳачилар фикрича, Аркнинг атрофи 20 метр баландликда темир-бетон билан ўралиб, сўнг темир-бетонга пишиқ гишт ёпиштириларкан. Ана сизга каромат! Жамоатчиликнинг билдирган эътирозига уларнинг бошлиғи Ф. Анрафий: «Бу услубда қуриш тажрибадур!» — деди. Арк обидаси қурбақа ё итмидики унда тажриба ўтказилса? Ота-боболаримиз бундан бир неча минг йил олдин Арк деворини тиклашган. Худди ўша услубда қурса бўлади. Лекин лойиҳачиларнинг деярли ҳаммаси ўзга миллат вакиллари бўлиб, улар бизнинг маҳаллий шароитни ҳам, иқлимни ҳам, ота-боболаримиз анъанасини ҳам, шарқона услубни ҳам, тарихимизни ҳам билишмайдилар. Шу сабаб қора тўл, қора мум, арматуралар ишлатиш хусусида улар кўрсатма берадилар.

Юқорида туманларимиздаги обидаларнинг ғоят хароб аҳволда эканлиги хусусида гапирувдик. Вобкент тумани Тельман жамоа хўжалиги ҳудудидаги масжид, Ғиждувондаги Энгельс жамоа хўжалиги чегарасида жойлашган ажойиб санъат асарини ҳисобланадиган Тошмасжид, Вобкентдаги Чачмаи Аюб номли нодир ёдгорлик, Ғиждувондаги Улугбек мадрасаси, Қоракўлдаги Хонақоҳ ва бошқа жуда кўп обидалар вайрон ҳолда турибти. Бухоро унутилган ёшгага айланган. Сталинизмнинг касофатларидан бири марказга сизинишдир. Ҳамма имконият, ҳамма нарса марказга: олий ўқув

юртлари ҳам, катта корхоналар ҳам, нашириёт ва рўнома маламат ҳам пойтахтларда бўлиши керак. Пойтахт билан вилоят, вилоят билан туман, туман билан қишлоқ орасидаги тафовут еру осмонча бўлди. Биз бундай тафовут, адолатсизликка барҳам беришимиз керак. Бухорога, унинг обидаларига муносабат тубдан ўзгариши даркор. Тўғри, вилоят ҳукумати обидаларни асраш ва таъмирлашга энди андак бўлса-да эътибор берадиган бўлишди. Лекин жиддий ишлар қилинмаёттир. Таъмирлаш Устахонаси учун бир неча йиллардан бери янги жой ажратилиш масаласи ҳал қилинмаган. Бунинг учун, биринчидан, Устахонанинг уқувсиз маъмурияти айбдор бўлса, иккинчидан, маҳаллий ҳукуматнинг бу ишга панжа орасидан қараётганлиги сабабдир.

Вилоят ҳукумати ССЖИ Вазирлар Кенгашининг Раиси Н. Рижковга Бухоро обидаларини таъмирлаш масаласи бўйича ҳужжат тайёрлаб жўнатганди. Бундай ҳужжатни Масковнинг ўзи сўраган. Чунки Новгород, Суздаль, Псков каби Иттифоқимиздаги музей-қўриқхона шаҳарларга 50—100 миллион сўм маблағ ажратилиб, таъмирлашда сарфланади. Лекин Бухоро учун бир миллион сўм атрофида пул ажратилади. Н. Рижков эса бу ҳужжатга имзо чекмапти. Демак, Бухоро обидалари марказни кизиктирмайди. Модомики, шундай экан, бу хусусда ўзимиз бош қотиришимиз керак. Ҳозир обидалар таъмири учун сифатсиз ёғоч, сифатсиз қурилиш маҳсулотлари ишлатилмоқда. Ҳўш, ота-боболаримиз ёғочни қаердан олган? Кексаларнинг айтишича, улар тол, терак, қайрағоч дарахтларини ўстириб, ундан қурилишда ёғоч сифатида фойдаланишган. Шўр ерда қайрағоч яхши ўсаркан. Болор, қалама, вассажуфт излаб шаҳарма-шаҳар югуришмаган. Қоровулбозордан хом ашё келтириб, қўлда ганж тайёрлаганлар. Қир деган маҳсулотни эса қамишни куйдириб, унинг қўлини тулрокқа қўшиб ҳозирлаганлар. Бир асосларини мана шу цементдан ҳам чидамли қирдан қуйганлар. Обиғишлар ҳам Бухоронинг ўзида тайёрланган. Ҳозирчи, ҳеч кимнинг хаёлига бу дарахтларни кўнайтириш келмайдилар. Качонгача у етмайди, бу етмайди деб бонг урамиз? Ҳар дарднинг бир чораси бор. Ўзимизнинг дардимиз чорасини ўзимиз топишимиз керак.

Ёш таъмирловчи усталар тайёрлаш масаласи ҳам йада-жўлда. Наҳот, Бухорода «шарқона қурилиш» олийгоҳини очиб қийин бўлса?

Маҳаллий миллат вакилларида лойиҳачилар тайёрлаш муаммосини ҳам зудлик билан ҳал этмоқ даркор. Таъмирчи усталарни саралаш, уларга тўланадиган ҳақни кўнайтириш лозим. Таъмирчиликки суқулиб кириб қолган уста кўрмаган шоғирларнинг эса жавобини бериш лозим.

Гапирарман десанг, гап кўп. Муаммолар эса қалалиш ётипти. Лекин ҳали ҳам эрта. Кўзни очайлик! Токи, ота-боболаримиз руҳи биздан рози бўлсин! Арвоҳ рози — худо рози, дейишган кексалар. Бухоро, Самарқанд, Хивадаги шаҳарлар қайта туғилмайдилар!

Во дариг! Агар Бухоро обидаларига Оллоҳ таоло тил ато этганида эди, бизга хуморидан чиккунча дашном берган бўларди. Агар кўз ато этганида эди, мрамартошлар, обиғишлар, нақшу нигорли болорларни ўғирлаган жиноятчиларни кўрсатарди. Агар қанот ато қилганида эди, шубҳасиз, осмонга учиб кетар эди. Токи, бизда аклу ҳўш, фаҳму фаросат, гурур пайдо бўлгунича ўша жойда безарофат турар эди...



Мирза Қайнаров

## Навоий ғазалларига мухаммаслар

Ким тақир дашт бағрида боғ бунёд айлағай,  
Ким адашганларни иршод, элга имдод айлағай,  
Кимки бир покиза дил руҳин мудом ёд айлағай,  
Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай.  
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлағай.

Дейдиларким, одам ул одам ҳақинда ғам еса,  
Бахтлидир ул яхшилар ҳар дам уни одам деса,  
Яхшидур хоҳ илтифот, хоҳ ғам-алам ёрдин эса,  
Ғарчи хаақ озодасимен, ёр азар бандам деса,  
Андин ортуқ англаким, бир банда озод айлағай.

Ҳақни севдим, то тирикмен ҳаққа бергум дил тўрин,  
Кимки сарф этса улғудир ҳақ йўлинда дил қўрин,  
Дўету ёр васлига етсам ошқор, хоҳ ёшурун,  
Ёрдин ҳар кимки бир сўз дер, туганмасдин бурун  
Истарамким, аввалидин ёна бунёд айлағай.

Кимки ёр севса севилюк бахти эрмиш нораво,  
Чун азал котиблари ошиқ жабин ёзмиш қаро,  
Ваҳки, ушшоқ аҳлига ҳижрон ўти эрмиш жазо,  
Ёр ҳижронидин ўлғудур, бу навъ эрмиш сазо,  
Ул кишигаким, бировга ўзни мўътод айлағай.

Мудраган дилларга етгайму аламли дил саси?!  
Олам айвонида кўптур макру ёлгон меваси,  
Одам авлодида кўптур инсоф, иймон беваси,  
Одам авлодида камдур одамийлик шеваси,  
Одам эрмас, улки майли одамизод айлағай.

Кўнғлума етқай малол ҳар дам ғайр озоридин,  
Егилур бошига маломат ўзганинг бад коридин,  
Қопғай агёр итлари чун ташланиб ҳар соридин,  
Не балодурким, фалак ҳар кимга чекса тийғи кин,  
Ёнгилиб аввал менинг жонимга бедод айлағай.

Дардли кўксим йўлларингда туфроқ ўлсун, эй парий,  
Сўзни ёлғон айтган оғиз қонга тўлсун, эй парий,  
Мирза, дил ошиқ бўлуб бир бора кулсун, эй парий,  
Беша ичра девлар мақтули бўлсун, эй парий,  
Ғар Навоий ёна азми Астробод айлағай.

Ёр қачон келгай, қачон отқай сабоҳим, билмадим,  
Бир садо бергай фалак етдиму оҳим, билмадим,  
Зулм этар султон ва ёр, қайбири шоҳим, билмадим,  
Не учун тарки муҳаббат қилди моҳим, билмадим,  
Бу ғазабким айлади моҳим, гуноҳим билмадим.

Ваҳки, ишқ осмонида ул моҳ кўрсатди жамол,  
Вожаб бир моҳрўда барқ урар икки ҳилол,  
Ойга ошиқ ўлғоним агёргаму келмиш малол,  
Ошиқ ўлдум ёрдин топқай дебон кўнғлум висол,  
Ҳажр бу янглиғ бўлурни кийнахоҳим билмадим.

Ҳеч ким ишқ дардига малҳам топмағай жарроҳдин,  
Юргум ушшоқ роҳидин, ҳеч қўрқмағаймен чоҳдин,  
Еру осмон ҳам ҳижилдур мен киби гўмроҳдин,  
Ёр кўйи ичра йитти зор жисмим оҳдин,  
Қайда тушканни бу елдин барғи қоҳим билмадим.

Умри жовид йўқ муҳаққақ ул кечар бир туш киби,  
Интиҳоси талху фоже, ибтидоси хуш киби,  
Ишқнинг заҳри мудом шаккар киби ё нўш киби,  
Ишқ бўстониға кирганда ҳавоий қуш киби,  
Сунбули зулфи бўлурни доми роҳим билмадим.

Ишқ ҳажри этди, Мирзо, йўғу боримни қаро,  
Эл аро саргаштаю номуси оримни қаро,  
Неки билдим, неки қилдим — саъйи коримни қаро,  
Эй Навоий, бўйла қилгон рўзғоримни қаро  
Ҳажр шони эрди ёхуд дуди оҳим, билмадим.

Қаҳри келса дилбарим ёзни аёз айлар, нетай?  
Эл аро агёрни васфу сарфароз айлар, нетай?  
Мен недин очсам оғиз ёр эътироз айлар, нетай?  
Неча кўргузсам ниёз, ул шўх ноз айлар, нетай?  
Жавр кўптин-кўп, тараҳҳум оздин-оз айлар, нетай?

Бул не ишқким, умр ўтар бир бора келмас ёз ҳам,  
Бир даме эл наздида этмас мени мумтоз ҳам,  
Шарҳи дил битсам ажаб, қуйгай шу дам қогоз ҳам,  
Мен ниёз айларда истиғнодин этмас ноз ҳам,  
Ноз ҳам хайф элга изҳори ниёз айлар, нетай?

Этмас олам дурру ганжи берса ҳуснига закот,  
Не вужудким билмағай лутфу карам, ҳам илтифот,  
Бахтлидир ким ичса бир бор лаълидин оби ҳаёт,  
Эл била ким лаълидин жон истар, айлар ихтилот,  
Жон бериб лаълиға мендин эҳтироз айлар, нетай?

Ваҳки, чеккан оҳларим ҳуснин оширғай дам-бадам,  
Тешгай осмон гўмбазин ошиқлар оҳин қилса жам,  
Телба ишқимни ниҳон тутмоқни чу истар санам,  
То ҳақиқий ишқ мастимен, кўнғулни қовмушам,  
Ониким андишайи ҳусни мажоз айлар, нетай?

Аҳли ушшоқ ичра йўқтур мен каби бир беадаб,  
Жон сўранг майли ва лекин тарки ишқ қилманг талаб,  
Бўлма, Мирзо, ишқсизлар ичра кулуга сабаб,  
Мен ҳусайний мазҳаб ар ҳалроҳ эмасмен, йўқ ажаб,  
Чун Навоий ҳар дам оҳанги Ҳижоз айлар, нетай?



# НИГОХ

## МАКТАБ-МИЛЛАТ ТАҚДИРИ

Она тили ва адабиёти муаллими  
Хусанбой Абдуллаев билан суҳбат

— Хусанбой ака, ўқувчилардаги умумий кайфият қандай? Сизнингча, уларда табиий, ўзбекона гурур, миллий урф-одатларга ота-боболаримиздек сидқидилдан амал қилиш анъанаси сақланиб қолганми? Чунки бу хусусиятлар ўзликни англашнинг, ўз кадрига етишнинг дастлабки белгилари ҳисобланади.

— Муҳаммаджон, кайфият — кўп нарсани англатадиган, мохияти чуқур, таъбир жоиз бўлса, катта фалсафий тушунча. Қаердаки, кучли, ягона кайфият вужудга келса, ўша ердаги маънавий-сиёсий, ижтимоий-иктисодий ҳаётда юксалиш, ривожланиш кўзга ташланади. Шу маънода мен ўқувчиларда маълум йўналишда шакланган муқим ва муштарақ кайфиятни сезмаяпман. Демак, умумий кайфият тўғрисида сўрамасангиз ҳам бўлади. Аксинча, ўқувчилар руҳиятида мени доим ташвишга соладиган умумий бепарволик мавжуд. Умумий бепарволик ёппасига дарслардан қочишга, дарсларни тайёрламасликка олиб келмоқда. Натижада бепарволикнинг онаси бўлган маърифатсизлик ўқувчилар онгини деярди захарлаб бўлди. Ҳозир ҳам бу жараён тўхтовсиз чексизликка томон интилмоқда. Бунинг сабаби нимада? Менимча, таълим-тарбия жараёнида бўлса ажабмас. Уни мутлақо ўзгартириш, янгитдан куриш даркор. Қайта куриш мумкин бўлмаётган жамиятнинг маориф системасида ҳам қайта куриш имкони йўқлиги эндиликда кўпчиликка равшан. Бироқ равшан бўлса-да ҳеч ким миқ этмайди. Гапирганларни ҳам ўз ўртоклари босиб қўйишади: «Ўзингни ўйласанг-чи!» Яна бепарволик... Аммо, барибир, тушқунликка тушмаслик керак. Халқимизнинг бир одати менга ёқади — у оғир дамларда хамиша бирикади, йиғинчоқ бўлади. Кўп одатларни унутган бўлишса-да ўқувчиларда ҳам шу хусусият сақланиб қолган. Раҳматли устозларимиз У. Саримсоқов, Қ. Мехмонов, У. Дадабоевларни сўнгги манзилга кузатаётган пайт мен буни сездим. Ўша кунларда ховлию кўчалар ғамгин чехрали, бизнинг яхши-ёмон сўзларимизни ёддан чиқарган ўқувчиларга тўлиб кет-

ди. Ўшанда уларда ягона кайфият, ягона мақсад бор эди... Демак, келажакка ишонч бор. Кези келганда бу одат ўз кучини кўрсатади.

— VIII синф «Адабиёт хрестоматияси»да «Бобурнома»дан парча берилган. Унда Фарғона водийси табиати ҳақидаги ўринлардан сўнг «Эли турктур» деган жумлани учратасиз. «Нега ўзбекмас?», «Нега турк?» каби саволлар билан ўқувчилар Сизга мурожаат қилишганми? Умуман, ўқувчилар шу жумлани билишадими?

— Албатта, билишади. Бироқ юқоридаги каби саволларни ҳозирча эшитганимча йўқ. Ўзимиз ҳам бундай саволлар туғилмаслиги учун астойдил ҳаракат қиламиз. Чунки ўқувчиларга биз қандай қилиб ўзбекларга, юртимиз Ўзбекистонга айланиб қолганини бир-икки соат ичида англашиш мушкул. Ўқувчилар онгидаги мустаҳкам турғун фикрларни емириш осон эмас. Бунинг устига текшириш, дўст-душман, тирикчилик деган гаплар бор. Яхшиси, 10 ёки II-синфларга «Ўзбек тили тарихи» дарсини ўтилгани маъқул. Шунда ўқувчилар туркий халқлар тарихини — ўз ўтмишларини, бобомиз Бобур Мирзо сўзларини чуқурроқ билишади, тўғри тушунишади. Айни дамда «сен турксан, Бобур Мирзо сенинг боболарингни назарда тутганлар» деб ўқувчига айтиб кўринг-чи, нима бўларкин?

— Бирорга ота-она-ўз боласини сизга кўрсатиб «Эти сизга — суяги бизга» деганми?

— Йўқ, бу гапни ҳеч кимдан эшитмаганман. Совет мактабининг барпо этилиши, ўқувчи ва ўқитувчи ҳуқуқларининг тенглаштирилиши бу нарсага чек қўйди. Юқоридаги гап эски мактаб домлаларига жазолаш ҳуқуқини берган. Шу боис ўқувчиларнинг тарбияси яхши, саводи юқори бўлган. Бироқ бу кўркўвнинг эмас, балки ўзига ҳос анъананинг натижасидир. Эски мактаб домлаларининг обрў-эътибори баланд бўлганининг сабаби мана шунда. Биз эса ҳаёлида дехқончиликдан

бошқа нарса бўлмаган ўқувчидан мураккаб математик масалалар ечишни, шеър ёзиш даражасига гирифторм бўлган боладан лабораторияда ҳар хил тажрибалар ўтказишни талаб қилдик. «Совет ўқувчиси ҳамма нарсани билиши шарт» шиори остида ўз касбининг устаси бўладиган кишилари йўқ қилдик. Меъёр бузилди. Табиати деҳқон бола меҳлик бўлди, меҳлик далада пахта экди. Кейин «Иккисиз, икки йилликсиз ўқиш» шиори авж олди. Ўқиш-ёзишни билмаган ўқувчи синфдан-синфга кўчирилди, ҳатто аттестат билан тақдирланди. Ўқитувчининг айтгани бўлмади. У ўқувчи билан бирга далага чиқди. Қолхоз раисларини, бригадирларга бўйин эгишга мажбур бўлди, югурдакка айланди. Ўқувчи ўқитувчисини менсимай қўйди.

Биз халқ педагогикасидан узоклашдик. Халқимизда «болага етти қўшни ота-она» деган ажойиб нақл бор. Авваллари бу нақлнинг кучини яққол сезиш мумкин эди. Хозир-чи? Бирор гуноҳ иш қилган болага танбеҳ бериб кўринг, балога қоласиз. Ҳатто ота-оналар ҳам гуноҳкор боласининг тарафини олади. Нима учун биз шундай аҳволга тушиб қолдик? Балки бу нарса баъзи халқларнинг салбий урф-одатларини таъсиридир. Балки... Нима бўлганда ҳам таълим-тарбияни яхшилашимиз керак. Акс ҳолда хозир кўзимизга майда кўринаётган хусусий тарбиясизликлар охири-оқибати миллатнинг ялли тарбиясизлигини келтириб чиқаришига шак-шубҳа йўқ. Тафаккурнинг ривожланиши ҳам, таназулнинг авж олиши ҳам тарбиянинг қандай йўлга қўйилганига боғлиқ. Ки тарбиянинг ўчоғи бўлмиш мактаб буни ҳар доим ёдда сақласин!

— Сиз XXI аср мактаби, ўқитувчиси ва ўқувчисини қандай тасаввур қиласиз?

— Менимча, келгуси асрда мактаб миллийлашади, яъни мактаб мутлақо янгитдан қурилади. Айтайлик, у сиёсатдан бутунлай холи бўлади. Болалар онгини навниҳоллигидан шунча заҳарлаганимиз етар. Мактабнинг вазифаси биринчи навбатда маърифат бериш. Орзум, мактаб XXI асрда ҳақиқий маърифат маскани бўлиб қолсин. Бу орзу тўла амалга ошириши учун мактабни диндан ажратиш тўғрисидаги қарорлар бекор қилиниши шарт. Мактабда ислом дини, миллий ахлоқ дарслари ўтилади. Ҳар хил «изм»ларга боғлиқ дарслар дастурлардан чиқарилади. Чунки уларнинг бари ўткинчи нарса эканлиги энди кўпчиликка аён. Мажбурий ўрта таълим ҳам қачондир тугатилиши аниқ. Унинг ўрнини ихтисослаштирилган мактаблар ёки синфлар эгаллайди. Болага ҳаётда зарур бўладиган дастлабки билимлар бошланғич синфда ўргатилади. Шунинг ўзи бас. У ёғига унинг ўзига қўйиб бериш керак. Мажбурийлик бола тафаккурини ривожланишдан тўхтатиб қўйиши мумкин.

Хозир мактабларни фан-техника ютуқлари асосида жиҳозлашга катта эътибор беришмоқда. Келгуси асрда, аксинча, мактабни гуманитарлаштириш кучаяди. Бу жараёни амалга ошириш ўқитувчи шахси билан чамбарчас боғлиқ, албатта. XXI асрда ўқитувчилар ўз соҳаларини чуқур билиш билан бир қаторда бадний адабиётни ҳам кўпроқ ўқиш-ўрганишади. Зеро, инсон-шунослик деб ном олган бадний адабиётнинг болаларни меҳр-оқибатли қилиб тарбиялашдаги ўрни ниҳоятда катта. Ўзаро меҳр, бир-бирига ёрдам бериш, баҳамжихат яшаш ўзбек халқининг энг улугъ фазилатларидандир. Халқимиз характерининг айнаи шу қирраларини ўзида мужассам этган нодир асарлар ўқувчиларда миллий ғурур, миллий анъаналарга ҳурмат ҳиссини уйғотиши шубҳасиз. Фақат ўқитувчи улардан ўринли фойдаланолса бўлгани.

XXI аср ўқитувчисининг вазифалари шу билан тугамайди. У араб ёки форс тилларидан бирини, эски ўзбек

ёзувини мукаммал билиши лозим. Боболаримизнинг бой меросидан истаган соҳа ўқитувчиси — у хоҳ риёзиётчи, хоҳ адабиётчи бўлсин — ўзига керакли нарсаларни топишига ишончим қомил.

XXI аср мактаби ва ўқитувчиси қандай бўлса, ўқувчиси ўшанга яраша бўлади. Энг муҳими, у ақлий ва жисмоний жиҳатдан етук инсон бўлиб етишади. Шундагина миллатимизнинг буюк ишларни амалга ошириш қудрати ортади, ўзини англаштиришга қодир миллатга айланади, унинг келажағига ишонч туғилади.

— Ўрни келиб қолди, ўқитувчи — миллат таянчи деган фикрни чуқурроқ изохласангиз.

— Ўқитувчи миллатнинг эртанги кунини учун масъул инсон. Ўқитувчининг тўғри тарбияси келажакда ўз самарасини беради. Айнан ўқитувчи йўл қўйган хато қўйлаб фожеаларга, миллатни ниқирозга олиб келишига ҳам шубҳа қилмас бўлади. Шу маънода ўқитувчи ўзининг кизиқишларидан ҳам устун турадиган ЭРКИН ШАХС бўлишга мажбур. Ушбу эркинлик баъзи бир ҳолатларда маълум йўналишга солиниши, яъни чегараланиши мумкин. Ҳар қандай халқ тарихида бундай фавқуллод ҳолатлар учраб туради. Хозир халқимизнинг маънавий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти айтарли даражада яхши эмас. Ленин, Сталин, Брежнев шахсларига сиғиниш даврида шаклланиб, қамолга етган турғун АВЛОДЛАР ҳаёти қайта қурамингиз деб бузиб ташланди, бироқ хануз қайта қурилганича йўқ. Мана шу аросатдаги авлодлар халқимизнинг анчагина қисмини ташкил этади. Демак, халқнинг кўнгли яримта, егани ичига тушмайди. Ўқитувчининг вазифаси шу яримликни йўқотиб, халқ кўнглини тўқ қилиш, яъни ҳаракатдаги янги, фаол АВЛОДЛАРни тарбиялаш. Ўқитувчи — миллат таянчи деган гапни мен шундай тушунаман.

— Ўқитиш жараёни ва дарсликларнинг сифатига қайта қуришнинг таъсири оз бўлса-да сезиладими?

— Ўзбек тилига Давлат тили макоми берилиши она тили дарсларига ижодий ёндашувини мажбурий қилиб қўйди. Ниҳоят, зерикарли, бир хил қолипдаги фикрлардан қутулдик, бизда ҳам эркин фикрлаш, мустақил дарс ўтиш имкони кенгайди. Менимча, «Лексика» бўлимига оид баъзи темаларни ўтишда бугунги янги атамалардан фойдаланиш зарур. «Қисқартма отлар» темасини энди жиддий ўйлаб кўриш даркор. Баъзи темаларнинг соддалаштирилгани маъқул. Масалан, 5-синфда «Ўтган замон феъли» тўғрисида маълумот берилади. 6-синфда эса шу феълнинг 4 турини ўқувчиларга ўргатамиз. Бироқ ҳарчанд тушунтирманг, болалар берилган матндан ўтган замон феълини топишадими-ю, унинг қайси турга мансублигини аниқ айта беришолмайди. Бундай мураккабликлар «Она тили» дарсликларда анчагина учрайди. Мактабларда орфографияни ўқитиш эса мутлақо қониқарсиз аҳволда. Шу боис тажрибали ўқитувчилар ҳам уялиб қолишади баъзан. Ахир, янги «Орфография ва пунктуация қондалари» хануз қабул қилинмагандан кейин бошқача бўлиши мумкинми?!

Адабиёт ўқитиш бўйича янги-янги дастурлар эълон қилинди. Бироқ дастурларда изчиллик йўқ. Классик ва совет адабиётини ўқитиш синфлараро жуда тарқок тақсимланган. Ниҳоят, адабиёт дарсликларини ҳам бутунлай янгитдан ёзиш вақти етди деб ўйлайман. Кескин ўзгаришлар қилишимиз керак-ку, қачондир! Намунча тажриба ўтказишдан кўрқамиз. Шахсан мен дарсликларни хрестоматия шаклида тузиш тарафдориман. Яна бир масала. А. С. Пушкин, А. М. Горький, Н. В. Гоголь, В. В. Маяковский каби рус адабиётни вакилларининг ҳаёти ва ижоди дарсликларимиздан

кенг ўрин олган. Шунингдек, улар рус тили ва адабиёти дарсликларига ҳам мукамал ўргатилади. Яна денг, айнан бир хил асарлар! Ўқувчилар Павел Власовнинг суддаги нутқини ўзбек ва рус тилларида ёдлашга мажбурлар. Бунақа такрорнинг ҳеч қандай фойдаси йўқлиги аниқ, бекорга вақт ўғирлайди, холос. Буларнинг ўрнига дарсликларимизга Шарқ халқлари адабиётидан намуналар киритилса. Ахир, Садийни ким ўқимайди, «Қобуснома»нинг ўқувчи учун қандай зарари бўлиши мумкин? Тўғри, адабиёт чегара билмайди. Фақат меъёр бўлса бас. Дейлик, Жек Лондоннинг «Хаётга мухаббат» ҳикоясини мен бажонидил ўқувчиларга ўргатган бўлардим. Ранг-баранглик ўқувчилар тафаккурини ўстиради, қизиқиш доирасини кенгайтиради.

— Ҳусанбой ака, ўзингиз биласиз, мактаб қаерда жойлашган бўлса, ўша ердаги одамлар ҳаёти билан чамбарчас боғланиб кетади. Мана, иккаламиз ҳам Пешқўрғонликмиз. Қишлоғимиз, унинг одамлари тўғрисида кўпчилик эшитган. Балиқкўлни зиёрат қилмаганлар жуда кам. Шу машҳур қишлоқнинг ўзига хос муаммолари тўғрисида сўзлаб берсангиз. Кузатишимча, кўпчилик ҳамқишлоқларимда — Чортоқ ноҳиясидаги 21, 22, 25, 31-мактаб ўқувчиларининг ота-оналарида давлатга, ҳақиқатга, келажакка ишонч сўниб борапти, шекилли. Отам (Қўймурод новвойни билсангиз керак) Тошкентдан борсам, ҳамма нарсага қўл силтаб уйда ўтирибдилар. Қарилма нафақаси олишлари учун хужжатлари тўғриланмаётганмиш. Туғилиш гувоҳномалари 30-йиллар саргардонлигида йўқолган. Гувоҳларга ишонишмайди — қоғоз керак. Аламдан ишлай десалар куч-қувватга тўлган даврлари ўтиб кетган. Нима қилиш керак? Икки мактаб ўқувчиси, уч студентни едириб-ичириш, оилани икки ўғилга уй-жой қилиш отамни кўп ўйлантиради. Билиб турибсиз, бу муаммолар бизнинг оилагагина тааллуқли эмас, таъсири ҳам бир оила билан чекланимайди. Турғунпўлат ака янгидан қуришга мажбур бўлган уйларини, уйдим-чуқур кўчаларини кўрсатиб, шулар ҳақида ёзсанг-чи, ахир, болаларнинг ўқишидан, мактабидан хабар олишга ҳам вақт қолмаяпти-ку деганларида ҳақ эдилар. Шулар деганда у киши фақат кўчани, уйни назарда тутмаганларига ишончим қомил. Демак, биз гапиришимиз керак бўлган муаммолар кўп. Ҳамма гап шундаки, буларнинг барчаси мактаб ҳаётига, ўқитувчининг иш сифатига, ўқувчининг ўзлаштиришига катта салбий таъсир кўрсатади. Айни муҳим боғлиқликни биз кўпинча назардан қочирамиз ёки кўриб-кўрмасликка оламиз. Ахир, кичик бўғиндаги раҳбарлар, масалан, Чортоқ ноҳияси, Наримонов қишлоқ шўроси, «Қомсомолобод» давлат хўжалиги бошлиқлари амалий ёрдам беришса бўлади-ку одамларга. Ёки айтиш, арз-бозлик қилиш шартми?

— Ҳа, Муҳаммаджон, ҳаётдаги энг муҳим нарса — Ишонч одамларда тобора сўниб борапти деган гапингизда жон бор. Мана, «Қомсомолобод» давлат хўжалигининг сабзавотчиликка ихтисослашганига ҳам 20 йил бўлай деб қолди. Бирок шу кунга қадар памидор тайёрлаш режасини бажармаган. Умумий режа ҳамisha қизилча ҳисобига тўлдирилган. Демак, одамлар иш ҳақи олишмаган ҳисоби. Қизилчанинг бир килоси 3 тийин бўлганидан кейин, пулда барақа бўлармиди? Бунинг устига кимёвий ўғитлар таъсирида ҳосилдорлик йил сайин пасайиб борган, режа эса кўтарилган. Яхшиямки, одамлар мол, қўй боқишади, ҳовлиларда мевачева сероб, шуларни сотиб тирикчилик ўтказишади. Аммо, барибир, иқтисодий ночорлик серфарзанд оилаларни қийин аҳволга солиб қўймоқда, болаларнинг соғлиги путурдан кетмоқда. Ҳозир нафақат ота-оналар, хатто ўқувчилар учун ҳам соғлиқни асраш ва

пул топиш биринчи муаммога айланган. Уларни тўғри тушуниш керак. Шундоқ пешонамизда Чортоқ санаторийси бўла туриб, ундан фойдаланишолмайди. Гоҳ жой бўлмайди, жой бўлганда маблағ йўқ. Хуллас, оромгоҳ хузурини Россиянинг узок-узок ерларидан келган кишилар кўришмоқда. Уларда пул ҳам бор, йўланма ҳам! Бизнинг одамларни ҳам шундай яшагиси келади, лекин уларга йўл-йўриқ кўрсатувчи раҳбарларнинг кўпи нўнок, саркорликни эплашолмайди. Уюшқоқлик йўқлиги туфайли хатто депутатлар билан ҳам мулоқот бўлмапти анчадан бери. Улар ҳам шу одамлар мени сайлашган-ку деган гапни хаёлларига келтирмай, бир иш қилишни ўйламай ялло қилиб юришибди. Елғон бўлмасин, Ўзбекистон халқ депутати С. Тошпўлатов ташаббуси билан 21-ўрта мактаб учун янги бино қуриш бошланди. Бирок ССЖИ халқ депутатлари А. Шералиев, А. Отажоновларнинг ўз сайловчиларига берган ваъдалари эсларидан чиққанми дейман-да, ҳеч кўриниш беришмайди. Муаммолар эса кундан-кунга кўпайиб бормоқда: 23, 26-мактабларнинг бинолари яроқсиз ҳолатга келиб қолди, 25-мактабда хоналар етишмайди... Э, буларни гапираверсам адоғига етиб бўлмайди. Кўпроқ амалий ишлар қилишимиз керак ҳозирги кунда. Шундагина шоир дўстим Йўлдош Эшбек орзу қилган кунлар тезроқ келади.

**Биз бахтиёр бўлғаймиз, хўб,  
Бизни зафар кучажак!  
Тепамизда чарх урушиб,  
Қалдирғочлар учажак!**

— Сиз умидбахш сўзлар айтдингиз, Ҳусанбой ака. Мен эса умидланган қалбларни хушёр торттирмақчиман. Зеро, умид ва хушёрликнинг меваси доимо ЯХШИЛИК бўлган. «Яша, Турон!» деб ҳайқирган миллатпарвар шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг қуйидаги мисралари бу эзгу хизматни бажаришига шубҳам йўқ.

**Мактаб миллатни гули,  
Миллат ани булбули.  
Мактабсиз қолган миллат  
Бошқа чамани кули!**

Яхшилар унутманг: мактаб — миллат тақдири демак!

Муҳаммад ВАЛИ суҳбатлашди.





НИГОХ



# Абдулла Орипов



Ҳақиқатин ҳам, Абдулла Орипов феномени ҳали ширини ашқланмаган бир тилсимдир...

Хар гал ушунг шеърларини мўлола қилар эканман, тифаккурига ушунг чексизликлар чексизлик бергандек, сатрлари сахро қушидан нур эмгандек ва шу сатрлар арабидан анвойи чечаклар ҳиди уфуриб тургандек, келиб менинг димоғимга урилайтгандек бўлади, шунда бунгустер дилини уртагустини ушунг таассиротлар ёдимга тушипти; надарин бузруквари қар тўкиб ўтирген нарбоғ, шунгини фарзангларидан ҳам азиз билган анга ва иқолари; тагин узарини кўргандек бўлгангунг бунгавини сўхбатларини тингалайтгандек ҳис этиман ушунг.

Ишунинг билмалки, юлдуздай чакнаган шеърлари билган, дилдор дostonлари билган Абдулла бизни, бахри-барнамисини ҳали бекисиб рашидини лол қолдиринди, хар биримиз жон-дилдан севинг; меҳриямизни берган шунг халқнинг ҳақиқий мутиромизга сазовор бўлиб қолмаврасди...

Одил ЕКУБОВ



X



Хўбларга менг ул ойнинг тоза қуллуғ доғи бас,  
Кўзларига сурма кўйининг қаро туфроғи бас—

Абдурашид Абдуғафуров

## БЕШ ЮЗ ЁШГА ТЎЛГАН БЕШ ҒАЗАЛ

Алишер Навоий дostonларининг, деярли ҳаммасида, илмий, фалсафий, тарихий мавзулардаги насрий асарларининг кўпчилигида уларнинг яратилиш саналари аниқ қайд этиб ўтилган, айримларининг эса яқунловчи қисмида махсус тарих туширилган. Бундай маълумотлар шоир ижодининг умумий манзарасини белгилаш жиҳатидан ҳам, у ёки бу мавзу — гоёларнинг илк бор қаламга олиниши, кўлами ва даражасини аниқлаш, шунингдек, турли адабий шакл ва бадиий санъатларнинг ижодкор тажрибасида пайдо бўлиши ва такомиллашувини йилма-йил, босқичма-босқич кузатиш жиҳатидан ҳам жиддий илмий аҳамият касб этади. Аммо Навоийнинг улкан лирик мероси хусусида бу гапларни айта олмаймиз: шеърятимизнинг ғазал, рубоий, қитъа каби қатор турларида уч мингдан ортиқ гўзал намуналарни яратган шоир, Шарқдаги анъаналарга риоя этиб бўлса керак, уларнинг бирортасида ҳам ёзилиш санасини кўрсатмайди. «Хазойин ул-маоний»даги 2600 ғазалдан фақат айримларининггина яратилиш вақтини тахмин этиш мумкин.

Ана шу умумий аҳвол ҳисобга олинса, ёзилиш санасини Навоийнинг ўзи аниқ кўрсатган қуйидаги беш ғазалнинг катта илмий-тарихий аҳамияти янада равшанроқ юзага чиқади.

Навоий уларнинг ҳар бирида ғазал ёзилаётган вақтда ўзининг эллик ёшда эканлиги ҳақида сўз очадими, бу маълумотни, айни вақтда шу ғазалнинг битилиш тарихи, деб ҳам ҳисоблаш мумкин.

Навоий бошқа ҳамма ҳолатларда бўлганидек, бу ғазалларда ҳам ўз ёшини ҳижрий йил ҳисоби билан белгилайди. Маълумки, ҳижрий йил ҳозир бизда амалда бўлган милодий йил ҳисобидан тафовут қилади. Айтайлик, ҳижрий йил ҳисобига кўра шоир эллик ёшга 1491 йилда эмас, балки икки йил олдин кирган. Чунки ҳижрий 844 йилда таваллуд топган шоир 894 йилда элликка тўлган, бу эса бизнинг ҳозирги милодий ҳисобимизда 1489 йилга тўғри келади. Демак, Навоийнинг эллик ёшида яратилган бу беш ғазалига 1989 йилда роппа-расо беш юз йил тўлди.

Беш юз ёшлик беш ғазалдан бири «Хазойин ул-маоний»нинг биринчи девони бўлмиш «Ғаройиб ус-сигар»да, учтаси иккинчи девон «Наводир уш-шабоб»да учрайди ва фақат биттасининга «ўз ўрни» — шоирнинг ўз таъбири билан айтганда, қарилк йилларида ёзилган ғазаллар девони деб белгиланган «Фавоийд ул-кибар»га киртилган.

Эллик ёшида яратилган ғазалларнинг болалик-ёшлик йиллари («етти-саккиз ёшдин йигирма ёшқача») ҳамда йигиртик йиллари («йигирмадин ўттуз бешгача») ижодининг маҳсули бўлган «Ғаройиб ус-сигар» ва «Наводир уш-шабоб» девонлари таркибида учраши Мақсуд Шайхзода<sup>1</sup> ва проф. Ҳамид Сулаймон<sup>2</sup> таъкидлаганидек, «Хазойин ул-маоний»да шеърларни даврлаштириш «гоят шартли бўлганлигини кўрсатади. «Ғаройиб ус-сигар» девонидан ўрин олган ғазал:

Бесутун сайрини найлайким, манга эғнимдаги,  
Кўк равоқиға сугун бўлгон маломат тоғи бас.

Ғазалнинг кейинги байтида эса норозилик руҳи янада кескинроқ, янада қатъийроқ юзага чиқади. Замона, тақдир, фалак тушунчаларини ҳам ўзида жамловчи «сипехр»га қарата муаллиф «мен»и хитоб қиларкан, ёвуз кучларга («зоғу зағанларга») ўзининг емиш бўлаётганидан фиғон чекади, «юз бало қуллоби» — чангагини дафъ этишга даъват этади:

Чун таним зоғу зағанға туъма бўлди, эй сипехр,  
Юз бало қуллобин олғилким — алар тирноғи бас!

Набатдаги мана бу байтда шоир «шоҳу тож»дан ҳам, қимматбаҳо тошу дурлар билан зийнатланган ҳашимаматли либослар — хилъатдан ҳам ўзбекнинг оддий қалпоғини, эғнидаги туркона кийим — ширдоғини азиз ва афзал кўришини, дили шулардан яйраб, кўзи шулардан қувонишини қандайдир ички гурур ва қониқиш билан баралла айтади:

Шоҳу тожу хилъатеким, мен тамошо қилғали,  
Ўзбаким бошида қалпоқ, эғнида ширдоғи бас!

Мисрадаги «ўзбаким» сўзига эътибор берайлик. Улуғ тилшунос ҳам бўлган Навоийнинг миллатни ифодаловчи сўзга эғалик — дахлдорлик қўшимчасини қўшиб, алоҳида маъно-мазмун баҳш этувчи ургу ва оҳанг билан ишлатиши асло бежиз бўлмаसा керак. Унга шоир бутун эътиқоди, фалсафасини, ўтмиши ва келажакига, авлод-аждоди ва шажарасига аниқ-равшан ишорани, бир сўз билан айтганда, бутун борлигини жойлагандек, «ўз ўзбакига» қалбан ва руҳан чамбарчас боғланганини сингдириб юборгандек туюлади.

Мисралардаги «қалпоқ» ва «ширдоғ» сўзлари эса ўзларининг оддий тор маъноларини ўзгартириб, бутун бир халқнинг яшаши тарзи, анъана ва урф-одатларини жамловчи бадиий образлар даражасига кўтарилганлар. Сўз юритилаётган мисраларнинг Навоийнинг эллик ёшида, шоирнинг ўз сўзлари билан айтганда, қарилкка юзлашиб, «фано (йўқлик) туфроғига юз қўйиши» даври бошланганида битилганида ҳам айрича маъно-мазмун бордек. Шоир фикрича, ёшлик айёмига ҳам, айш-шират чоғига ҳам чек қўйиш вақти етди. Эндиликда босиб ўтилган умрга сарҳисоб берилиши керак.

Ёшинг эллик бўлди, юз қўйғил фано туфроғига  
Ким, шабоб айёми, айшу беадаблиғ чоғи бас.

Навоий эллик яшарлигида ёзган ва демак, яратилганига беш юз йил тўлган ғазалларидан иккинчиси «Наводир уш-шабоб» девонидан ўрин олган:

Улки кофур бўлуб мушки қилур раънолиқ,  
Оқ соқолиға кулар халқ, зиҳи расволиқ!—

матлаби билан бошланади. Бу ғазалда ёши ўтиб, қариб қолган кишиларнинг ўзларини ёш кўрсатишга беҳуда тиришишлари халқ кулгисини қўзғатиши ҳақида сўз боради. Бундай уриниш, шоирнинг қатъий ҳукмича, «ўта расволиқдир!».

Қуйидаги байтда ғазалнинг ёзилиш вақтига очик ишора мавжуд:

Умр элликка чу етти, яна элликдин эмас,  
Еғилик тенгригаю амриға нопарволиқ.

<sup>1</sup> М. Шайхзода. Асарлар Олти томлик. IV т. Т., 1972 й. 161-бет.  
<sup>2</sup> Х. Сулаймон. «Хазойин ул-маоний» текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари» (Қаранг: А. Навоий. «Хазойин ул-маоний» 1. «Ғаройиб ус-сигар». Т., 1959 йил, 19-бет.



Аввалги мисрада тажнис санъати бўйича такрор қўлланган «эллик» сўзи биринчи ҳолатда ёшни билдирса, иккинчи ўринда «одамийлик», «инсоф-диёнат», «яъхши хулқ», «урф-одат» маъноларини ифодалайди: яратувчига итоатсизлик («ёғиллик») ва унинг кўрсатмаларига бепарволик одобдан эмас.

Кейинги байтда ҳам шоир худди шу мураккаб санъатга мурожаат этиб «ийгитлик» сўзи заминдаги икки хил — ёш, умр фасли ва «чин мардлик», «шижоат», «бир сўзлик» — маънони юзага чиқаради:

Қим йигитликда қилур тавба — йигитлик улдур,  
Қори булғор соқолин қилса қадаҳ паймолик!

Ҳазалда умуман ичкиликка, хусусан, қариган чоғда майхўрликка берилишга қарши руҳ жуда ёрқин ифодаланган. Қуйидаги байт мазмунан келтирилган мисраларни тўлдирибгина қолмай, ўз қатъий оҳанги ва кескинлиги билан қораловни юқори даражага кўтаради:

Тенгирдин кўрқмай улким, қарибон бода ичар,  
Яншироқдур бу мусулмонликдин тарсолик!

Навоий фикрича, мусулмонликни белгилашда, аввало, шахнинг қилмиши, хатти-ҳаракатини ҳисобга олиш керак. Беш юз йил бурун ёзилган ғазалнинг мана бу байти ҳам халқ мақоллари даражасида ҳикматли бўлиб, ҳозир ҳам ўзининг ахлоқий аҳамиятини йўқотмади.

Қила олмас қари дебо кийиб ўзни зебо,  
Шол ҳам кийса йигитга ярашур зеболик.

Шоир тазод санъати ёрдамида, яъни «қари» ва «ийгит», «дебоб» (нафис нақшли ипак кийим) ва «шол» (қўпол юнган тўқилган кийим) тушунчаларини ўзаро зидлаш воситасида ғоянинг тўлиқ очилишига эришган.

Маълумки, Навоий «Ҳазойин ул-маоний»га ёзган «Дебобча»да ўзининг қариллик йилларини «қирқ бештин олтинчи яқиниғача» белгилайди. Таҳлил этилаётган ғазалнинг якуловчи байтларида шоир қаризанлиги тўғрисида сўз очадими, бу ҳам ғазалнинг яратилиши даврига бевосита ишорадир:

Қариликда икки иштин киши бор элга азиз,  
Бири зуҳду бириси — халқаро нопаддолик.

Эй Навоий, қаридинг, гўша тутуб тоат қил,  
Бўлмайин хор десанг айлама базм оролик.

Ўзини қариган деб ҳисоблаш ва эндиликда қизғин фаолиятдан сақланишга даъват шоирнинг биз сўз юритаётган бешала ғазалида ҳам у ёки бу даражада учрайди. Бундай мазмун-кайфият, айниқса, ўша эллик ёшлигида ёзилиб, кейинчалик «Фавоийд ул-хибар» девонига киритилган:

То йигит эрдим — қариларга кўп эрди хизматим,  
Қаригон чоғда йигитларга оғирдур сўхбатим—

матлаъи билан бошланувчи ғазалда ёрқин ифодасини топган. Шарҳи ҳол услубида ёзилган бу ғазалда қариллик уқубатлари ва ёлғизлик азобларидан шикоят, дардли мулоҳазалар ниҳоятда жонли баён этилади. Қуйидаги байтда соч-соқолнинг оқаришини гуркираб-яшнаб турган кўм-кўк майса устига ёққан қорга ўхшатиши ниҳоятда ҳаётий ва эсда қоларлидир:

Мушк чун кофур бўлди — ёғди ўт устига қор,  
Хатти мушкин бирла ўтлуғ юзга нетсун рағбатим.

«Фарҳод ва Ширин» достонида ҳам шоир худди шундай чиройли ташбиҳни қўллаган эди:

Соқол оқи ўлумга пешравдур,  
Тириклик сабзаси узра қировдур.

Кейинги уч байтнинг ҳар бирида ғазалнинг яратилиши вақтига ишора бор. Уларда Навоий ўзининг эллик ёшга тўлганлигини, эндиликда аввалги куч-қуввати қолмаганлигини тилга олади, қолган умрини, худди юқоридаги ғазалда айтилгани

дек, «гўша тутиб» хилватда сокин ва ибодат билан ўтказиш лозимлиги ҳақида сўз юритади:

Эй кўнгул, тут гўшае энди ибодат қилғали,  
Қилмоқ истар бўлсанг эллик йилғи бўлгон ҳурматим.

Чунки эллик манзил ўтти умрдин, сокин бўлай,  
Не учунким, энди йўқ суръат қилурға қувватим,

Неттим эллик йилда жуз исёнки, энди неткамен,  
Ена эллик йилғача туттумки, бўлса муҳлатим.

Эллик ёшда ёзилганлиги аниқ қайд этилган юқоридаги уччала ғазалда ҳам қариллик ва ундан шикоят мавзунга устулик қилади. Аслида эса Навоий «гўша тутуши»га ҳам, «сокин бўлиш»га ҳам ҳеч қачон интилган эмас, аксинча, эллик ёшдан кейинги умрида ҳам бутун мамлакат ва давлат миқёсида ижтимоий-сиёсий фаолият, ижодий иш билан шуғулланди. Унинг 1490 йилдан кейин ҳам халқ ва мамлакат манфаатлари йўлида кўп-лаб хайрли ишларни амалга оширганлиги, «Лисон ут-тайр» каби ёширик дostonлар, шунингдек, қатор илмий, тарихий, фалсафий асарлар яратганлиги ана шу қизғин фаолиятнинг баракали маҳсули бўлди.

Беш юз йил илгари ёзилганини Навоийнинг ўзи қайд этган ғазаллардан яна бири:

Оразинг ҳажрида зор эрдим қуёш ботқон чоғи  
Қим, сабо пайки манга еткурди бир гул яфроғи—

каби гўзал мисралар билан бошланади. Ҳазалда маъшуқа мадҳи бевосита унинг гўзаллигини тасвирлаш орқали эмас, балки ўзгалардан фарқлаб турувчи ҳаётбахш хислат-фазилатларини таърифлаш йўли билан амалга оширилади. Масалан, қуйидаги мисраларда маъшуқа аёғи теккан туфроғ қайси бир кўзга кириб ёшлантирса, шу ёш томган ер тириклик чашмасига айланади, дейилади:

Ерга томғоч ашқи ҳайвон чашмаси бўлмоқ не тонг,  
Қайси кўз ичраки ер тутса аёғинг туфроғи.

Бу ўринда биз учун ғазалнинг яратилиши санасига очик ишора этувчи қуйидаги мисралар алоҳида аҳамиятлидир. Юқорида таҳлил этган ғазаллардан фарқли ўлароқ бу мисраларда ҳаёт-севарлик руҳи устулик қилади:

Ешим эллик бўлди, юз ҳасрат есамким, суди йўқ,  
Ўзни майдин хуш тутай чун ўтти умрум хушроғи.

Ва, ниҳоят, шоирнинг эллик ёшида ёзилганлиги қайд этилган бешинчи ғазали ҳақида. Уни биз эндигина кўриб ўтган ғазал билан бир вақтда, эҳтимол, олдинма-кетин яратилган деб тахмин этиш мумкин. Вазн ва қофия бирлиги, руҳ ва кайфият умумийлиги уларни ўзаро жуда яқинлаштиради. Чиндан ҳам бир вақтда, яъни эллик ёшида битилган ҳар иккала ғазалда бир хил сўзларнинг («чоғи», «гул яфроғи», «туфроғи», «сен доғи», «хушроғи») қофия бўлиб келиши оддий тасодиф бўлмаса керак. Аммо ғазалларнинг ҳар бири мазмунан мустақил бўлиб, ўз ғоявий-бадиий қимматига эга. «Наводир уш-шабоб»га киритилган бу бешинчи ғазал услубан пароканда: унда айрим байтлар маъшуқа гўзаллиги мадҳига бағишланса, баъзилари лирик қаҳрамон — ошиқнинг ички кечинмалари, руҳий кайфиятини ифодалайди. Ҳазал таркибида замона аҳли шафқатсизлиги ва фалак зўравонлигидан шикоят оҳанглари севзига садоқат, гўзалликка мафтунлик иқрори билан алмашиниб келади. Бироқ унда нозик кузатишлар, тажнис санъати асосига қурилган чиройли сўз ўйинлари, гўзал ўхшатиш ва истиоралар анча-мунча. Бу фазилат ғазалнинг матлаъ байтидаёқ кўзга равшан ташланади. Унда маъшуқанинг қаҳру ғазаб билан сўзлаётган чоғида лабининг беқарор «титраши» тонгда эсан майин насим таъсирида гул яфроғининг нозик тебраниши билан қиёсланадики, буни, шубҳасиз, шоирнинг гўзал ихтироси дейиш мумкин.

Чун сўз айтурсен — лабинг титрар ғазаб қилғон чоғи,  
Рост андоғким сабо таҳриқидин гул яфроғи.

Кейинги байтда маъшуканинг ташқи кўриниши ҳақида бевосита сўз бормаса ҳам, шоир қўллаган санъат таъсирида, ғазалхон унинг ниҳоятда гўзал ва мафтункор эканлигига шак келтирмайди:

Қимки, кўрди сувратинг, қоғаздаги суврат киби,  
То қиёмат оғзи ичра қолди ҳайрат бармоғи.

Мана бу байтда эса шахс ва ижтимоий муҳит ўртасидаги зиддиёт ҳақида сўз очилади, фалакнинг шахсга кўрсатаётган зулмига аниқ-равшан ишора қилинади:

Бошима туфроғ совурғондинму чеҳрам гард экан,  
Е фалак ёғдурмиш устумга мазаллат туфроғи.

Таҷоҳили орифона санъатида битилган бу мисраларда қатъий тасдиқ, уқдириш оҳанги ҳукмрон.

Халқ мақол-маталларидан ўринли фойдаланиш ғазалга халқчил руҳ бағишлаган. Шоир, масалан, якунловчи байтда ҳанузгача муомалада бўлган халқ маталини, деярли, айнан келтирадики, бадиият илмида буни «ирсоли масал» санъати дейилади.

Эй Навоий, олам аҳлидин вафо қилдинг тамаъ,  
Мен эдим сенинг киби, мен янглиғ ўлгунг сен доғи.

Одатда, ғазалнинг якунловчи тахаллусли байтидан олдинги байтга ижодкор алоҳида эътибор қаратади, уни ҳам шаклан етук, ҳам мазмунан чуқур битиб, шоҳбайт даражасига кўтаришга интилади, ғазалнинг асосий мавзудан «четга чиқиб» бўлса-да, энг муҳим фикр-мулоҳазаларини худди шу ўринда ифодалашга ҳаракат қилади. Таҳлил этилаётган ғазал шоҳбайтда ҳам «тўсатдан» — олдинги байтларга мутлақо боғланмаган ҳолда — шоир ўз ёши тўғрисида сўз очади, элликка кирганини, ўтган йиллар давомида фақат «ғам чекиб, хушвақтлик» кўрмаганини таъкидлайди, умрининг қолган қисмида ҳам роҳат, фароғат бўлишига шубҳали муносабат билдиради:

Менки эллик йил чекиб ғам топмадим хушвақтлик,  
Топқаменму, умрнинг, эмдики, ўтмиш хушроғи?!

Демак, бу ғазал ҳам беш юз йил бурун — 1489 йилда Ҳирот шаҳрида қоғоз саҳифасига тушган.

Аёнки, улуғ шоирнинг эллик ёшлигидаги ижодий фаолиятини шу зикр этилган бешгина ғазал билан чеклаб қўйиш кулгилли бўлارد. Биз мисраларида эллик ёшга тўлганлиги ҳақида шоирнинг ўзи сўз очган, яъни яратилиш вақти аниқ-равшан қайд этилган ғазаллар хусусидагина қисқача тўхтаб ўтидик.

## Неваракулча

## Ғоз

### Ашурали Боймуродов



### Саманимга етмоқ бўлсанг...

Сен учқурсан, биласанми аслингни?  
Кувнагайман кўриб шодон рақсингни,  
Аввал англа ўзлигингни, наслингни,  
Саманимга етмоқ бўлсанг, тойчоғим.

Чопар ичра учқури бўл, Гиркўк бўл,  
Туёғингдан ўт чақнасин, ёнсин айўл,  
Куёшга ҳам нур элади голиб қўл,  
Саманимга етмоқ бўлсанг, тойчоғим.

Ёлларингни силаб, ўзим қучгайман,  
Умид билан жиловингни ечгайман,  
Йўлдошим бўл, мен сен билан учгайман,  
Саманимга етмоқ бўлсанг, тойчоғим.

### Айиқ

Айиқ полвон  
тош кўтарар,  
Тоғлар томон  
бош кўтарар.  
Ўз-ўзича  
ўкиради,  
Ўлжа излаб  
бўкиради.  
Қоялардан  
узмас кўзин,  
Гоҳ тошларга  
урар ўзин.  
Устида тоғ,  
бўлмас майиб,  
Тоғдай қаттиқ  
экан айиқ.

### Қарчиғай

Қекса овчи  
қарчиғай,  
қўллари нақ  
қайчидай.  
Теккан ерни  
узар у.  
Урмон тинчин  
бузар у.

Дейди: қушлар  
ҳормангиз  
ўзга юртга  
бормангиз.  
Хатар қочар  
кўзимдан.  
Қўриқчингиз —  
ўзимман.

### Қизишлиштон

Тўқ, тўқ, тўқ,  
Соғ жойингиз  
йўқ.  
Дармони йўқ  
терақсиз,  
Энди кимга  
керақсиз?  
Чўлда сувсиз  
қақшайсиз.  
Куруқ чўпга  
ўхшайсиз.  
Тўқ, тўқ, тўқ,  
бошқа ишим  
йўқ:  
Неки дард  
танангизда,  
Қолмагай  
панангизда.  
Аста узиб  
олгайман,  
Минг қийноққа  
солгайман  
Мендан олиб  
дармонлар,  
Кучга тўлгай  
ўрмонлар.

Ғоз қаддини  
ғоз тутар,  
Овозин ҳам  
соз тутар.  
Ўтганга бир  
ғақ дейди,  
Аканга бир  
боқ дейди.  
Ойдинкўлда  
сузади,  
Эл тинчини  
бузади.  
Писанд қилмай  
бизни ҳеч  
Ғақиллайди  
эрта — кеч.

### Мақтанчок қуён

Менга шер ҳам  
писандмас,  
Мен қуёнлар  
авлоди.  
Ҳамон бўри  
зотининг  
тугамайди  
арз-доди.  
Қаён юрсам  
ортимдан  
келишади  
қилиб дўқ.  
Эй, сиз нокас,  
гадойлар,  
гаплашишга  
вақтим йўқ!



Олмагон Тожибой кизи (Султонова) Тожикистоннинг Зафаробод ноҳиясидан 1967 йилда туғилган, дзбек. Ноёб хислатга эга: башорат қила олин, биоқувват орқали таъсир йўқатиш, фол очиб истеъдодли бор. Жуна Давиташвили мактабининг ўқувчиси. Айни пайтда Тошкент шаҳридаги Ю. А. Гагарин номидаги Тўқимачилар Маданият саройида оқилган «Табий хизмат» марказида шифокор бўлиб ишлайди.

## Фол кўриш

## Гуноҳми?

Ростдан ҳам, фол кўриш гуноҳми? Куръони карим ва пайгамбаримизнинг ўғитларида фолбинлик, сеҳргарлик, кўзбўямачилик қаттиқ қораланади. Мен Куръони карим ва муқаддас ҳадисларнинг ўзбекча нашрларини ўқиб кўриб жуда қўриқиб кетдим. Сабаби, мен ҳам фолбинман, бироқ Оллоҳга имоним бор, намоз ўқийман. «Хижр сурасида (16,17,18-оятлар) Оллоҳ субҳаноҳу ва таоло марҳамат қилади: «Маълумки, биз осмонда буржлар яратдик ва кузатувчилар (тафаккур эгалари учун) уни (юлдузлар билан) беэаб қўйдик. Ва уни (осмонни) барча малъун шайтон-жинлардан муҳофаза қилдик. Магар (у жинлардан) биронтаси (осмондаги малоикаларнинг бирон сўзини) ўғринча эшитиб олса, бас, уни очик (учар) юлдуз (албатта) қувиб етар (яъни ҳалок етар)». Ушбу оятларга шундай тушунтириш берилган: «Диний таълимотга кўра, замин инсонларнинг макони, осмон эса малоикаларнинг ошенидир. Фаришталар «Оллоҳнинг аскарлари» саналиб, Тангри таоло Ўзининг ердаги бандалари хусусидаги барча ҳукм-фармонларини адо қилишни ана ўша фаришталар зиммасига юклагандир. Оламда учинчи бир тоифа жинлар тоифаси ҳам борки, улардан айримлари осмондаги фаришталарнинг йўзаро гап-сўзларини ўғринча эшитиб олишиб, ердаги фолбинларга етказмоқчи бўладилар. Мазкур оятларда уқтирилишича, осмондаги учар юлдузлар ана ўшандай шайтон-жинларга отилган ўқлардир».

Бироқ мен бир нарсани тушунолмайман: ҳаммаям фол кўролмайдми-ку, айрим одамлардагина бор шу хислат, яъни фолбинлик ҳамманинг ҳам кўлидан келвермайдми, одамлар синаб кўрганган сўнггина ишонишадми фолбинга. Менга шаҳсан таниш бўлган жуда кўп фолбинлар бор, одамнинг юзига тикилиб туриб унинг феъл-атворини, оилавий аҳволини, ишини, ҳаётида бўлиб ўтган муҳим воқеаларни айтиб бера олади, ҳатто ке-

лажагини ҳам айтади. Хар доим эмас, лекин кўпинча фолни тўғри келади. Булғориялик қароматгўй Вангани олинг, уни ҳамма билади, башоратларига ҳамма ишонади. Ҳатто йирик давлат арбоблари ҳам қизиқиб башорат сўраб келишаркан. Ундай фолбинлар, билишимча, Ўзбекистондаям бор. Улар ҳам башорат қилишади. Аҳамиятли жойи шундаки, деярли барчаси одамларнинг мушкулликларини енгиллатишга кўмак беришади. Хислатли кишиларга юз беражак ҳодисалар олдиндан аён бўлади. Тарихда ҳам башоратчи, олдиндан кўрувчи кишилар кўп ўтган. Йирик давлат арбобларининг қошида башорат қилувчи маслаҳатчилари бўлган. Масалан, жаҳонгир Амир Темурники. Уларни валийлар дейишган. Валийлар билан фол кўрувчиларнинг фарқини билмай кўп ўйланаман. Шаҳсан ўзим бирор кишининг суратига қарасам, унинг тирик ё тирик эмаслиги, турадиган жойи, кимлиги, танасидаги дардлари, кечинмалари, ҳаётидаги аҳамиятли томонлари бирдангина кўз ўнгимда намоён бўлади. Айтишим мумкинки, саксон фоизи тўғри чиқади. Ҳатто келажак тақдир ҳам кўринади. Лекин келажак тақдир хоҳ бахтли, хоҳ бахтсиз бўлсин, айтмайман. Бари бир юз фоиз билишим мумкин эмас-да, шунинг учун кўр-каман. Руҳлар билан суҳбатлаша оламан. Бир-бирдан совиган кишиларни иситиб қўйишим мумкин. Лекин ҳеч кимни бировдан совутмаганман, бундан кейин ҳам қилмайман бу ишни, чунки у динимизда ҳам гуноҳ сифатида баҳоланган. Қўлларимда биоқувват бор. Асосан миёсида ва жинсий аъзоларида беморлиги бор кишиларни даволай оламан. Қарийб бир йилдан бери бу иш билан мунтазам шуғулланяпман.

Мен ҳақда «Еш ленинчи» рўзномаси ўтган йили қисқача маълумот берган эди. Шундан сўнг юзлаб ҳожатталаб кишилардан хатлар олдим. Уларнинг кўпчилиги шу хислат сизда қачон пайдо бўлган, фолни қандай очасиз, қандай аён бўлади сизга, деб сўрашган. Биласизми, мен ёшлигимда бунақа бўлман деб ҳаёлимгаям келтирмаганман. Ҳамма қизлар қатори яхши, осойишта турмушни орзу қилардим. Лекин ҳаётим бошқача издан кетди. Ун олти ёшимда жуда қаттиқ касал бўлдим. Қасаллик охир-оқибатда шундай ҳолга келтирдикки, уйимдан кўра кўпроқ касалхонада умрим ўта бошлади. Айримлар фирт жиннига чиқариб ҳам қўйишди. Лекин тушимда ҳам, ҳаёлимда ҳам аллақандай ғалати товуш мени табиб бўлишга, онамга ўхшаб кинначилик қилишга ундарди. Мўйсафидларнинг кўп кистови билан йигирма бир ёшимда фотиҳа (кўл) олишга мажбур бўлдим. Чунки бўйнимга олмасам яшай олмаслигимга кўзим етди. Бир йилча бурун Жуна Давиташвилининг мактабига ўқиб келдим. Дарагимни эшитган жонқуяр кишилар Тошкентга келиб ишлашни таклиф қилишди. Худога шукр, хозир ишим ёмон эмас. Тақдиримдан хурсандман. Хар ҳолда, юзлаб кишилар ҳожат сўраб келишади. Қўлимдан келганча ёрдам бераман. Аммо баъзан шунақа дардмандлар қошимга келишадикки, қараб туриб кўзимдан ёш отилиб кетади, хўнграб йиғлаб юбораман. Менга париларим йўл-йўриқ кўрсатишди. Ўшаларнинг айтганинигина қиламан. Кўп ҳолларда хонадонларга бориб беморларни даволашимга тўғри келади. Қани эди, ҳаммасига ёрдам беролсам.

Фол кўраётганимда ҳам кўз ўнгимда бирин-кетини манзаралар намоён бўла бошлади. Ўшаларни кимдир кўнглимга солиб турадию, мен пайдар-пай айтавераман. Аввало худо, ҳаммаси худога аён. Лекин шунча вақт ишлаб иқдор бўлдимки, ҳузуримга келганларни бирон дардан, мушкул ишдан, турмуш-оиладаги бирон ноҳушликлардан, бахтсиз ҳодисалардан, жодудан ҳалос қила оларканман. Ўтмиши, хозирги қуни ҳақида маълумотга эга бўлишни истаганларга яқин кишининг сурати ёки исми ва ёшини айтса қизиқтирган саволларига жавоб беришим мумкин.

Дунёда хар хил одам бор. Баъзан жуда бузилиб кетган эрақаг аёлларни ҳам қабул қилишга тўғри келади. Шунда нима деяримни билмай донг қотамаман. Ўзим касалдай оғирлашиб қоламан. Улардан кўра, мўмин-мусулмон, тоза юрадиган, ҳалол таомни ейдиган, тоза кийинадиган кишиларни қабул қилсам қанийди, дейман. Чунки ундайларни кўрсам, ўз-ўзимдан қувонаман, ёрдам беришим ҳам осонроқ бўлади. Шунинг учун яхши одамлар кўпайса. Тушу қун қиладиган ниятим, тоатимдаги илтижом ҳам фақат яхшилик.



## Шоира Норматова



## ЭРКИН АДАБИЁТ ДАРАКЧИЛАРИ

1. 80-йиллар охирида ўзбек насрига кириб келган ёшлар ижодидаги энг муҳим хусусият ўзгача йўл топишга, янгича ёзишга интилишда кўзга ташланади. Бу баъзан анъанавий йўлни ошқора инкор қилиб, ғарб модернистик адабиёти анъаналарига эргашиб, баъзан миллий фольклор заминига қайтиш, классик проза тажрибаларига мурожаат этиш, баъзан асл реалистик анъаналарни тиклашга ҳаракат қилиш тарзида намоён бўлмоқда. Нега шундай эҳтиёж пайдо бўлди? Нега ўзбек совет ҳикоячилигининг кўп йиллик анъаналарини, айтилик, ўзбек ҳикоясининг ажойиб намуналарини яратган Абдулла Қаҳҳор йўлини давом эттириш мумкин эмас?

Бу саволларга жавоб ахтарар эканмиз, беихтиёр насримиз (бу ерда, асосан, ҳикоя жанри назарда тутиляпти) ўтмишга назар ташлаш истаги туғилади.

Ўзбек реалистик ҳикоясининг илк намунаси Абдулла Қодирийнинг «Улоқда» ҳикояси эди. «Улоқда» чин маънодаги реалистик (социалистик реализм эмас) ҳикоя намунасидир, бинобарин, мафкуравийлашган, ғоявийлашган эмас. Ёзувчи бола нуқтаи-назаридан миллий томоша — улоқ манзарасининг реалистик тасвирини беради. Бу ерда «фойдасиз одатларни қоралаш» ҳам йўқ, фақат кичик бир воқеанинг персонаж ҳиссиётлари билан йўғрилган гўзал, миллий ифодаси бор. Афсуски, Қодирий тажрибаси давом эттирилмай қолиб кетди.

20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ўзбек ҳикоячилиги ғоявийлашган, мафкуравийлашган ҳикоячиликка айланди. Бу даврда яратилган аксарият ҳикоялар янги тузумни мадҳ этиш, ўтмишни қоралаш ва ўқувчига мафкуравий тарбия беришдан иборат эди. Мазкур хусусият ҳатто иқтидорли адибларнинг асарлари учун ҳам хос эди, зеро, ҳукмрон мафкура шунини талаб қилар эди.

1. Сизнингча, 80-йиллар охирида адабиётимизга кириб келган ёшларни (наsr, шеърят) янги адабий авлод деб аташ мумкинми!

2. Ҳозирги ёшлар ижодидаги адабий-услубий ўзига хосликлар жамиятимизда кечаётган ўзгаришлар билан қай даражада боғлиқ!

3. Навқирон қаламкашлар изланишларидаги қайси жиҳатлар (қандай қаҳрамон) XXI аср адабиётимизда етакчилик қилади деб ўйлайсиз!..

Урушдан кейинги давр ўзбек ҳикоячилиги учун янада фожиали бўлди. Адабиётда ҳукмронлик қилган конфликтсизлик назарияси ўзбек ҳикоясини воқелиқдан янада узоқлаштирди, идеал тузум мадҳи янада баландроқ пардаларда янграй бошлади, ғоявийлик, мафкуравий софлик масаласига эътибор янада ортди.

Ҳикоячиликдаги покляниш, янгиланишга бўлган маънавий эҳтиёж, зарурат Шукур Холмирзаев ижодида ўз ифодасини топди. Унинг ижоди ўзбек ҳикоясининг мафкура кишанларидан қутулиш (гарчи бу кишанлардан тўла халос бўла олмаган бўлса-да), адабиётнинг асл вазифасини бажаришга қайтиш йўлидаги илк уриниш сифатида катта аҳамият касб этди, ҳикоячиликда соғлом йўналиш вужудга келди.

70-йиллар охири 80-йиллар бошларида адабиётга ёш носирлар тўлқини кириб келди. Мамадали Маҳмудов, Ғаффор Ҳотамов, Эркин Аъзамов, Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Нурали Қобул, Хайриддин Султонов, Олим Отахонов, Хуршид Дўстмуҳамедов, Аҳмад Аъзамларнинг қисса ва ҳикояларида социологик талқиннинг ошқора инкор қилиниши, жамият ҳаётидаги йирик ижтимоий-сиёсий масалалардан йироқ мавзуга, оддий, камсуқум кишилар дунёсига мурожаат этилиши, ўтмишга янгича муносабат, ўзлигини англашга интилиш, ёки бутунасига руҳият таҳлилига шўнғиш каби хусусиятлар насрдаги уйғонишдан, янгиланишдан, узоқ вақт давомида йўқотганларини ахтара бошлаганлигидан дарак беради.

80-йиллар охирига келиб ўзбек насрида яна бир янги авлод бўй кўрсата бошлади. Назар Эшонқулов, Шодиқул Ҳамроев, Абулқосим Мамарасулов, Шойим Бўтаев, Собир Унар, Луқмон Бўриев, Тўхтамурад Рустамов, Исажон Султонов... Бу ёшларни турли йўналишда ижод қилаётганларидан қатъи назар янги авлод деб аташ мумкин. Зеро, уларни юқоридан айтганимиздек, янгича, ўзгача ёзишга интилиш бирлаштиради. Ёш ижодкорларни кўнглидагини очиқ айтишдан ҳадиксираш туйғуси безовта қилмайди, ғоявий-сиёсий хато қилиб қўйиш чўчитмайди. Уларни эски шакл ҳам, дунёқараш ҳам қониқтирмайди. Турли хил ғоявий-мафкуравий кўрсатмалардан юқори турувчи чинакам, юксак даражадаги бадиий адабиёт яратиш орзуси улар изланишларининг етакчи мотивини ташкил этади.

2. Ёш ҳикоянавислар ижодидаги ўзига хослик, аввало, уларнинг инсонни кашф этишга интилишида кўзга ташланади. Бу, ёшларни реал воқелик, ижтимоий ҳаёт муаммолари қизиқтирмайди дегани эмас. Аксинча, ижтимоий воқелик уларни илгаригидан ҳам кўпроқ ўйлантиради. Лекин воқеликни

тушуниш, тадқиқ этишнинг табиати ўзгарган. Ёш қаламкашларни воқеликнинг ички, чуқур қатламлари, ижтимоий ҳодисаларнинг бош сабабчиси бўлган инсоннинг ички дунёси қизиқтиради. Бошқача қилиб айтганда, улар инсон руҳияти таҳлили воситасида воқеликни тадқиқ этмоқдалар.

Бу жиҳатдан ёш ёзувчи Назар Эшонқулов ижоди диққатга сазовор. Назар Эшонқулов «бошқача», янгича ёзаётган ҳикоянавис. У биринчи навбатда инсон табиати, руҳияти тадқиқи ёрдамида жамият ҳаётини таҳлил этишни, кенг миқёсда фикрлашни севади. Шу сабабли персонажларнинг маънавий ҳаётини тасвирлашдан қочади. Уларнинг қилиқлари, одатлари, кундалик юмушлари, заминий ташвишлари, яъни персонажларнинг ҳаётийлигини таъминловчи, айна пайтда хаёл, фантазия парвозига ҳалақат берувчи барча нарсаларни ортиқча деб билади. Ёзувчини асарда тасвирланаётган воқелик аслига айнан мувофиқ келиши лозимлиги асло ташвишлантормайди, шу сабабли шартлилик чегараларини бемалол бузиб ўтаверади, реаллик ва фантазияни уйғунлаштириб юборади.

Назар Эшонқулов рамалар воситасида сўзлашни ёқтиради. Ғарб адабиёти билан яқиндан таниш бўлмаган китобхонда унинг ҳикоялари ғайриоддий, даҳшатли воқеаларнинг ўқувчини сескантирувчи, муфассал тасвиридан («Муолажа»), ёки бир-бири билан боғланмаган кечинмалар оқимида («Ажр») иборатдек таассурот қолдириши мумкин, бироқ диққат қилинса, уларда ижтимоий ҳаёт ғаройиб шаклда бўрттирилиб акс эттирилганлиги кўриш мумкин.

«Муолажа» ҳикоясида ғайринисоний сиёсат, носоғлом ижтимоий муҳит муте, итоаткор, ҳур фикрдан маҳрум манқуртларни етиштириб чиқарганлиги «куткут» касалига (яъни «озод дунё» ҳақида орзу қилувчилар) йўлиқанларнинг даҳшатли муолажаси каби талқин қилинади. Сталинча зўравонлик сиёсати, ҳур фикрли инсонлар бошига келтирган оғир жисмоний ва руҳий азоблар, оммавий қиргин, репрессиялар, «ким биз билан бўлмаса, у бизга қарши» шiori остида барчанинг бир хил ўйлашга, бир мавҳум мақсадга эътиқод қўйишга мажбур қилиниши, инсон эркининг аста-секин бўйиб, уни бир хил қолдирган солиниши — булар озод дунё орзуси билан яшовчи касалларнинг калтак билан босқичма-босқич «даволаниши»нинг батафсил, чўзиқ, натуралистик тасвирида ўз ифодасини топган. Ҳикояда биз кўнликкан ижобий-салбий образлар ғайритабиий, акс талқин касб этади — ҳур фикрли, эрксевар кишилар ақлдан озганлар, эркин бўғувчи мустабидлар — муолажочилар родини эгаллайди. Ҳикоядаги профессор образи ўзига хос рамзий маъно ташийди.

«Муолажа» ҳикояси бошдан-оёқ пародия, истехзо асосига қурилган. Муаллиф яқин ўтмишга янгича нигоҳ ташлайди ва ўқувчидан ҳам янгича тафаккурни талаб қилади.

Ёзувчининг «Ажр» ҳикоясида ҳам ўтмиш фожиаларининг ўзгача таҳлилини кузатамиз. Ҳикояда шахсга сизгиниш даври етиштирган сотқиннинг ёрқин характери чизилган. У, аввало, ўз отасини мансаб учун сотган, падаркушли гуноҳини елкасига ортган, сўнгра ҳамқишлоқларини сотган, севгилисининг ўлимига сабаб бўлган... Энди уни отасининг, севгилисининг, у туфайли қурбон бўлганларнинг руҳи қийнайди. Ёзувчи мазкур руҳий жараёни чуқур таҳлил қилади — унда воқеабандлик, сюжет чизигида изчиллик йўқ, воқеа ўрнини бутунасига ички монолог, диалоглар эгаллайди. Ҳикоя ўқувчидан алоҳида диққат ва интеллект талаб қилади — монологлар кимга тегишли ва ким ҳақда эканлигини англаш учун персонажлар ички дунёсига чуқур кириб бора билиш керак. Асарда гоҳ ота руҳи тилга қиради, гоҳ отасини елкасига миндирган ўғил (падаркуш ўғилнинг бўйнидаги оғир гуноҳи) билан ота ўртасидаги диалог, гоҳ ҳамқишлоқлари, севгилиси билан бўлган мулоқотлар тасвири берилади... Инсон қалбида ёвуз ва эзгу туйғулар ёнма-ён яшайди — ота эътирофида ёвуз қотил каби гавдаланган қаҳрамон, севги ҳиссиётлари баёнида юксак туйғуларни қалбида сақлашга қодир инсон сифатида намоён бўлади. Давр, сиёсат ундаги ёвуз туйғулар юзга чиқишига кенг йўл очиб берган, энди эса бунинг туш бўлишини истайди... Назар Эшонқулов қаҳрамони характерндаги бу икки хусусиятни бўрттириб, қабартириб кўрсатади, улар талқинидаги оҳанг ҳам, услуб ҳам фарқ қилади.

«Муолажа» ҳикоясида Ф. Кафканинг таъсири ҳақида кўп гапирди, бироқ «Ажр»даги янгилликка эътибор берилмади. Мазшўқага ушбу парчадаги каби «Кўзларингизда фаришталар чўмилган қора туннинг бир парчаси қолиб кетган, йўқ, йўқ,

сенга шайдо бўлганларни ҳибс этиш учун фалак сенинг кўзларингизда зиндон қурган» мурожаат, бундай нафис, жимжимадор услуб классик проза учун хосдир. Ўлган кишилар руҳининг тилга кириб, ўтган воқеаларни таҳлил қилиши япон адаби Акутагава ҳикоясини ёдга солади. Бу ўринда ёзувчининг классик проза аънаваларини жаҳон адабиёти тажрибалари билан уйғунлаштиришга, оригиналликка интилганлиги аниқ кўзга ташланади.

Ҳикоячиликдаги янгиланишни фақат шаклдаги янгиллик, аънавий тасвир йўлидан чекиниш, жаҳон адабиёти поэтик арсеналидан унумли фойдаланиш, аънавий реал шахслар образи ўрнини мажозлар, рамзлар эгаллаши, шартли-фантастик элементларнинг дадил қўлланиши кабилардигина кўриш унча тўғри бўлмаса керак. Агар шу нуқтаи-назардан қаралса ёш қаламкаш Луқмон Бўриев ҳикоялари аънавий ижод маҳсули деб ҳисобланиши лозим.

Луқмон Бўриев Назар Эшонқуловдан фарқли ўлароқ реал заминга, оддий кундалик ҳаётга мурожаат қилади, оддий одамлар характери тасвирига қўл уради. Назар Эшонқулов характер хусусиятларини бўрттириб, кечинмаларни мураккаблаштириб тасвирласа, Луқмон Бўриев уларни ҳаётда қандай бўлса, шундайлигича олиб китобхонга рўпара қилади. Унинг ҳикояларида кескин ижтимоий конфликтларни кўтариб чиқиш, жамиятни, тузумни тафтиш этишга уриниш яққол сезилмайди. У адабиёт руҳунослик илми экани тўғрисидаги азалий қонуниятга амал қилади ва инсон руҳиятининг ҳаққоний манзарасини беришга интилади.

«Бурч» ҳикояси қаҳрамони Эшбоев ўлгудек эҳтиёткор, серҳадик шахс сифатида тасвирланади. Студентлар, шулар қаторида Эшбоев ҳам «халқ кўнгилли дружиначилиги» навбатчилигига чақирилади. Бу оддий топшириқнинг Эшбоев руҳиятига таъсири, унинг кечинмалари ёзувчининг диққат марказида туради. Бошда Эшбоев ҳам курсдошлари каби ётоқхонага жўнавормоқчи бўлади, бироқ: «Энагар капитан текшираман, дедими, текширади», деган ўй билан белгиланган жойга қайтади. У ерда «чапанинамо болалар»ни кўргач, яна ётоқхонага боришга қарор қилади. Бироқ ётоқхонада: «Агар капитан ростдан ҳам текшириб юрган бўлса-чи», деган ўй унга тинчлик бермайди ва яна вазифасини бажариш учун жўнайди. Пировардида «халқ кўнгилли дружиначилигини» «ҳалол бажаради» — «муҳим алкашни» тутишда ёрдам беради. Бироқ бунга у қандайдир юксак маъсулият, бурч ҳисси оққасидан эмас, табиатига хос бўлган серҳадиклик, қўрқоқлик туфайли бажаради. Унинг маънави тутиш эпизоди ҳам кулгили...

Ёзувчи Эшбоев характерига хос қўрқоқлик ва эҳтиёткорликни алоҳида таъкидлаган ҳолда, бу хусусиятни кучайтириб, бўрттириб беришга асло уринмайди. Уқувчи Эшбоевга нисбатан нафрат эмас, қандайдир ачинаш ҳиссини туяди. Эшбоев характерига хос бу хусусият унинг қон-қонига синган, эҳтиёткорлигидан ҳатто ўзи ҳам озорланади.

Бундай инсоний кечинмалар беихтиёр ўқувчида қаҳрамонга нисбатан ҳамдардлик уйғотади. Луқмон Бўриев қаҳрамони кечинмалари Назар Эшонқуловнинг сирли Турсория ҳақида хаёл сурувчи қаҳрамониники каби фалсафий ва рамзий эмас, бу кечинмалар бир қадар жўн, оддий. Бироқ улар китобхонга ниҳоятда таниш ва яқин, шу қадар яқинки, ўқувчи беихтиёр бу кучси ва ғариб қаҳрамонни тушуна бошлайди. Бу кечинмалар шу туфайли ҳам ўқувчини мафтун қилади, маънавий-руҳий озиқ беради.

Луқмон Бўриев ижодидаги ҳаётга сохта ғоявийликдан холи теран реалист нигоҳи билан қарашга интилиш асл реалистик аънаваларнинг тикланаётганлигидан, реалистик метод имкониятлари ҳали кенг эканлигидан дарак беради.

3. Бу икки ёш ижодкор асарларидаги хусусиятлардан қай бири XXI аср адабиётимизда етакчилик қилиши хусусида олдиндан башорат қилиш қийин, албатта. Ҳар ҳолда XXI аср ўзбек адабиёти ғоявийлик, мафкурвийлик кишанларидан қутулган эркин адабиёт бўлади ва унда хилма-хил адабий йўналиш ва мактаблар ёнма-ён яшайверади, деб ишонинг келади.



## Мухаммад Латиф Партав

### Хуш келдинг

*Салом, эй шамъи маҳфил матлаи анвор, хуш келдинг,  
Салом, эй нозанинлар хайлига сардор, хуш келдинг,  
Салом, эй ишқ элига муниси ғамхор, хуш келдинг,  
Маконим қилгали гулшан чаман рухсор, хуш келдинг,  
Боғимга қўй қадам эй сарви гул рафтор, хуш келдинг.*

*Бўлиб табеъ нигоҳи марҳаматдин илтижоларга,  
Кадрдонлик тариқи бирла биз қилган рижоларга,  
Мухаббат аҳлини еткурмак истаб муддаоларга,  
Висолинг муждасидин тухфа айлаб ошноларга,  
Этиб меҳру муҳаббат ойинин изҳор хуш келдинг.*

*Сочинг фикри билан диллар паришон ўлғонин онглаб,  
Лабинг ёдида бағрим таҳ-батаҳ қон ўлғонин онглаб,  
Саҳарлар жон қуши шавқингда нолон ўлғонин онглаб,  
Йўлингда ою йил кўзлар нигоҳбон ўлғонин онглаб,  
Соғинган дийдаларга кўрсатиб дийдор хуш келдинг.*

*Фалак тоқи кўк ичра ўз манзарида шивасоз ўлсин,  
Неча ою қуёш ўз буржида оламнавоз ўлсин,  
Тароватда надими даргоҳи ҳар сарвиноз ўлсин,  
Олиб ҳар лаҳза ҳуснинг равнақи умринг дароз ўлсин,  
Муродим толеидин ич, бодаи саршор хуш келдинг.*

*Кўнғил қўйдим санга аввал кўришда дилфирибим деб,  
Кўнғил дардини изҳор айладим ҳозиқ табибим деб,  
Умид этдим висолингдан шифо бўлгай насибим деб,  
Нечук ҳижроним ичра ҳолинг, эй Партав, ғарибим деб,  
Сўраб ҳолим эй саҳарлар вақти бедор, хуш келдинг.*

### Нихондурман

*Этиб ғору панада дийдаи элдин ниҳондурман,  
Жунун тугёнидан тири маломатга нишондурман,  
Бу ҳолат бирла гар афсонаи аҳли замондурман,  
Кезарман ишқ шаҳристонда, бир корвондурман,  
Нетай, ҳусни олурга жон бериб жисми равондурман.*

*Бошимга уйма офат хирманин қаддимни нун айлаб,  
Танимни ёқма ҳижрон ўтига жисмимни хун айлаб,  
Юборма осмонни ғурбатингдин сарнигун айлаб,  
Мани ингразмагил, эй гул, беран жавринг фузун айлаб,  
Қизил гул ғунчаси янглиғ саросар бағри қондурман.*

*Жаҳон айвонида жонон сенингдек дилрабо йўқдир,  
Дағи куйингда ман янглиғ гирифтори бало йўқдир,  
Бу ғунча бўсайи лағлингдин ўзга муддао йўқдир,  
Висолинг бодасин ағёр нўш этмак раво йўқдир,  
Бу қийматлиғ шаробинг ташнасиман, нотавондурман.*

*Сочинг сарига беркитма юзинг, мандин ниҳон этма,  
Жафо тиғи бирла кўксим ёриб бағримни қон этма,  
Ёнимга кел, жаҳонни бошимга охир замон этма,  
Йироқ ўлма кўзимдин кеча-кундуз ҳеч қаён кетма,  
Ки, сансиз борҳо, дар нолаву оҳу фиғондурман.*

*Эрурсан ҳусни давлат соҳиби, аҳли саховат бўл,  
Дили нозикларинг инжилмасин, озода меҳнат бўл,  
Жаҳон айвонида ўйнаб-кулиб шоду фароғат бўл,  
Манга бас айла озорингни, эй дилбар, саломат бўл,  
Тирикман токи кўйинг итларига посибондурман.*

*Нечук жон офатисан олдинг орому қароримни,  
Чиқардинг осмонга нолайи дуду шароримни,  
Ёқарсан бегуноҳ ишқ ўтига жисми фигуримни,  
Сабабсиз қийноқ бирла тийра қилдинг рўзигоримни,  
Қилурга дод дастингдин тилим йўқ, безабондурман,*

*Кулоқ қўй, соате тингла сўзим, эй маҳрами асрор,  
Мурувватдинмудур бир жонга бермак мунча кўп озор,  
Қаландарман сўроғинг бирла, ҳолим танг этар ағёр,  
Эрурсан дастгирим, тут қўлим, эй кўнғили қаттиқ ёр,  
Фироқинг хастасиман, ранги рўйи заъфарондурман.*

*Сўрашгин арзи ҳол эй фитнагар мафтун ўлонлардин,  
Хусусан, ман каби кўп ўртаниб дил хун ўлонлардин,  
Рухинг шавқида, эй Лайливашим, Мажнун ўлонлардин,  
Вафо расмин тутиб ол бир хабар маҳзун ўлонлардин,  
Тариқи ишқ аро вобасталардин бир нишондурман.*

*Муқаррар англа жонон, ошиғи зоринг, қулинг Партав,  
Назокат боғида бир гул эрурсан, булбулинг Партав,  
Риодзур ҳарна озоринг етушса бедилинг Партав,  
Гирифтори камандин тори гулфом, сужбулинг Партав,  
Мухаббат достони ичра тенгсиз қаҳрамондурман.*

*Ҳузудий ғазалига  
муҳаммас*



## Фузулий ғазалига мухаммас

Хушо парвонаи шамъе руҳинг жони ҳазинимдур,  
Ёритган тийра шомим баҳри оҳи оташинимдур,  
Муборак остонанг тупроғи дурри саминимдур,  
Ғубори саждағи роҳим, хатинг лавҳи жабинимдур,  
Сужуди дарғаҳинг сармоия дунёву динимдур.

Жунун даштида расволиғдин ортиб шавкати жоҳим,  
Шаби ҳижрон бағир қони-ла ҳажрингдур тарафгоҳим,  
Йироғ сандин, даме сансиз эман, эй шўхи дилхоҳим,  
Агарчи азми роҳ этсам шавқи васлинг ходийи роҳим,  
Ва гар ором ҳам тутсам хаёлинг ҳамнишинимдур.

Сочингни зулмати ичра оразинг хуришиди рахшоним,  
Қамолинг жонфизо, лағлинг майи доруи дармоним,  
Эрам гулзорига йўқ майлим, эй гул юзли жаноним,  
Ҳавойи равзаи кўйинг, баҳори гулшани жоним,  
Нихоли қоматинг сарвим, узоринг, ёр, суманимдур.

Баёзи ишқингни битдигимча мақсудим ёлур ҳосил,  
Кўлингда тарки жон этдигимча мақсудим ёлур ҳосил,  
Кўнғил банддин санга кетдигимча мақсудим ёлур ҳосил,  
Яқинимдурки, санга етдигимча мақсудим ёлур ҳосил,  
Биҳамдуллоҳ манга сандин яна раҳбар яқинимдур.

Басиру ошуфта ҳолам, муждаи васлинг дариг этма,  
Асири хатти долам, муждаи васлинг дариг этма,  
Гирифтори жамолам, муждаи васлинг дариг этма,  
Талабкори висолам, муждаи васлинг дариг этма,  
Ким, ул мужда фараҳбахши дили андуҳ-кинимдур.

Баҳор айёми гул фаслинда ишқ аҳли тутиб суҳбат,  
Ҳама ўз ёри бирлан масти жом бодаи ишрат,  
Сабо очдукча зулфинг қўзғатур пардаи исмат,  
Манга юз кўрсатур ҳар лаҳза юз минг шоҳиди давлат,  
Чу миръоти руҳинг манзури чашми покбинимдур,

Соғинмон ўзгарлардин ҳоли ёр бахтим муаммосин,  
Ўзинг ошуфта ҳол этдинг ҳаётим мулкуоросин,  
Унутдим боғи ҳуснинг сайрида гулшан томошосин,  
Чиқарди завқи васлинг хотиримдан равза парвосин,  
Сўзинг кавсар, мунаввар мажлисинг кулли баринимдур.

Ҳадиси лағлинг эрмиш, дурри макнундур манго ул сўз,  
Тўла жон шарбати бир жоми гулгундур манго ул сўз,  
Фасоҳатдин вафо пирига мазмундур манго ул сўз,  
Сарири салтанат завқидан афзундур манго ул сўз,  
Ки, лутф айлаб демшисан: бир ғуломи каттаринимдур.

Бўлиб сойир, ҳавас дарёлари узра сузиб заврақ,  
Жаҳон рағноларин васлинда ожиз қулким ёлди шаҳ,  
Чу Партав қон ютиб дер ёри мунис топмайин мутлақ,  
Боре ёлдим, Фузулий, ғайридан, ул дилрабо андоқ,  
Анисим, мунисим, ёрим, нигорим-нозанинимдур.

Отамахсум Муҳаммад Латиф ўғли Партав 1906 йилда Хива шаҳридаги Меҳтаробод маҳалласида мударрис оиласида дунёга келди.

Бўлғуси шоир отадан жуда эрта айрилди ва қариндоши оташин шоир Аваз Утар хонадонидан тарбияланди. У дастлаб эски мактабда, кейинчалик Оллоқулихон мадрасасида таҳсил кўради. Партавнинг ёшлиқдан адабиёт ва санъатга қизиқувиди Аваз Утарнинг таъсири кучли бўлган. Аваз Утар вафотидан кейин, онаси Партавни хаттот, шоир ва машҳур созанда Комилжон Исмоилов — Девонийга шогирдликка беради.

Отамахсум Хоразм инкилобидан кейин янги очилган совет мактабларида ва ўқитувчилар тайёрлаш курсида ўқийди. У 1922 йилдан бошлаб ўқитувчилик қилади. «Инкилоб куёши», «Коммуна» газеталарида, сўнгра Отаҳий номидаги вилоят ва Хива шаҳридаги меҳнаткашлар театрида ишлайди.

Отамахсум 20-йиллар ўрталарида Партав таҳаллуси билан шеърлар ёза бошлади.

1937 йилда Хоразмга келган Усмон Юсупов Партавни ўзи билан бирга Тошкентга олиб кетади. У

Тошкентда Девоний, Сафо Муғанний, Чокар, Жўраҳон Султонов ва бошқа шоир ҳамда санъаткорлар қаторида Москвада ўтадиган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасига тайёргарлик кўра бошлайди. Бироқ лотин алифбесини билмаслиги, асарларини араб графикасида ёзиши ва асосийси — бир ўтиришда «Тухачевский яхши саркарда эди» деб айтганлиги учун ўша йилнинг охирида «халқ душмани» тамғаси кўйилиб, қамалади.

У Тошкент, Пахтаорол ва Қорағанда кўмир конларида ишлайди. Партавнинг қамокдан озод бўлишида Усмон Юсуповнинг ёрдами катта бўлган.

Партав Жўраҳон Султонов, Охунжон Қизик, Юсуфжон Қизик Шакаржонов, Тамарахоним, Гаҳар Раҳимова каби санъаткорлар билан ижодий ҳамкорлик қилди. Партав Ўзбекистон ССЖ Фанлар Академияси муҳбир аъзолари Боқий Абдуллаев, Ҳамид Олимжон, Гафур Ғулом, Порсо Шамсиев, Ҳабибий каби шоир ва олимлар билан биргалликда Алишер Навонийнинг 500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш, буюк шоир асарларини нашр қилишда фаол қатнашди. Боқий домла, Чархийлар билан

ижодий ҳамкорликда бир қанча асарлар яратди. Партав Тошкентда яшаб, республика ижодкорлар уйида маслаҳатчи, театрларда адабий эмакдош бўлиб узоқ ишлаган.

Партав классик адабиётимизни жуда яхши билган шоир эди. У Аваз Утар, Баёний, Фақирий, Девоний, Чокар, Роғиб сингари маърифатчи, демократ шоирларга шогирд, ҳамсуҳбат бўлиб қамол топди. Натижада Партав адабий аъёналар ва тажрибаларни ўз ижодидида маҳорат билан қўллади, уларни ривожлантирди. У мустақил ва таъмин шаклида бир қанча машҳур мухаммаслар ёзди.

Партав шеърлари ва мухаммасларининг ҳаммаси қўшиқ қилиниб, хонандалар томонидан севиб қуйланади. Алоҳида жамланиб китоб қилинган эмас. Уларни тўплаш, нашр қилиш, шоир ижодий меросини ўрганиш адабиётшунослигимизнинг галдаги муҳим вазифаларидан бири бўлиб турибди.

Нурмухаммад ҚОБУЛОВ,  
филология фанлари номзоди.



Вафо Файзулла

# ТУПРОКДАН ЭШИК ОЧГАН РУХ

Мен тенгиларнинг болалик хотирасида бир тасвир мухрланган. Хар бахор келса кўкаради... Юсуф Ялангтўш. Йўк, йўк адашасиз. «Осиё устида бўрон эмас» унинг номи! Бу ном болалик учун бегона, болалик учун ҳеч нарсани аңлатмайди. Юсуф Ялангтўш дейилиши билан хотира ҳаракатга келади. Тасвир тирилади.

Шукур Бурхонов ўйнаган роль демокчимисиз? Яна адашасиз. Мактанчоқлик адаштиради. Агар буни бирон бола эшитса аввалом бор ишонмайди, ишонса ҳаёл оти жон таслим қилади. Болалик учун бу аллақандай артист ўйнаган ижро эмас— ҳаёт. Юсуф Ялангтўш ва ҳаёт. Болалик ва тасвир. Ҳозир асосий гап бу ҳақда эмас. Аммо ўша болалик хотираси бўлмаса бу ҳам бўлмас, хотирада нозик бўлган бир одамнинг (образнинг эмас) ҳеч қизиғи, тириклиги ҳисоб бўлмасди. Бу «Юсуф Ялангтўш»даги Азизбойвачча. Азизбойвачча— болалигимизнинг нафратига, дуоибадига учраган малъун. Уни болалик ёмон кўради. Ялангтўшнинг эътиқодига терс кўяди. Сўқади. Сўқиб-сўқиб ундан ўчини олгиси келади. Демакки, Азизбойвачча ҳам тирик. Ёвузлик тимсолида хотиранинг ёруғ сиймоси бўлган эзулик— Ялангтўшга хар тонг— хар шом милтик ўқталиб тураверади. Унинг қилмишидан болалик— софлик қалбида жароҳат қолган, захмдорлик бор.

Азизбойвачча— Юсуф Ялангтўшнинг котили. Туғилган янги замоннинг емиши.

Қарашлар ўзгарган чорраҳада бизни замондан орқада қолишда, фикрлаяти, бойлар ва камбағаллар тушунчасига энди ўзгача қараш керак дегувчилар қоралашга шошилмасин, айбамокчи бўлишса вақт етади. Мақсадимиз эса бўлакча.

Асосийси худди шу тасвир— фильмдан бизнинг мурғак, хали ақли гўр хо-

тирамиз эзулик ва ёвузлик курашини туйган, картинада ҳаётдагидек тўқнашган. Ва ҳаётда илк таассурот пайдо бўлган. Майли, у жуда гўр тасаввур, майли, у кимларнингдир доно дунёқараши олдида оддийларнинг оддийси бўлсин.

Юсуф Ялангтўшни ҳамма биледи. Унинг яратувчиси— эл хотирасидаги улуг санъаткор Шукур Бурхонов. Азизбойвачча ким? Уни ким ижро этган эди. Эл жим. Эл унинг кимлигини тўла аңлашга улгурмаган «Азизбойвачча» ҳам элга кимлигини аңлатишга— инсон сифатида барча истеъдодни намоён қилишга улгурмай кетган. Ҳозир уни ҳамма унутган, фақат болалик унутолмайди.

«Осиё устида бўрон» фильмида Азизбойвачча ролини Наримон Латипов ўйнаган, яратган. Азизбойвачча эса худди ҳаётдагидек томошабин аҳлида ёркин таассурот қолдириб, шов-шувларга сабаб бўлди. Фильм яратилган пайтдаги тўнғич томошабинлар бугун мунқайган чол ёки кўпни кўрган ўрта ёшли. Улар ҳамон тенгсиз хайрат, ихтиёрсиз ҳаяжон билан картинани кўришади. Аммо Азизбойваччани яратган Наримон Латипов қани? Унинг тақдири қандай кечган? Буни элнинг тўксон тўққиз фоизи билмайди. Эҳтимол, бундан 30 йил олдин Тошкент кўчаларида биров дўстига уни «Ана, Азизбойваччани ўйнаган йигит келяпти» деб мактанган бўлса бордин. Аммо ўртадаги кети узилмас йиллар қилар ишнини қилиб бўлган. Сафлар кетидан келган сафлар ҳаёлимизни ўғирлаб, ташвишларга ташвиш, қизиқишларга қизиқиш қўшган. Улар Наримонни бугун билмайди, унутган. Бу табий жараён. Буни кечиринш мумкин. Кечириндан бошка иложимиз ҳам йўқ. Кечириб бўлмайдиган ҳолат унинг дўстлари— санъаткорларнинг «гунг»лиги. Истеъдодига ўша даврда юксак баҳо берганларнинг жим-житлиги. Мен «Азизбойвачча»нинг кимлиги, тақдири қандай кечганлигини билгандан буён нашрларда унинг ҳақида бирон гап бўлишини қутиб ўқийман. Санъаткорларнинг кечаларида тирик юрган артистлар тилига термуламан. Улар бировнинг ҳурмати ни керак бўлса сақич



қилиб чайнашади. Наримонни эса гўё унутишган. Холбуки, чинакам санъаткор аввали-охир санъаткор, у дўстлари, атрофдагилар хотирасида қолади. Ўша хотиралар билан унинг шахси, ишлари, фидойилиги тўлалигича ўзга даврга етиб боради.

«Сирдарёда бир киз чўмилар эди. Бирдан чўка бошлади. Наримон уни қутқариш учун ўзини сувга ташлади. Ва кизни қутқариб ўзи ҳалок бўлди. Кино артисти Наримон Латипов бор-йўғи 32 баҳорни қаршилаган эди, холос».

«Совет Ўзбекистони» рўзномаси.  
1 октябр, жума, 1976 йил.

Наримон Латиповнинг хотирасига бағишланган ўртоқлари таъзияномасидаги бу сатрларнинг ўзи унинг кимлигини бир қадар оидинлаштиради. Унинг ҳаётдан кетиши ҳам жасорат бўлган. Бир инсонни ҳаётга қайтариб ўзи ҳаётдан кетиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Жасорат ҳам истеъдод.

Наримоннинг санъатдаги жасорати эса фавқулодда қобилиятлиги эди. У болалигидан кино, театр деса ўзини томдан ташлайдиганлардан, ойисининг айтишича кинога юборилмасга қочиб, ўғринча бўлса-да, бориб кўриб келаркан. Мактабда математикадан аранг «учға» ўқиса, адабиётдан ўзлаштириши аъло бўлиши устига бадий китобсиз қуни ўтмаган, мактаб саҳнасида роллар ўйнашдан қарчамаган. Чиройли расмлар солиш билан ҳам синфдошлари ҳурмати ни қозонган. У яширинча шеърлар ҳам ёзиб юрган.

8-синфин битириб, Ёскижўвадаги полиграфия хунари билим юртига ўқишга қиради. Бу унинг гўр ўйлари, тимсолсиз орзуларига, «шоир»лигига йўл очиши керак эди. Хунари билим юртининг характери эса умуман бошқача чиқади. Техник— босмаҳона иши.

Билим юртини эндигина битирганда хизматга қақирилади. Бунинг устига Тинч океан денгиз флотига— денгизчи. Уч йил кетади. Армиядан қайтгач, безакчи рассом бўлиб бир-икки ой Ҳамза театрида ишлаб юради. Бахтни қарангки, бу бир-икки ойлик иш уни бутун умр санъат сари олиб кетади. Ҳаётини янги ўзанга солади. Актёрлар билан яқиндан суҳбат, хар қуни ишдан кейин бир спектаклни мириқиб кўриш болаликдаги дардини кўзга йди. Наримон омадини синаб кўрмоқчи бўлади. Бирок иттифокча, ҳатто дунёга донғи кетган артистлари бор театр бир гўр, ҳеч бир рол ўйнаб, бирон жойда кўринмаган йигитни ишга олишармиди? Урин йўқ деб баҳона қилишади. Наримон Муқимий номли драма театрига мурожаат қилади. Истаб-истамай қабул қилишади. Бир йил ўтгандан кейин эса у ҳақда оғизларидан бол томиб гапиради-ган бўлишади. Наримоннинг тиришқоқлиги, қобилияти улар хурмати, хайратига сазовор бўлади.

Наримоннинг донғини эшитган Ҳамза театридагилар бу сафар уни ўзлари ишга тақлиф этишади. Тақлифдан боши осмонга етган Наримон ҳам тез орада

театр жамоасининг истеъдодли, меҳнаткаш аъзоларидан бирига айланади.

50-йилларнинг охири, 60-йилларнинг бошлари ўзбек санъати— театр ва киносининг мардона дамларидан бири ҳисобланади. Кўпгина эса қоларли кинотасвирлар, театрдаги ёрқин образлар шу ораликда яратилган. Ўзбек санъатининг кўпгина «юлдуз»лари бир-йўла ҳам театрда, ҳам кинода гўзал образлар яратишга интилишган.

Бу олатасир, руҳий бақувват беллашувларга билими ҳали гўр, бироқ истеъдоди унча-мунчани орқага суради-ган, шижоатли кўпгина «классик»ларнинг ўн йилликларига татийдиган ўша йнгит кириб келади. Бир донишманд айтади: «Хар ишга бош сукавериш ўзига ўзи суикасд қилиш билан баробар». Балки тўғридир. Наримоннинг санъатдаги бор-йўғи етти йиллик фаолиятида бу панднинг инкорини кўрдим. У бу йиллар давомида санъатнинг ҳамма эшикларини тақиллатиб чиққан. Театрда роль ўйнаган, кинода суратга тушган, радио-телевидение спектаклларида қатнашган. Кинофилмларнинг дубляжиди овоз берган. Ўзи филмлар яратиш орузида киносценарийлар ёзган.

Унинг саргайган бир дафтарчаси кўлимда. Унда бу фаолиятнинг беш йиллик қисқача сарҳисобига кўзим тушди. 1958 йилдан қайд этишича «Ўзбекфильм» киностудиясида 198 фильмнинг ўзбекчасида овоз берган. Ҳаво мавжларида 30 спектаклнинг радионисенировкасида қатнашган, яъни 30 образ тингловчи ҳаёлида унинг овози билан жонланган. Ойнан жаҳонда 19 спектаклда рол ижро этади. Дафтарчада театрда яратган образларини умуман ёзмабди. Эҳтимол унинг ўз баҳосича бу старт олдидаги тайёргарлик машини дея назарда тутилгандир. Бироқ бу образлар томошабинлар хайратига фарқ бўлмаганда, эътиборини қозонмаганда шу қобикда у ўралиб қолган бўларди. Наримон Латипов эса кинода ҳам анча-мунча яхши образлар яратишга улгурди. Энг муҳими, уларнинг хотирасида яшаётгани. У бор-йўғи 9 фильмда суратга тушган. «Сен етим эмассан»да Ботир, «Самолётлар қўнолмайди»да Юсуф, «Осуда тонг»да разведкачи, «Ялангликлар осмони»да Петро шулар жумласидандир. Бизнингча, улар орасида энг ёрқини «Осиё устида бўрон»даги Азизбойвачча. Азизбойвачча 27 йилдан буён экранлардан тушмайди. 27 йилдан буён ҳисларни жунбушга келтирадиган, қалбни ҳаяжонга солади. Уни яратиб кетган инсон Наримон Латипов эса 26 йилдан буён орамизда йўқ. 26 йилдан буён унинг руҳи чиркирайди. Орзулари армон бўлиб онаси Зулқамол аянинг дилини эзади. Наримоннинг орзулари кўп ва ҳўп эди. У театр ва кинода ўнлаб Азизбойваччалардан руҳан ва маҳорат жиҳатидан бутун образлар яратмоқчи, ҳаётини бир қомил инсон ўтказганидек кечирмоқчи эди. Бундан 28 йил олдин ёзган кундалиқ дафтарчасидаги мана бу қайдлар ҳам мисол бўлади.

«18.07.1963 йил, сешанба.

Ун бирда Тошкентга келиб тушдим. Уйга чопдим. Ҳаммаси яхши. Уйда онам билан Вакила бор экан. Хадрадаги хастахонага йўл олишади. 3<sup>30</sup> да студияда бўлганимда қувончли хабарини эшитдим. Мени «Улғубек юлдузи»да синаб кўришга таклиф қилишди. Бундан дахшатли тарзда ақлдан озай дедим. Қутилмаган бахт...

15.08.63 й.

Беллага барчасини ёзмақчи бўлдим-у, тарадудини охирига етказолмадим. Ўйлайман. Ўйлайман. Бир томондан пул ҳам йўқ. Фалокат. Эртага нима бўлишини билмайман. Бироқ, албатта нимадир бўлади. Менинг ожиз юрагим ва говлаган қалла тунда нимани ҳам ҳал қилади? Белланинг қошига бормоқчи бўлдим.

Истагим— у меники бўлсин. Студиядан унинг олдига ўтдим. Ҳаётимда биринчи ва охириги марта уни алдадим... Ўзи кўлимдан келмайди.

Мен уни жуда хурмат қиламан. Бу севгими? Билмадим. Кўп нарсани кўриб, кўпларга дуч келган бўлсам-да, бунинг мухаббат эканлигини тушунолмайман. Эҳтимол, менга шундай туюлади. Севаман. Лекин севги нималигини ҳеч қимга, ҳеч қандай тушунтириб беролмайман. Мухаббат. Фақат шуни билмаманки, ўз-ўзидан уни хурматлаганим келади. Усиэз яшаш мумкин эмас. Шунақа менинг аниқ севгим.

Дубляжни тугаллаганимдан кейин Файзулло<sup>1</sup> билан чойхонага бордик. Пивоҳўрликка. Бу ерда Аъзамовни<sup>2</sup> кўрганимиз яхши бўлди. Л. Файзиев<sup>3</sup> мени уришди. Барибир мени тушунувчи инсон.

3.09.63 й.

Эрталаб ўн бирда студияда астрономиядан лекция тингладик. «Улғубек» гуруҳидан таклиф қилишди. Бугун студияда бўладиган бадий советда роллар тасдиқланади, тақсимланади. Мен бунинг нима билан тугагини ўйлаб жуда ҳаяжонландим. Ўзимни сакловмай студиядан кетиб қолдим. 4.09.63 й.

Ура!!! Мени ҳамма қутламоқда. Айтишларича ўтибман. Мен учун бугун ҳаётимда энг бахтли кун. Абдуллатифни ўйнайман-а. Бу қатта омад. Ишқилиб, ишончни қозонишим керак. Ўйнашга қудратим етади! Ўйнайман. Латиф ва Пўлат Файзиевларга қатта раҳмат. Мен

улардан бутун умр миннатдорман.

20.26.09.63 йил.

Мени қабул қилишмади. Гадовое «Улғубек юлдузи»да тушяпти. Ҳечқиси йўқ. Улмасман. Олдинда қанча орзулар қутиб турибди. Мен барибир Абдуллатифни ўйнайман...

Санъат фидойиларни яхши кўради. Уларни қатл этиб тугилади. Наримон санъат оstonасига кириб, унга ўзини бағишлагач, оилада тинчини йўқотади. Хотини «Е мени, ё артистликни танланг» дея шарт қўяди. Фидойи-ўжарлар изидан қайтармади. Хотини ташлаб кетгач, ёлғизликка гирифтор, жигаргўшаси Севарани бир кўришга зор яшайди. Ўзини тушунадиган бир инсонни излаб йиллар ўтади. У топилганда, кўп ўтмай ҳаёт тори узилади... Фақат ҳаёт сари бир чечаги талпинади. Бу— кизи Лола. Унинг ўзи билан бирга орзулари ҳам Сирдарёга чўккан аччиқ ҳақиқат. Бу поёнсиз орзулар поёнига етмай қолгани эҳтимол, яратганининг ёзиғидир. Бироқ 32 ёшини тўлдирмай санъатда кўпгина ишларни қилган фидойи санъаткорни эсламаслик, хурматини жойига қўймаслик биз тирикларнинг ўлик хотираси иллатидир. Тошкентда унинг номи билан бирон кўча ёки мактаб аталса арзимайдими?

Баҳор чечакларидек миллий руҳимиз ерни ёриб чиқяпти. Қайта тупроқдан эшик очяпти. Унинг бир шодаси Улғубек— фалакларга эшик очган бобомиз бўлса яна бири шоир, ўткир ақл-идрок соҳибни, номи қораларнинг қораси, падаркуш мураккаб шахс Абдуллатиф. Буни 5 аср оша тасвирда ҳаёт янглиг жонлантириш осон эдимиз? У эса бунга қасд қилган ҳам ўзига қаттиқ ишонарди. Шундан ҳам унинг санъатда йўлчидек келиб кетмаслигига имон келтиради киши. Умр бўйи санъатқорман деб келиб-кетаётганлар қанча. Келинлар, бағрикенгроқ бўлайлик. Бағри осмон бўлиб ушалмаган орзуларга ҳам эрк берайлик. Уларнинг ишқлари, меҳнатлари, номсиз арвоҳдек дарбадар юрмасин. Қалбимиз қаърига чўкиб кетмасин. Номлари ҳам тилларда айланмай юрсин. Руҳлари шод бўлади!

<sup>1</sup> Муқимий номидаги музыкали театрининг артисти— Ф. Аҳмедов.

<sup>2</sup> Ғани Аъзамов.

<sup>3</sup> Латиф Файзиев.







Абул Ҳасан Кисойй

# Оламнинг аббаси, охири ва пайгамбарлар ҳаёти

Сўнг Аллоҳ таъоло Одамга нидо килди:

— Эй, Одам, сенинг дилингда Ҳаввога нисбатан, Ҳаввонинг дилида сенга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғулари борлиги менга аён.\* Ҳавво билан кўришганингда унга хушмуомала бўлгил, чунки у бўлғуси ўғилларинг ва кизларингга она бўлишини тиларман.

Шул аснода Ҳавво денгиз соҳилида ўтириб эди. Ҳазрат Жаброил унинг кошига келиб, айтдики:

— Эй, Ҳавво, мана бу либосларни кийиб, ортимдан юргил. Зеро, сен энди Байтул-ҳарамга кирурсан ва унда Аллоҳга топинурсан!

Ҳазрат Жаброил шу сўзларни айтиб, Ҳаввога жаннатдан келтирилган кўйлак ва ёпинғич берди. Ҳавво бу либосни кийиб олгунича тескари қараб турди.

Ҳавво ўшал либосни кийгач, ҳазрат Жаброилнинг ортидан йўлга тушди. Бу йўл Ҳаввони Байтул-ҳарамнинг машрик тарафига олиб келди. Бу воқеа муҳаррам ойининг жумъа куни юз берди.

Шу пайт Ҳавво ўтган машаққатли йиллар давомида ўзининг хусну-малоҳатини йўқотганига ачиниб, йиғлай бошлади. Фаришта уни (юпатиб) кўлидан тутиб, Ал-Марво тепалиги чўккисига етақлади. Бу тепаликда (биринчи марта) аёл ўтиргани учун Ал-Марво деб аталди.

Ҳазрат Одам Маккадаги Байтул-ҳарамнинг мағриб тарафига келиб, Ас-Сафо тепалиги устида ўтирди. Бу ердан туриб, Ҳазрат Одам бениҳоя кудратли ва бениҳоя улуғ Аллоҳ-таъолого мурожаат килди:

— Лаббайка, Аллоҳумма, лаббайка! Даргоҳинг улуғ, ўзинг бекиёсан! Ат-тахийёту-лиллоҳи ва-с-саловоту ва-т-таййибот! Лаббайка, Аллоҳумма, лаббайка!

Ҳазрат Одам Ас-Сафо тепалигида турганида худои-таъолодан нидо келди:

— Эй Одам, қувонгил, қаршингдаги Ал-Марво тепалигида Ҳаввони кўргайсан. У билан дийдор кўришгин. Аммо, мен буюрган барча расм-русумларни адо этмагунингча, унга кўлингни тегизмагил!

Шундан сўнг ҳазрат Одам Ас-Сафо тепалигидан туша бошлади. Ҳавво эса Ал-Марво тепалигидан туша бошлади. Иккаласи водийнинг ўртасида учрашдилар. Улар бир-бирларининг

дийдорига етишганларига шукрона айтиб, бир-бирларига қараб тўймас эдилар. Шундан кейин улар ҳар куни шу ерда учрашиб, узоқ-узоқ суҳбатлашадиган, ўтган кунларини, қисмат-тақдирларини эслайдиган бўлдилар. Қоронғулик тушганида эса Ҳавво Ал-Марво тепалигига, ҳазрат Одам-Сафо тепалигига қайтиб кетар эдилар.

Шул аснода улар муайян расм-русумлар адо этиладиган зул-ҳижжа ойига қадар учрашиб юрдилар. Шундан сўнг самодан Жаброил алайҳис-салом тушиб, ҳазрат Одамни зиёрат расм-русумларига ўргатди. Сўнг Жаброил алайҳис-салом Одамга эҳром боғлашни ўргатди ва уни кўлидан етақлаб, Байтул-ҳарам (Қаъба) атрофида етти марта айлантирди. Сўнг У Одамга ҳаж зиёратининг Иблисга тош отиш ва бошқа расм-русумларини ҳам ўргатди. Шулар ҳаммаси бажо келтирилгач, Жаброил алайҳис-салом айтди:

— Эй Одам, бас, етар. Аллоҳ-таъоло сенинг ибодатингни қабул этди. Энди ҳудойим сенинг Ҳавво бирла қовишувингга ризолик билдирди.

Шундан сўнг Ҳазрат Одам жумъа кечаси Ҳавво бирла қовушди. Жумъа куни муродбахш бўлиб, бу кунда яхши тилаклар ижобат бўлғуси. Дарҳақиқат шу кечаси Ҳавво фарзандга хомилалдор бўлди.

## Одам ва Ҳавво фарзандларининг ҳикояти

Саккиз ойдан сўнг Ҳаввонинг ой-куни яқинлашиб, эгизак болаларни туғди. Аммо, булар заифлигидан ўлиб кетдилар. Сўнг Ҳавво ой-куни етиб, яна эгизак фарзандлар туғди. Аммо булар ҳам ўлиб кетдилар.

Одам ва Ҳавво бу кулфатдан қаттиқ қайғурдилар.

Шундан кейин Ҳавво кошига Иблис-алайҳи-лаъна келиб:

— Эй, Ҳавво, кўксинг остида асраганинг соғ-саломат қолишини истайсанми?— деб сўради.

Ҳавво «ха», деб жавоб берди.

Иблис маслаҳат бериб айтдики:

— Агар фарзандинг ўлмай қолишини истасанг унга Абдул-Ҳарис деб исм қўйгил.

Шайтоннинг бундай дейишидан мақсади шуки, Ҳарис дегани ҳам Иблис демакдир.

Алқисса, Ҳавво соғлом фарзанд туғди ва унга Абдул-Ҳарис деб от қўйди.

Шул аснода фаришта Ҳавво кошига келиб сўради:

— Нима учун болангга бундай исм қўйдинг?

— Ўлмай, соғ-саломат қолсин деган ниятда қўйдим,— жавоб берди Ҳавво.

— Абдул-Ҳарис дегани Иблис кули дегани-ку? Ахир сен фарзандингга Абдуллоҳ (Худонинг кули), Абдурахим (Раҳимнинг кули) ва ё Абдурахмон (Меҳрибоннинг кули) деган исмларни қўйишинг мумкин эди-ку?— деди фаришта.

Одам ва Ҳавво фарзандларига Абдул-Ҳарис (Шайтон кули) исмини қўйганларидан кўркиб кетиши ва:

— Ундай бўлса, биз бу болани хоҳламаймиз,— дедилар.

Аллоҳ таъоло шу заҳоти бу боланинг жонини олди.

Алқисса Ҳавво ой-куни етиб, яна эгизак туғди. Ўғлонга Абдуллоҳ деб, қизчага Меҳринисо деб исм қўйдилар.

Шундан сўнг йиллар ўтиб, Ҳавво яна кетма-кет ўн икки марта эгизак туғди. Ҳаммаларига шуларга ўхшаш муборак исмлар қўйдилар.

Сўнг Ҳавво яна эгизак туғди. Ҳобил ва унинг синглиси туғилди. Сўнг Қобил ва унинг синглиси туғилди. Сўнг Савобайх ва унинг синглиси, ундан сўнг Сандал ва унинг синглиси туғилди.

Алқисса Ҳаввонинг бир юз йигирмата эгизак фарзандлари дунёга келдилар. Ўғил ва кизлар балоғатга етиб, турмуш кўриб, фарзандлар кўрдилар. Алаҳусус, Ер юзиде ҳазрат Одамнинг уруғ-авлодлари кўпайди.

## Ҳазрат Одамнинг пайгамбарлиги баёни

Иби Аббос, розийаллоҳу анҳу (Аллоҳ ундан рози бўлсин!) ривоят қилибдурки, ҳазрат Одам ўз авлодлари орасида пайгамбар бўлди. Аллоҳ уни ўзининг Ердаги расули-элчиси ки-

\* давомн.

либ тайинлади ва унга ишониб, пайғом-вахий юборди. Бу ҳодиса Рамазон ойининг биринчи кечаси содир бўлди. Аллоҳдан нидо келдики:

— Эй, Одам! Сенинг авлодларнинг орасидан менга бўйсунадиган, менга сизгинадиган ва мени эъзозлайдиган қавмларнинг мукаддас оёи келди. Шу ойда менга содққ бандаларимни ярла-қагайман ва аларга раҳмат ва неъматларимни ёғдиргайман. Рамазон ойининг ҳар кечасида осий, гуноҳкор бандаларимдан етмиш мингини қаршишу лаънат бандидан ҳалос этгайман. Рамазон ойида Фирдавс боғларини безаб, янги туғилган гўдакларга меҳру саховатимни улашгайман.

Қаъб-ул-Ахбор, карамаллоҳу анху (Аллоҳ унга ҳамиша меҳрибон бўлсин) ривоят қилибдурки, шундан сўнг Аллоҳ-таъоло ҳазрат Одамга йигирма иккита мукаддас китоб юборди. Бу ҳодиса ҳам Рамазон ойининг биринчи кечаси содир бўлди. Мазкур китобларнинг фасл-боблари, фаслларининг битиклари бир-бирига мувофиқдир.

Ушбу китобларда худойи-таъолонинг пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга панд-насихатлари ва фарзлари, шарият аҳкомлари баён этилган эди. Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло бу китобларда нури нубувват — мукаддас набилик нурунинг насилдан наслга кўчиши қонуи-қондаларини тушунтирган эди. Шунингдек, бу китобларда бандаларнинг қилмишлари, феъл-атвори, уларнинг раҳбарлари ва пайғамбарларининг ваколатлари шарҳлаб берилганди. Худойи таъоло юборган бу китобларда Ер юзидаги бандалар нима еб, нима ичишлари, рўзгор-турмушлари ҳикоя қилинган.

Алқисса, ҳазрат Одам ўз авлодларининг аҳволотидан воқиф бўлди. Сўнгра Аллоҳ-таъоло ҳазрат Одамга ҳалиги китобларни кўчириб, кўпайтиришни амр қилди. Ҳазрат Одам қўлига рийша-қалам ва сиёҳ олиб, қўй терисидан яхшилаб ошланган саҳтиён варақларга йигирма саккиз хил ҳарфни ёзди. Бу ҳарфлар кейинчалик Таврот, Инжил, Забур ва Қуръони карим китобларида ҳам истифода этилди.

Мазкур ҳарфларнинг биринчиси А (алиф) бўлиб, Аллоҳ номи шу ҳарфдан бошланади. Алиф ҳарфи — Аллоҳу аҳад, Аллоҳху-самад, лам ялад ва лам юлад ва лам яъкул-лаҳу қуфув-ан аҳад, яъни, ҳеч кимга мухтож эмас, ҳеч кимдан туғилмаган ва ҳеч кимни туғмайдиган, ҳеч ким унга тенг бўлолмайдиган, деган маънони англатади. Б — ҳарфи эса Арзу-Самолардан Аллоҳ баракот (фаровонлик) ёғдиришини англатади.

Охирги, 28 чи ҳарф «Ей» — бўлиб, унинг маъноси шуки, Оллоҳ Ер ва Осмондаги, қадимги ва келгуси даврлардаги ишларни ҳам кўра олади, демакдир, Ҳазрат Одам Аллоҳ ўргатган ҳамма битикларни яхшилаб ёдлаб, билиб олди ва кейинги авлодларига ҳам шу ёзувларни ўргатди.

## Ҳобил билан Қобил (Хоин) қиссаси

Шундан сўнг ҳазрат Одам ҳузурига Ҳобил билан Қобилни чақирди. У барча фарзандлари орасида шул иккаласини яхши кўрарди.

— Истагим шуки, — деди ҳазрат Одам, — сизлар Аллоҳ таъолога қурбонлик келтиринглар. Шояд барча одам сарвари қурбонлигини жабул қилса.

Ҳобил қўпон эди. У сурӯғидаги энг семиз ва энг бақувват кўчкорини танлаб, худо йўлига қурбонликка келтирди. Қобил дехқон эди. У дон-дунлари орасидан энг чуриқларини танлаб, Аллоҳга қурбонлик учун тош устига қўйди.

Шу пайт осмондан оппоқ бир ўт тушди, унинг тутуни ҳам, алангаси ҳам йўқ эди. Ҳобилнинг қурбонлиги қуйиб, қоврилди. Ўт Қобилнинг чуриқ доңларига яқинлашмади. Шундан сўнг Қобил хоиялик йўлига ўтиб, унинг устидан ёлғон шикоят қила бошлади. У:

— Ҳобилнинг болалари менинг болаларимга кун бермаёпти, — деб алдади. Ҳазрат Одам уларни муроасага чақирди. Шундан сўнг Қобил кўнглида Ҳобилни ўлдиршига қасд қилди.

Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло шу ҳақда Қуръонда бундай деган: «Фа тавваъату лаҳу нафсуҳу қатула ахийҳу фа қаталаҳу қаъсуяҳа мин-ал-ҳасирина».

Яъни: У (Қобил)нинг нафси унга қариндошини (Ҳобилни) ўлдиршини чиройли кўрсатди, шу билан уни ўлдириб, (бу дунё ва охирада) зиён таркатувчилардан бўлди (Қуръони Карим, 5-сура, 30-оят).

Айтибдурларки, Ҳобил билан Қобил қурбонликларини Минно адирига келтирган эдилар. Қурбонлик жойи ўша ерда эди.

Оталарининг уйига қайтаётганларида Ҳобил олдинда, Қобил оркада кетаётганди. Шу пайт Қобил катта бир тошни олиб Ҳобилнинг бошига урди. Ҳобил тил тортмай ўлди. Қобил қилган ишига ўзи йиғлаб, йўлда кетаверди. Йўлда у бир-бири билан урушаётган икки қаргани кўриб қолди. Қарғалардан бири иккинчисини чўкилаб ўлдирди. Сўнг тирик қолган қарга тириклар билан ерни қавлаб, чуқур қилди. Ва ҳалиги ўлган қаргани шу чуқурга судраб келиб, устига тупрок тортди. Қобил бу воқеани кўриб, ўз-ўзига:

— Эвоҳ! Мен қондошимнинг жасадини кўмишга мана шу қарғачалик ҳам бўла олмадимми? Қарғадан ҳам ожизманми?

Қобил билан Ҳобил уйларига қайтиб келмагач, Ҳазрат Одам хавотирланиб, йўлга чикди. Йўлда Ҳобилнинг жасадини кўрди. Кўриб, чуқур ғам-қайғуга ботди. Ҳазрат Одам ўглининг жасадини елкасига ортиб, йиғлай-йиғлай уйига келди. Бу холин кўриб, Ҳавво ҳам зор-зор йиғлади. Булар йиғлаб, 40 кун мотам тутишди. Шундан сўнг Аллоҳдан бир нидо келди:

— Эй, Одам, эй, Ҳавво, бас, йиғламанглар! Мен сизларга бошқа фарзанд ато этурман, у худди Ҳобилга ўхшаш бўлмай. Унинг авлодларидан жуда кўп пайғамбару расуллар дунёга келгай.

Бу хабардан кўнғиллари хушнуд бўлган Одам ва Ҳавво йиғлашни бас қилиб, қулбаларига қайтиб келдилар. Шу кунни Ҳавво янги фарзандга ҳомилдор бўлди. Уни қоринда авайлаб, ой-кунни етгач, туғди. Қарасаки, қош-қўзлари худди марҳум акаси Ҳобилга ўхшайдур. Унга Шис деб исм қўйдилар. Унинг юзида нури Муҳаммад босафо бор эди. Шис алайҳиссалом ўсиб, улғайиб, вояга етганида Аллоҳ-таъоло унга жаннат боғларида ўсган нилуфар қамишдан бир чўкмор юборди. Шул чўкмор турдан-туман жавоҳирлар билан безалган, атрофида мушк-анбар бўйини таратар эди. Шис алайҳиссаломнинг ўнг елкасида чиройли холи бор эрди. Аллоҳ Шис алайҳиссаломга отасининг тириклигидаёқ кўп фарзандлар ато қилди.

## Одам ва Ҳаввонинг ажал шарбатини ичганлари баёни

Абдуллоҳ ибн Аббос, карамаллоҳу анху (унга Аллоҳ ҳамиша қарам қилсин) ривоят қилибдурларки, Одам алайҳиссалом Ер юзида дарахт кўчатлари экиб, шудгорлаб, экин экиб, дехқончилик қилур эди. Ешини яшаб, ошини ошаб, умри сўнгига етди. Шу пайт Аллоҳдан нидо келди:

— Эй, Одам! Умринг тугаб қолди. Пайғамбарликни ўглинг Шис алайҳиссаломга васият қилгин! Улимга шайлангин!

Ўша вақтда Шис алайҳиссалом 400 ёшда эрди.

Одам алайҳиссалом Аллоҳдан сўради:

— Е, раббий! Улим нимадур?

Ҳақ субҳонаҳу таъоло жавоб айлади:

— Мен оламда неки жонзот яратган бўлсам, умрининг охирида ажал шарбатини ичириб, муҳримни босурман. Ажал шарбати аччиқдур. Уни тотган одамнинг чеҳраси сўлиб, чиройи ўчиб, тилдан қолар, жисми-жасади эрса келган жойига қайтар. Унинг лоши, қони ва устихони ер билан бир бўлиб тупрокка айланур.

— Эй, Одам! Сенинг ҳам тупрокка қўшилиш вақтинг етди!

Ҳазрат Одамнинг жон чикар пайти, бинога келган пайтидай, жумъа кун тонг ва шом (намозлари) ораллиғида эди. Шу кунни Аллоҳ таъоло Одам алайҳиссалом қошига ажал фариштасини юборди. Худойи карим Азроилга амр қилдики, «Сен ҳазрат Одамни кўрқитмай, унинг ҳузурда чиройли киёфада ҳозир бўлгин!» Ҳазрат Азроил шундан кейин фақат Муҳаммад Алайҳиссалом ҳузурда шундай киёфада ҳозир бўлганди. Ҳақ-таъоло айтдики:

— Эй, Азроил! Сен бу кун Одам қошига бориб, унга ажал шарбатини ичиргин! Сўнг унинг жисмидан мен уфуриб киритган жонини олгин!

Алқисса, ҳазрат Азроил Ер юзига тушди. Унинг атрофида ҳазрат Жаброил, ҳазрат Мекоил ва бошқа барча фаришталар туғларини кўтариб Ерга тушдилар. Шу пайт кўкдан катта бир сарир (маҳфил) учиб келиб, Ер билан Осмон ўртасида тўхтади. Жаннат эшиклари очилиб, фаришталар байроқларини осмон қадар кўтариб, хилпиратиб турдилар. Улар ҳазрат Одамни кутиб олишга шайланган эдилар.

Алкисса ҳазрат Азроил Одам алайҳиссалом қошига келди.  
— Ассалому-алайкум эй, барча одамлар отаси!— деб унга салом берди.— Мени танидингизми?

— Танидим,— деди ҳазрат Одам.— Сиз худонинг амри билра келган Ажал фариштасидурсиз.

Азроил айтдики:

— Мен Сизга ажал шарбатини ичиргани келдим. Уни ичиб, ўлим тотини билурсиз.

— Худонинг амрига бўйсунурман,— жавоб берди Одам алайҳиссалом.

Алкисса, ҳазрат Азроил унга ажал шарбатини тутди. Одам алайҳиссалом худон таоло амрини ризолик билан қабул айлади. Одам алайҳиссаломнинг руҳи унинг жисмининг тарк этди.

Сўнг ҳазрат Жаброил Одам алайҳиссаломнинг жасади муборакларини жаннат суйи билра ювиб, кафанга ўради. Фаришталар жасадини тобутга қўйдилар. Муборак бошларини мукаддас Каъба тарафга, оёқларини тўғри келган тарафга қилиб қўйдилар.

Айтибдурларки, ҳазрат Хавво ҳам ўлим шарбатини тотганларида, унинг муборак жасадаларини қизлари ювиб, кафанлаб, Ҳазрат Одамнинг бош тарафга, оёқларини Одамнинг оёқ тарафга қўйдиларки, ҳар иккиси худон таъолонинг раҳматига барабар мушарраф бўлғайлар.

## Куш ибн Қатрон лаъналлаҳу ва унинг фарзандлари киссаси

Каъбул-Ахбор розийаллоҳу анҳу келгуси авлодлар учун ривоят қилибдурки, Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғли Хоминг авлодлари орасида бир бола туғилди, исмини Куш атадилар. Кушнинг бир укаси бор эди, исми Раҳо эди. Иккаласи деу золим эдилар. Аммо Куш ҳаммадини қавий (кучли) эди. Соҳлари қора, кўзлари кўк, гавдаси бақувват эди. Тирноклари шернинг панжасига ўхшарди.

Алкисса Куш ибн Қатрон кўшини тўплаб, машрик ва магрибга юриш қилди, борган ерида одамларни ўлдирди, киргинбарот қилиб, баъзиларни асирликка олди. Шахарлар ва қасабалар ва қишлоқларнинг кулини кўкка совурди. Ниҳоят Куш Ироқдаги бир водийга етиб келди. Бу водийни Қусо-Раббий деб аташарди. Водий ўртасидан дарёлар оқиб ўтар, дарактлар гўркираб ўсарди. Шу ерда Куш мунажжимларни чақириб, фол очтирди.

— Менга бу маъво ёкиб қолди,— деди у.— Сиз, мунажжимлар, юлдузлар ҳолатига қараб айтинглар-чи, шу ерда кўниб манзил қилсак яхши бўлармикин, йўқми?

Мунажжимлар айдиларки:

— Бизга уч кун муҳлат бергил!— деб.

Куш дев уларга уч кун муҳлат берди. Тўртинчи кун мунажжимлар келиб айдиларки:

— Олампадох! Юлдузлар ҳолатидан шул аён бўлдики, бу шаҳри олийдан буюк бир подшоҳ чиқиб, магрибу машрикка ҳукмронлик қилур.

Куш бу гапни эшитиб, хурсанд бўлиб; қаҳ-қаҳ урди ва:  
— Ана шу подшоҳ — мен бўлурмен!— деди.

Алкисса, Куш ўшал шаҳарда гўзал қошоналари бўлган баланд-баланд қасрлар қурди. У, бинокорларга, боғлар барпо этинг, ичидан ариқлар жилдираб оқиб турсин, деди. Айтганидай қилдилар. Куш шул шаҳарда узок йиллар яшади. Сўнг Аллоҳ унга бирин-кетин икки ўғил берди, бирининг исми Қаннон, бошқасининг исми Хосир эрди. Қаннон ниҳоятда бақувват, шикорга ишқибоз эрди. У ов пайтида шундай қаттиқ наъра тортар эдики, хайвонлар бул овоздан юраклари ёрилиб ўлишарди.

Алкисса, Кушнинг қазоси етди. Хосир отасининг тахтини эгаллади. Филҳол, кунлардан бирида Қаннон мол боқиб юрган аёли учратди. Уни кучоқлаб, ғорат этишга уринди, аёл зинҳор йўл бермади. Қаннон ҳадеб уни кистайвергач, аёл андишасини айтди:

— Кўнглинг нималар тилайди? Ахир менинг бошим боғди, эрим бор. Сен мен билан турганингни кўрса, иккаламизни ўлдироди.

Қаннон бу гапга хоҳолаб қулди:

— Ким менга бас кела оларкан? Вилгилки, мен — подшоҳ Кушнинг ўғли Қаннондурмен.

Бу гапни эшитиб, аёл ҳам хаҳолаб қулди:

— Подшоҳларни гапирурсан. Ахир сен оддий овчисан-ку?

Шул аснода улар гаплашиб турганларида бир йигит — аёлнинг эри келиб қолди. У югуриб келиб, Қанноннинг башарасига бир мушт уриб, ерга йикитди. Сўнг унинг устига чиқиб, ўлдирмоқчи бўлди. Қаннон аввалига ўзини химоя қилмай турган эди, аммо ерга йикилгач жаҳли чиқиб, ўрнидан турди ва боғия йигитни бир уриб, ерга қулатди. Йигит тил тортмай ўлди.

Сўнгра Қаннон ҳалиги аёлнинг ёнига келиб, уни уйига олиб кетди. Аёлнинг исми Чўпон Қиличи эркан.

Алкисса шул замонда Куш авлодлари бирла Ефас авлодлари ўртасида урушлар бўлиб турарди. Бу урушларда доимо Куш ўғли Хосир ғолиб чиқар эрди. Қаннон эрса доимо дала-дашталарда ов қилиб юрур эрди. Бир кун Қаннон Ефас авлодларидан энг қаттаси бўлган подшоҳ Жавҳарга элчи юборди, шонинг қизини ўзига хотинликка сўратди. Аммо Жавҳар рад жавобини берди:

— Сен бир овчидурсен. Шоҳ қизини овчига бермасман. Бу жавобдан Қаннон дарғазаб бўлди ва акаси Хосир хузурига борди. Айдики:

— Эй, биродарим, менга кўшин бергил. Жавҳарга қарши уруш қилай, қизини зўрлик билан тортиб олай.

Хосир айтдики:

— Бу сўзларинг номаъқулдир. Жавҳар Ефас авлодининг қаттасидур. Уни ўлдириш учун сенга кўшин бериш хато иш бўлур.

Қаннон бу сўзлардан ғазабланиб, акасининг оёғидан судраб, тахтдан тушириб, уриб ўлдирди. Ўрнига подшоҳ бўлди. Сўнг Жавҳар салтанатига кўшин тортиб бориб, уни ўлдирди, қизини олиб кетди ва унга уйланди.

Ривоят қилубдирларки, Қаннон бир кечаси ғалати туш кўрди. Тушида бир одам пайдо бўлиб, уни бўға бошлади ва бундай сўзларни айтди:

— Эй, золимларнинг золими, Аллоҳ сенга ўзи берган кучқувватини ўзи истаган вақтида тортиб олгусен.

Шу пайт Қаннон уйғониб кетди. Мунажжимларни чақириб, тушининг таъбирини сўради.

Мунажжимлар таъбир қилдиларки:

— Бу кеча хотининг бир фарзандга хомиладор бўлгуси, ўшал фарзанд туғилиб, сени оқибат ўлдиргуси,— дедилар.

Дарҳақиқат, шул кеча Чўпон Қиличи аталмиш аёл эрдан хомиладор бўлди. Қаннон туғилажак фарзандидан кўркиб, хотинини ўлдирмоқчи бўлди.

Шул пайт осмондан нидо келдики:

— Эй, Қаннон, ўзингни тийгайсан ва ушбу қотилликка қўл урмагайсан!

Бу илдони эшитиб, Қаннон боланинг онасини ўлдиришга журъат этмади. Аёлнинг ой-қуни етиб, бурни пучук бир бола туғилди, боланинг кетидан бир қилдай ингичка йилон туғилди ва боланинг бурнидан, баданига кириб кетди. Буни кўриб, онаси кўп паришонҳол бўлди ва не синоат кўрганини эрига айтиб берди.

— Бошинга фалокат келур, эй Қилич,— деди Қаннон.— Бул зумраша лаънатидур, уни ўлдиргайсан!

Аммо бу гапга хотини кўнмади.

— Қандай қилиб ўз жигарбандимизни ўлдирамиз? Яхши бўлмади,— деди.

— Ундай бўлса, болани олгину чўл-биёбонга ташлаб кел. Ўшал жойларда очлик ва ташналикдан ўлиб кетгай,— деди.

Аёл ноилж боласини кўтариб, чўлга олиб кетди, у ерда пода боқиб юрган бир чўпонни учратди.

— Шул гўдакни ол!— деди у чўпонга.— Уни боқиб қатта қилсанг, ўзинга дастёр бўлгуси.

Чўпон гўдакни олиб, ўтлаб юрган моллар орасига қўйган эди, шул захоти моллар ҳар қаёнга қоча бошладилар. Чўпон гўдакни кўтариб олиб, яна улар орасига қўшган эди, мол-сиғирлар яна ҳар тарафга қочдилар. Шундан сўнг чўпон уйига бориб, хотинига кўрган синоатини гапириб берди.

— Бул гўдак лаънатидур,— деди хотини.— У қора қунда дунёга келгандур. Болани ўлдирмак керак.

— Йўк!— деди чўпон.— Ўлдирмагаймиз.

Шул аснода аёл гўдакни қўлига олиб, чопқиллаганича дарё бўйига борди ва уни сувга ташлади. «Чўкиб кетгуси» деб ўйланди у. Аммо, гўдакни дарё ҳам қабул қилмади ва уни нариги соҳилга улоқтирди. У ёкда болани бир йўлбарс модаси толиб олди ва эмизиб боқа бошлади. Одамлар бу ахволдан оғох



топиб, гўдакни йўлбарсдан айриб олдилар ва бокиб ўстирдилар. Йўлбарс сутини эмиб, ўсгани боисидан неми Намруд бўлди («Намира» сўзидан — М. М.).

## Намруди-лаъин қиссаси

Ривоят килубдирларки, Намруд ўсиб, улғайгач, софдил одамларни уриб, ҳақоратлаб, ўлдирди бошлади. У кишлоқлару қасабаларда талончилик қилиб, отларни ўғирлаб, аёлларни ғорат эта бошлади. Тез фурсатда у кароқчилар тўдасига бошлиқ бўлиб олди.

Алқисса, Намруд кароқчилар тўдаси бирла Қусо-Раббий шахрига келди. Ўз отаси Қайнонга қарши уруш бошлаб, уни ўлдирди ва бошини чопиб ташлади. Сўнг отасининг тожу тахтини эгаллаб, кўшни подшоҳларнинг мамлакатларига хуруж қила бошлади. Намруд бирин-кетин атрофидаги барча подшоҳларни ўлдириб, уларнинг мамлакатларини босиб олди. Яна етмиш минглик кўшини билан мағриб подшоҳи Бершунга қарши уруш қилиб, уни ўлдирди. Сўнг Яман ва Хазрамавт қиролларига ва Чин-Мочин ҳоконига қарши уруш бошлаб, уларни ўлдирди. Яқин атрофидаги бошқа подшоҳларни ҳам йўқ қилди. Охирул-амр Хиндистон рожаси Боҳусни ўлдириб, ўз шаҳри Қусо-Раббийга қайтиб келди.

Алқисса Намруд дурадгор ва бинокор уста Торах ибн Наҳорни ўз хузурига қақиртирди. Унга дабдабали қасру қошоналар қуришга фармон берди. Торах ишга тушиб, қаъба шаклида гўзал бир қаср бино қилди. Қасрнинг узунлиги минг қулоч, кенглиги ҳам минг қулоч эрди. Деворлари жаҳоҳирлар билан музайян этилган, йўлақлари оқ қумуш ила зийнатланган эрди. Қасрнинг шифтлари сандал дарахтидан, миноралари фил суягидан ясалган эрди. Қаср атрофидаги боғларда арик ва жилғаларда сут, асал, май ва сувлар оқарди. Жилғалар бўйида олтин ва қумушранг дарахтлар экилди. Қасрнинг кең-мўл хоналари, раҳхалари (заллари)нинг ҳар бирида Намруднинг суратлари осиб қўйилган эрди. Қаср иморати тайёр бўлгач, Намрудга хуш келди ва у қасрга кўчиб ўтди. Шундан сўнг Намруд ўз хузурига Торахни чорлади ва уни бош вазир қилиб олди.

Алқисса бир куни Намруд ўз боғларида сайр қилиб юрар эрди. Шул вақт унинг ёнига бир тўда одамлар келишди. Хаммалари дағал бўз чарм кийимларда эрдилар.

— Сизлар ким бўлурсиз? — сўради Намруд улардан.

Биз пайғамбар Идрис алайҳиссаломнинг авлодларидандурмиз, — жавоб беришди улар. — Идрис алайҳиссалом бизга юлдузлар илми-синоатини ва Аллоҳ-таъоло саловотини ўргатган.

Намруд келганларни қасрга таклиф қилди.

Улар қасрга киргач, Намруд айтдики:

— Иккидан бирини тиланг! Сизлар ё менга юлдузларга қараб фол очиб илмини ўргатурсиз ёхуд мен сизларни ўлдиртуруман.

Улар жавоб бердилар:

— Майли, сенга юлдузларга қараб фол очиб илмини ўргатурсиз.

Шул аснода Намруд илми нужумни, юлдузларга қараб фол очиб илмини ўргатди. Сўнг Иблис бир нуроний чол киёфасида унинг хузурига кириб келди.

— Сен юлдузлар илмини ўрганибсан, — деди у. — Энди мен сенга сеҳр-жоду ва башоратгўйликни ўргатурсиз.

Иблис шундай қилиб Намрудга сеҳр-жоду ва башорат илларини ўргатди. Сўнг айтдики:

— Сендан аввал ўтган барча подшоҳлар ўзлари топинадиган худоларининг суратини ясаб, ўшаларга ҳам сажда қилганлар, — деди. — Сен эрсанг жаъми подшоҳларнинг подшоҳидурсан. Ўзингдан аввал ўтган подшоҳларнинг урф-одатига амал қилгин ва ўзинг каби худоларнинг ҳайкалларини ясашиб олгин.

Намруд бу сўзларни эшитиб, Торахни чорлади ва унга санамлар ясашни буюрди. Торах унга етмишта санам ясаб берди, ҳаммаси олтиндан ва ҳаммаси Намруднинг ўзига ўхшаган эрди. Подшоҳнинг бу ишидан бошқа одамлар (бошлиқлар) ҳам ўрнак олиб, ҳар қайсиси ўзининг ҳайкалини ясаб, уларга сажда қиладиган бўлди. Охируламр Намруд энг катта санамни ясабди. Ул санамнинг бўйи етти қулоч, эни икки қулоч бўлиб,

қизил олтиндан қуйилган эди. Кўзлари ёқутдан, кулоқлари зубаржаддан эрди. Санамнинг бошига жаҳоҳирлар билан мурассаъ этилган олтин тож кийдирилган эрди. Ул санамни Дил деб атадилар. Сўнг уни фил суягидан ясалган тахтга ўтказдилар. Алалхусус Намруд ҳаммага «Шул санамга қурбонлик келтиринглар», деб амр қилди. Одамлар қурбонлик келтирдилар. Барча одамлар бу ишдан ўрнак олиб, ўз санамларига сажда қила бошладилар.

Шул ишлар юз бергач, Намрудга осмондан нидо келдики:

— Бул санамларга сажда қилмагин, Иброҳимнинг худосига сажда қилгин! Бўлмаса ҳалок бўлурсан! — деб.

Намруд сўрадики:

— Иброҳим қимдур? — деб. Аммо бу саволга жавоб бўлмади.

\* \* \*

Вақтики етиб, Намруд ўз қасри қошоналарини завқ-шавқ бирла томоша қилиб юриб эди, ногаҳон осмондин нидо келди:

— Эй, Намруд! Қасру қошоналарингга кўп бино қўймагин, бошингга катта фалокат ёнлгуси. Иброҳим деган бир одам келиб, қасру қошоналарингни вайрон қилгуси. Ўшал чоғда сен Иброҳимни ва унинг худосини шарафлашинг учун бирор баҳона тополмагайсан!

Намруд бу сўзлардан кўрқиб кетди. Ўзининг кўрқинчини билдирмаслик учун шикорга чиқиб кетди.

Аммо шикор вақтида ҳам ўшал нидо уни тинч қўймади.

— Эй, Намруд! Шерлар ва филлар орасида ўзингни овутман деб, беҳуда овора бўлма. Бир уюм қурол-яроғларингга ҳам ишонма. Бошингга фалокат келганида аввало шу қурол-яроғлар сенга қарши қаратиладур!

Аммо, Намруд яна бир амаллаб кўрқинчини енгди ва уйига қайтиб келди. Бу ерда у санамларининг энг каттаси ёнига келиб, оёғига бош урди ва ундан сўради:

— Иброҳим дегани ким ўзи? Шунга айтиб бергин, эй санам?

Санам бундай жавоб қилди:

— Эй, Намруд, бошингга зўр фалокат келгуси! Агар Иброҳимга ва унинг худосига иймон келтирмасанг ул сенинг подшоҳлигингни ер билан яқсон этгуси.

Намруд санамга сизғиниб, етти юзта ҳўкиз, шунча қўй ва яна бошқа турли жонзотларни қурбонлик қилди.

Алқисса бир куни Намруд ўз қасрининг ҳовлисида тахтда ўтирганида осмондан иккита оқ кабутар тушиб, яқинига келдилар. Улардан бири Намрудга қараб, бу сўзни айтди:

— Сен ҳам, салтанатинг ҳам вайрон бўлажак! Биз сенга шунга билдириш учун келдик. Мен Машрик қушиман, биродарим Мағриб қушидир. Иброҳимнинг худоси сенга мадад бермас.

Алқисса Намруд ўз вазири Торахни қақиртириб, унга воқеани айтиб берди.

— Кўрқмагин! — деди Торах. — Ул нидо сенинг бойлигинг ва қудратингга ҳасад қилаётган жинларнинг ишидур.

Намруд (кўнгли тинчиб) уйкуга кетди. Аммо даҳшатли туш кўриб, чўчиб уйғониб кетди. Таъбирчиларни ўз хузурига чорлади ва тушини айтиб берди.

— Тушимда бир одамни кўрдим, манглайдан худди куёш чараклагандай нур таралиб турар. Ул одам икки қават оқ ятак кийган, қўлида гурзиси бор. Ул одам мени гурзиси билан бир уриб айтдики: «Эй, Намруд, Иброҳимнинг худосига иймон келтиргил, йўқса бошингни тожинг бирла мажақлайдурман!»

Ул одам шул сўзларни айтиб, ўнг кўзимни ўйиб олди. Мен «Ердам беринглар!» — деб қичқирдим, аммо кимса ёрдамга келмади. Ул одам яна айтдики: «Эй, Намруд, кўзинг ҳам, қалбинг ҳам кўрдур!» Шул сўзларни айтиб, ул мenden йироқлашди.

Таъбирчилар айдиларки:

— Эй, подшоҳи олам! Сиз кўп таом еганингиз ваҳҳидин шундай ёмон туш кўргандурсиз. Кўп таом еган ҳар кимса шундай тушлар кўрадур. Асло кўрқмагайсиз!

Аммо таъбирчилар шох саройидан ташқарига чиқиб, ўзларича айдиларки:

— Шохнинг бул туши ҳосиятсиздур. Подшоҳ ҳам, подшоҳлик ҳам вайрон бўлгуси.

Орадан бир қанча вақт ўтгач, Намруд махфили (караво-

тида ором олаётганида яна даҳшатли туш кўрди. Ул кўр-кинчдан уйғониб, барча аъёнларини чакирди:

— Бул кеча Торах тушимга кирибдур, ул хусусда ғалати ва гумони бир воқеа кўринди. Магар Торах менинг энг содик вазирим бўлмаса, уни адув (душман) чоғлар эрдим. Тушимда Торахнинг елкасини ям-яшил самбит ўсиб чиқибдур, шохлари ток новдасидай, бенихоя узайиб, мағрибу машрикни тутиб кетибдур. Менинг салтанатидидаги барча одамлар ўшал дарахта сажда қиладурлар. Хатто менинг саройим, тахтим, уйимдаги бор нарсалар ўшанга сажда қиладур.

Оз фурсат ўтгач, Намруд яна бир ғалати туш кўрди. Тушида бир одам ўнг қўлида Кўёшни, чап қўлида Ойни ушлаб турибдур. Ул одам Намрудга қараб:

— Арзу самолар (еру осмонлар) ҳукмдорига топингил!— деди. Сўнг ул Одам Намруднинг тахтини бир сикитган эрди, Намруд тахтидан кулаб тушди.

Икки кеча-кундуздан сўнг Намруд яна бир туш кўрди. У шу заҳоти салтанатидидаги жамъи олимларни ва муаббирлар — таъбирчиларни чакирди.

— Бул кеча ёмон туш кўрдим,— деди Намруд. — Аммо, энди тушимнинг чин маъносини айтиб бергайсизлар, алдасангиз ҳаммангизни арслонларнинг оёғи остига ташлагайман, ем бўлгайсизлар.

— Қандай туш кўрдингиз, эй, олампахо?— сўрашди олимлар.

— Бир ёруғ нур кўрдим, ул нур Кўёшдан-да, ойдан-да ёруғ-роқдур. Ушал нур соҳибжамол бир одамнинг чехрасидан таралур. Одамлар уни «Аллоҳ-таъоло сенга зафар берсин, сен келишинг билан дунё яшнаб кетсин!» деб дуо қилар эдилар. Кўрган тушим шул эрди.

Бу сўзларни эшитиб, таъбирчилар Намрудга жавоб бериш учун бир кеча-кундуз муҳлат сўрадилар.

Намруд рухсат этгач, таъбирчилар шу заҳоти вазир Торах хузурига бориб, подшоҳнинг тушини айтиб бердилар.

— Подшоҳимиз кўрган тушларининг ишоралари шулки, унинг яқин аъёнларидан бири ўғил кўражак ва ул гўдак улғайгач, отасини ўлдириб подшоҳликни тортиб олажак. Еш йигитнинг шон-шухрати мағрибу машриккача ёйилажак,— дедилар.

Торах бу сўзларни эшитиб, дарҳол Намруд хузурига борди ва тушларининг таъбирини айтиб берди.

Таъбирчилар ҳам келиб, яна айдиларки:

— Сенга завола келтирувчи йигитнинг қўлида қуроли ҳам, қўшини ҳам бўлмас.

Бу таъбирни эшитиб, Намруд хахолаб кулди ва айдики: — Ундай бўлса ҳеч кимдан кўркмасмен. Менинг энг яқин одамим эрса фарзандимдур.

Шул сўзларни айтиб, Намруд дарҳол ўз фарзандининг бошини чопишга фармон берди. Сўнг у салтанатидидаги барча хомиладор аёлларни рўйхатга олишга ва ҳар бири ўғил туғиши билан ўлдиришга, қиз туғилса қолдиришга амр қилди.

Алқисса, Намруд етти йил ичида юз минг чақалоқни ўлдиришни буюрди. Шундан сўнг у яна мунажжимларни чорлади ва:

— Қани айтинглар-чи, менинг душманим ўлиб кетдими, йўқми?— деб сўради.

— Шаханшоҳим,— дедилар мунажжимлар,— сизнинг душманингиз хали хомила бўлмаган.

Шундан сўнг Намруд болаларни ўлдиришни тўхтатди.

Аммо, кейинроқ, у кўркқанидан яна чақалоқларни оналарининг кўзи олдида ўлдиртира бошлади. Халқ орасида ох-фарёд, дол-фиғон кўкларга чиқиб, Аллоҳ-таъолонинг қулоғига етди. Ва-л-лоху акбар. Шундан сўнг Аллоҳ-таъоло фаришталарни чакириб, «Ер юзида менинг халилим Иброҳим туғилгуси», деб эълон қилди. Фаришталар эса бу хушxabарни бутун оламга ёйдилар.

## Иброҳим Халилуллоҳнинг таваллуди

Алқисса, вазир Торах бир куни хотинига мунажжимларнинг башоратини айтиб берди. Хотини (хижолатлик билан) айдики:

— Е, ҳожам, ёшим ўтиб қолган бўлса ҳам яна ой кўриб, ҳайз кела бошлади, нечун бундоғлиғига ақлим бовар қилмай-дур.

— Бу гапни ҳеч ким эшитмасун,— деди Торах.— Айникса подшоҳимизнинг қулоғига чалинмасин.

Бир куни Торахга осмондан нидо келди:

— Эй, Торах, билгилки, аёлинг вужудига яна ҳаётбахш қувват келди. Эмди сенинг хонадонингда наслингни давом эттирувчи кимса дунёга келур, у билан бирга нури илохий туғилур.

Шул заҳоти бир фаришта осмондан тушиб, айдики:

— Эй, Торах, уйингга боргил ва жуфти халолингни кучиб, сенга берилган амонатни қайтаргил.

Шул нидони эшитиши билан Торах уйига келди. Хотини қараса, эрининг манглайи узра нур гулчамбари балқиб турибдур.

— Осмондан бир нидо келиб, менга бир сирни айтди, манглаймдаги нури илохийни кўрдингму?— деб сўради у хотинидан.

— Бу ажибни кўриб, лол қолдим,— жавоб берди хотини.— Менда ҳам бир сийоат юз берди. Ешликдаги қувватим қайтаганга ўхшайдур.

Шундан Торах севиниб, санамларга қурбонлик, таом ва ичимлик ҳадя қилди. Аёли уни кидириб, санамлар ёнида топди. Торах уни кўриб, завки келиб, ўша ерда улар қовушдилар. Нури илохий шул заҳоти хотинининг манглайига ўтди. Шул лаҳзадан Иброҳим алайҳиссаломга хомиладор бўлдилар. Худди шу пайт Каъбан мушаррафа чайқалиб, тебраниб кетди ва тилга кириб:

— Ло-илоҳа-илла-лох! Аллоху аҳад, валлохус-самад!— деб хайқалди.

Каъбадаги санамларнинг бари меҳробларидан кулади. Паррандаю даррандалар ҳаяжонга тушиб, қанот қокиб, думларини ерга ура бошлади, Қоронғу осмонга Иброҳим алайҳиссалом юлдузи балқиб чикди ва Мағрибу Машрикни ёриштириб юборди.

Намруд ул юлдузни кўрди, мунажжимларини чакириб, бу сийоатнинг маъносини сўради.

— Эй, подшоҳимиз!— ушбу юлдуз сенинг салтанатингга завола келтирувчи бола дунёга келаётганидан далолатдир.

Бу хабарни эшитиб, Намруд яна сон-саноксиз чақалоқларни ўлдиртирди. Аммо Иброҳим алайҳиссалом она қорнида эсон-омон ўса бошлади.

Гумонасига тўрт ой бўлганида аёл туш кўрди. Тушида кўйлагининг этагидан олов, аланга чиқиб кўкка ўрлади ва бутун оламни чулғаб олди. Иброҳим алайҳиссалом она қорнида тўққиз ойлик бўлди; Намруд яна даҳшатли туш кўрди. Тушида ҳамма ёқни аланга ва тутун чулғаган, кўнги қасрига яқин келиб қолган эди. Намруд бу тушидан кўрқиб кетиб, навқарларини юбориб, барча янги туғилган чақалоқларни ўлдиришга, ҳар икки аёлдан бирини хомиладорни, йўқми — текширишга фармон берди. Навқарлар Торахнинг уйига ҳам келишди ва унинг хотини хомиладор эмасми, деб сўрашди. Хотини «Йўқ» деб жавоб берди. Аниқлашга уридилар, аммо Иброҳим алайҳиссалом она қорнида хали у тарафга, хали бу тарафга ўтиб, борлигини билдирмади. Аллоҳ таъоло уларнинг кўзини кўрмайдиган қилди.

Алқисса, пайгамбарининг фоний дунёга таваллуд соати етди. Осмондан фаришта ҳазрати Жаброил тушиб, аёлга буюрди:

— Менинг ортимдан юргил, сени нурафшон ғорга олиб борурмен, ҳазрати Идрис ва ҳазрати Нух шу ғорда туғилганлар,— деди.

Аёл ғорга кириб кўрдики, ўрин-тўшак, оппоқ чойшаб, хуллас, онанинг тўлағоғи учун не лозим эрса ҳаммаси муҳайё бўлубдур. Аллоҳ-таъоло онанинг тўлағоқ оғриқларини енгил қилди ва у ўғил кўрди. Бу воқеа жумъа куни, Мухаррам ойининг ўнничисида, Ашуро байрамга тўғри келди.

Ҳазрати Иброҳим онасининг қорнидан ерга тушиши бирлан оёқка туриб, қудратли овоз билан:

— Ло-илоҳа-илла-ллох!— деб қалима келтирди.

Сўнг ҳазрати Жаброил чақалоқнинг қиндигини кесиб, оппоқ йўрғақларга ўради. Ҳазрати Жаброилнинг нафаси бирла онанинг кўксига болдай лазиз сут келди. Она фарзандини қўлига олиб, эмиза бошлади. Аммо фарзанд онасини эммай, бармоғини сўрар эди. Гўдақнинг бир бармоғидан сут, бир бармоғидан асал, яна бирдан қаймоқ келур эрди.

Онаси бу холни кўриб, севинди (ва Намруд одамлари тафтишга келса, бу ерни билмасин, деб) уйига қайтиб кетди. Икки кундан сўнг келиб қараса, ғор оғзида ёввойи хайвонлар тўп-

ланиб турибдур. Онаси болани булар тилка-пора қилмадимкин, деб кўркиб кетди. Аммо, вориинг ичига киргач, кўрдик, гўдаги беланчақда ипак хуллаларга беланиб ётубдур, баданига мушк-анбар суртилган. «Болам соғ-саломат экан», деб кўнгли тичиб, уйга қайтиб кетди. Она ҳар уч кунда бир марта боланини кўргани келиб турди. Фақат бир лахза кўриб, яна қайтиб кетар эрди.

Иброҳим алайҳиссалом тўрт ёшга кирганида ҳазрати Жаброил келиб, унга жаннат либосларини кийдирди. Ёлғиз Аллох-таъолога иймон-эътиқод шарбатини ичирди, ёлғиз Аллохдан бошқа ҳеч қандай худо йўқлигини кўнглига солди, (Рабуғузийда; етти ёшида — М. М.)

Ҳазрати Жаброил қайтиб кетар экан, айдик:

— Эй, Иброҳим, энди ёрдан ташқарига чиқкил, Аллох сенга ҳамнаша ёр бўлсин!

Алқисса Иброҳим алайҳиссалом ёрдан ташқарига чиқди, кўлида темир гурзис бор эди. Ҳақ субхонаху ва таъоло айдик: «Биз Иброҳимга ер юзидан ва осмондан маъволарини кўргуздик, шул бонедан унинг бизга иймони қомилдур».

Коронгу тушганда осмонга ёруғ юлдуз чикди. Иброҳим «Менинг худойим шулкиман?» деб ўйлади. Аммо, юлдуз ботиб кетди. Иброҳим айдик: «Бул юлдуз менинг худойим эмас эркан, ул худо, бўлса ерга богмас эрди». Тонг отиб, Куёш чиккач, Иброҳим «Менинг худойим шулуру?» деб ўйлади. Аммо оқшом бўлиб, Куёш ҳам ботиб кетди. «Ул ҳам менинг худойим эмас эркан», дедилар.

Бир кун фаришта (Жаброил) келиб, айдик:

— Эй, Иброҳим, ортимдан юргил, сени отанг ва онанг уйига бошлаб борурман, Кўркмагил, у ерда ҳам сен Аллохга бўлган эътиқодингдай қайтмагилсан.

Уйларининг дарвозасига етиб келганларида фаришта айдик:

— Мана шу жойда отанг ва онанг яшайдур. Кириб, аларга салом берил!

Иброҳимни шу ерда қолдириб, фаришта осмонга учиб кетди.

Иброҳим уйига қадам қўйди. Ота, онаси кўрдиларки, фарзандлари офтобжаҳол бўлибдур. Онаси уни кучоклаб, айдик:

— Е, улуг Намруд! Шундай чиройли фарзанд берганинг учун сенга тасалотлар бўлсин!

Иброҳим айдик:

— Эй она, Намрудни ҳаргиз улуг демагил! Улуглик ёлғиз Аллохга яришур. Мени яратган, ундириб, ўстирган, химоя қилиб, ака-хуш берган ёлғиз Аллохдур...

Бу сўзларни эшитиб, отаси Торах кўркиб кетди ва хайкирди:

— Хой, тирмак, сенинг Намруддан бошқа улуг хожанг йўқдир. Ахир ул Мағриб ва Машрикнинг подшоҳдур!

Иброҳим алайҳиссалом айдик:

— Эй, ота! Менинг хожам ер билан осмонларни (ва Намрудни ҳам — М. М.) яратгандур. Оламда Аллохнинг тенги йўқдур!

Иброҳимнинг келганлиги хабарини эшитиб, унинг барча қариндош-уруғлари йиғилдилар, Иброҳимни Намруднинг қаҳр-ғазабидан химоя қилишга чоғландилар.

## Иброҳим алайҳиссаломнинг пайғамбарлиги

Вақтинки, Иброҳим Алайҳиссалом қирк ёшга тўлди, осмондин ҳазрати Жаброил тушиб, уни Аллох-таъолонинг фармонида оғоҳ қилди:

— Эй, Иброҳим, худойим сени Намруд-лаъни ҳузурига юбормоқда. Сен уни иймон-исломга даъват қилгил, ҳаргиз кўркмагил, ҳақ субхона ва таъоло доим сенга ёр бўлур ва ҳифзи-химоятига олур.

Шундан сўнг Иброҳим алайҳиссалом Намруди-лаъни касрининг дарвозаси олдига борди ва наъра тортиб, деди:

— Эй, одамлар! Менинг ортимдан такрорланглар: Ло-илоҳа-иллал-лох, Иброҳим расулиллох! (Яъни, Аллохдан ўзга илох йўқдур, Иброҳим унинг элчисидур!)

Намруд бул маҳобатли товушдан кўркиб кетди, вазирлари ва маслаҳатчиларини ўз ҳузурига чақирди. Уларга хавф-хатарга тайёр турунлар, деб буюрди. Сўнг найзабардор соқчиларини чақириб, «Келган ёвни қуршаб олинглар»— деди. Сўнг Намруд фармони бирла шерлар ва филлар келиб, унинг ўнг ва сўл тарафидан жой олдилар.

Шу ерда Иброҳим алайҳиссалом яна хайкирди:

— Эй, одамлар, менинг ортимдан такрорланглар: Ло-илоҳа-иллал-лох, Иброҳим расулиллох! Жамъий оламини яратган Аллохдан бошқа худо йўқдур.

Шундан сўнг вазирларининг баъзилари Иброҳимдан сўрадилар:

— Сен қимдурсан ва қимнинг одамидурсан?

Иброҳим алайҳиссалом жавоб берди:

— Мен Торах ўғли Иброҳимдурман. Бу ерга мени барча олам раҳбари юборди, Сизларни ўз худойимга сажда қилдур-гали келдим.

— Сенинг худойинг қимдур?— деб сўрашди вазирлар.

— Худойим бани башарни яратган зотдур.

Шундан сўнг Намруд айдик:

— Сенинг худойингдан кўра мен қаттарок раҳбардурман.

— Янглишурсан,— деди Иброҳим.— Қудрат ва ҳокимият барча олам раҳбари ёлғиз Аллохнингдур.

Бу сўзларни эшитган одамлар Намрудга айдилар:

— Эй, улуг подшоҳимиз! Бул ибобкорни ўтда ёқгил!

Намруднинг қаттақон темир ўчоғи бор эрди. Ул қимдан порози бўлиб, қаҳри келса ўшал бандани тутиб, темир ўчоқни қиздириб, оловга ташлатур эрди ва ул банда қуйиб қул бўлур эрди.

Намруд айдик:

— Тўғри маслаҳат бердингиз. Темир ўчоқни ёқинглар ва унга Иброҳимни ташланглар!

Хизматчилар шундай қилишди. Аммо Иброҳим ул ўчоқда ёнмади. Шундан сўнг Намруд қаттақон хандак қавлаб, у ерга жуда кўл ўтин тўпашини буюрди. Барча эркаклар, аёллар ва болаларга ўтин териб келинлар, деди. Улар тўрт йилгача ўтин териб келдилар. Сўнгра ўтинларни ёқдилар. Ул гулхан дуди тўрт юз қулоч банданга кўтарилди. Шу ердан учиб ўтаётган қушлар қуйиб, йиқилдилар. Алқисса Иброҳимни шул гулханга ташлаймиз деб уриндилар, аммо асло ул ўт яқинига келолмадилар.

Шундан сўнг Иблис ёрдамга келди. Иблис-лаъни нуруний бир чол қиёфасида келиб, оломондан нима қилаётганларини сўради. Оломон Иброҳимни ўтга ташлаш учун гулханга яқин боролмаямиз деди. Иблис маслаҳат бериб:

— Тош отатурган манжаник ясанглар. Ул нарсани қандоқ ясашни мен сизларга ўргатурман,— деди.

Намруд одамлари манжаник ясаб, Иброҳимни ечинтириб, қўл-оёғини боғлаб, гулханга отдилар. Иброҳим алайҳиссалом ҳақ-таъолога мурожаат қилиб: «Эй, худойим, зolimлардан ўзинг асра!»— деди.

Осмондан нидо келдики:

— Эй, олов, Иброҳимни ҳаргиз қуйдирмагил!— деб.

Иброҳим алайҳиссалом гулханга етиб боргунича, ўт ўчиб, гулзорга айланди. Ҳазрати Жаброил осмондан яшил оғоҳ бирла тушиб, келди. Ул жаннат либосларини келтириб, Иброҳим алайҳиссаломга кийдирди. Иброҳимнинг ўнг тарафига бекиёс гўзал бир малак, сўл тарафига яна бир гўзал малак келиб турди. Атрофига яна бошқа хуру, ғилмонлар келдилар. Бул манзарани кўрган Намруд таажжубланиб, аъёнларидан сўради:

— Биз гулханга бир кишини ташлабмидик ва ё кўпчиликни?

Аъёнлар жавоб бердиларки:

— Бир кишини ташлаб эдик, шекилли.

— Ундай бўлса Иброҳимнинг атрофидагилар қимлар эркан?

Аммо лол бўлиб қолган аъёнлар лом-мим дея олмадилар. Шундан сўнг Намруд:

— Иброҳимга бориб айтинглар, ўтдан чиқсун,— деди.

Иброҳим алайҳиссалом оловнинг ўртасидан соғ-саломат чикди.

— Сехрғар ва жодугар экансан,— деди Намруд.

— Бул ғаройибот сехр-жоду эрмас, балки Аллохнинг қудратидандур,— деди Иброҳим.

— Худойингга қарши уруш очурман ва уни ўлдирурман!— деди Намруд.

Сўнгра у икки ошиёни катта бир сандук ясаттурди. Сандукнинг икки қопқоғи бўлиб, бири осмон тарафдин, бири остки қисмидин очилур эрди. Шундан сўнг у хизматкорларига тўртта бакувват биргунг тутиб келишни ва уларга уч кун овқат бермай, оҷ қолдиришни буюрди. Сўнг у сандукнинг устига иккита узун найза ўрнатиб, найзаларга гўшт парчаларини илдириди. Бургутларни эса сандукнинг пастки пойига пишик чилвир билан боғлашни буюрди. Ниҳоят Намруд ёй ва ўқларни олиб, вазирни



билан сандук ичига тушди ва копкоғини беркитди. Боғланган бургутлар тепаларида осилиб турган гўштга интилиб, парвоз килдилар ва сандук осмонга кўтарила бошлади. Пича баландга парвоз қилишгач, Намруд вазирга буюрди:

— Сандукнинг пастки дарчасини очиб қарагил, Ер биздан қанчалик узоқлашганини кўргил!

Вазир дарчани очиб, пастга қаради ва:

— Ер юзи бир кишлокча кўринадур,— деди.

Сўнгра вазир сандукнинг устки дарчасини очиб кўрди ва:

— Осмон ўзгармаган, аввалгича турибдур,— деди.

Шундан сўнг вазир иккала дарчани беркитди.

Бургутлар эрса гўштга интилиб, осмонга тобора баландлаб, парвоз этишарди. Охири бургутлар ҳолдан тойиб, сандук билан бирга қулаб тушаёзган пайтда бир фаришта учиб келди. Намрудга қараб қичқирди.

— Эй, бадбахт Намруд! Осмонга не учун чикурсан?

Намруд жавоб берди:

— Мен Иброҳимнинг худосини учратиб, у бирла жанг қилмоқчиман. Осмон гумбазига яқинлашдимми?

Фаришта айдики:

— Ер билан энг паст осмоннинг ораси беш юз йиллик йўлдур. Етти қават осмон бордур. Ҳар бир осмон ораси беш юз йиллик йўлдур.

Бу сўзларни эшитиб, Намруднинг вазирини ҳушидан кетди ва сандукдан қулаб тушди. Намруд бир ўзи қолди. У қўлига камонини олиб, ўқлади ва осмонга қараб:

— Эй, Иброҳимнинг худоси, шу ўқ бирла сени ўлдирурман?— деб ҳайқирди.

Намруд шу сўзлар бирла осмонга ўқ отди.

Ривоят қилибдурларки, Намруд отган ўқ қонга бўялган ҳолда қайтиб тушган эркан. (Худонинг амри билан Намруд ўкига ҳазрати Жаброил наҳанг балиқни иншон қилган экан—М. М.)

Шундан сўнг Намруд:

— Мен Иброҳимнинг худосини ўлдирдим!— деб ҳайқирди.

Шул пайт ҳазрат Жаброил қанотининг бир пати бирла сандукни урган эди, сандук денгиз тўлкинларига қулаб тушди. Денгиз тўлкинлари сандукни соҳилга чиқариб ташлади. Сандук ичидан сочу-соқоллари тамоман оқариб кетган Намруд чиқиб келди. Сўнг у ниёда йўлга тушди. У шаҳардан бу шаҳарга ўтиб, бир куни кечаси Қусо-Раббий шаҳрига етиб келди. Тун қоронғулигида уйига кирди. Эрталаб, барча аъёнлар саройга келиб, соч-соқоли тамоман оқариб кетган Намрудни танимадилар. Ниҳоят, уни таниганларидан сўнг Иброҳим хузурига бориб, воқеани айтиб бердилар. Иброҳим алайҳиссалом Намруд хузурига келиб:

— Эй Намруд, худойимни кўрдунгми?— деб сўради.

— Мен худони ўлдурдим,— деди Намруд.

— Бухуда гапни айтмагил,— деди Иброҳим.— Худойим шу қадар қудратли ва улўғдурки, сен унинг пашшаси бирла ҳам уришолмасан.

— Майли, кўрамиз,— деди Намруд ва зўр бериб қўшин тўплай бошлади.

Шундан сўнг Аллоҳ-таъоло бир тўда пашшаларини Намрудга қарши жангга юборди. Еруосмонни пашша босиб кетди. Намруднинг қўшини пашшалардан қочиб, уйларга ва чодирларга беркинди; баъзилари олов ёқиб, улардан қутулишга уринди. Аммо пашшалардан қутулолмадилар. Ниҳоят, пашшалардан бири Намруднинг соқол-мўйлабига қўнди. Намруд пашшани уриб ўлдирмоқчи эди, ул Намруднинг бурнига кириб яширинди. Андин пашша Намруднинг миясига ўтди ва қонини сўриб, миясини чақа бошлади. Намруд бош оғриғидан уйқуси қочди, емак-ичмақдан қолди.

Алқисса, Намруд бош оғриғини енгиллатиш, пашшани қувиш учун ходимларига айтиб, бир болга яраттирди. Ҳамма вазиру уламолари келиб, галма-галдан болга бирла Намруднинг бошига урар эрдилар. Пашша эрса бунга парво қилмай, Намруднинг миясини баттарок чақар эрди. Намруд эрса каттикрок уринглар дер эди. Шул аснода қирқинчи куни бақувват бир вазири Намруднинг бошига болга бирла чунонам урган эрди, боши ёрилиб, тил тортмай асфаласофилинга кетди.

Намруди лаъин шундай жазосини олди. Худого хуш келмайдурган ёмон ишлари учун ҳақ субҳонаҳу ва таъоло унинг шаҳрига зилзила юбориб, қасру-айвонларини бир уюм харобага айланттирди. Намруд лаъинга хизмат қилганларнинг руҳларини ҳаргиз аямай, абадулабад дўзах азобларига гирифтор қилди.

Давоми бор.

## Тил сандиғи



**Ботил** — яроқсиз  
**Бақна** — қарам  
**Гудойиш** — бошқоронғи  
**Дамсар** — хўрсиниш  
**Етмак** — боқувчисиз  
**Евоқ** — паншаха

**Жўроп** — супурги  
**Ишти** — соққа, зўлدير  
**Илвиз** — ориқ, нимжон  
**Каллаки** — ёғоч (чўп) иморатларда синч остига қўйиладиган қурилиш материали, пойдевор  
**Лўвваки** — жаҳли тез, жаҳлдор  
**Мадон** — кийимхона  
**Маял** — бўш, ярадор  
**Ноҳина** — қайсар (эшакка нисбатан ишлатилади)  
**Отиқмол** — номдор, машҳур  
**Олтизмач** — ваъдабоз  
**Олакка** — сир сақламайдиган киши, бекбурд  
**Думма** — ғўзапоя  
**Порталкаш** — лаганбардор  
**Рўпиш** — бекорчи  
**Тиряк** — чойхўр  
**Тапик** — семиз  
**Талор** — ишқом  
**Чиртма** — вақтинчалик бошпана  
**Чашлив** — ғалвир  
**Қутиз** — қутурган.

Шариф Шерриев,  
Бухоро вилояти, Қорақўл ноҳияси

**Бузавоч** — мирзабоши  
**бажик** — қўзичоқ  
**бери** — палак  
**диндирди** — ўғирлади  
**ёстади** — урди  
**ёсмиқ** — паст бўйли жўхори  
**ёнгилимди** — хато қилди  
**ёдади** — чарчади  
**ётмиқ** — зварадан бўлган бола  
**жирпи** — енгилтак қиз  
**журра** — яхши ўсмаган  
**зиптирим** — ўта чаққон  
**зинч** — от  
**ич** — оғриқ  
**йилдирим** — чақмоқ  
**йилбўй** — ялпиз  
**йўвлиқ** — звара  
**каж** — ўжар, акс одам  
**калчик** — дудук  
**канич** — одим  
**маржи** — кучук  
**массиқ** — бемаза  
**сарироқ** — беланчак  
**сулгун** — қирғовул  
**тоқмоқ** — гапчи  
**такаллик** — қизил оёқ қуш  
**тапариниш** — қизик  
**таманчи** — ниначи  
**тўмазон** — қўнғиз  
**тонқа** — чой қайнатадиган идиш  
**тунг** — сув солинадиган идиш

Шомил Ҳасан,  
Хоразм вилояти, Кўшкўпир ноҳияси, Ғазовот қишлоғи

Тузатиш: Утган сондаги «Уюшган жиноятчилар, мафия ва унинг ҳомиёлари» номли сўхбатнинг 19-бетидеги 1-устун, пастдан 5-сатридаги «Т. Авлаёров беш марта судланган» деган жумла «Т. Авлаёров илгари судланмаган» деб ўқилсин.

## Юсуф Самад ўғли



# ЖАҚАТ ЖУНИ



Роман

Озарбойжон тилидан УСМОН ҚУЧҚОР таржимаси

Хонанинг эшиги очилиб, Заминанинг уйқули ва бироз жаҳлдор овози эшитилди:

— Ҳой, адаси, бу қандай бемаънилик? — Замина диққат билан соатга тикилди.

Бемор ортига ўгирилиб, ичкўйлақда, оёқяланг ҳолида остонада турган хотинига қараб, қоматини ростлади, имкони қадар тетик, хушчақчақ оҳангда:

Охири. Боши ўтган сонларда

— Хотин, кўз тегмасин, отдайман. Бутунлай соғайиб кетганга ўхшайман, — деди.

Замина бошини сарак-сарак қилганича секин эрига яқин келиб, кафтининг орқасини беморнинг пешонасига босди.

— Иссиғингиз йўқ, — деди у. — Қарасангиз-чи, соат неча бўлибди. Қани, дарҳол ётинг. — Замина эснади ва қўллари билан тўзиб кетган сочларини силаб, ўзини тартибга солган бўлди.

— Худо ҳаққи, — деди бемор, — сен бемалол ухлайвер, нари борса ярим соатлик ишим қолди. — У боши билан стол устидаги дафтарга ишора қилди. — Уқиб бўлишим биланоқ ётаман.

Шундай дея у хотинининг уйқули, бироқ ширин уйқудан сўнг тиниққан ол ёноқларига, йирик кўзларига, бодом қовоқларига, узун киприklarига, эғнидаги қора ичкўйлагига ва тўла-тўқ билакларига боқди, не сабабдандир ўз-ўзидан кўнгли тўлиб келди, бир оз эгилиб Заминанинг қўлини кафтлари орасига олди ва узундан-узоқ унинг кафтларидан ўпди. Аёл қўлининг ҳарорати томирларига, миясига, юрагига оқиб ўтди. Замина ҳам эрининг бошини силади, иккинчи қўли билан унинг оқара бошлаган сочларини тарар экан, эрининг боши хийла кичрайиб, болаларнинг боши каби бўлиб қолгандек туюлди. Замина:

— Сизнинг шу айёрлигингиз бўлмасайди, ўлай агар, нима қилишимни ўзим билардим, — деди. Бемор жилмайиб, хотинининг кўзларининг ич-ичига тикилди.

— Бўпти, — деди Замина. — Сиз айтганча бўла қолсин. Уқий қолинг. Бироқ узоқ ўтириб қолманг, жиллакурса, ўзингизга раҳмингиз келсин. — Шундай дея у эрининг юзидан ўпиб, қандай келган бўлса худди шундай — майин-майин юриб хонадан чиқди ва эшикни ортидан бекитди. У кетгандан сўнг хонада юмшоқ ва ёқимли бир ҳид қолди: гўё шу атрофда икки-уч дона ифори нозик гул очилгандек эди.

Бемор қайтиб оромкурсига чўқди, бурилиб, ҳар эҳтимолга қарши эшикка тикилди ва даҳлиздаги сукунатга қулоқ тутди. Заминанинг ҳақиқатан бориб ётганига имони комил бўлгандан кейингина эгилиб, оромкурсининг остига қўйган иккинчи сигаретини олиб тутатди.

«Қўлинда офтоба тутган Акоп олдинда, мен, эғнимда жун пўстин, бошимда бухори папоғ, унинг ортига тушдим ва икки-уч Акопнинг биринчи қабатдаги ойнаванд айвонига кириб бордик. Мен умримда Акопнинг уйинда бўлмағон, нафақат Акопникинда, бул маҳаллага кўчиб келганимдан буён бирон-бир кўшнининг уйига чиқмағон эрдим. Мундоқ бир мўъжазгина айвоннинг бул қадар саранжом-саришта бўлмағи, бу қадар кўп гул-ғиёҳ борлиғи етти ухлаб тушимга кирмағон эди. Акоп Мирзаяннинг айвонинда бамисоли фасли ёз эрди, деворларнинг бошдан-адоғинда, дераза рафларинда гулу чечаклар андоқ кўп эдиким, гўё жаннат гўшасига кириб қолдим десам, эинҳор ёнглишмайман. Офарин бул саранжомлик ва бул қадар диду фаросатга! Маним бул гулларга ҳайрат ила боқмағимни кўриб, Акоп бисёр мамнун бўлди ва эғнимдан пўстинимни ечиб оларкан, ҳа, Мирза, бунинг ҳам айрича лаззати борда, деди. Албатта, дедим мен, буни эпламак учун ҳам алоҳида қобилият лозимдир, ушмундоқ иш ҳар кимсанинг-да қўлиндан келавермағай. Бул айтгонларим Акопга ғоят зўр сурур бахш этди, ул пўстинимни деворга илиб, қўлимдан тутғони ҳолда мени иссиқ айвоннинг деворига тақаб қўйилғон оқ дастурхон ёзиғлик тўғарак устал қабатиндаги курсига ўтказди. Дарвоқе, мундин аввал ул хонадан бир ясси ёстиқ олиб чиқиб, юмшоқ бўлмағи ва мен ўзимни яхши ҳис этмағим учун бул ёстиқни курси устига қўйди... Худо ҳаққи, ҳой яхшилар, бул дунёнинг меҳвариндан чиқиб кетмағига йўл қўймайдирғон кўлаб сабаблардан бири, ҳеч шубҳасиз, бу дунёнинг мўъжизаларидир. Зеро, бул дунёнинг мўъжизалари бўлмағонда эрди, эҳтимол, тақдир бул кун мени Акоп Мирзаянга дуч қилмас эрди. Ул кимса менга андоқ жонфишонлиғ айлар эдиким, иш шул аснода давом қилса, шўрликнинг юрағи ёрилиб ўладирким, бошим балоларга қолғуси, деган хаёлда эрдим... Мени ўтқазиб кўп тавозеълар кўрсатғондан сўнг, айвон ўртасинда қўйилғон жавоннинг ортига ўтди ва ул тарафдин сувнинг шилдирағони эшитилди, мен анинг жўмракини ечиб, қўл ювғонни фаҳмладим. Шул борада ул андак саҳага йўл қўйғон эрди, ул аввало қўлини ювиб, андин сўнг маним пўстинимни олғони, қўл-

тиғимга кириб тавозеъ кўрсатғони мақбул эрди. Қўлларини ҳафсала ила ювиб-артғондин сўнг жавон ортиндан чиқиб, тагин бир дақиқа маъзур тутғайсан, деди, мен гул-ғиёҳларга боққан кўйи ани кута бошладим. Бир оздан сўнг Акоп жавон ортиндан патниса кўтариб чиқди, бул кун маним омадим келгон эрди, патниса турфа кўку кўкат, тавоқчада яхна этга ўхшаш бир нимарса ва бир шиша ароқ бор эди. Балки болалариндан бирининг таваллуд кунидир ва шул боис бисёр севинғондин мени ҳам меҳмон қилаётир, деган фикр кечди хаёлимдан. Бахайр, Акоп, буларнинг барчаси ненинг шарафиға, сўрдим мен. Сурштирмак на ҳожат, деди ул, на сенинг уйқунг келадир, на менинг, тонг эса ҳали олис, кел, бир армани ила бир муслмон ўлтириб тут арағиндин нўш этсинлар, савоб бўлади, сўнг ул тагин илова қилди: мундоқ кори хайр, шубҳасиз, бошимиз устиндаги яқнаю ағона оллоҳға ҳам хуш келадир. Мен мириқиб кулдим, жуда ажойиб фикр, дедим, бироқ этинг тўнғизнинг эти бўлса-чи? Умримда муслмон зоти олдиға тўнғиз эти қўйғон одам эмасмен, бузоқнинг тоза яхна эти, кўнглинг тўк бўлсин, дея Акоп оллоҳ номиға онт ичди. Яхши, дедим мен, бироқ ароқ шишасиға боқиб тагин бир оз саросимаға тушдим, мундоқ ажойиб ўлтиришдан сўнг бул шайтони ланнинг кайфи ошиб қолғоч, оғзиға келғони қайтармай, егон-ичғонимни бурниндан чиқармасму, деган иштибоҳға бордим. Чунки, ҳарҳолда, Акоп Мирзаян андоқ кишилар тоифасиндин эдиким, аларнинг совуниға кир юмағон маъқул эрди. Аммо энди маним туриб чиқиб кетмасми ҳам, шубҳасиз, одобдан эмас, маним шайнимға ярашмас эрди. Не бўлса — бўлди, жаҳаннамға, дедим кўнглимда, бул кун Салоҳонинг шотирлари қўлдиндан эсон-омон уйға қайтиб, хаста аёлимни соғ-саломат кўрдимким, мундоқ бахтиёр кунни хурсандлиғи ила яқунламак раводир. Акоп нонни ҳафсала ила бурдалаб, кўку кўкатларни жой-жойиға қўйғоч, олиб келғон икки санчқидан бирини сочиқ ила артиб менинг тавоғимға қўйди. Сўнг, Мирза, сен аввал ичиб, сўнг, таом ейсанми, ёхуд аввал ёб, сўнг ичасанми, деб сўради ва диққат ила юзимға тикилди. Хўш, ўзинг-чи, сўрдим ундин. Мен ярим истанон ичиб олмасам, бўғзимдан ҳеч нарса ўтмайди, деб жавоб қилди у. Мен ҳам худди сенинг каби, дедим мен, ичмасам бўғзимдан сув ҳам ўтмайди. Акоп ғоят хурсанд бўлди, ҳозир ёш болалар янглиғ ўрнидан санчиб туриб ўйинға тушмағони яхши эди, деган хаёлга бордим. Мен йил мобайнида кўпи ила бир ёки икки мартаба, унда ҳам кайфиятим кўтарғонда ичмағондан шўрликнинг хабари йўқ эди. Аммо ҳозир Акоп ила баробар ичаман, деган қарорға келдим, чунки армани, миллатининг яхши фазилатлариндин бири шулким, алар ғазабдан ўзини қўярға жой топмаса ёхуд бошиға бир мусибат тушса, бир икки қадаҳ ароқ ичмак ила асл ҳолиға қайтадир. Биз эса ҳаётнинг ушмундоқ савдоларинда, бориб назар қилғил, дуо ўқитғил, дея аёлимизни масжидға йўллаймиз... Акоп ҳамон тик турғон ҳолда ароқни очиб, иккимизға қўйғондин сўнг мендан ўтирмакка изн сўради. Мен унинг меҳмоннавозлиғиға мот-мааттал қолдим, бул не деганинг, ҳой, Акоп биродар, албатта ўтирғил, мен сенинг кўноғингмен, сен уй соҳибсан, иккимиз рўбарў ўлтироғимиз вожиб-ку, дедим. Акоп масрур бир ҳолда ўлтирди, маним санчқимни олиб, тавозеъ ила яхна бир бўлагиға санчиб, менинг тавоғимға қўйди. Сўнг бодасини кўтарди, ҳозир узундан-узоқ қадаҳ сўзи айтадур, деб ўйладим мен, чунки гуржулар каби узундан-узоқ қадаҳ сўзлари айтадирғон арманиларни бисёр кўриб эдим, аммо Акоп атғи икки-уч калима қадаҳ сўзи айтди, холос, Мирза, кел, шунинг учун ичайликким, энг ёмон кунимиз ушмундоқ бўлсин, деди. Худо ҳақи, бул сўзларни эшитғонда, алалхусус, Акопнинг оғзиндан эшитғонда ғоят мутаассир бўлдим, чунки ушбу замонда энг ақилли, фаросатли одамлар айтадирғон қадаҳ сўзи эди бул. Офарин, мингга кир, Акоп, дедим мен, сен ҳақиқатан ҳам ажойиб инсонсан, бағоят одамохун қўшнисан, мен сенинг, аёлингнинг, болаларингнинг соғлиғи учун ичаман, дедим, ул эса, ҳар тарозунинг ўз тоши бор, Мирза, бул қадаҳни мен айтғон сўзлар учун ичайлик, сўнг сен айтғонинг болалар соғлиғиға ичайлик, деди. Тут ароғи кўз ёш сингари тип-тиник, дарҳақиқат яхши қилинғон эди, мундоқ тоза ароқни мен ёшлиғимда, Тифлисидаги бур гуржу биродаримнинг уйинда ичғон эрдим. Акоп қадаҳни бир кўтарғонда бўшатди, мен атғи ярминни зўрға ичдим, чунки лаънати андоқ баланд эдиким, ичимға ўт кетғон каби бўлди. Дарҳол бир бурда нон, бир бўлак пилшоқ олиб едим, ҳали ўзимни ростлаб олғонча фурсат ўтмай, Акоп тагин қадаҳларимизни лиммо-лим қилиб тўлдирди, ичкилик борсинда зўрламак бўлмас, деди у, сен кўнглинға қараб ичавер-

гил, аммо мен бул кеча тўйиб ичмоғим керак, чунки икки кундирким, ароғим тугаб қолиб, оғзимға бир томчи ҳам олғоним йўқ эди ва шул боисдан ўзимни кўп ёмон ҳис этмакдамен... Шул ўринда мен бир нарсани қайд этиб ўтмак истаيمان. Акоп бизнинг тилда бесаводларға хос сўзлайдир, десам тўғри бўлмас, ҳарҳолда Мухтор Каримлидан ёмон сўзламас эди, хуллас, баъзи товушларни тўғри айта олмас ва ораға тез-тез «қаран, «энли» сўзларини тикиштирар, шул сабабдан ҳам унинг гаплари бир қадар кулгулик чиқар эрди. Бу ҳам менға завқ берар; мен тез-тез кулиб қўяр эдим... Иккинчи қадаҳларни мен айтғон сўзлар учун ичғондин сўнг бироз кайфим ортғонини, бошим айланмағини ҳис қилғонимдан сўнг яхна эт емакка киришдим, дарҳақиқат, эт тўнғизники эмас, балким бузоқ эти эди, унинг тузи, зиравори меъёринда бўлиб, сўнг пайтларда бул қадар тогли эт емағон эрдим. Акоп маним иштаҳа бирла эт емағини кўриб, ош бўлсин, деди ва тагин қадаҳларимизни тўлғазғондин сўнг, Мирза, сенинг олдинда мен юзи қароман, деди. Душманнинг юзи қаро бўлсин, нега бундай дейсан, дедим мен. Бир-икки дафъа сенға аччиқ гаплар айтғонмен, бул захри қотилни кўпроғ ичиб қўйғондин сўнг қуюшқондин чиқиб, тилимни тия олмайман, деди. Ҳой, Акоп, дедим мен, менға аччиқ-тазйиқ гаплар айтғонингни ҳеч эслай олмайдирман, ахир. Ростданми, сўради ул. Албатта рост, дедим мен. Шул ўринда Акоп хийла хаёлга чўмди, ул манглайини уқалаган ҳолда ненидир хотириға келтирмак истар эди. Унинг узоқ хаёл сурмағиға имкон бермай, рост айтмакдамен, сен билан биз кўришғонимизда зинҳор бир-биримизға хижиллиғ гап айтғон эмасмиз, дедим мен. Худо ҳақи, шул гапларинг чинми, деб сўради Акоп юзларимға тикилиб. Виждоним ҳақи, рост, дедим мен. Мен бул сўзларни айтғонимдан кейин Акоп бисёр севиңди, ранг-рўйиға қон югурди, қўлини қўлиға ишқаб, ким не деса деяверсин, Мирза, аммо мен сенға умримда ёмон сўз айта олмайман, чунки мен сени айрича ҳурмат қиламан, сен ҳовлимизнинг оқсоқолисен, қўшниллар ҳам сен учун қурбон бўлмакка ҳозирдирлар, деди. Сўнг маним бошимдаги бухори папоқча боқди, бул антиқа папоқ сенға жуда ярашғилки, ани қайдин олғонсан, деб сўради. Бунинг терисини менға атай Самарқанддан келтиришғон, папоқнинг ўзини эса, Базарнийда Аванес отлиғ кўп ажойиб қалпоқдўз бор, ўшал тиккан, дедим. Акопға баҳона топилди, қадаҳини кўтариб, кел, буну ўшал Аванеснинг соғлиғи учун ичайлик, модомики ул шундоқ папоқ тиккан экан, демак, дунёнинг энг яхши кишиларидин биридир, биз-ку бул жойда ишрат ила машғулмиз, ул шўрлик уйда ёлғиз ётгонди. Кел, унинг шарафиға ичайлик, мундин сўнг ҳам унинг жони соғ-саломат бўлсин ва ушмундоқ папоғларнинг кўп-ўпунни тиксин, чунки эркак кишининг кўрки папоғидир, папоғсиз кишининг жаҳаннамға кетғони яхшидир, деди. Ичдик. Бул учинчи қадаҳдан сўнг бошимнинг айланмоғи қолиб, кайфим тарқағон каби бўлди, мутлоқ хушёр тортидим, десам тўғри бўлмас, хуллас, андоқ меъёрға еттимким, ундан ортиқ кайфим ошмади, ҳамма нарсани туппа-тузук идрок этмак даражасинда эдим. Акоп ҳам бир оз танаффус қилиб, этинг ул ер-бул еридан чимдиб тотинғон бўлди, мен айвондаги гул-ғиёҳларга боқиб, кўнглимда Акопға таҳсинлар ўқидим, чунки қишнинг мундоқ бир палласинда мундоқ набототни томоша қилмак, дарҳақиқат, одамни беҳад масрур қўзимға бир қадар ўзгача кўринурсен, мабодо бетоб эмасмисен, деб сўради. Даставвал Акопға иштибоҳ ила боқдим, кўнглимдин, балки бул нокас ҳам мендан гап олмак истайдир, дегон фикр кечди, аммо Акопнинг хуморли кўй кўзларинға тикилар эканман, ғойибдан, мундоқ кўзларнинг соҳиби умринда доносбозлиғ қила олмағай ва ҳеч кимни ҳеч ерда сотмағай, деган бир сас келди кўнглимға. Дўстим Акоп, дедим мен, соғлиғим жуда яхши, десам ёлғон бўладир, чунки гоҳи-гоҳида юрагим санчадир ва уйқусизлиғ тинка-мадоримни қуритадир. Аммо гапнинг индаллоси бундаким, ишларим равон кетмаётир, охирғи вақтларда айрим нокаслар мани кўз очирғони қўймаслар. Акоп йирик панжасини усталға урди, қошлари уюлиб, кўзлари ғазаб ила қақнағон бир аҳволда, сен ул нокасларни менға кўрсат, қолғони менға тан, кекирдақларини узиб, оёқларинг остиға ташлайман, деди. Шул алпозда менға не бўлди, олло-таоло қолғон-қутғон ақлимдин ажратдим, ёхуд тут ароғи расвойи жаҳон қилиб, бору йўғ хушимдин айирдим, билмаймен, ҳар қалай бул кун бошимға тушғон воқеотни Акопға бирма-бир айтиб бердим. Энди, бул гапларни эшитғондин кейин, Акоп менға таскин-тасалли бермакка тушадир, ҳеч қўрқулик жойи йўқ, оллоҳнинг ка-



рами кенг, худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлиб кетадир, дея кўнглимни кўтарадир, деб ўйладим мен. Аммо Ақоп ҳеч нарса демади, қўлини чўзиб маним қўлимдан тутди ва ўпди, сўнг бошини устал устига қўйгон асно бола янглиғ хўнғир-хўнғир йиғламакка тушди. Мен ўзимни ғоятда йўқотиб қўйдим, бул шўрлик не учун бу кўйга тушди, ҳамма қусур меним ўзимдин ўтди, бўлар-бўлмас ҳар гапни айтиб, унинг кўнглини ўкситиб қўйдим. Секин қўлимни узантириб, унинг тилканак сочларини силадим, ҳой, Ақоп биродар, дедим мен, худо ҳаққи, бул гапларга парво қилмағил, ўзингни қўлга ол, билсам эрди, сенга ҳеч нарса демас эрдим, иншоолоҳ, ҳар иш ўз измига тушиб кетгусидир, кўриб турибсанким, соғ-саломат келиб ёнингда ўлтирибман. Бироздан сўнг Ақоп бошини кўтарди, кўз ёшларини артиб, ара, йиғламагимнинг боисини билурсанми, дея гап бошлади. Хўш, нега, сурадим мен. Сен боя ул воқеаларни менга гапиргонингда шўрлик ақам ёдимга тушди, деди у. Унинг ҳам оти Салах эди, худо раҳмат қилсин. Ақоп қадаҳини қўлига олди, кўрқиб-нейтиб юрмағил, Мирза, деди ул, тошдан бардош қаттиғ, сенга ҳеч кимса қўл теккиза олмағай, мабодо ҳол-жонингга қўймас бўлсалар, Масковга бир дилғиром жўната-мен, андин сўнг буларнинг ҳолига маймунлар йиғлайдир. Сенинг Саъди Афанди отинг бор, қайга борма, кўча-кўйда сенинг номингни тилга олгон асно ҳамма танийдир, ҳамма сенинг ҳақингга дуо қиладир, чунки сен кўп фақир-фуқароларнинг бошини силагансан. Мирза, деди сўнг ул, оллоҳ ҳеч кимнинг бошига ёмон кун солмасин, аммо бул чархи давроннинг ишларини билиб бўлмағай, ногоҳ бир кори ҳол рўй бергудек бўлса, зинҳор бир нарса эсингдан чиқмасин. Шунн унутмағилики, бул маскунда, ушбу ҳовлида сенинг биродардан ҳам ортиқроқ бир кўшнинг бор, унинг оти Ақопдир, фамилияси — Мирзаян. Биз сени Мирза деб атайдирмиз, маним фамилиям эса Мирзаяндир. Маним сендан фақат «я»нинг ортиқдир. Биз туғишгон биродарлар каби яқинмиз. Не дардинг бўлса, кўрқиб-нейтиб юрмағил, ортингда, мана, мен бор, наинки Салоҳов, нақ даж-ҳолининг ўзи бўлғонда ҳам кекирдагини узиб оёқларинг остига ташлаймен... Шул сонияда, яъни суҳбатимиз шул мақомга ет-гонда, Ақоп биродарининг оғзиндан чиққан бул сўнги сўзларини эшитғонда, англадимки, ё шўрликнинг кайфи ошиб қолди, ёхуд кайфи бениҳоя ошадиргон бир арафададир. Ақопнинг боғи хумор-хумор сузилгон кўй кўзлари энди андоқ ғазабнок боқардиким, уларда сокинлиғ ва хайрихоҳлиғдан асар-аломат ҳам қолмагон, гўё ҳозир унинг қўлига бир ёт кимса тушгудек бўлса, чиндан ҳам кекирдагини узиб оладир, деб ўйларди киши. Шул боисдан ҳам мен тараддудга тушиб қолдим, ҳатто, бир кўнглим, ўрнимдан туриб, хайр-мъзвор қилману ётғони уйимга кетаман, деб ўйладим, бироқ Ақоп биродарим маним бул фикримдан хабар топди шекилли, худо ҳаққи, сен кетмакка шошмағил, ҳали ул ерда тагин бир шиша ароғим бор, дея ҳовлидағи янглиғ эланиб-ёлвормакка бошлади. Йўқ, ошна, шул ўзи кифоятдир, дедим мен, мундин ортиғ ича олмайман, ичсам шул заҳоти йиқилиб ўлмагим тайин. Хўп, яхши, деди Ақоп, кел, унда ушбу қадаҳни шахсан сенинг соғлигинг учун ичайлик, оллоҳ сенга зоқс умр берсин, бутун душманларингни ер юзидан йўқ қилсин! Ичдик, бул дафъа ҳам Ақоп биродарим ўз қадаҳини охирига қадар кўтарди, мен эса тагин ярмини ичдим. Ёшлигимданок маним кайфли одамлардин аччиғим чиқар ва шул боисдан кайфим ошгани бир ҳолда аёллим ёнига бориб йиқилмакни раво билмас эдим. Бул фикрлар кўнглимдан кечди, албатта. Сўнг Ақоп биродарим менга, сен ҳикоя қилгон бул маҳзун воқеотдан сўнг сенга бир армани кўшиғи айтиб бермак истайман, бул кўшиқ «Сирун ахчик» деб аталадир, деди. Кўшиқ айтсанг, уйдагилар безовта бўладир, дедим мен. Мен кўшиқ айтғонда ҳеч бири уйғонмайди, чунки ўрганиб қолмишгон, деди Ақоп. Мабодо, хотиним ул-бул дейдиргон бўлса, Қорабоққа, отасиникига жўнатиб юбораман, деб илова қилди ул. Хўп, айта қол, дедим мен... Ақоп усталга тирсақ тираб, қўлини қўлогга орқасига қўйгон бир аллозда кўзларини юмғон кўйи аста-секин майин овоз ила кўшиқ айта бошлади.

Мен кўшиқ айтғонларни кўп кўргон эдим, Бокуда, Қорабоғда, Тифлисида не-не ажайиб хонандаларнинг кўшиқларини эшитгон эдим, мамнун ва осуда дамларимда уларни меҳмон ҳам қилгон эдим, аммо, Каломулло ҳақи, ҳали Ақоп каби кўшиқини учратмагон эдим. Ундан ҳам яхши айтадиргонлар ва мушиқани ундан-да яхши биладиргонлар йўқ эмас эди, албатта. Бироқ гап шундаким, аввало, бул қадар ёниб, бул қадар юракдан қайнаб чиққан овозни, дарҳақиқат, эшитмагон эдим, қо-

лаверса, одамнинг бағрини бул қадар ўртаб юборадиргон кўшиқ ҳам тингламагон эдим. Андоқ пажмурдаҳол бўлдимким, кўзларимга ёш тўлиб келди, ўзимни зўрға қўлга олдим. Ақопнинг кўшиғини тинглар эканмен, мундоқ кўшиқ зинҳор-базинҳор айш-ишратларда, тўй-тантаналарда дунёга келмағай, мундоқ кўшиқ фақат мусибатдан туғилғай, Ақоп бул кўшиқни ушбу ерда эмас, балки тоғ зирварларида қуйласа эди, худо ҳақи, тоғу тош сел бўлиб оқур эди, деб ўйладим мен. Ул кўшиқни туғатиб, кўзларини очиб менга тикилганда, мен ортиқ унинг юзига қарай олмадим. Мингга киргайсан, Ақоп, дедим мен, умрингда ёмонлиғ кўрмағайсан, мени бул дунёнинг ғам-ғуссаларидан халос этиб, кўнглимга андоқ таскин-тасалли солдинким, мундин сўнг эътиборан сени туғишгон биродарим деб биламен. Энди ўзинга ароқ суз, дедим мен, ул айтғонимни бажо келтирди, мен қадаҳимни кўтариб, ушбу қадаҳни сен ўқигон кўшиқ шарафига ичамен, ушбу гўзал хонадонингнинг чироғи зинҳор-базинҳор сўнмағай, дедим мен. Ақоп биродарим менин бул сўзларимдан бағоят мамнун бўлди, ҳатто бир қадар уялди: бироқ сўз айтмай ўрнимдан турди ва келиб маним юзимдан ўпди. Мен ҳам унинг юзидан ўпдим, сўнг, кеч бўлиб қолди, энди мен уйимга кета қолай, сен ҳам ухлагил, худо хоҳласа, эрталаб тагин кўришамакмиз, дедим мен. Ул пўстинимни тутди, мен кийиндим, Ақопни ҳовлига чиқмакка қўймадим, остонада қўл сиқишиб хайрлашдик ва бир-биримизга хайрли тунлар тилаб ажрашдик, ҳовлига чиққонимдан сўнг, бирпас тоза ҳаво олсам ёмон бўлмас, деган фикр кечди кўнглимдан. Худойим, нақадар ажайиб тун эди бу! Бергон кўннингга шукр, ушмундоқ кечага шукр, бул оппоқ қорға, бошим узра пар-пар шуъла сочғон бул ойға шукр. Минг қатла шукр!»

Бу сатрлардан сўнг кимдир учинчи дафтарнинг ўртасидан бир неча варағини юлиб олган эди, варақларнинг чоқлари ўрнида майда қоз парчалари қолган эди. Табиийки, буларни ё Саъди Афандининг ўзи юлган, ёки бу Салима хонимнинг иши эди. Салима хоним аллақандай мулоҳазалар иштибоҳи ила дафтарни тўлалиғича бермагани беморнинг ўзига ҳам аён эди. Бемор Салима хонимнинг упа-эликли юзини, ҳамма нарсага шубҳа билан боқадиган тим қора кўзларини, гоҳ қулиб, гоҳ йиғлайдиган хирилдоқ овозини эслади ва секин хўрсиниб қўйди. Бу учинчи дафтарнинг энг охирида ярим саҳифача ёзув бор эди. Бу ёзувни бемор атиги икки-уч дақиқа аввал икки марта ба-рин роса диққат билан ўқиб чиққан бўлса-да, ҳарчанд уринмасин, тайин бир маъни чиқара олмади, чунки бу қайдларнинг аввалги фикрлар билан ҳеч қандай мантикий алоқаси йўқ эди, ҳатто боя бемор, ўша совуқ, қорли йилнинг январ ойида балки асабий чарчокдан Саъди Афандининг эси кирди-чиқди бўлиб қолгандир, деган фикрга ҳам борган эди... Бемор соатга қарамай қўйди, шундоқ ҳам бу кеча режим дегани издан чиқиб кетган, ярим соат ортиқ ёки ярим соат кам ўтиришнинг ҳеч қанақанги аҳамияти йўқ эди. Замина ҳам ҳали-вери уйғонмаса керак, чунки туннинг бу маҳали — саҳар арафасининг уйқуси ғоят ширин бўлади. У тагин дафтарга эгилди, ўзи мантиқсиз, беморларга хос шуур ила ёзилган деб ҳисоблаган қайдларни ўқишга тутинди.

«...юзимга андоқ тикиладирким, ҳой яхшилар, жинни бўлиб қолмоғим тайин, деб ўйладим. Туклари тикрайгон, келбати ҳам улкан мушукдек келарди. Минг лаънат мундоқ замонга, бул маҳлук, отини боя Кирликир деб айтгон эди, менга андоқ ақли сўзлар айтдиким, қорнини қаший-қаший мени андоқ маънилардан огоҳ айладиким, бул маҳлук дарҳақиқат улкан ақл соҳиби эканлиғига менда ортиқ шубҳа қолмади. Гофил бўлмағил, деди ул, сен кабиларнинг уйини гофиллиғ вайрон қиладир, тагин сени Салоҳовнинг ёхуд Мухтор Каримлининг ҳузурига чақирсалар, сен зинҳор этагингни тутқизмағил, чунки сенинг бор мусибатларинг ҳали олдиндадир, жонингнинг ғамида бўл, бул фаранги доруси бор, Кирликир дорухона-нинг рақамини ҳам айтди, бориб ул дорудан мўл-кўл олғил, чунки ул сенга лозим бўлади. Сўнг ахлат қутилари орасинда гоҳ ул сори, гоҳ бул сори юрмакка бошлади, кейин бир кўзини юмиб, менга бир кўз ила боққан кўйи, ул ёзгон ёзиқларингни ҳам бир пинҳон жойга яшириғил, увол бўлмасин, вақт-соати етғонда рўёбга чиқаруллар, деди. Мен энди кўрқувни ул ёнга, бошим узра муаллақ тургон фалокатни бул ёнга қўйиб, Кирликир биродар, сен бир калламуш бўлғонинг ҳолда қандоқ қилиб бизнинг тилимизни бул қадар яхши билурсен ва бизнинг ахволимиздан бул қадар муфассал хабардорсен, деб сўрдим. Ул тагин қорнини қашигон кўйи, мен нафақат сенин тилингизда, балким жами тилларда сўзлай билурмен, чунки мен бул

мамлакатнинг энг кекса каламушидирмен ва яхши одамларга баҳоли қудрат ёрдам бермак ташвишидамен, зеро, яхши одамлар ўлиб кетурлар, ёмонлар эса узоқ яшайдирлар, деб жавоб қилди. Аммо таассуфким, деди ул, кўп яхши кимсалар мени кўрган асно ё чинкирми уйлари сори қочадирлар, ёхуд обқлари остига олиб тепкиламакка тушадилар, ёнингким маним айтгон сўзларимга ишонмайдирлар. Мендан кўрқиб-нетиб юрмайил, Кирликир биродар, дедим мен, умримда чумолига ҳам озор бергон одам эмасмен, чунки маним оллоҳнинг жами махлуқларига раҳмим келадир, боз устига, сенинг барча айтгонларингга ҳам ишонурмен. Бул сўзлар Кирликирға мақбул бўлди, бу дафъа ўнг кўзини юмиб, сўл кўзини очди, қизгимтир қорнини қашигон кўйи менга «боракалло», деди, сен ўлимдан кўрқмаслигин лозим, деб илова қилди ул, чунки одамнинг ўлгонидан кейингина ўлимдан кўрқмаслик лозимлигига имони комил бўладир. Бул сўзларни эшитгоним асно юрагимга наштар санчилгон каби бўлди, аёлим ила Салима қизим келди-турди кўзларим олдиға, Кирликир ҳам бир ўтли оқ чекди, ҳой, жаннатнинг фарзанди, деди ул, сен ўз жонингнинг гамида бўл, хотин, бола-чақа бир кунини кўриб кетадир, сен эртагаёқ фалон рақамли дорухонаға бориб, мен айтгон фаранги дорусиндан мўл-кўл ол, яқин орада сафаринг кўп олис жойларга тушадир, чунки, менинг билишимча, хуфия-хоналарда тагин бисёр гаплар бўлиб ўтгон ва аллақачон ҳамма ишинг ҳал этилгон. Сўнг ул гоят беодоблиг ила сўкинди ва «Будет сделано, товариш Салахов!», дея чинқирди. Шул асно маним қорнимға бир оғриқ кирди. Кирликир бошини кўтариб ойға боқди, мен ҳам ой сори тикилдим. Ой кичрайиб олма қадар бўлиб қолгон эдиким, мен ани юлдуз деб хаёл қилдим. Рости, қаттиг кўркувға тушдим. Энди мен кетадиргон бўлдим, деди Кирликир, чунки мени чорламақдалар. Саломат қолгил, деди ул ва мен калимаға оғиз очиб улгурмагон эдиким, ул ахлат қутилари орасиға кириб гоийб бўлди. Мен тагин кўкка тикилдим, бироқ бул дафъа ойни кўрмадим, кўк юзинда ҳар бири олмадай келадиргон йирик-йирик юлдузлар ёнмақда, ул юлдузлардан маним бошимға изгирин совуқ оқмақда ва бул совуқдан музлаб қолаёзгон эдим, дарҳол ортимға бурилиб, уйға сори равона бўлдим».

Вассалом. Бемор дафтарини ёпиб стол устига қўйди, кулдондан боя ярим чекиб ўчириб қўйган сигаретини олиб тутатди ва ютоқиб сўрди.

Тагин Салима хонимни эслади, унинг касалини не сабабдан дир Саъди Афандининг каламуш борасида ёзганлари билан боғламоқчи бўлди: энди ҳеч қандай шубҳаға ўрин йўқ эди, Бергманнинг Салима хонимнинг касаллиги ҳақида айтган мулоҳазаларини тагин бир бор хотиридан ўтказар экан, ҳақимнинг генетик фаразлари мутлақо тўғри эканлигига унинг яна бир қарра ишончи комил бўлди. Бемор руҳий нотўхислик ирсият билан боғлиқ эканлигини англади, у Саъди Афандига жуда ачиниб кетди, кундаликни ўқиб тугатгандан сўнг кўкрак қафасида улкан шиш каби бир оғир ўкинч пайдо бўлганини ҳис қилди: Тагин оромкурисидан туриб, дераза олдиға борди, олисда, уфқнинг шундоқ устида ярқираб турган ой гардишини томоша қилар экан, жилмайди, сўнг самоға боқди, ҳарчанд синчковлик билан тикилса-да, битта ҳам юлдузни кўрмади. Ортидаги қадимий соат тунги тўрт бўлганидан дарак бериб занг урди. Кўпдан бери тобланмагани учун соатнинг мурватлари бўшаб қолган эди, шу сабабдан ҳам хона сокинлигида занг товуши бўғиқ ва ваҳимали янгради.

\* \* \*

Эрталаб уйғонган бемор ўнг томонига қараб, хотини ўрнида йўқлигини кўрди, афтидан, у болаларни мактабга кузатиб қўйгач, ошхонада юв-йиғиштирга тушиб кетган бўлса керак. Чап қўлини узатиб, ғаладон устида турган соатини олиб қаради — ўн ярим бўлибди. Ўрнидан туриб, кеча каравот ёнидаги курсининг суянчигига улоқтирган халатини кийди ва хобхонадан чиқиб, ошхонаға ўтди. Замина ошхона столида ўтирганича бугунги газеталарни титкиларди, кулги овозини эшитиб бошини кўтарди ва уйқўли кўзлари билан ўзига тикилиб турган эрини кўрди.

— Ростини айтинг, сахар нечада ётдингиз? — сўради у.  
— Сен кетганидан сўнг йигирма минут ўтар-ўтмас ётдим.— Бемор ёлғонлади ва илгари юрди-да, пастак курсичани тагига тортиб, хотини билан юзма-юз ўтирди. Ошхонанинги ҳавоси тоза, ҳамишаги каби овқатнинг доғли ҳиди йўқ, афтидан, Замина деразани очиб, ошхонани шамоллатиб қўйган эди. Даз плитасида пастлаб ёнаётган ўт бир чеккасини ялаётган човғун жизиллаб турарди. Замина ўрнидан туриб, дераза ёнидаги музхона устидан думалоқ талинкани олиб келиб эрининг олдиға қўйди: талинкада кафтдек келадиган қатлама — бемор ҳар кун эрталаб ейдиган оддий қатлама бор эди. Касалга чалинганидан бери гўё меъдаси бир оз торайган каби унинг иштаҳаси бўғилиб қолган эди. Замина эрига бир стакан ширин чой қилиб берди ва тагин ўз жойига ўтирди. Бемор еб-ичиб бўлгач, газеталардан бирини кўтариб ҳожатхона томон юрди. Ишини биткизиб, кўл-юзини ювиб бўлгач, кўзгуга тикилди, кафтининг орқасини юзига тортиб, соқолни чамалаб кўрди, бугун қириш керак экану, эртага ола қоларман, деган қарорга келди у. Яхшилаб артингач, ваннадан чиқиб, меҳмонхонаға кирди. Кеча стол устида қолдирган дафтарларини у ер-бу еридан варақлаб, ора-сирасидан бир-икки жойини такрор ўқийди. Кирликир воқеасидан ҳам уч-тўрт жумла ўқигач, эснаб, бошини сарак-сарак қилди ва кўнглида: «ҳей аттанг, Саъди Афанди», де қўйди. Мана энди, уйқудан турганидан сўнг, ҳушёр пайтида, туннинг асабий чарчоқларидан кейин тиниққан шуурида шубҳали бир фикр пайдо бўлди: агар Каримли ушбу арафада, устига-устак, Саъди Афанди аҳволи руҳиясининг меъёрида бўлмаганлигидан хабар топиб қолса, Салима хонимнинг барча тахликалари ҳақ бўлиб чиқар эди. «Бу кундаликни ҳозирча, юбилей тантаналари ўтиб бўлмагунга қадар зинҳор кеч кимга кўрсатмаслик лозимлигини хотинимға тайинлаб қўйишим керак...» Бемор оромкурисига ўтириб, дафтарларни ҳафсала билан тартиб рақамига кўра устма-уст тахлади ва уларни пакекка солиб, пакетни ҳам ҳафсала билан қаттиқ сиқиб боғлади. Сўнг эшик томон бурилиб, баланд овозда деди:

— Замина, телефонни олиб кел!

Ошхонадан хотинининг овози эшитилди:

— Нима?

— Телефонни келтир менга!

Замина сими узун телефонни келтириб эрининг олдиға, стол устига қўйди, сўнг дераза олдиға бориб, дарчани очди, эри шоша-пиша ёқасини ўрай бошлаганини кўриб, деди:

— Кўрқманг, ҳеч нарса қилмайди. Кеча Марк Георгиевич энди ҳеч нарсадан кўрқмаса бўлаверади, хоналарни шамоллатиб туринг, деди. Худога шуқр.— У эрининг ёнига келиб, бир оз эгилган кўйи унинг юзидан ўпди. — Сиз ҳақимларнинг айтганига қулоқ солсайдингиз, аллақачон отдек бўлиб кетардингиз.— Сўнг эрининг тиззасидаги пакетга тикилди.— Ҳўш, Салима хоним ҳақида ҳам бирор нарса ёзилган эканми у ерда?

Бемор хотинининг юзига тикилиб жилмайди.

— Сен ҳозир танийдиган Салима хоним ҳақида ҳеч нарса йўқ,— деди у.— Етти ёшли Салима ҳақида ёзган, ўзиям ҳар икки гапининг бирида, менинг Салима қизим, деб ёзибди.

— Вой, шунақами? — Аёлнинг масрур кўзларида ўтинчли бир ғусса намоён бўлди, афтидан, Замина ҳам ҳозир ўзи танийдиган Салима хоним бир пайтлар дарҳақиқат Салима отли жажжи қизалоқ бўлганини англаб етган эди.

Замина хонадан чиқиб кетар экан, бемор сўраб қолди:

— Демак, соғайиб қолибман-да-а?

Замина орта ўгирилиб, бошини сарак-сарак қилди.

— Нима, тагин сигарет сўрамоқчимисиз?

— Ҳа... Атиги бир дон, эрталаб чексам ҳеч нарса қилмас!

— У-ф-ф! — Замина кўзларини ола-кула қилди.— Жудаям айёрсиз-да. Ҳа, майли.— У жавон ёнига бориб, халатининг кич-сасидан бир даста калит чиқарди ва жавоннинг ўрта эшигини очди. Қўлини ғаладоннинг тўрига тикиб, у ердан бир донга сигарет кутисини олди ва турган жойидан эрига кўрсатиб:— Бу энзе,— деди. Бемор «Малборо» сигаретини кўриб, роса севишиб кетди, чунки икки ой эдиким, камхаржликнинг уйи кўйсин, бундай сигаретларга зориқиб қолган эди.

— Қойил сенга, хотин!

У сигарет тутатди, Замина эшикни ёпиб чиқиб кетгач, бемор кўксини тўлдирган лаззатдан гўё ўзини кўкнинг еттинчи қаватида ҳис қилди. Тутунни ютоқиб тортиб, бир муддат нафас чиқармай турди, никотин, худди аъло коньяк каби, аввал аста-секин бошини айлантирди, сўнг мушакларини бўшатди ва бе-



мор дарҳақиқат бутунлай тузалиб кетганига ишонди. Инсон бахтиёр бўлмоғи учун у қадар кўп нарса лозим эмас, деб тўғри айтганлар. Кафтдек қатлама ё бўлмасам бир дона сигарет бўлса кифоя, шунинг ўзи дунёга татийди, сарин шамол эсиб, димликни ҳайдаб юборгани каби, гоҳо арзимаган бир нарса бутун дарду аламингни, асабий чарчоқларингни тарқатиб юборади.

Бемор телефонни олиб тиззасига қўйди ва Салима хонимнинг номерини терган куйи соатига қаради. Ун бирдан беш минут ўтган эди.

— Алло?— Салима хонимнинг уйқули, йўғон овози эшитилди, афтидан, унинг оғзида сигарет бор эди.

— Хайрли тонг, Салима хоним.

— Вой, раҳмат!— Салима хоним севинганидан қичқириб юборгудек бўлди.— Дорогой мой, ўқиб чиқдингми?

— Уқиб чиқдим, Салима хоним, зўр мамнуният билан ўқиб чиқдим, айтмоқчиманки...

— Эпикризни айтмоқчиманми?— Салима хоним унинг гапини қўққисдан кесиб қўйди, бемор унинг бу шошилнинг саволидан сўнг муросага ўтиш лозимлигини англади. Беморнинг кулгиси қистади, ўзини зўра босиб:

— Ҳа, хоним, Эпикризни айтяпман,— деди овозига жиддийлик бериб.

— Ну как?

— Нима десам экан, худо ҳақи... Жойи жаннатда бўлсин у кишининг, гўри нурга тўлсин... Сиз билан бир кўришасан яхши бўлар эди. Бир-икки жойини мен яхши тушунолмадим. Тўғрироғи, менга жиндай илова беришингизга тўғри келади... Уч-рашасамки, дегандим.

— Қаерда?

— Узингизга маълумки, ҳали-вери ҳақимлар мени уйдан чиқишга қўймайдилар. Сиз бизникига кела қолсангиз, деган эдим?

Салима хоним бир муддат сукутга кетди, негадир телефон дастагидан шамолнинг гувиллашига ўхшаш бир товуш эшитилди, бемор ажабланиб дераза томон боқди, йўқ, шамолдан асар ҳам йўқ, ҳаво осойишта эди, ногоҳ телефонда Салима хонимнинг хўнграб юборгани эшитилди. Бемор ўзини йўқотиб қўйди.

— Салима хоним, худо ҳақи асабийлашманг, илтимос қиламан.

— Кўрдингми,— деди Салима хоним,— шўрликнинг бошига не савдолар солишганини кўрдингми?— у қандай фавқулодда йиғлаган бўлса, шундай фавқулодда кулиб юборди.— Аммо энди Каримли бошини юз деворга урса ҳам, қўлидан ҳеч нарса келмайди.

— Албатта! Албатта!

— Бизникига келинг, дейсанми?

— Салима хоним, худо ҳақи, рост айтяпман, ҳеч нарсадан қўрқулик жойи йўқ. Бизнинг бинога ҳар куни келиб-кетадиганларнинг санаб адоғига етиш қийин. Кимнинг иши бор дейсиз, хоним, келинг, ачиқ чой ичиб бир ҳасратлашайлик. Нима дейсиз?

— Бўпти, ўзимни мундоқ бир тартибга солиб олай, кейин бораман.— Сўнг яна унинг дами ичига тушиб кетди...— Аёл киши ёши ўтган сари ғалати бўлиб қолар экан, минглаб кўз сенга тикилади, ясан-тусан қилмасанг бўлмайди. Дўст бор, душман бор.

— Албатта, албатта... Демак, сизни кутаман.

— Сўзсиз, бораман.

Салима хоним хайрлашмай қўққисдан дастакни қўйиб қўйди. Бемор бир муддат узук-юлуқ сигналларни тинглаб турди-да, сўнгра дастакни секин қўлоғидан олиб, аппаратнинг устига қўяр экан, кафтида ёқимсиз бир ҳароратни ҳис қилди: унинг кафти терлаган эди, бу тер бўлганда ҳам совуқ тер бўлиб, бундан бир неча ой аввал иссиғи кўтарилиб ётганида пешонасига тепчийдиган, баъзан эса аъзойи баданига сизиб чиқадиган ўша қуюқ, елим каби ёпишқоқ терга ўхшарди. Бемор шоша-пиша очик дарчага боқди, дарҳол халатининг тугмаларини қадаб ўрнидан турди ва жавон сари юрди. Балки Замина сигарет олиб бергач, жавонни қўлflashни унутиб қўйгандир, деган илнинжда эди у. Гумони тўғри чиқди: Замина жавоннинг эшигини қўлflashни унутган эди. Бемор шошганича ғаладонга қўл суқиб, «Малборо» сигаретидан икки дона олди, бирини кисасига солгач, қайтиб келиб ўрнига ўтирди, чекиб турган сигаретини кулдонга босиб ўчирди ва қолдигини халатининг нари-

ги чўнтагига солиб қўйди. Эшикка тикилган куйи янги сигарет тутатди, тутунни лаззат билан ичига тортган ҳам эдики, эшик очилиб, Замина кириб келди. У эрининг бармоқлари орасидаги сигаретга эътибор қилмади, столга яқинлашиб, кулдонга кўз қирини ташлади, бироқ, афтидан, ҳеч нарсага тушунмади. Бемор унга деди:

— Бирпасдан сўнг Салима хоним келади, чой-пой тайёрлаб қўй.

— Во-о-ой!— деди Замина норози оҳангда.— Тагин ҳол-жонимизга қўймас экан-да!

— На илож... Мен телефон қилиб, бировни жўнатинг, пакетни бериб юбораман, дедим, у эса, ҳозир ўзим етиб бораман, Заминани ҳам соғиниб қолдим, деди.

— Вой-вой, менинг у билан ўтирадиган ҳолим йўқ-ку. Нон ёпишим керак. Иккида болалар мактабдан келиб қолишади. Бемор:

— Бирпас ўтириб, сўнг ўз ишингни қилаверасан. У мен билан суҳбатлашмоқчи,— деди.

— Сизни ҳам минг мақомга солади,— деди Замина, сўнг нималарнидир ўйлаб, қўшимча қилди:— Эҳтиёт бўлинг, худо ҳақи, зинҳор асабийлашманг. Келиб бор-йўқ дардини тўкиб солади сизга. Фалон бўлди, пистон бўлди, Мухтор Каримли ундоқ деди, мундоқ деди, деб кўзингизни очирмайди.— Замина жиндай сукутдан сўнг давом этди,— болаларнинг ҳаққи-ҳурмати, ҳеч нарсага аралашманг. Узларининг интригалари, қўйинг, ўзлари ҳал қилишсин. Сизнинг бошингизга бир мусибат тушса, ҳеч ким келиб менинг болаларимдан ҳол сўрамайди.

Бемор ҳам таажубланган, ҳам бир оз асабийлашган ҳолда хотинининг юзига тикилди.

— Нималар деб алжираяпсан ўзи?— деди. Менинг бошимга қандай мусибат тушиши мумкин!..

Замина қўл силтади.

— Сизнинг ҳар нарсага асабийлашавишингизни мен истамайман. Энди тузалиб келяпсиз, уйда ўтириб, ўз жонингизнинг ғамини енг. Марк Георгиевич, ўзини эҳтиёт қилиши керак, деди.

Бемор гап мавзуини ўзгартириш лозимлигини пайқади, эрини севадиган ва унга ўз шахсий мулки каби қарайдиган бир аёлни оддий турмуш, бола-чақа, уй-рўзғор ташвишларидан ҳалос этиш учун ҳозирча асосли далиллар кашф қилинганча йўқ. Шунингдек, Заминанинг сўнги ойлари ичиде не-не ташвишлар чекканини эсдан чиқармаслик керак: шўрликнинг кўзлари остида кўм-кўк доғлар пайдо бўлди, қаттиқ асабийлашганида, безовта бўлганида қўллари ҳам титрай бошлайди.

— Марк Георгиевич тагин нима деди?— сўради бемор. — Нима деди! Худога шукр, ҳаммаси ўтиб кетди, деди. Ҳа-деб уйда ўтиравермасин, бир-икки кун иссиғини ўлчаб туринг, кўтарилмаса, секин-аста тоза ҳавога чиқсин, кўпроқ ҳаракат қилсин, деди.— Замина эрининг орқасига ўтиб, унинг бошини силади.— Сиз менинг айтганларимни қилсангиз, ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Бемор хотинининг қўлларини ушлаб, лабларига олиб келди ва тагин афтидан ўпди: димоғига пиез ҳиди урилди. Сўнг бошини буриб ҳамон орқасида жилмайиб тик турган Заминага бошдан оёқ разм солиб чиқиб:

— Унда, кел, яна бир яхшилик қил,— деди.

— Бош устига!

— Ҳалиги эски албомимизни олиб кел.

Замина китоб жавонларидан бирининг ёнига бориб, пастик ғаладонни очди ва каттакон, узун албомни олиб, халатининг энги билан алвон баҳмал юзидаги чангни артди-да, келтириб эрининг тиззасига қўйди. Сўнг хонадан чиқиб, ошхона томон кетди.

Беморнинг фикрича, кўҳна сувратларни, ўлиб кетган азизларнинг сувратларини албомларда, қутиларда ва бошқа пинҳон ерларда сақлаб, ҳар замонда уларни томоша қилишда, уйга келган меҳмонларга уларни кўрсатишда қандайдир бир ғайритабиийлик бор эди: инсон ҳаётни тарқ этгандан кейин бутунлай тарқ этиши, ўзидан сўнг унинг қиёфаси фақатгина хотираларда, овози эса тирикларнинг қўлоқлари остида янграб қолиши лозим, агар тириклар чой ичаётганида ёки овқат еяётганда марҳумларнинг сувратини худди турмушининг оддий ашёлари каби томоша қилсалар, ёхуд, энг ёмони марҳумларнинг ҳаётлик пайтларида ёзиб олинган овозларини эшитиб ўтирсалар, бу ўлимнинг муқаддаслигига пугур етказади, тириклар ва марҳумлар ўртасида пайдо бўлган замон ҳижратида инсоннинг энг қимматли ва нозик ҳисларини — соғинч ва ҳасратни-



ни аста-секин эритиб йўққа чиқаради... Бемор албумни варақлаб, ўз сувратларига, Заминанинг, болаларининг, қариндош-уруғлари ва бошқа таниш-билишларнинг сувратларига шошқин бир нигоҳ билан кўз қирини ташлаб борар экан, ниҳоят, Саъди Афандининг қоғози сарғайиб кетган эски сувратни топди. Бошида бухори папоқ, эғнида пўстин, бўйнида ингичка галстук ва тиззаси устига қўйган ўнг қўлининг номсиз бармоғида ярақлаб турган йирик марварид кўзли узук. Энг муҳими, кишига синчковлик билан тикилиб турган, бироз табассумли, бироз гуссали санъаткор, шоир кўзлари. Бу табассумли, ёқимли чеҳранинг оний бир лаҳзадаги ҳолати, неча йилларким, ўзгармай келмоқда ва бундан кейин ҳам, то қиёматга қадар шундоқ ўзгармай қолаверади: худди дунёнинг тоғлари, уммонлари ўзгармай қолгани каби, азалулабад муҳаббат ва нафрат ўзгармай қолгани каби... Бемор албумни бекитди, нечундир Саъди Афандининг кўзларини кўргандан сўнг ўртанди, шу қадар ўртаниб кетдики, янгидан сигарет чекмоқчи бўлди, аммо ўзини босиб олди: унинг эсига ғалати бир нарса тушди: бундан тахминан уч-тўрт кун аввал кечкурун соат ўн бирда уйқудори ичиб, уйқуга кетган эди, бир пайт кўққисдан уйғониб соатига қараса, ухлаганига ҳали ярим соат ҳам бўлгани йўқ. Доридан гир-гир айланиб турган боши тинимсиз гувиллар эди. У тушида кекса бир жониворни кўрган эди, на куш, на от, на ит, яъни ҳаётда минг марталаб учратадиган ва кўрган заҳоти қандай махлуқ эканлигини дарров ажратиб оладиган жониворларидан бири эмас, ниҳоятда ғайритабиий кекса бир жонивор тушига кирган эди. Бир пайтлар у, ҳали болалари жуда кичкина бўлган вақтларда, бозор кўни уларни ҳайвонот боғига олиб борган эди, у ерда дунёнинг ғалати-ғалати ҳайвонларини томоша қилган, улардан мириқиб кулган, ҳайратланган эдилар, бирок негедир қафасларнинг бири бўш эди. Бемор ҳайвонот боғи хизматчиларидан бирини тўхтатиб, йўғон силлари занг босган бу қафаснинг не сабабдан бўш ётганлиги билан қизиққан эди. Хизматчи бир сўзга ўн сўз билан жавоб берадиган одамлар тоифасидан бўлиб, қафаснинг бўшаб қолганлиги тарихини беморга узундан-узун ҳикоя қилиб берган эди. «Ағойни, мунда бир қари кўтир жонивор борийди. Воҳ, десам, кўрққанидан қапаснинг кунжагига бориб қисилайди. Овқот ҳам емаяди. Бир телва хотин борийди, ҳар кун келиб мунга овқот еғизайди. Худо урсин, ағойни, бу ҳайвон боянаги телва хотинни кўрганда бир қилиқ чиқардики, худди онасини кўриб қолди, дейсан. ... Хотин телва бўлганда ҳам ўтакетган телва эди! Қадди-қомати ёмонмасийди. Эшитган бўлсан керак, Жеби лаққа деган машҳур одам борийди, ўзи миллиардор, ёлғон айтганинг гуноҳи ўз бўйнига, гўё ўша бу хотинни ўйнаш қилиб олиб юрар экан, сўнг кетига тепган, бу эса шу кўйда телва бўлиб қолган, ман эшитганимни дейман-да, ёлғон айтганинг гуноҳи ўз бўйнига. Хуллас, ағойни, яқинда ўша хотин ўлди. Жонивор ҳам телва бўлиб қолди. Ҳеч нарса эмасдан, кечалари юлдузларга қараб улий бошлади. Қутирди-да! Бошимни оғиртиб юраманми, игна уриб ўлдирдик. Мундай ҳайвонни сақлаб бўладими, нима дединг?» Сўнг бемор Маҳмуд айтиб берган воқеани эслади, Зулфиқор ота ўлган кеча Темир тотор кўрган тушни хотирлади ва эҳтимол, менинг тушимга кирган бу жонивор Темир тотор айтган ўша жонивор бўлса керак, деб ўйлади.. йўқ, эртадан бошлаб тоза ҳавога чиқмас бўлмайди, кун бўйи курсига ўтириб, сигарет чеккан кўйи бўлмағур нарсаларни эслашдан кўра очиқ ҳавога чиқиб, хиёбонларни сайр этиш минг қарра авло! Одамнинг тушига ҳар хил жонивор ҳам киради, жин-ажина ҳам, уларни таъбирлаб эзилиб ўтиришдан не фойда? Худо ҳақи, кимда-ким икки боланинг соч-соқолига оқ тушган отаси ишу ташвишини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, уззу-кун уйда ўтирган кўйи тунда кўрган тушларини таъбирлаш билан машғул эканлигини эшитиб қолса, бу одам жинни бўлибди, деб ўйлади. Бемор стол устидаги албумни бир оз нари суриб, ҳеч нарсани ўйламаслик мақсадида эшик томон ўгирилиб қичқирди:

— Менга бир пивёла аччиқ чой келтир, ҳой хоним!  
Ошхонадан овоз келди:  
— Нима?  
— Чой, чой, чой!..

... Салима хоним келиб кетгандан сўнг хонада ҳам оғир атир ва упу-элик ҳиди қолди, ҳам қулоқларимиз остида унинг

хирқироқ, гоҳ қулиб, гоҳ йиғлаган овози. Биз хотин билан бир-биримизнинг юзимизга боқиб енгил нафас олдик, Замина «худога шукур» ҳам деб кўйди, сўнг стол устидаги стаканларни, мураббони ва кечадан қолган пирогни патнисга йиғар экан, илова қилди:

— Сизини-ку билмайман, аммо бу бизникига келиб кетгандан сўнг мен икки кун ўзимга келолмай юраман.  
— Қўявер, на илож,— дедим ва димоғим қичишиб, бир-икки марта чучкирдим. Салима хоним шунчалик кўп чеккан эдики, уни кузатиб қўйгандан кейин Замина жун рўмолининг менинг елкамга солди ва айвоннинг эшигини лаг очиб қўйди.  
— Йашамағур шунақанг ютоқиб тортадики!— Замина норози оҳангда гингшиди.— Аёл зоти шунақа сигарет чекадими? Уйда бемор бор ҳам демайди... На илож, келбатини кўрдингизми, сиз билан менга учта келади..

Мен очиқ деразадан ташқарига тикилдим, ҳаво сокин, қуёш чарақлаб турарди. Кўққисдан кўнглимга келган фикрдан ўзим ҳам сесканиб кетдим.

— Замина,— дедим мен,— шайтон дилимга, ётавермай туриб кийин, кун ҳам очилиб кетди, ҳовлига чиқиб, мундоқ тоза ҳаво ол, деб қутқу соляпти. Нима дейсан?

Замина патнисни стол устига қўйиб, юзимга тикилди:

— Қўйсангиз-чи ҳазилингизни!  
— Улай агар, рост айтялман. Уч кундан бери иссиғим ҳам йўқми? Йўқ. Марк Георгиевич сенга нима депдики? Уйда ўтирвермай, тоза ҳавога чиқсин, кўпроқ деразат илсин, демабмиди?

Замина бир муддат жилмайган кўйи ҳан нима деп олмай турди, сўнг столини айланиб ўтиб қаришимдаги курсига ўтирди ва менинг ҳақиқатан ҳам соғайиб кетганимга факат эндигина ишонган каби қўлларимни ушлаб қаттиқ-қаттиқ сиқди:

— Эй, худойим, ўзингга шукур!— дедим.— Аммо ярим соатдан ортиқ юрмайсиз. Бўптими?.. Мен ҳам айвондан қараб тураман.

Мен розилик ила бош силкидим. Замина дарҳол нариги хонага чиқиб, илгакка осилган костюмни, жун свитеримни олиб келди. Мен ҳам ўрнимдан туриб, халатимни ечдим ва шимимни, свитер ҳамда камзулимни кийиб, Замина билан бирга дахлизга чиқдим, кула-кула, севина-севина пойзабалимни кийдим, Замина илгакдан ёмғирпўшимни олиб елкамга тутди. Мен ҳали умримда Заминани бу қадар бахтиёр кўрмаган эдим. Менга шундай мулозимат қилардики, гўё мен ҳовлига сайр қилгани эмас, бир миллион пул топиб келгани кетаётган эдим.

Замина ортимдан кўча эшигини бекитган заҳоти билдимки, ҳозир у айвонга ўтади ва менинг зинапоялардан тушиб, бинонинг эшигидан ҳовлига чиқишимни кутади. Мен зиналардан аста-секин эҳтиёткорлик билан туша бошладим, чунки заифликдан тиззаларим титрар эди, кўпдан унутиб юборганим бинонинг ҳиди — чириган қарам ҳидига ўхшаш бир буй — узоқ танаффусдан, икки ойлик айрилиқдан сўнг тагин гул этиб димоғимга урилди, эътироф этишим кераки, ҳам янги, ҳам таниш бу туғилдан кўнглим ўлиб келди, чунки инсон ўз уйига, чирогига, каравотига қандай ўрганиб қолса, таниш ҳидларга ҳам шундай ўрганиб қолади. Учинчи қаватдаги дахлиз саҳнида бир кулранг мушукка кўзим тушди: у ҳам деворларни ҳидлай-ҳидлай, қулоқларини, думини динг қилганича пастга тушиб борар, афтидан, у ҳам мен сингари ҳовлига, тоза ҳаво олишга чиқаётган эди. Бирдан Саъди Афандининг Кирликири ёдимга тушди.

Бинонинг эшигидан ҳовлига чиққаним заҳоти бир-икки одим илгари юриб, юқорига қарадим ва бешинчи қаватнинг айвонига суянган кўйи севина-севина менга қўл силкиб турган Заминани кўрдим. Мен ҳам қўлимни ёмғирпўшимнинг киссасидан чиқариб, унга қўл силкидим, Замина пастга эгилиб:

— Урра!— дея қичқирди.

Мен ҳам қувонч билан унга жавоб қилдим:

— Урра!— Яхшики, ҳовлида бизнинг бу ғалати курамли-мизини эшитадиган ҳеч жонзот йўқ эди.— Уйга киргин, йўқса шамоллаб қолсан.

Замина тагин қичқирди:

— Кўп узоқ қолиб кетманг! Уйга чиқаётганда зиналардан секин-секин кўтарилинг!— Сўнг у қўли билан юрғини ишора қилди.

Хавотир олма, деган маънода бош силкидим. Замина айвондан ғойиб бўлиб, ичкари кириб кетгандан сўнг хийла вақт тик турганимча кўзларимни юшиб, юзимга тушаётган қуёш

шуълаларидан, ёноқларимни сийпалаётган сарин ҳаводан роҳатлар эканман, ҳеч нарса борасида ўйламасликка ҳаракат қилдим, ўзимни бутунлай қуёш ва сарин ҳаво ихтиёрига топширдим. Қуёш сут каби яна, ҳаводан эса асал ҳиди анқирди. Бироздан сўнг бошим айланганини ҳис қилдим, ё тавба, оллоҳнинг беиминнат ҳавосидан ҳам бегоналашиб кетган эдим. Кўзларимни очиб ҳовлини айлана бошладим, сўнг кекса тут тағидида ёзда уй бошқарувчиси томонидан яшилга бўялган, эндиликда эса ранги уникиб кетган ўриндиққа чўкдим. Чап томондаги томи ўпирилиб тушган ахлатхона ҳиди димоғимга урилди, бирпасдан сўнг бу ҳидга ҳам чўкдим: касалликдан сўнг вужудимда аста-секин шартли рефлекслар уйғониб келмоқда эди... Боя Салима хоним ҳам сигаретни сигаретга улаб чекар экан, шартли рефлекслар ҳақида маърузага ўхшаш алланарсаларни узоқ гапирди, мен ҳеч бирига тушунмаганим учун унинг гапини бўлиб, ёлғондакам бир исму шарифни айтдим ва ўшанинг китобидан бу гапларнинг ҳаммасини ўқиганман, дедим. Салима хоним бу машҳур олимнинг номини илк дафъа эшитиб турганидан бироз таажубга тушди, сумкачасини очиб, ён дафтарчасини чиқарди-да, ҳалиги олимнинг номини ёзиб қўйди ва менга миннатдорчилик билдирди... Замина биз билан бирпас ўтиргач, менга кўзини қисиб, болаларга овқат тайёрлашми керак, сизлар бемалол суҳбатлашаверинлар, мен ошхонага чиқа қолай, дея Салима хонимдан узр сўради. Замина хонадан чиқиб кетгач, мен Салима хонимдан Саъди Афанди ҳақида баъзи нарсаларни сўрашга тушдим. Дастлаб А. Г.нинг кимлиги билан қизиқдим. Бу борада мен ҳам аниқ бир гап айтолмайман, деди Салима хоним, чунки у пайларда мен кичкинтой қизалоқ эдим, ўша бахтиёр кунларда Юқори Тоғлик кўчасидаги уйимизга жуда кўп киши келиб-кетарди, кейинчалик барчасининг қадами кесилди, эҳтимол, А. Г. ҳам ўшаларнинг биридир. Сўнг менга тагин шу нарса маълум бўлдики, Саъди Афанди ёзган кундаликлардан атиги мана шу учта дафтар қолган экан, Салима хоним Қозоғистондан қайтиб келгач, узоқ-яқин барча қариндош-уруғлариникига бирма-бир кириб суриштирибди, бироқ ҳеч кимдан ҳеч нарса топа олмабди. Хўш, роман-чи?.. Салима хоним яна сигарет тутатди, эшикка ўғринча нигоҳ ташлаб олди-да, упа-эликли юзида икки қора тешикка ўхшаб турган кўзларини менга тиккан ҳолда овозини пасайтириб, «это секрет!», деди. Сўнг лабларини қимтиб қулди, гўштор, салқи ёноқлари титраб кетди, юзидаги упасининг майин куқуни қора нимчасининг олдига — кўкрагига тўкилди, у ён-верига олазарак қараб олгач, шаҳодат бармоғини лабларига босди: «С-с-с...» Унинг кўзлари тўлиб келди, шоша-пиша сумкачасини очиб, дастурмолини чиқарди-да, кўз-ёшлари киприкларидеги сурманни чаплаб юбормасин учун навбат ила кўзларини артди. «Эрта эмас, индин йўлга чиқаман, кетганда ҳам анча олисга кетяпман, агар бу сафар отам ёзган романининг қўлёзмасини топа олтмасам, ундан бир умр умидни узишга тўғри келади, чунки бошқа гумон қиладиган жойининг ўзи қолмади», деди у. Салима хонимнинг айтганидан бир иш чиқишига кўзим етмай қолди, ахир, мана, неча йиллардирки, мен бу роман ҳақида ҳар хил гаплар эшитардим, Салима хонимникига борганимда, у билан телефонда гаплашганларимда у ҳаминша ҳирқираб, асабийлаша-асабийлаша романин излаб юрганини айтар эди, бироқ ойлар, йиллар ўтиб борар, романдан эса ҳамон дарак йўқ эди... Саъди Афандининг кундалигини ўқиб чиққунга қадар, очиги, роман ҳақидаги бу гап-сўзлар эси кирди-чиқди бўлиб қолган, бутун дунёдан безган кинли-газабли бир аёлнинг навбатдаги хулёларидан бўлак нарса эмас, деган фикрда эдим. Бу йиллар мобайнида Салима хоним, Масковдан Фалончиев занг уриб, фалончиларга алоҳида топшириқ берди, бу топшириқдан сўнг Мухтор Қарилдининг ҳам, Салоҳовнинг ҳам ҳолига маймунлар йиғлайди ва ҳоказо-ҳоказо, дея камда юз марта такрорлаган эди... Аммо кеча Саъди Афандининг «мактаб» дафтарини ўқиб, ўртаниб кетган бўлсам-да, бу ўртаниш ҳисси ҳамон юрагимда бир парча чўғдек жимзилаб турарди, аяни пайтда эканлигим ҳам эдим: Саъди Афандининг сўнги романи бор қувончига амин бўлдим, агар унинг қўлёзмаси алғов-далғовларда, ўша мусибатли йилларда йўқолиб кетмаган бўлса, бу балки ҳам Салима хонимнинг, ҳам менинг сўнги севинчимиз бўлган бўлур эди. Шахсан мен учун бу сўнги роман — қаноти қирқилган умиднинг сўнги парвози демек эди. Ва эҳтимол, худди ана шу сўнги парвоз арафасида менинг албатта соғайишим лозим эди: шубҳам йўқ эдики, агар бу роман топилгудек бўлса, узоқ йиллардан сўнг

унинг илк ўқувчиси ўзим бўламан ва бу «ёзилғон ёзиқ» юзага чиққандан сўнг балки неча-неча кишининг тили танглайга ёпишиб қолади, не-не кишилар ўзини шабпаррак каби моғораларга уради. Кошки Салима хоним бу романи топа олсаиди: ахир инсон умр бўйи ютқизиб ўтиши мумкин эмас-ку, ҳеч бўлмаса бир марта унинг ошиғи олчи туриши керак-ку!.. Мен, Салима хоним ранжиб қолмасин, дея устомонлик билан кундаликдан ўқиганим Қирлиқир воқеасидан ҳам сўз очдим ва шу ўринда хаёлимга қелган тасодифий фикрни айтдим: афтидан, бу каламуш воқеаси ўша романининг бир парчаси бўлса керак, йўқса бу парчани сира изоҳлаб бўлмайди, дедим. Салима хоним бошини сарак-сарак қилиб, йўқ, мен бу фикрга қўшилмайман, деди... Сўнгра шундай бир ўтли оҳ чекдики, менинг этим жимирлаб кетди: э-воҳ, шўрлик, деди у, бошига тушган бу савдолардан кейин восвос бўлиб қолганга ўхшайди. «Бечора, бечора, отам!».

Мен ўриндиқдан турдим, энди бошим айланмасди, ёз тугагандан сўнг аста-секин хароботга айлана бошлаган ҳовлимизга разм солиб, тахта бўлақларини, занг босган темир қутиларни, ахлатхона эшиғи олдида уюм-уюм йиғилиб қолган картон қутиларни кўриб, негадир ҳовлимизнинг фарроши Қизхоним ёдимга тушди. Ажабо, анчадан бери на унинг ўзи кўринади, на овози эшитилади. Балки қазо қилгандир!.. Қазо қилган бўлса, гури нурга тўлсин, тирик юрган бўлса, мингга кирсин. Бироздан сўнг ҳаво аяниб, қуёшнинг равшан нурлари хира тортиди, кўк юзида ғалати-ғалати булутлар пайдо бўлиб, шимолдан совуқ шамол эса бошлади; мен дарҳол ёмғирпўшимнинг ёқасини кўтариб, қўлимни киссамга тиккан ҳам эдимки, шу пайт юқоридан Заминанинг овози янграб қолди:

— Энди уйга чиқинг, шунча юрганингиз бас! — Замина айвонда ёлғиз эмас эди. Мактабдан қайтган болаларим унинг ёнида туриб олиб, қичқирганларича менга қўл силкирдилар. Етказган кунингга шуқр, худойим!..

...Кундуз кунини ухлашнинг, хусусан, саримсоқли қатиқ билан чўпон қайнатмасини ичганидан сўнг — отасига раҳмат Маҳмуднинг, бундан икки кун аввал-яна бир қўй сўйиб жўнатган эди — топ-тоза кўрпа-тўшакка кириб, кундузи ухлашнинг роҳатига не етсин! Гарчи хотиним, кундузлари ухламасликка ҳаракат қилин, йўқса кечаси иккигача ўтириб қиқасиз, уйқунгиз келмайди, шунинг учун нуқул уйқудори ичасиз, эрталаб бошингиз оғриб турсиз, нима деганингизни ҳам мундоқ тушушни бўлмайди, уйқудорининг касофатидан кунбўйи бангига ўхшаб юрасиз, деса-да, барибир ҳар куни соат уч-уч яримларда кўрпа остига кириб, бир-бир ярим соат мизғиб олишининг савобига етадиган нарса йўқ. Мен кундузлари жуда тинч ухлайман, ҳатто туш ҳам кўрмайман, кундузи ухласам, уйғонгач, эшик-деразага маҳзун-маҳзун тикилмайман: кундузлари вақтнинг муттасил оқидамида ҳамма нарса, жўмрақдан оққан сув каби, деразадан тушган шуъла каби жуда жўн кўринади, инсонни безовта қиладиган жуда кўп муаммолар гўё хонанинг бурчак-бурчакларига, жавоннинг, шифонернинг ортига яшириниб, даминин чиқармай туради. Энг муҳими, кундузлари одам ҳали қечқурунча анча борлигини, тунини сирли, оғир ва безовта ҳукморлиги ҳали узоқ эканлигини билиб туради, шунинг учун ҳам кундузининг масрур имтиёзларидан хоҳлаганича фойдалана олади. Тун эса ўзининг муаммоли саволлари билан кўринмас жаллод каби бошинг узра ҳозир бўлганида, сен эса ухлай олмай, бедорлик билан олишиб чиққанингда, уйқудори ичмай қиқасан?.. Уйқунг келавермаса, Грингор арманининг ароғидан ярим стакан отиб олсанг, тўшакка узала тушиб эрталабгача баҳузур ётсан, дегувчи эди Маҳмуд, афсуски, бунга ҳақимлар ижозат бермайдилар. Хотин ҳам тут ароқларини шунақанг жойларга бекитиб ташлаганики, минатоғлик билан ахтарсанг ҳам топа олмайсан. Яхшиямки, ҳар икки-уч кунда бир қадах коньяк ичишга рухсат беради. Эшик очилиб, Заминанинг боши кўринди:

— Ухлаб қолмасликка ҳаракат қилин. Истасангиз, аччиқ чой келтириб берай.— У, афтидан, менинг уйқули кўзларимни, ҳадеб эснайверганимни кўриб кулиб юборди.— Майли, ёта қолинг! Тузалиб қолганга ўхшайсиз.

Мен унга кўз қисдим.

— Аммо узоқ ётишингизга қўймайман. Бир соатдан сўнг уйғотаман, эшитяписизми? — деди ва эшикни ёпди.

Мен булутлар орасидан тирқиш топиб, деразадан ичкарига қиялаб тўшаётган қуёш шуълаларида майда ҳашаротлар каби учиб юрган чанг заррачаларига тикилдим, шу пайт қулоқларим остида учиб кетаётган қушнинг шувиллашига ўхшаш бир



сас пайдо бўлди: гўё эндигина тайёрадан тушгандим-у, оёқларимни ерга босишим билан том битган қулоқларим очилиб кетгандек эди — боядан бери миямда ғувиллаётган товуш тиниб қолди. Узоқ давом этган касалликдан сўнг — бу жумлани ижод этган кимсага офарин — илк дафъа ҳовлига тушиб тоза ҳаво олганим, кейин эса уйга чиқиб, бир коса чўпон қайнатмасини зўр иштаҳа билан ичганим сабабли кўрғошиндай оғирлашиб қолган эдим ва бу ланжлик мени уйқу деб аталадиган қудуқнинг энг тубига олиб кетаётганини англадим. Кўзларимни юмдимми ёки очик қолдимми — буниси эсимда йўқ.

Дард ҳам оғриқ каби бир келса ботмонлаб келади, синглим!..

Ишғол этилган қалъада қон дарёдек оқарди.

Тун оғиб, юлдузлар шуъласи уфқнинг алвон ранги ила қоршиб кетган бир маҳалда қўналга сассиз-садосиз тараддудга тушган эди: ўрмонда бошини панжаларига қўйиб мизғилётган бури ҳам ўрда ўрнидан қўзғалиб, юриш бошлаганидан бехабар қолди. Қари бўри йирик-йирик сариқ япроқларни туш кўрарди, бу йирик сариқ япроқлар орасидан унинг кўзларига оппоқ сочларига ўхшаш муссафо, илқ кўёш нурлари тушарди: кўёш нурларининг ҳам оппоқ сочлар атрига ўхшаш ифори бор эди, ухлаб ётган бўрининг юраги ҳасрат билан ура бошлади.

Бундай бир мамлакатнинг қалъасини эгаллаш нима бўпти?..

Хожа Анвар ишғол этилган қалъанинг оппоқ соқолли, пахлавонкелбат хониға мансуб бўлган ҳашамдор юз хонали саройидаги деворлари мино ва тилла суви билан безатилган, каттакон дезазаларига нақшлар солинган дабдабали хоналаридан бирига кириб, оёқларини минг машаққат билан судрай-судрай, ўзини зарбоф баҳмал болишларга ташлади: тунда бошланчи, тонг отганда ниҳоясига етган жанг, гарчи ҳукмдорнинг қўшини учун жуда осон ғалаба ила якунланган бўлса-да, бедорлик ва туманли рутубат унинг оғриқларини кўзитиб юборган эди. Хонни қатл қилишгандан кейин, оппоқ соқолли бошини найзага санчиб сарбозларнинг от мишанасига ўхшаш ҳайқириқлари остида баланд бир тепаликка қадаб қўйишгандан сўнг, ҳукмдор атрофдаги қишлоқларга ўт қўйишни амр этган, қасабаларга ўт қўйилгач, кўчага отилиб чиққанлар — кексалар, гўдаклар бирма-бир қиличдан ўтказилиб, қирғин қилингандан сўнг, ҳукмдор хожа Анварга, бор энди, бемалол ором олиб, тарёкинги чекавер, деган эди. Хожа Анвар бурни ва кўзларини ачиштираётган қуюқ тутундан бўғилганича йўталган кўйи эгилиб, ҳукмдорнинг кўм-кўк томилрлари қавариб чиққан қўлидан ўлган эди. У орқасида янграётган ўрқо-ур шовқинларни тинглаганича Мафрибдан Машриққа қадар улкан устунлар янглиғ ерзу сомога ўрлаб чиқаётган қоп-қора тутунларга қарай-қарай сарой томон юрар экан, кўнглида бу адолатли ғалаба учун ҳам ўз номидан, ҳам ҳукмдор номидан тангрига ташаккур билдирган эди. Хоннинг бошини танидан жудо қилишгач, биринчи бўлиб хожа Анвар олдинга чиқиб, қизил либосли новча мушакдор жаллод оёқлари остида, кузнинг сарғимтир майсалари орасида ётган соқоли оппоқ, юзларига қон сачраган бошни мурдор қилди. Сўнг сарқарда ва сарбозлар кула-кула, қийқири-қийқири ўртага чиқиб, навбат билан хожа Анварнинг қилмишини такрорладилар. Ундан сўнг қайсибир бир сарқарда саройнинг хилват хоналаридан топиб чиққан хоннинг катта хотинини, ҳукмдорнинг амри ила, Содиқ биркўз отлиг қиличнинг бир ҳамласи билан одамни иккига бўлиб юборадиган бақувват сарбозга бердилар. Содиқ биркўз айғир каби қийқириб, аёлнинг узун сочларини ўнг билалига ўрганича тепаликлардан бирининг ёнбағридаги бутазорга судраб кетди... Худойим, сен менинг умримдан кесиб, ҳукмдоримнинг умрига қўшгайсан!.. Хожа Анвар ёнбошлади, юмшоқ ва сарин духоба ёстиққа юз босди, икки марта ютоқиб-ютоқиб сўрган чилимини ёнига, гилам устига қўйди. Тарёкиннинг кейфи миясидан оёқлари томон оқди, аввалига оғриқ роса ружу қилди, сўнг аста-секин босила бошлади, хожа Анвар гўё юксак тоғ тепасига чиқиб қолгандек, ўт-алангандан, ҳатто кўникиб қолгани қон хидидан халос бўлиб, қандайдир инс-жинслар қадами етмайдиган бир ажойиб гўшага тушиб қолгандек ҳис қилди ўзини, шундай ютоқиб нафас олдики, кўзлари чақнаб кетди. Зеро, худованди қарим унинг ҳукмдорини қора безгакнинг чанғалидан эсон-омон олиб чиққан экан, ҳукмдор ушбу қалъани шу қадр осонлик билан ишғол этишини

раво кўриб, унинг ҳирсу ғазабини қондирган экан ва ниҳоят, бу буюк шодиёна кунларда хожа Анварнинг ҳам азоб-ағриқларини бир қадар босган экан, демак, кеча кечқурун анави қари қарганинг — мияси алжиб, бурнидан нарини кўрмай қолган сарой мунажжимининг уйдирмалари беҳуда экан-да! Кеча, юриш бошланшидан олдин, ҳукмдор сарқардалари билан охириги машваратни ўтказиб бўлгандан кейин, ўша қари қарга изн сўраб, ҳукмдорнинг чодирига кириб келган ва орқага қайтишимиз лозим, юлдузларнинг вазияти фалокатдан хабар бермоқда, деган эди. Агар мунажжимнинг ёши бир жойга бори қолмаганида, агар боши қалтираб, киприклари пирпираб турмаганида эди, эҳтимол, ҳукмдорнинг ўзи қиличини суғуриб унинг бошини танидан жудо қилган бўлур эди. Аммо ҳукмдорнинг мунажжимга раҳми келди, унга яқин борди-да, қўл чўзиб сийрак соқолидан бир тутамини шарт юлиб олди, мунажжимнинг иягидан томчи-томчи қон думалади... Хожа Анвар жилмайди, чунки шу воқеадан сўнг мунажжим юм-юм йиғлаган, унинг бу ҳолати ҳукмдорга шу қадар лажзат берган эдики, у қўлларини белига тираган кўйи роса мириқиб кулган эди... Хожа Анвар ташқарида давом этаётган талон-тарож дастидан кўкка ўрлаётган оҳ-фарёдларни бу хилват гўшада ҳам эшитиб ўлтирар эди, аммо саройнинг қалин тош деворлари қоршиб кетган ҳайқириқ, оҳ-воҳ, йиғи-сиғи садоларини бир қадр тўсар, бу садолар хожа Анвар чўзилган кўйи хуморини босаётган сарой гўшасига қудуқдан чиқаётган акс сўна янглиғ бўғиқ эшитилар эди. Хожа Анвар кўз очиб ҳукмдорини таниган кундан бери кўёш шуъласига, изғирини совуқча, жазирамма иссиқча кўникиб қолгани каби, ҳар сафарги юришдан, ҳар галги ғалабадан сўнг кўкка ўрлайдиган бу нола-фарёдларга ҳам кўникиб қолган эди. Фақат хожа Анвар кўника олмаган бир нарса — бу кейинги икки йилда орттирган, худо юборган жазо янглиғ чидаб бўлмайдиган оғриқлар эди: кейинги вақтларда у кечалари ўликдек қотиб ухлашдан олдин кичкина қумуш қутичани ёстигининг ёнига, қўлининг остига қўйиб қўяр, узун, сархонаси катта чилимини эса, она боласини қўчиб ётгани каби, бағрига босиб ётар эди... Хожа Анвар тагин қўл чўзиб чилимини олди-да, дўрдоқ лаблари орасига қўйиб, узундан-узоқ ютоқиб тортиди ва ҳозирча, балки кечқурунгача шу чекишининг ўзи етар, деб ўйлади, чунки оғриқлари босилган, хира кўзларига тагин нур қайтиб, қорачиқлари чақнай бошлаган, ана-мана тўхтаб қолаётгандек туюлган юрак уриши тагин маъёрига тушган эди. Этказган кунингга шукр, улғу тангрим! Хожа Анвар бу дардига бир чора топмаса, кечқурун бўладиган иккинчи қатл маросимига иштирок эта олмасди: бундан бир неча кун аввал қалъадан чиқиб, ҳукмдорнинг ҳузурига келган ва ўзлари билан жуда муҳим маълумотлар келтирган икки сарой шоирининг талай инъом-эҳсонлардан, олтин-қумушлардан воз кечиб, эвазига ҳукмдордан талаб қилганлари қатл маросимининг муддати етиб келган эди. Бугун оқшом, кунботар пайтда ҳукмдор иштирокида ва бутун халқнинг кўз олдида ушбу мамлакатнинг буюк шоири қатл этилиб, унинг боши ана шу икки шоирга берилиши керак эди. Бунга ҳукмдор аллақачон рози бўлган, дарвоқе, у ҳеч қачон берган ваъдасидан қайтган эмасди. Эндиликда ўша икки сарой шоири — боя хожа Анвар уларни кўрган эди — севинчларидан юзма-юз ўтириб олиб нард ўйнаш билан машғул эдилар... Ҳукмдорнинг марҳамати соясинда ҳар бир кимса — икки ойдан ортиқ чўл-биёбоннинг ўртасида, қалин ўрмон ёқасида очлик, безгак, сўнадай-сўнадай келадиган чивинларнинг азоб-уқубатига минг машаққат ила чидаган мард сарбозлар, вазиру вузаролар қатори бу икки сарой шоири ҳам энди ўз ниятига етсин — худованди қаримнинг амри шу эди, бу кун ҳеч бир кимсанинг юрагиди армон қолмаслиги керак эди, шу боисдан ҳам ҳукмдор барча тақиқ-қатагонларни ҳозирча, янги юриш бошлангунга қадр бекор қилган эди... Ҳинд тарёки таъсирида хожа Анварнинг азёйи бада-нидаги оғриқлар бутунлай тарқаб, кўрғошиндай оғир жасадини қушдай энгил ҳис қилиб турган бир пайтда уни ҳукмдорнинг ҳузурига чақириб қолдилар. Хожа Анвар ярим юмүк кўзларини очиб, найзақалқони билан ичкарига кириб келган барзанги чекикчидан сўради:

— Нима гап, ўғлон!

— Ҳукмдор машварат қилмоқчи, — деди у.

Хожа Анвар ўрнидан туриб, қиблага юз буриб саловот ўқиди ва аҳволи анча енгиллашгани учун тагин тангрига ташаккур билдирди, сўнг ҳамон турган еридан жилмайиб, хожа Анварнинг изинни қутиб турган қорасоқол, қорамўйлов чекикчидан бутунлай бошқа нарсани сўради:



— Хўш, сенга талондан не тушди, ўғлон?  
— Юз тилла, тагин бир тул хотин.  
— Хўш, йигит, розимсан?— Хожа Анвар кўлган эди, ёғ босган каттакон қорни селқиллаб кетди.  
— Менга шу кифоя, оғал! Хўкмдорнинг марҳаматидан улугроқ иноят йўқ!

— Баракалла, ўғлон, баракалла. Тасанно сенга!  
... Хўкмдор ўзининг зарбоф байрам либосида, қимматли лаълмарваридлар билан безатилган энли тилла камарини бе-лига боғлаб, бошига тилла тожини кийган кўйи, ҳозирча ҳеч кимни ҳузурига йўлатмай, саройнинг элчилар хонасида танҳо хожа Анварни кутиб ўтирар эди. Деворлар бўйлаб айланасига қатор қўйилган мис чироқдонларда ёнаётган чироқлар шуъласидан саройдаги элчилар хонасининг мино, олтин, қумуш суви билан безатилган нақшин шифти, катта-кичик деразаларнинг яшил, сариқ, қизил ойналар солинган гўзал кўзлари чарогон зиё соҳар ва бу зиё орғини хўкмдорни негадир асабийлаштирарди: гарчи бундай ҳашамларга, дабдабага, бунақанги шуълаларга ўрганиб қолган бўлса-да, бироқ бундоқ шароитга тушиб қолганда, нечундир, лўли ўз чодирини соғингани каби, у ҳам қайдадир чўлинди ўртасида ёки қоп-қора ўрмонда тикиладиган жанг чодирининг сирли саринлигини қўмсаб қолар эди. Албатта, агар хўкмдор истаса, бир амр билан мис чироқдонларда чарақлаб турган чироқларнинг ҳаммасини ўчириши мумкин эди, чунки ҳали ташқари ёруғ, канордан ранг-баранг ойналар орқали тушаётган ёруғлик саройни етарли даражада ёритиб турарди. Лекин бугун байрам бўлганлиги учун ва бундай байрам кунларида, кўпдан бери давом этиб келаётган анъананага кўра, саройнинг барча чироқлари ёниб туриши, хўкмдорнинг ўзи, вазиру вузаролар, қозикалон ва саркардалар — ҳамма-ҳамма байрам либосини кийиши лозим эди. Ҳатто жаллод ҳам бундай қатл кунларида қизил либоси устидан қумуш камар боғлаб, бошига найзадор мисрий дубулға кийиб оларди. Бундай кунларда, лекин фақат камдан-кам ҳолларда, хўкмдорнинг кайфияти ниҳоятда зўр бўлган пайтларда сарой мусиқачилари ҳам чақирилар, бошқа ҳолларда уд ва камонча садосидан кўнгли айнийдиган хўкмдор беш-ўн дақиқа мусиқа ҳам тинглар эди... Худованди карим хўкмдорнинг ахта бўлишини раво кўрган ва тақдир бу амрни бажо келтирган эди: бундан неча-неча йиллар олдин, бундан жуда оқиллардаги бир мамлакат саройининг ертўласида боши тап-тақир кал, шалпангқулоқ, кўзлари қузғун кўзлари каби киприксиз бир кимса, кимнингдир амрини бажо келтириб, беш ёшли гўдакни чиркирата-чиркирата ахта қилган, қонини эса гўдакнинг юзига суртган эди. Худонинг амри ила кимдир кимдан ўз қасдини ана шу усулда олган эди: бу қоннинг ҳиди то ҳамон хўкмдорнинг димоғидан кетмас эди. Аммо бир замонлар кимнингдир кимдан олган бу қасди эвазига не-не қонлар тўкса-да, ҳамон хўкмдорнинг кўнгли таскин топгани йўқ эди. Нега йиллардан бери у мамлакатма-мамлакат кезар, қўналғалар тикар, кесилган бошлардан миноралар қуриб, не-не шаҳар-қишлоқларнинг кулини кўкка совувар, шу зайлда бир пайтлар сарой ертўласида чинқирган гўдак юрагидаги ўт-оловни сўндирмоқ истар, бироқ ҳамон бу истиагга ноийл бўлгани йўқ эди: йиллар ўтиб борар, аммо бу кин-ғазаб алангаси ҳали-вери сўнишни истамас, телбавор оғриқ азоби зим-зиё кечанинг зулмати каби кўзлари олдидан кетмас эди. Бу алангани сўндирмоқ учун, қачонлардир кимнингдир кимдан олган қасди эвазига қасд олиш вазифасини пайғамбар олдидаги муқаддас бурч каби ўтамоқ учун хўкмдор, агар ўз боши узра порлаб турган қўбшага қилич солиш лозим бўлса, буни ҳам қилишга тайёр эди: фақат кошки ажал бунга муҳлат берса эди, кошки карами кенг тангри ўз марҳаматини ундан дариг тутмаса эди...  
Хожа Анвар хўкмдорнинг ҳузурига келганида унинг ёнида ҳеч ким йўқ, хўкмдор элчилар хонасида, сарой хонининг тахтада қўлларини тиззалари устига қўйиб ёлғиз ўтирар эди. Хожа Анвар хўкмдорнинг ёнига бориб эгилди ва унинг қўлини ўпди. Хўкмдор боши билан билинар-билинмас ишора қилиб, унинг ўтиришига изн берди: хожа Анвар хўкмдорнинг оёқлари остига, тилам устига чордона қуриб ўтирди. Хўкмдор ҳеч вақт навқаридан ҳола-аҳоул сўраб ўтирмас, унинг юзига боқиб, ёшли кўзларидан хожа Анвар тарёк чеккан-чекмаганини, оғриқлари босилмаганини билиб оларди. Бу ёшлини турадиган садоқатли кўзларнинг фақат хўкмдоргина пайқай оладиган нурули хира торта бошлаганда, у навқарини роҳат-фароғат оғушига йўллаб, бор, ётиб олиб тарёкингни чек, дер эди.  
— Анвар,— деди хўкмдор, Хожа Анвар бошини кўтариб,

хўкмдорнинг юзига тикилди: олхўриқоқига ўхшаб бўришиб кетган бу юзларда ушбу хонанинг мармар устунларига хос бир сувуқлик бор эди.— Анвар, негадир юрагим безовта!  
Хожа Анварнинг жонфигон овози янгради:  
— Иситманинг таъсири бу, қурбонинг бўлай. Мадорсизликдан. Утиб кетади.— Хўкмдор хожа Анварнинг юзига боқмас, нигоҳи элчилар хонасининг номаълум бир нуқтасига, қандайдир бир бўшлиққа қадалган эди.— Утиб кетмаслиги мумкин эмас. Кеча сарой табиби ҳам шундай деди.  
Хўкмдор қўлини юзига олиб бориб, йўл кетган кўзларини аста уқалади, гўё у бирданга жуда қаттиқ толиқиб қолгандек эди.  
— Илоё айтганинг келсин,— деди.— Оллоҳнинг ўзи раҳмизини есин.— У қўлини хожа Анварнинг арақчинли бошига қўйди.— Бу жойларда узоқ тутилиб қолмасак дегандим. Хўш?  
— Маслаҳат — оллоҳдан, амр — сендан.  
— Валийини тайин этсак-да, мамлакатга қайтсак, дейман. Қаршимиздан қиш келаётир.  
— Бу мамлакатга кимни валий қилиб тайинлайсан?  
Хўкмдор қошларини уйиб, ниманидир эсламоқчи бўлди, сўнг сўраб қолди:  
— Қариндош-уруғдан мартабасиз қолгани борми?  
— Йўқ, кўзимнинг нури.— Хўкмдорнинг қўли ҳамон хожа Анварнинг бошида эди. Хожа Анвар бошини найзадек тик тутганича қотиб турар, қимир этгани кўрқар эди.— Ҳар бири биттадан мамлакатнинг валийсидир, хўкмдорим.  
— Ундок бўлса, бу вазифани вазираинг зиммасига юклаймиз, валийни вазир тайин эта қолсин.  
— Маслаҳат — оллоҳдан, амр — сендан, хўкмдорим.  
Хўкмдор хожа Анварнинг бошидан қўлини олиб, тагин тиззалари устига қўйди, хожа Анвар энгил нафас олиб, ёғочдай қотиб қолган бўлини секин буриб кўрди.  
Хўкмдор гапида давом этди:  
— Ҳа, Анвар, бу ерда тутилиб қолмаслигимиз лозим. Зинҳор! — У қисқагина сукут қилгач, бошқа мавзуга кўчди:— Шоир нима бўлди? — Унинг овозидаги таниш ғазабдан ҳамишаги каби бу гал ҳам хожа Анварнинг аъзойи баданига титроқ кирди.  
— Топишди,— деди хожа Анвар.— Хоннинг жаллоди билан бирга мағорага бекиниб олган экан...— Хўкмдорнинг ҳеч нима демганини кўриб давом этди: — Жаллод таслим бўлмаган экан, ит каби азоблаб ўлдиришибди. Шоирни эса кунботарда қатл этамиз, Унутибсан, шекилли?  
— Ҳа, ажиб бир қатл бўлади...— Хўкмдор ўрнидан турган эди, хожа Анвар ҳам салпчи турди.  
— Машваратни бошлаймиз!— деди Хўкмдор.  
Хожа Анвар бир-икки қарс урган эди, жанг либосида — бошида дубулға; чап қўлида қалқон, темирларини жаранглатиб ясовулбоши кириб келди. Хожа Анвар хўкмдорга боқди, чунки унинг ясовулбошига амр этиш ихтиёри йўқ эди. Хўкмдор:  
— Айт, киришин!— деди.  
Ясовулбоши икки букилиб таъзим қилганича чиқиб кетди, бир дақиқа ўтар-ўтмас байрам либосини кийиб олган вазиру вузаролар, аъёнлар, саркардалар саройнинг элчилар хонасига кириб келдилар, улар эғнидаги либосларнинг ранг-баранг товланиши, зарбоф тўнларнинг, чакмонларнинг ялт-юлт ёниши элчилар хонасидаги шуълани янада орттириб юборгандек бўлди, аҳли сарой деворлар остига тизилиб, ўз ўринларини эгаллаганларида хожа Анварга хонанинг ҳавоси камайиб қолгандек туюлди. «Бу итдан тарқаганлар не учун ҳам нафас олишадилар», деган норози бир ўйда эҳтиёткорлик билан хўкмдорнинг юзига тикилди: бужмайган башарадан, қийиқ кўзлардан тагин заҳар ёғиларди. Хожа Анварга галати бир мўъжиза рўй бергандек — хўкмдор бу ердан, ушбу шуълавор хондан чиқиб, тагин бошига дубулға қўндирганича от устига миниб олгандек туюлди.  
— Вазир! — Бу даҳшатли, кўрғошиндай оғир овоз барчанинг вужудига титроқ солди.  
Вазир бош эгиб, қўлларини кўксига қовуштирган кўйи икки-уч одим илгари чиқиб, хожа Анварнинг ёнига келиб турди.  
— Мамлакатнинг валийсини тайин эт! Ихтиёр сенда!  
Вазир тагин икки букилиб:  
— Амринг вожиб, улуг хўкмдор!— деди.  
— Эртага мамлакатга қайтамиз!— Хўкмдор ўнг қўлини юкори кўтарди. Қарор қатъий, ушбу қарорни оллоҳнинг ўзи ҳам бузолмайди, деган ишора эди бу. Йигилганлар севинчдан

аршу аълода ҳис қилишди ўзларини, ҳамма бараварига қичқирди:

— Қиблан оламга офарин!

Чунки ҳамма толиққан, кексаю ёш — барча мамлакатга қайтиб, қишнинг қаҳратон совуқ-изғиринларини ўз хонадонидида ўтказиш орзусида эди, вазир таъзим қилиб, сўз айтмоққа изи сўради.

— Гапир!

— Оллоҳ бизнинг умримиздан кесиб, сенинг умрингга қўшагай, улуғ ҳукмдор! — деди вазир.

— Омин ё раббилламин! — деб қўшилди ҳамма.

Вазир гапиди давом этар экан, ҳаяжондан оппоқ чўққи соқоли дир-дир титради эди.

— Кечга яқин, ҳали қоронғи тушмай туриб, улуғ ҳукмдор, сенинг муқаддас амрини бажо келтирамиз, бугун туш маҳали қўлга олганимиз шoirнинг бошини танидан жудо қиламиз.

— Иншооллоҳ, — деди ҳукмдор. — Бундан хабарим бор, қария! — ҳукмдор безовта бўлганида, асабийлашганида вазирини «қария» деб атар эди. — Буларнинг барчасини менга қайта гапириб, бошимни оғритмакдан мақсадинг не? — Хожа Анвар ҳукмдорнинг даҳшатли боқишларини кўриб, ўз елкасига ниҳоятда оғир бир юк тушгандек, гўё ҳозир умуртқаси мўрт ёғоч каби ўртасидан синиб кетадигандек ҳис қилди ўзини. Вазир тагин икки бўкилди.

— Шоирни жамоатнинг кўзи олдида қатл этмаганимиз маъқул, деб ўйлайман.

— Нега? Сабаб! Бу яна қандай қилиқ?!

— Мамлакат аҳли шоирни жуда яхши кўради, улуғ ҳукмдор, арзу заминини яратган одил расуллиллоҳ ҳақи, яхши-ёмон гап айтадиганлар чиқиб қолмаса, деб кўрқаётирмиз.

— Ким кўрқаётир, қария?! — Ҳукмдор тахтидан турди-да, қўлларини орқасига қилган кўйи, кўркүвдан нафас олишга ҳам юраги бетламай серрайиб қолган аъёнлар, саркардаларнинг башарасига ижирганиб, жирканч бир назар ташлаганича эшик томон бориб, тагин ортига қайтди. — Ким кўркса, ҳозир айтсин! — У вазирни гапиргани қўймай, ўнг қўлини юқори кўтарди.

— Қулоқ солинг менга! — деди у. — Бу мамлакатни олган мен бўламан, бу мамлакатнинг қалъасини ер билан яқсон қилган мен бўламан ва менинг мард сарбозларим бўлади! Бу мамлакатнинг хонини қатл этдик, шаҳар-қишлоқларига ўт қўйдик, яроғ ушлашга қодир эркакларнинг барини қилч дамидан ўтказиб, қонига фарқ қилдик, бироқ ҳеч ким кўркмади ёки ерли аҳолидан ҳеч бир кимса оғиз очиб бир гап айтишга ботинолмади. Энди бир арзимас шоир учун мен забт этган мамлакат аҳолиси ўзининг улуғ ҳукмдорига бир сўз айтмакка ботина олар эканми?! — Олқиш садолари элчилар хонасининг мармар устунларида, нақшин деворларида акс садо бериб кўкка ўрлади: жимжимдор деразалардаги ойналар зириллаб кетди. Ҳукмдор тагин қўлини кўтарди ва қунишиб мушдай бўлиб қолган, хожа Анварнинг ёнида боши, соқоли дир-дир титраётган вазирга шундай тикилдик, вазир кучук каби ингиллаб юборди. — Йўқолинг, даф бўлинг! — қичқирди ҳукмдор. — Шоир кунботар пайти, мен айтган жойда, халойиқнинг кўз олдида қатл этилади. Унинг бошини тилла товоққа солиб, мамлакатнинг анави икки арзимас шоирига берамиз. Даф бўлинглар!...

... Хожа Анвар элчилар хонасидан чиққан, ўз гўшасига кетмай, саройнинг мармар зиналаридан эниб, куз фаслининг заъфарон оғушига фарқ бўлган ажойиб бир боққа чиқди, юракни сиқиб юбуровчи хазонлардан кўз узиб, осмонга тикилди: аммо кўм-кўк ва жуда тинч эди. Қандайдир бир эзгу нарса ёдига тушгандек, хожа Анвар чуқур оҳ тортди, аммо бу қандай хотира эканлигини унинг ўзи ҳам англай олмади, чунки тарёкнинг таъсиридан унинг миёсидида куюқ бир туман пайдо бўлган, бу тумандан кечиб ўтмишга ўтши мумкин эмас эди. У бирпас боғни айланди, иродасига зўр бериб, узоқлардан келаётган оҳ-фарёдларни эшитмасликка ҳаракат қилди, боғнинг адоғига етганда тўхтаб, қуйига, дара тубанидаги йўлга тикилди: узун арқон каби бурала-бурала ўрмон ичига кириб кетадиган бу тупроқ йўл устида бир арава турарди. Кимнинг, қайси бенавоининг араваси экан бу?.. Ушбу савол қайдан ҳам хаёлига келганини тушунмай, ўз-ўзидан таажубланганича елкасини қисиб қўйди.

Жар устида турган, хожа Анварга қора нуқта каби кўринган бу арава сарой хонининг масхараси Уфлама Қосимнинг ара-

васи эди. Саҳари мардонда, қалъа олингандан сўнг, Уфлама Қосим хоннинг қатл этилиш хабарини эшитиб, хўнг-хўнг йиғлаб юрагини бўшатганидан кейин кийимларини алмаштириб, йиртиқ-ямоқ, кир-чир бир қишлоқча чакмон кийиб олган ва яшириниб ётган ертўласидан ташқари чиққан эди. Унинг мақсади — мамлакатнинг ҳолига сўнги марта боқиш, ёниб ётган қишлоқлардан кўкка ўрлаётган қоп-қора тутунларни охириги бор кўриш эди. Чунки масҳара ортиқ бу ерларда қололмасди. У ушбу тоғларга, ўрмонларга, бу ерларнинг баҳорига, ёзига, кузига, қишига, тупроғу сувларига сўнги марта алвидо айтиб, бу мамлакатдан бир умр бош олиб кетмоқчи эди. Оғзидан сўлаги оққан сарбозлар эшикна-эшик, уйма-уй изғиб ахтараётган шоир қўлёмалари фалакнинг бу тўфонларидида йўқ бўлиб кетмасин учун, бу ёзмаларни қайгадир узоқ-узоқларга, иссиқ мамлакатларнинг бирига элтиб яшириш учун бош олиб кетишга аҳд қилган эди. Масҳара ўз шоирини жонидан ҳам ортиқроқ яхши кўрар, шоирнинг қисмати эса унга маълум эди: кўзларидан чаён заҳри томиб турган ҳукмдорнинг қутурган сарбозлари, шубҳасиз, шоирни топиб олишлари, агар шоир қанот чиқариб осмонга учса ҳам, сарбозлар қузғунга айланиб унга чанг солишлари аниқ эди. Уфлама Қосим саҳарлаб, ҳали талон-тарож бошланганидан аввал, ҳар қадамда ўлим билан юзма-юз келган ҳолда шоирнинг кимсасиз уйига кириб, у ердан топган даста-даста қўлёмаларни кўздан пинҳон бир хилватдаги аравасига батартиб йиғиб қўйган, устидан ўт-алаф тўшаган, бир лазгиндан уч қумуш тангага сотиб олган, оёқлари бақувват, бўйни мушакдор хачирни аравага қўшиб ҳам қўйган эди. Кун ботиб, қош қорайганда йўлга тушмоқчи эди. Дунёнинг энг савоб ишини қилиш учун, бугун алангали юраги жаллод қилчичининг бир ҳамласи билан абадий тўхтаб қоладиган шоирнинг оппоқ қоғозлар тимсолидаги хуш каломларини бу мамлакатдан бир умрга олиб чиқиб кетиб, қайдадир дунёнинг нариги чеккасидида янгидан рўёбга чиқариш учун олис сафарга отланиш ниятида эди... Кўзларинг оқиб тушин, фалак!..

Жар тепасидидаги араваси ёнида ивирсиган кўйи ўқ-ёйини яна бир бор текшириб кўриб, белини кўтарганида Қосимнинг ҳам сарой боғи адоғидидаги бир шарпага кўзи тушди: куёш кўзини қамаштириб тургани учун у хожа Анварни даставвал каттакон қузғун деб ўйлади, сўнг унинг одам эканлигини, ҳукмдорнинг аъёнларидан бири эканлигини англади: масҳара тайин бир қарғишни билмасди, чунки у умр бўйи масҳарабозлик қилиб, кулгили-кулгили сўзлар билан кишиларнинг кўнглини овлаб келган эди, шунинг учун у бирпас ўйланиб қолди, сўнг юрағидида буруқсиб ётган дард-алам билан қўққисдан оғизга келган қарғишни айтиб юборди:

— Илоё, оған каби сенинг ҳам ахта бўлиб, анор маммаларга зор-зор қолганларингни кўрайин, ҳе, ўша жигарларинг сув бўлиб оқсин!

Масҳара бу сўзларни бор овози билан айтди, чунки ора олис, бу қарғиш ўз эгасига етиб бормас эди. Сўнг у сапчиб ўт-алаф устига чиқиб олди, қўлини чакмоннинг ёқасидан ичкари тикиб, юраги устига қўйди ва:

— Улуғ тангрим, ҳали бу юракка тўзим бер, шоирга раҳминг келсин! — дея худога илтижо қилди, сўнг бошини қуйи солиб хўнг-хўнг йиғлади.

\* \* \*

...Шоирни зиндондан чиқариб, қатлгоҳ томон олиб боришаётганда алвон куёш тоғларнинг устида қонли бош каби осилиб турарди. Шоир бўғзида, иягида, кўзларига қадар бутун юзидида пичоқ санчган каби оғриётган азобнинг зўридан инграб юборди, қўллари кўн қайиш билан орқасига чандиб боғлангани учун ҳам, ҳар йили хазонрезлик бошланганда, ғуруб маҳали куёшнинг бу янглиғ қип-қизил кўрганида тақорлайдиган одатини адо эта олмади: шоир юзига фотиҳа тортмоқчи бўлди, аммо бунинг имкони йўқ эди. Э худо, бу не азоб ўзи?.. У тагин куёшга боқди, алвон куёшнинг қип-қизил шуъласи азобдан ўртанаётган шоирнинг юзларини чироқ каби ёритиб юборди, бу шуъладан унинг юз-кўзларига бир саринлик урилгандек бўлди... Вазир, қозикалон ва бир неча саркарда қатл маросимда олдин ҳукмдордан пинҳона бир машварат қилиб, шоирнинг бошини танидан жудо қилишдан аввал унинг тилини кесиш лозим, тоқим у қатл маросими пайтида бу ҳароба мамлакатнинг вазирини, қозиси ҳукмдорга айтган ҳақоратли, аччиқ



сўзларни айта олмасин, деган қарорга келган эдилар. Улими олдида шоирларнинг тили бу қадар аччиқ бўлишини вазир умрларидан бири эди ва шундоқ бир тантананинг кўнгилсизлик билан тугаши вазир ҳамда қозининг бошига кўп фалокатлар олиб келиши мумкин эди. Вазир ҳам, қозикалон ҳам доимо қизил либосли жаллоднинг ўткир болтаси ҳавога қалқибдан аввал ўлимга маҳкум этилганларнинг барчаси ҳукмдорнинг пойига тиз чўкиб, ундан имдод тилашганининг шохиди бўлган эдилар. Бу шоир эса ҳеч кимдан имдод тиламаслигини, оғзига келганини қайтармай, улкан байрамни улкан мотамга айлантиражagini вазир ҳам, қозикалон ҳам яхши билар эдилар. Шу боисдан ҳам хуфиёна иш битириб, шоирнинг тилини кестирган эдилар... Шоир эса гарчи боя қориндор, оғзида тишдан асар ҳам қолмаган бир кимсанинг қўлида бир парча қип-қизил этни кўрган бўлса-да, эндиликда тили кесилганини ҳис этмас, аксинча, гўё тили оғзида шишиб кетган-у, чидаб бўлмас бу оғриқ ўша шишнинг оғриғи эди. Бир ёндан эса ғурубга ботиб бораётган қуёшнинг бу қип-қизил мусибати!

Орқадан кимдир уни туртди, найза-қалқонли икки посбон олдинга ўтди, тили кесилиб, оғриқ азоби шоирни ҳолдан тойдиргандан бери у дунёнинг бутун ҳиди ифорларидан маҳрум бўлган эди. Аммо бу икки сарбоз олдинга тушгандан сўнг аниқ кетган аччиқ тер ҳиди унинг димоғига урилиб, гўё оғриқларини баттар кучайтириб юборгандек бўлди. Қатлгоҳ томон борар экан, кўзларини қоплаб олган туман орасидан дарахтларга, ҳазонрезгининг сап-сарик, қип-қизил япроқларига термулар ва кўнглида, эй худо, бу дунёнинг яшил япроқлари қани, ахир, бемаҳал келган ажал нега сўнгги нафасида мени яшил япроқларга зор этди, деб ўқинар эди... Шоир олисдан, тагин оғриқ-азобнинг зўридан кўзлари олдида пайдо бўлган сийрак туман оғушида оқ саройни кўргач қатл саройнинг олдида бўлажagini, яъни бу ҳам қатл, ҳам томоша эканлигини англади... У ахта ҳукмдорни ҳеч қачон кўрмаган, аммо негадир унинг юзини хаёлан олхўриқоқига ўхшатар эди. Шоирга қуёшнинг бугунги қизиллиги, ғурубининг бугунги алвонлиги мамлакатда тўкилган қоннинг ҳовуридан пайдо бўлгандек туюлди. Тилсиз оғиз бир сўз айтмоқ истар, аммо оғриқлар қилич яланғочлаб, тилсиз оғизни очилмоққа қўймаз эди. Шоир шундан сўнг то қатлгоҳга боргунча кўзларини ол қуёшдан узмади. Унинг кўзидан бир томчи ёш ёноқларига думалаб тушди, бу томчи оқ эмас, қип-қизил эди...

Шоирни қатлгоҳга олиб чиқдилар. У кўзларини қисиб даставвал қуйида, майдончанинг ўртасидаги тахтада ўтирган ҳукмдорни кўрди ва шоирнинг кўзлари қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди: ахта хоннинг башараси олхўриқоқидан ҳам баттар буришиқ ва калласи гўдакнинг бошидан ҳам кичик эди. Сўнгра шоир бошини оғир-оғир буриб сарбозларга тикилди: сарбозлардан тезак ҳиди аниқирди. Унг томонда тик турган қўйи даҳшат ичра шоирнинг қатлини томоша қилаётган ўз ҳамшарҳларини — кексаларни, ёш-ёш ўғлонларни ва ниҳоят, ўзи умр бўйи сарв қоматларини, қаро кўзларини васф этгани аёлларни, қизларни кўрганда кўздан тагин бир томчи ёш оқди: бу томчи ҳам оқ эмас, бу томчи ҳам қип-қизил эди. Чунки шоирнинг юраги ўт олиб ёнар, қора сочлари елкаларига сочилиб, малул-малул боқаётган, кўз ёшлари қуриб қолган бу аёлларнинг, бу қизларнинг ҳар бирининг қорнида энди нечанча сарбоз уруғи борлигини у англаб етган эди. Кўзларидан қип-қизил ёш сизилди, у ўз ҳамшарҳлари билан ич-ичидан видолашди. Сўнг шоир ҳаммадан олдинда қунишиб турган бир қишлоқи чолни кўрди; унинг эғиде жулдур кир-чир чакмон, бошида қўй терисидан тикилган папоқ бор эди. Шоир уни таниди. Ақлли масхарани танимай бўладими?.. Масхаранинг табассумли кўзлари шоирга қадалган, аммо юзлари йиғлар эди. Масхаранинг бу табассумли кўзларидан шоир нималаринидир ўқди шекилли, қоматини ростлади, кўкси бепоён далаларнинг сарин ҳаволари билан тўлди: шоир масхаранинг кўзлари айтган қалималарни сўзма-сўз эшитди. Масхара ортиқ чидаб тура олмади, чунки, аввало у шоирнинг қатлига чидай олмасди, иккинчидан, шоирнинг юзларида пайдо бўлган табассумдан унинг ҳам хотиржам эканлигини англади: шоирнинг ўзи бу дунёдан кетса-да, аммо унинг ёзганлари бу дунёда қолаётган эди. Масхара кўз ёшларини зўрга тийиб, ичидан қалқиб келаётган ўкиркини босиб, усталик билан орқага чекинди ва издиҳом орасидан чиқди. Ва фақат дарага етгандан кейин аравасига суяниб тўхтади, ўзини тутта олмай, ҳачирнинг бўйнидан қучоқлаганича тўйиб-тўйиб йиғлади. Сўнг аравага минди, ҳачирга

қамчи босишдан аввал бошини кўтариб қоронғи дара тепасидаги қип-қизил самога боқди ва қичқириб юборди:

— Туф сенинг тожу тахтинга, эй чархи фалак!

Бу ғазабнок садодан сўнг қаршидаги ўрмонда қарғаларнинг қағиллаши еру кўкни тутиб кетди. Арава ўрнидан жилди, ғилдирақлар ғичирлади, бироздан сўнг Уфлама Қосимнинг араваси тупроқ йўлдан чиқиб, ўрмонга кирди. Урмоннинг қоронғулиги — унинг кўзига дарахтлар қоп-қора, ғалати кўринар эди,— ҳазонларнинг шитирлаши ва тагин атроф-жавоибнинг ваҳимали сукути масхарани йўлдан қайтара олмади: бошқа пайт бўлганида бундай бемаҳалда масхара зинҳор-базинҳор бу ўрмонга киргани журъат қила олмас эди. Аммо ҳозир у на орқага қайта билар, на аравани тўхтата оларди. Масхара тез-да бу мамлакатдан чиқиб кетиши лозим эди.

Арава ваҳимали ғичирлаган қўйи ичкари кириб боргани сайин, ўрмон тобора қуюқлашгани сайин атроф қорайиб, зулматлашиб борарди. Дастлаб Уфлама Қосим ўрмоннинг бу зулматига эътибор бермади, энди олдимдаги йўлни ҳам топа олмасам керак, деб ўйлади у, чунки нигоҳлари олдида бояғи жонга, оқ сарой олдидаги майдонча кетмас, кўзлари ажалга таслим бўлган шоирнинг сарғайган сиймосига тикилган қўйи қотиб қолган эди. Кўзларинг оқиб тушсин, фалак!.. Янги эгасининг кўнглида айтган бу афғонли қарғишини гўё ҳачир ҳам эшитгандек, тўхтамоқчи бўлди, Уфлама Қосим бунинг сезиб, ҳачирни бор кучи билан савалашга тушди: жониворнинг сағрини-га ширтиллаб тушаётган қамчи овози Уфлама Қосимни ўзига келтирди, унинг кўзлари асл ҳолига қайтди. У ўрмонга тикилди. Дарага нисбатан ўрмоннинг ҳавоси бироз салқиндек туюлди унга, ҳачир аравани ичкари тортиб боргани сайин бу сарини-га кучайиб борарди, аҳвол шундай давом этарсиз, икки-уч соатдан сўнг қорли бир диёрдан чиқиб қоламан, деб ўйлади у. Сўнг бошини кўтариб эманларнинг, заранг ва ёноқларнинг учига назар солди: бу ўрмоннинг кузги япроқлари ҳам у ерда, ортада қолган, тутундан бўғилиб ётган балокаш мамлакатининг япроқлари каби сап-сарик эди, ҳали дарахтларнинг новдаларида тўп-тўп япроқлар тўкилмай турар эди. Бошқа пайт бўлганида ҳавонинг бу қадар энгиллигидан, ғире-шира оқшом гўзаллигидан илҳомланиб, бирон-бир баётини майин хиргойи қилган бўлур эди. Аммо ҳозир Уфлама Қосимнинг наинки баёт айтмоққа, балки мундоқ бир эмин-эркин нафас олишга ҳам мадори қолмаган эди: фалак Уфлама Қосимнинг вужудидан бор ширани, кўзларидан нурини, бақувват оёқларидан мажолни сўриб олган эди. Ҳали қанча йўл босади, бу зулматли ўрмонда, дарахтлар остида қанча ваҳимали туналари бошидан кечиради—буни Уфлама Қосимнинг ўзи ҳам билмас эди. Аммо кетиши керак эди, лозим бўлса у нақ жин-ажиналар билан қучоқлашиб, шу ўрмонда тунашга тайёр эди: шоирнинг қўлёмаларини узоқларга, қонлар тўкилмайдиган, бошлар кесилмайдиган бир ерга олиб бориб, у ерда, ҳалол нон топадиган одамлар диёрида бу қўлёмаларни ўт-алаф остидан қуёш шуъаларига олиб қиқиши шарт эди. Аммо, масхара ҳазонларга тагин ғуссалли-ғуссалли боқар экан, бу дунёда ҳалол нон топадиган одамлар диёри бормикан ўзи, деб ўйлади. Чунки отларнинг кишаши, сарбозларнинг ҳайқириғи ҳамон унинг қулоқларидан кетмаган эди, мабодо бирон-бир мўъжиза рўй бериб, масхара ана шундай диёрни топганда ҳам, қулоқлари остида жаранглаб турган бу садоларни у ерга олиб боришни истамас эди. Зеро, бу садоларни ундан бўлак кимда-ким эшитса, юраги қўрқувга тўлади. Қўрқувдан юраги ҳеч нарсага бетламайдиган одамлар орасида бу қўлёмаларни ўт-алаф остидан қуёш шуъаларига олиб чиқиш осон бўлмас!

Масхара ҳачирнинг жилловини тортди, арава тўхтади. У ерга тушди, ғижирлаш тингандан сўнг сарин ҳаво каби қулоқларини тўлдирган сокиликдан яираб кетди. Қўлини ўт-алаф орасига суқиб, у ерга бекитган нарсасини, бугун нечанчи маротабани, тагин бир текшириб кўрди. Сўнг йиринг бир халтани очиб, йўлга олган озинини ҳам кўздан кечирди, юмшоқ нонини, пишлоғини, кўкатларини анчага етишига яна бир бор ишонгач, қайтадан аравага минмоқчи бўлган ҳам эдики, қўқисдан эшитилган овоздан туклари тиккайиб кетди: қайдадир бир гўдак ўқисиб-ўқисиб йиғлар эди: у диққат билан қулоқ солди, гўё бир эмас, бир неча гўдак йиғлар эди. Хаёлига жуда кўп эшитган бир ривоят тушди: алвасти ўрмондан, саҳродан ўтиб қолган ёлғиз йўловчиларни авраш учун гўдакларга ўхшаб йиғлар, сўнгра уларни ушлаб олиб, узун



сочларини уларнинг томоғига ўраб бўғар экан. Парвардигор, ўзинг мадад бер! Уфлама Қосим аззойи бадани музлаб кетганини ҳис қилди, йиғининг тинмаганини кўриб, секин хачирнинг бўйнидан қучди. Умрида бундай марҳамат кўрмаган хачир яйраб кетиб, бошини силкалаганича бир-икки пишқириб қўйди. Бу овоз, ўксик-ўксик гўдак йиғиси жуда яқиндан, Уфлама Қосимнинг қаршисида салобат тўкиб турган улкан дарактларнинг шундоқ ортидан келарди. Эй танграм, қандай жойга келиб қолдим?.. Аммо у ортиқ чидаб туролмади, агар бу қадар ўксик-ўксик йиғлаётган чиндан ҳам алвасти бўлса, майли, бўғиб ўлдирар қолсин, пешонага ёзилганидан қочиб қайга бораман?.. Кўзларинг оқиб тушим фалак, бу қандай ўксик йиғи бўлди экан?! Уфлама Қосим ўрнидан кўзгалиб, дарактлар орасига кирди, қалин қичитқонлар орасидан бир амаллаб ўтиб, сайхонликка ўхшаш бир жойга чиқиб қолди, қарағай дарактига тақаб қурилган кичкина чайлачага кўзи тушгач, йиғи овози ўша ердан эшитилаётганини англади.

— Ҳой бола, кимсан, ҳой, ким бор? — Унинг шундоқ боши устида дарактларнинг ингичка-йўғон шохлари орасидан бир қарга қағиллади, Уфлама Қосим юқорига боқди, гўё бу қағиллаш қоронғулик оғушига чўлган бўз самоннинг ўртасида ярақлаб турган юлдуздан оқиб тушаётгандек туюлди унга. Унинг пойма-пой саволидан сўнг йиғи овози янада кучайди, Уфлама Қосимнинг юраги қинидан чиқиб кетгудек бўлди.

— Ҳой бола! — қичқирди у. — Ҳой, жим бўл! — Бироқ илгари юргани журъат қила олмади. Чайланинг торғина эшигидан ўн икки-ўн уч ёшлар атрофидagi қизалоқ чиқди ва у кўрқувдан каттариб кетган кўзларини Уфлама Қосимга тикканича қотиб қолди.

— Ҳой бола, кимсан!

Қизалоқ жавоб бермади, қовоғини уйиб, тагин Уфлама Қосимга кўрқа-писа боққанича орқасига яшириб турган ўнг кўлини аста-секин ёнига туширди: оқшомнинг ғира-ширалигида қизнинг кўлидаги тифдор қия ханжар ятираб кетди. Ҳайратдан Уфлама Қосимнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

— Ҳой қиз, кўрқма. Кимнинг қизисан?

Ниҳоят, қиз тилга кирди:

— Утинчи Баҳлулнинг болаларимиз... амаки.

— Амаки деган тилингда қурбон бўлай, болам. Хўш, отананг қани?

— Сарбозлар аввал отамни ўлдирдилар, кейин онамни. — Қизнинг боши кўксига осилиб тушди, бу сўзлардан сўнг чайланинг ичидаги йиғи шунақанги бир бақир-чақирга айлангани, Уфлама Қосим ортиқ ўзини тута олмай, илгари отилганича қизнинг ёнидан ўтиб, чайла олдига борди ва ичкарига бош суқди: қоп-қоронғу, ҳавоси рутубатли чайлада неча жон борлигини тузукроқ фарқлай олмади.

— Ҳой бола, ташқарига чиқ, бу ёққа чиқинглар, йўқса касал бўлиб қоласиз! — деди.

Чайладан бири биридан кичик тўрт қизалоқ, беш ўғил чиқди. Уфлама Қосим ўтинчи Баҳлулнинг беш ўғли, беш қизи кимсасиз, етим қолиб, бу балокаш дунёнинг дарбадарлари сафига қўшилганини англади. Кўкка боқиб, мана, бугун нечанчи борки, бақириб юборди:

— Кўзларинг оқиб тушим, фалак!

Болалар катта опаларининг пинжига кириб, кўзичоқлар каби бошларини бошларига суяб турардилар. Уфлама Қосим бир-бир уларнинг юзидан ўпиб чиқди, кир сочларини силади, оқиб турган бурунларини чакмонининг этагига артди.

— Шу ерда туринглар, мен ҳозир келаман, — дея қолган ерига қайтиб, аравага чиқди, дарактлар орасидан кенгроқ жой топиб, хачирни чайла томон ҳайдади. Аравани чайладан бироз нарида тўхтатиб, сакраб ерга тушди, озиқ халтасини кўтариб ерга қўйди, шоша-пиша, ҳансираган кўйи халтанинг боғини ечиб, ҳамон кўрқа-писа ўзига тикилиб турган гўдакларга деди:

— Қани, яқин келинглар-чи, кўзичоқларим!

Катта опасининг кўлидан ушлаб, бошини унинг қорнига қўйиб турган кенжатоё секин сўради:

— Опа, у бизни еб қўймайдими?

— Емайди, жоним, емайди. — Қиз кичикинтой укасининг кўлидан тутиб, дадиллик билан илгари, Уфлама Қосим томон юрди, қолган болалар ҳам катта опаларига эргашдилар. Уфлама Қосим халтадан чиқарган нонини, пишлогини, йўлга нимаки егулик олиб чиққан бўлса, ҳаммасини аравадаги ўталаф устига ёйилган чоркунж бўз дастурхонга қўйди, болаларга боқиб, дарҳол нонни ушатди, пишлоқни ҳам қўллари

билан уқалаб майдалади. Катта бир парча нон орасига пишлоқ бўлагидан, кўкатдан қўйиб, дастлаб кенжатоёга узатди:

— Ол, кўзим, е!

Бола опасининг кўлларига ёпишди. Қиз нонни Уфлама Қосимнинг кўлидан олиб кенжатоёга берди, шундан кейингина ўғил-қизларнинг ҳаммаси нозик кўлчаларини дастурхонга чўзишди. Бу куз оқшомининг салқин соқинлиги оғушида нон чайнаётган лабларнинг чилп-чилп овозини тинглаб, ютинаётган нозик бўйинларга тикилиб турар экан, Уфлама Қосимнинг ҳаёт-мадори қуриб қолди: бу гўдаклар бошига қандай фалокат тушганини гўё у энди англаб етди. Эй парвардигор, буларнинг ҳоли энди не кечади? Худойим, буларни кўзинг қандай қийди?

Болалар ўз улушларини еб бўлишди, очиққан кўзлар, пирпираб турган маъюс нигоҳлар тагин дастурхонга қадалди. Уфлама Қосимнинг аззойи баданига ўт кетди, эгилиб кенжатоёни ўз оғушига олди, иссиқ, нозик лабларидан ўпди.

— Ҳой, болам, она қизим, — дея катта қизга мурожаат қилди. — Ҳаммаси сизники, болаларим, тортинмай олаверинглар.

Бу гал болалар жуда яқин келдилар, индида бир-бирига қоришиб кетган болалар каби, бараварига, бу сафар шубҳаланиб, кўрқиб-писиб эмас, дадил кўл чўзиб, нондан, пишлоқдан олдилар ва тагин лабларини чилпиллаата-чилпиллата ёйишга тушдилар. Уфлама Қосим бу ерда ортиқ чидаб тура олмади, оғушидаги гўдакни ерга қўйиб, улардан узоқлашди, чайланинг орқасига ўтиб, сассиз-содосиз йиғилди. Чунки Уфлама Қосим энди йиғламай, кўксидagi дард-аламни кўз ёшларга қўшиб тўколмай туролмасди, ахир, юрак дегани тош эмас-ку!

Ортига қайтгач, дастурхонга боқиб жилмайди: дастурхонда нима қўйилган бўлса, ҳаммасини пок-покиза еб қўйган эдилар, бўз қийиқ шу қадар тоза эдики, гўё силкиб, қайтадан ўт-алаф устига ёйган эдилар.

Масҳара болаларга қаради: энди араванинг атрофини давра олиб, жимгина, ҳамон кўзларидagi кўрқувни яшира олмай, бир қадар ишончсиз, бироз ҳаяжон билан ўзига тикилиб турган болаларнинг чеҳралари очилган, кенжатоёнинг юзига эса кон югурган эди. Катта қиз уларнинг орасида йўқ эди. Уфлама Қосим хас-хазонларнинг шитирлашини эшитиб, ортига ўгирилиб қараган эди, кўлида каттакон мис кўза тутганича дарактлар орасидан чиқиб келаётган қизга кўзи тушди.

— Шу яқинда булоқ бор, сув олиб келяпман, амаки! — дея у идишни Уфлама Қосимга узатди.

Уфлама Қосим кўзани лабларига олиб бориб, муздек сувнинг саринлигини ҳис қилгандан кейингина чанқоғанидан тили танглайига ёпишиб қолганини сездди. Идишдаги сувни сўнги томчисигача лаззат билан симирди, унинг кўзларига нур келди ва фақат эндигина бугун сахарни мардон туриб, тахликали ишини ўринлатиб, лазгиндан олган хачирни аравага қўшгандан бери оғизга бир томчи ҳам сув тегмаганини англади. Идишни қизга қайтарар экан, ҳуши ўзига қайтгандек бўлди.

— Ҳой қизим, ўзларинг ичмайсанми?

Қиз жилмайиб жавоб берди:

— Биз ичиб олдик, амаки.

— Сенинг амаки деган тилингда қурбон бўлай, жайрон болам! — Шундай дея Уфлама Қосим кўлини чакмонининг ёқасидан ичкари суқиб қўйнига тикиб қўйган бахмал ҳамёнини бугун илк бора ушлаб кўрди: олтин ва кумушлар жойида эди. Кеча кечкурун бор-йўқ дунёсини шу ҳамёнга жойлаб, ота-онадан етим қолган Уфлама Қосим нанки бир оёғи, балки иккала оёғи ҳам гўрда бўлган кекса бувисининг оқ тушган кўзларидан ўпиб ўйдан чиққан эди. Фаросатинга балли, эй Қосим!.. Болаларга термулиб, уларга жилмайган кўйи хаёлида энди қилинажак харажатларини ҳисоблади: то манзилга етиб боргунча йўл-йўлакай учраган қишлоқлардан болаларга озиқ-овқат, ўн жуфт пойабзал олиш учун бу пуллар бемалол етар эди. У бошини кўтариб, бўзранг само ўртасидаги дум-думалоқ ойга, ойнинг атрофидagi ушбу етимларнинг кўзлари каби чақнаб турган юлдузларга тикилди ва умрида илк бор сидқидилдан: «Худога шукр», деди... Шу пайт кенжатоёнинг йиғламсираган овози эшитилди:

— Опай, мени уйга олиб бор.

Катта қизи уни оғушига олиб, юз-кўзларидан ўпди, бошқа етимлар бу ҳазин овозни эшитиб бошларини қўйи солдилар,

Уфлама Қосим хаёлига келган фикрдан севиниб кетиб, деди: — Сизнинг қора кўзларингизга қурбон бўлай, болаларим! Ҳеч хафа бўлманглар. Ҳозир мен сизларга ажойиб томоша кўрсатаман! — У олдинга чиқди. — Қани, ҳаммангиз орқароқ бориб, юзингизни чайлага буриб туринг.

Болалар аста-секин чайла томон юриб, тагин бир-бирларига қўрқа-писа боққан кўйи Уфлама Қосимга тескари қараб турдилар. Масхара кула-кула, севина-севина арава ёнига бориб, ўт-алафлар орасидан қуйиси кенг зар шоввор олиб кийди, чакмонни ечиб, кўксига шокилалар тикилган нимчасини кийди, сўнг бошига учига қўнғироқча қадалган кенг кулоҳини қўндирди. Қайтиб чайланинг олдига келди ва ингичка овозда қичқирди:

— Ҳазрати олийлари, мен тайёрман!

Бу ингичка ва кулгили овозни эшитиб ортига бурилган болалар чайланинг ўртасида, ой шуълалари оғушида Уфлама Қосимни ушбу аҳволда кўриб, ҳайратдан қийқириб юбордилар. Ун жуфт кўз ҳайрат аралаш мароқ билан Уфлама Қосимга тикилди. У гапида давом этди:

— Оғалар, беклар, хон саройининг муҳтарам меҳмонлари!..

Бугун хонининг ошпази гуруччи хом пиширгани учун Уфлама Қосим бир қорин оғригига мубтало бўлдики, кунбўйи қўтир хўроз каби қичқиряпти! — Масхара қўлларини карнай қилиб оғзига тутди ва айнан хўроз каби қичқирди: — Қу-қу-қу-қу!

Болалар кула-кула чуғурлашиб унинг ёнига келдилар. Уфлама Қосим томошасини бошлади: аввал сакради, қўлларига таянган кўйи тескари туриб, оёқларини ҳавода қайчи қилиб ўйнатди, сўнгра яна хўроз каби қичқира-қичқира ўмбалоқ ошди, майса устига сирганиб тушиб, оёқларини кериб ўтирди, кейин тагин хўроз каби қанот қоқди ва яна ўмбалоқ ошди, қўққисдан йиқилиб тушган бўлиб, бошини чангаллаган кўйи: «Вой, вой, ўлдим, тамом бўлдим», деди ва тагин кўп хунарлар кўрсатди!.. Ой шуълалари оғушида, сарғайган кузги майсалар устида ўн етим дунёнинг энг мароқли, энг кулгили томошасига боққан кўйи қўзичоқлар янглиғ бошларини бошларига суяб яқин келдилар, эндиликда чордона қуриб ўтирган, бошини бор кучи билан силкиб, қалин кулоҳидаги қўнғироқчани тинимсиз жаранглатаётган Уфлама Қосимнинг атрофини ўраб, унга қўшилиб нафаслари ичга тушиб кетгунча кудлдилар. Кенжатоё эса жуда яқин келиб, Уфлама Қосимнинг тиззалари устига ўтирди ва бошини унинг кўксига қўйди: масхаранинг юзига унинг илиқ нафаси урилди, масхара уни маҳкам кучоқлаб, ўт ҳиди аниқ турган сочларидан ўпар экан, деди:

— Сизнинг шу яланг оёқларингизга қурбон бўлай, болажонларим!.. Демак, бу кеча шу ерда тунаб қоламиз, эрталаб, кун чиққандан кейин, худо хоҳлса, бир арава бўлиб йўлга тушамиз. Тўғрими, амакининг гапи!

Болаларнинг ҳеч бири қаёққа деб сўрамади. Етимлар хурсанд бўлиб чапак чалдилар, кенжатоё эса Уфлама Қосимнинг жиндай тер аниқ турган оғушида ухлаб қолди...

Урмонда ўқтин-ўқтин бойкушлар овози эшитила бошлаганда, ой ва юлдузларнинг шуъласи ортиб, зулматни дарахтлар остига, пана-пастқамларга қувган бир паллада ўтинчи Баҳдүүлнинг ўрмонда тунаб қолиш мақсадида қурган кичкина чайласидан унинг катта қизи чоққина ямоқли палос, шу палос каби ямоқли, ранги уникиб кетган кўрпа олиб чиқди, болалар атроф-жавонидан ўт-майса юлиб келдилар ва палос устига ётиш учун жой ҳозирладилар: Уфлама Қосим ўртага чўзилди, беш ўғил унинг ўнг томонида, беш қизалоқ чап томонида чуқур ва лаззатли уйқуга чўмдилар. Масхаранинг ҳорғин вужуди тош каби оғир эди. Уфлама Қосим ҳам, болалар ҳам уйқуга кетишдан аввал бошлари устидаги самод пар-пар ёнаётган, каттариб, ҳар бири олмадай-олмадай бўлган юлдузларга боқдилар: Уфлама Қосим тагин: «Худога шукр», деб қўйди. Болалар кўзларини юмганлари заҳоти ой шуълалари тилсимига тушиб, тушларида сеҳрли қўнғироқ овозларини эшитдилар, ўн етимнинг юзига ой, юлдузлар шуъласидан тўкилган майин табассум қўнди. Уфлама Қосим эса болаларнинг тушига кирган қўнғироқ садоларини эшитмади, чунки у жуда толиққан эди. Қўнғироқ садоларидан беҳабар қолгани каби ўзи бир умрга тарк этган, энди олисларда қолган мамлакатининг сўнгги қиёмат кунидан ҳам беҳабар қолди... Бугунги кунда дунёнинг энг савоб ишини қилган масхара, шоирнинг қўлёмаларини асраб қолиб, минг бир таҳликада йўлга тушган масхара кўрошини каби оғир бўлган

бугунги куннинг ғуруб чоғида тақдир тақозосига кўра беш ўғил ва беш қизнинг отаси бўлиб қолган эди: энди у тошдек қотиб ухлаб, жисму жонидagi чарчоқни чиқариб юбормоғи ва эрталаб бардам бўлиб уйғонмоғи лозим эди, чунки ҳали манзил жуда олис ва бу балоқаш дунёда энди у ёлғиз эмас эди.

...Қатлдан кейин, шоирнинг боши танасидан жудо қилингандан сўнг, қизил либосли жаллод оғир болтасини аста-секин оёқлари остига қўйгач, ҳукмдорнинг сарбозлари тагин отлар кишнашига ўхшаб қийқириб юбордилар, оломондан эса садо чиқмади: на кекса бир сўз деди, на ёш, на аёл бир сўз деди, на қиз. Забардаст йигитлардан омон қолганлари эса, қўрқоқ бўлганлари учун, жаллод «ё оллоҳ!» дея ҳайқириб болтасини юқори кўтарганда издиҳомдан секин ортага сурилиб чиқдилар. Ҳукмдор ўрнидан турди.

— Вазир! — деди у. — Шоир оғзини очиб, калимаи шаҳодат ҳам ўғирмади-ку!

— Қўрқувдан тили танглайига ёпишиб қолди шекилли кофирнинг! — дея вазир икки букилди ва жилмайиб соқолини силади.

Ҳукмдорнинг ёдига тагин нимадир тушиб кетди шекилли, қошларини уйди, башарасидаги буришқилар бир-бирига қоришиб кетди.

— Қария! — дея яна вазирга мурожаат қилди у. — Кўрдингми?!

— Нимани, қиблаи олам?! — Қўрқувдан вазирнинг кўзлари олакула бўлиб кетди.

— Оломонни айтяпман, қария!.. Қара, ҳеч ким даммини чиқармади, кўрдингми? — Ҳукмдор кулди, сўнг саркарда-сарбозларига юзланиб, баланд овозда деди: — Менинг жасур ўғлонларим! Шунинг биланг ва ёдда тутинг! Токи башар авлодининг юрагида қўрқув азоби, дилида шухрат дарди бор экан, бир кунда юз шоирнинг боши кесилса ҳам ҳеч кимса ҳеч қачон ҳукмдорнинг юзига тик боқиб бир гап айтолмагай!

— Офарин! Офарин! Офарин!

У ер-бу ердан янграган бу олқиш садолари, атрофда бўлиб ётган олов устунлари каби кўкка ўрлаб, тўп-тўп оппоқ булутларга етди: узоқ йўл босиб ҳоригандан тепада муаллақ қолган булутлар ушбу садолар остида вужудга келган шамолдан ҳаракатга келиб, қорли тоғлар, муз қоялар томон оқиб кетдилар...

Аммо барибир вазирнинг айтгани бўлмади, ишга шайтон аралашиб, шоир истаган воқеа рўй берди: бу улкан байрамнинг охири кўнгилсизлик билан аяқланди.

Қатлдан кейин, шоирнинг бошини тилла товоққа солиб, сарой шоирларининг пойига қўйганларидан сўнг ҳукмдор барча аъёнлари, саркардаларини тўплаб, олақуроқ байрам либослари кийиб олган бу амир-умаролар даврасида, жанг либосида бўлганлари учун улкан қовоғариларни эслатадиган посбонлар муҳофазасида барқут этиклари билан ҳазонларни бир-бир босиб, аста-секин сарой томон йўл олди, ошпазлар тайёрлаган байрам таомларининг ҳиди олисдан димоғига урилиб, афтини буриштирди: неча кун эдики, иситмадан сўнг ҳукмдорнинг иштаҳаси ҳамон асл ҳолига қайтгани йўқ, таом ҳиди димоғига урилганда кўнгли айнирди.

Элчилар хонасида ташкил этилган улкан зиёфатда, гарчи ҳукмдорнинг ўзи ичмаса-да, анъаналарга кўра, кўнгли истаганларнинг шароб ичишига рухсат берди: ушбу забт этилган мамлакатда яшайдиган, айтишларига кўра, ажойиб шароб тайёрлашда шухрати узоқ-узоқ диёрларга тарқатган бир тарсонинг оқиборидан олиб келинган қондай қип-қизил, шинни каби қуюқ шароб қадаҳларга тўлдирилиб, аҳли анжуманга тортилди. Бода тутган ҳар бир кимса, ҳукмдорнинг ўзига нафрат билан тикилиб турганини ҳис этганидан аъзойи баданни музлаб қолса-да, шаробни охиригача симириб, таом ейишга тутинди. Барча саловот чевириб, бу мамлакатнинг энг лаззатли таоми ҳисобланган беҳи бостирилган қирғовул паловга интилди: қўлар гумбаздай уюлган лаганларга чўзилди, аввал панжалар, бироздан сўнг соқол-мўйловлар жиққа мойга ботди. Ҳукмдор тахтада ўтирар, ҳали туз ҳам тотмаган эди, шу сабабдан хожа Анвар унга ўқтин-ўқтин норози қараб кўярди. Ҳукмдор қўлини иккинчи марта юқори кў-



тарган эди, соқий қадаҳларни янгидан тўлдириб чиқди: майли, ичишсин, бугунги байрамдан рози бўлишсин, дўзах оловида мен эмас, манавилар ёнади... Аҳли анжуман гумбаз лаганларни, қирговул, каклик солинган товоқларни бўшатиб, кузнинг тотли меваларига қўл чўзган бир пайтда вазиру вазаролар, аёёну саркардаларнинг ҳозирга қадар бунақанги байрам ўтиришларида кўрмаганлари бир ҳодиса рўй берди: ҳукмдор қўлини учинчи дафъа юқори кўтариб, учинчи марта ичишга рухсат берди ва қизлар каби нозик соқий йигит думбаларини ўйната-ўйната, нозлана-нозлана анжуманини айланиб, тагин қадаҳларни тўлдириб чиқди... Бироздан сўнг ҳукмдор овқат еб оғирлашиб қолган; юзлари тарсо шаробининг таъсиридан бўғриқиб қизарган, кўзлари хумор-хумор сузилаётган аёёнларга боқиб, уларнинг лом-мим демай серрайиб турганларини кўргач — улардан уч-тўрттаси ҳамон қўй каби қавшанар эди — тагин унинг кўнгли айниди ва ҳукмдор энди анжуманини яқунлаш лозимлигини, бирпас ташқарида тоза ҳаво олиб, ётоқхоналардаги чироқларни ўчириб, лаззатли уйқуга кетиш муддати ётганлигини англади. Ҳукмдор ўрнидан турди...

Бу ажойиб байрам анжуманининг охирида ишга шайтон аралашди, жаҳаннамга восил бўлган шоирнинг наҳс нияти амалга ошди, сарой боғида, сокин ва юлдузли куз оқшомининг салқинида кезиб юрган ҳукмдорга нохуш бир хабарини етказиш билан вазирининг ёган-ичганини бурнидан чиқаришди, бунинг устига ҳозир саройнинг энг юқорисида жойлашган хилват хобхонада, берк эшик ичкарасида пос-бонлардан бирининг назоратида қолган, мушк-анбарлар солинган иссиқ сувда чўмилтирилиб, атирлар сепилган, оппоқ кўрпа-тўшакда пишган жўжа каби ҳовурланиб ётган ўн беш ёшли қиз ҳам қўлдан чиқишига оз қолди: бундай кўнгли-сизликдан сўнг вазирда эркаклик майли қолмасди. Кекса вазирининг ғазабдан юраги ўйнаб, аъзойи бадани дир-дир титради.

— Нечун! — деб сўради ҳукмдор. Аёёнларидан бири келтирилган хабарни у яхши эшитмаган эди.

Семиз аёён тагин қўл қовуштириб, икки букилди.

— Мунажжим ўз жонига қасд қилибди, ўзини осиб қўйибди, одил ҳукмдор!

Мана, бугун нечанчи дафъаки, ҳукмдорнинг тагин кўнгли айниб, вазмин-вазмин ортига бурилди ва ўзидан бир оз орқада қотиб қолган, ой ёруғида кўрқувдан соқоли латтадай осилиб тушган вазирга тикилди, вазир яна ўзини тутта олмай, кучукдай ингиллаб юборди.

— Сабаб!

Ҳукмдор қафтани вазири томон чўзиб, бармоқларини букиб очди, вазирга гўё ҳавода кўршапалак ўйнагандек туюлди. Хожа Анвар унинг турган жойида тамома бўлганини кўриб, асабий ҳолда елкасидан илгари итарди.

— Хўш, қария, сабаби не!

Вазири ҳукмдорнинг пойига тиз чўкиб, унинг оёқларини маҳкам қучоқлаб олди.

— Оллоҳнинг номига қасам ичаман, худо ҳақи, менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ! — дея ўқиб-ўқиб йиғлади.

— Аммо мен биламан! — Ҳукмдор вазири тепиб юборди ва вазири тагин худди тепки еган кучукдек ингиллади. — Мен биламан у кофирнинг ниятини! — деб давом этди ҳукмдор. — Охири истаганини қилди, илон инидан чиққан қари чаён! Менинг байрамимни мотамга айлантирди, ҳукмдорнинг овқатига заҳар қотди, жаҳаннамда еган кўзларига тўкилсин унинг!

Сўнг ҳукмдор сукутга кетди. Ҳамма икки букилиб қолган эди: ҳукмдорга дастлаб гўё барча аёёнларини, саркардаларини, атрофида нимки бўлса, ҳаммасини кимдир кўринмас қилч билан иккига бўлиб юборгандек туюлди. Ҳукмдорнинг кўнгли ағдарилиб, ичак-чавоғи бўғзига келиб тикилгандай бўлди, ўзини шу қадар ёмон ҳис этдики, хожа Анварни ёнига қақаришни истади: ёнартоғнинг вулқони каби илкис пайдо бўлган ғазаб алангаси гуп этиб миясига урилди, бундан уч-тўрт кун аввалги иситмадан ёниб чиққан кечаларини эслади, ярасига туз селган маъзи майда-чуйда тафсилотлар ёдига тушди ва бир лаҳзанинг ичида шу қадар мажолсизландики, вазиру вазаролар, қози, аёёну саркардалари олдида қўлаб тушишига сал қолди. Хожа Анвар ниманидир ҳис этди шекилли, амр кутиб ўтирмай ҳукмдорнинг ёнига келиб турди. Худди шу пайт ҳукмдор, хожа Анвар, вазири, қо-

зиллон, кечки сайр учун сарой боғига чиққан аёёнлар, саркардалар қулоғига қайдандир бир аёл фарёди эшитилди: кимдир аччиқ-аччиқ нола чекар, айтиб-айтиб йиғларди.

— Бу нимаси тагин!

Саркардалардан бири нола келаётган томонга югуриб кетиб, тезда қайтди:

— Одил ҳукмдор, бир кампир шоирнинг жасади устида айтиб йиғляпти.

Ҳукмдор инграб юборди ва:

— Учиринг унинг овозини! — дея амр этгач, қўлларини орқасига қилганича тўғри саройнинг улкан дарвозаси томон йўл олди. Хожа Анвар унга эргашди.

...Елкадор, қошлари туташ, мушаклари пўлатдек бақувват ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги бир саркарда қайтадан сарой боғидан чиқиб, сарой майдонини кесиб ўтди ва кечқурун қатл маросими ўтказилган жойнинг орқасидаги тепаликлар томон юрди. Ой бу жойга шу қадар кўп шуълалар тўккан эдики, дафъатан бу ерга келиб қолган киши куппа-кундузи деб ўйлар эди. Қунишиб муштдеккина бўлиб қолган бир кампир бошсиз жасаднинг ёнида тиз чўкиб, тебранган қўйи марсия айтмоқда эди. Саркарда кампирнинг бошига ёпирилиб борди.

— Ҳой, кампир! — деб бақирди у. — Тур, даф бўл вайронанг!

Кампир бошини кўтарди, бироқ қаршисидаги шарпани тузукроқ фарқлай олмай:

— Ҳой, болам, — деди гўрдан чиққандек бир овозда. — Мени ўз ҳолимга қўй. Жиндай юрагимни бўшатиб олай, савоб бўлади.

Саркарда жилмайди, қайиши ўйнаб турган қамчисини кўтариб бор кучи билан эмас, шунчаки жонидан ўтсин дея унинг ориқ курагига бир туширди. Бироқ қосуяқ баданда энт деган нарса қолмаганидан саркарданинг хабари йўқ эди, шоирнинг жасади устида дунёнинг энг қазин, энг ёниқ марсиясини айтиб ўтирган кампир — Уфлама Қосимнинг икки оёғи ҳам гўрда бўлган, кўзларига оқ тушган бўвиси бу енгил қамчи зарбидан ёнбошига шилқ этиб тушиб жон берди.

Бўлар иш бўлган эди, на жаллод болтаси, на ушбу сарбознинг қамчиси энди бу кампирни ҳеч нима қила олмас эди. Мамлакатнинг энг кекса гўяндаси айтган сўнги марсия — сўнги алла аста-секин узайиб, шуъла каби ингичка илга айланиб, чўзила-чўзила тоғлар ошиб, ўрмонларни кечиб, охири Бобо Коҳо атрофидаги тошлардан бирига илашди ва худди шу пайт бу тошдан шундай бир оҳ қўлдиди, бу оҳдан сўнг Бобо Коҳонинг қаъридан гулдираб келган бир нидо дунёни ларзага солди:

— Наслингиз қирилсин сизнинг, эй икки оёқли махлуқлар!

...Дард ҳам оғриқ каби бир келса ботмонлаб келади, синглим!

Бобо Коҳонинг қаъридан чиққан нидо оппоқ туманга айланиб, атрофга ёйилди, кўкка ўрлаб, юлдузларни ўз оғушига олди, тўнглаб ётган қояларнинг бошида эриб, улкан муз бўлақларга айланган қўйи юксакликдан пастга отилиб, ўз йўлидаги қақшаб-чатнаб ётган тошларни, дарз кетган қояларни парчалаб ташлай бошлади; бу тош, бу қоялардан бўғиқ бир наъра отилиб чиқди, бу — чекилган оҳмиди, ўқилган лаънатмиди, англаб бўлмасди. Айни шу лаҳза ҳар бир қоянинг, ҳар бир тошнинг ёриғидан, чатнаган жойларидан арқон каби буралиб-буралиб, муз нафасли гулдураклар солиб мум каби қуюқ бир нарса оқиб чиқа бошлади. Ҳали дунёда бирон-бир кимса, бирон-бир жонивор бундай зил қора рангни кўрмаган эди. Миллион-миллион йиллардан бери ойсиз ва юлдузсиз тунларнинг зулматини ўз жисмига жойлаб келган бу собит қоялар, бу чўнг тошлар дунёнинг совуқ зулматини тагин унинг ўзига қайтармоқда эди. Бобо Коҳо қаъридан келаётган наъра ҳамон тинмас, буралиб-буралиб чиқаётган карвон-карвон оппоқ туман гумбаз каби тўнглаб ётган муз қояларни эритиб, ях бўлақларига айлантирар ва улар дўлдек пастга отилар, урэн тошларни, қояларни парча-ларча қилиб — бу гулдурак садоларидан атроф-жавонидеги ҳамма нарса инграб ётарди — пастга суриб кетмоқда эди: қоп-қора тунларнинг зулмати энди арқон каби буралиб-буралиб эмас, энчи-энли шалолаларга ўхшаб оқиб чиқар ва йўл-йўлақай чўнг қоялар зулмати билан қоришиб, тўппа-тўғри қуйига — балоқаш бир мамлакат томон ёпирилиб бормоқда эди. Орқадан, Бобо Коҳонинг қаъридан гувиллаб чиқаётган шамол



шу қадар кучли эдики, бу зил қора ва совуқ мумнинг суръатига ҳатто нур ҳам ета олмас эди.

— Наслингиз қирилсин сизнинг, эй икки оёқли махлуқлар!  
...Ташқарида гувиллаш кучайиб, дераза шишалари музлаб, қизил, яшил, сариқ ойналар зил қора рангга қоришиб кетганда саройнинг элчилар хонасига шундай бир совуқ ёпирилиб кирдики, ҳукмдор тахтидан салчиб турмоқчи бўлди, лекин тура олмади, эгилиб, ҳамон пойида ўтирган хожа Анварнинг қўлларига ёпишди.

— Бу не бало ўзи, Анвар?! — Ҳукмдор бўғзи йиртилиб кетгудек қичқириб юборди. Бироқ ташқаридаги наъралардан, гувилалаган кўйи саройнинг пойдеворларига титроқ солаётган шамолнинг зўридан хожа Анвар ҳеч нарсани эшитмади.

— Дардингни олай, ҳукмдор, нима дединг!  
Ҳукмдор ҳам хожа Анварнинг овозини эшитмади, хожа Анвар ўрнидан туриб уни кучоқлади, бошини ўз кўксига босди: ҳукмдорнинг пешонасидаги совуқлик хожа Анварнинг кўксига оқиб ўтиб, аъзойи баданини муз билан тўлдирди. Ҳукмдор қўлини деворларга чўзди ва ҳайратдан шу қадар қаттиқ қичқириб юбордики, ташқаридаги ваҳимали гулдуракларга қарамай, бу гал хожа Анвар унинг овозини яққол эшитди. У секин ҳукмдордан узоқлашиб, оёқларининг оғриғини ҳам унутиб, мино, тилла ва кумуш сувлари билан безатилган сарой деворларидан бири томон юрди, қадам-бақадам деворга яқинлашгани сайин ҳайрат ва ваҳми орта борди, кўзлари олайиб-кулайиб, соққасидан қичиб кетгудек бўлди: хожа Анварнинг шундоқ кўзлари олдида ажойиб, ярақлаб турган нақшлар бир-бир ғойиб бўлар, деворлар оппоқ бир рангга беланиб бормоқда эди. У қўлини қаршисидagi деворга теккизиб кўрди: девор муз боғлаган эди. Хожа Анвар энди қаммасига тушуниб, қичқириб юборди ва ташқаридаги гувиллаш роса кучайиб, энг шиддатли нуқтасига етган маҳалда ушбу сўзларни айтдики, уни на ҳукмдор эшитди, на унинг ўзи:

— Худованди олам, агар унинг жонини олар бўлсанг, аввал меникини ол!

Сўнг у тагин ҳукмдорнинг ёнига қайтди, ҳеч нима демасдан унинг кўлидан тутиб, қоқила-суқила элчилар хонасининг орқа эшиги томон етаклаб борди. Бу оғир темир эшикни очиб, ҳукмдорни қайдадир куйига тушиб кетадиган узун, энсиз зинага бошлаб келди. Ҳукмдор тагин қичқирди:

— Мени қайга олиб кетяпсан, биродар?!  
— Бу ерда қола олмаймиз, дардингни олай, пастга тушамиз, сарой ертўласига!

Аммо яна на хожа Анвар ҳукмдорнинг гапини эшитди, на ҳукмдор хожа Анварнинг. Ҳукмдор содиқ навкарининг ёшланиб турган кўзларига боқиб, ўзини бу мусибатдан фақат мана шу навқари халос эта олишини англади: бундан бир неча йил аввал, бу ердан олисларда, қўналға тикилган жойда тарашадек қотиб қолган, ҳар бирининг кўзида олмадай-олмадай юлдузлар ёниб ётган от ва инсон жасадлари ҳамон ҳукмдорнинг ёдидан чиқмаган эди. У розилик маъносида бош силкиди. Хожа Анвар олдинга тушди, ҳукмдор узун зина-поялардан эниб, ниҳоят, энг пастда тагин бир темир эшикни кўргач, хожа Анвар уни сарой ертўласига олиб келганини фаҳмлади. Ва ҳукмдор умрида илк маротаба хожа Анварнинг олдида ўзининг жуда қаттиқ ваҳмга тушганини яшира олмай, унга илтижо қилди:

— Мени ертўлага оптушма, Анвар!  
Юқорида гўё тоғ тоққа, қоя қояга урилгани каби нимадир гўмбурлаб кетди, гувиллаб-чийиллаб келаётган садолар ҳукмдорнинг қулоқларини, мияларини зирқиратиб юборди ва ҳар инкаласи ҳам бу гўмбурлаш шамол ҳамлаларига ортиқ дош бера олмай қулаб тушган, ер билан яқсон бўлган сарой деворларининг садоси эканлигини англашди. Ҳукмдор ҳеч нима демади, хожа Анварнинг ёнида унинг илк бор кўзларига ёш тўлиб келди, хожа Анвар унинг қўлларидан ўпди.

— Юргин, дардингни олай, бу мусибат тугамагунча бошқа яширинадиган жойимиз йўқ.

Ҳукмдор бошини қўйи солиб, хожа Анварга тобе бўлди ва ўзининг бутун инон-ихтиёрини унга топширди. Хожа Анвар ертўланинг оғир эшигини очди ва ҳукмдор ичкарида, зулмат оғушида тик қотиб турган, боши тап-тақир кал, шалпангқулоқ, кўзлари қузгун кўзлари каби киприксиз бир

кимсани кўрди. Ва ҳукмдор қўлини кўтариб, бу кимса қачонлардир беш яшар гўдакнинг юзига суртган қонни артмоқчи бўлди. Бироқ унинг қўл кўтаргулик мажоли қолмаган эди, у ўздан илгари ичкари кириб, чақмоқтош чақа-чақа ертўла чирогини ахтариб юрган хожа Анварни кутиб турди. Бироздан кейин хожа Анвар остонада пайдо бўлди, ҳукмдорнинг қордай оқариб кетган ранг-рўйини кўриб, йиғлаб юборишига оз қолди, ҳукмдорга икки қўллаб ёпишганича уни ичкари тортиди ва темир эшикни бекитди. Ташқаридаги гулдурак, талотумдан сўнг бу соқин масканга киргач, ҳар иккиси ҳам чуқур бир қудуқнинг тубига тушиб қолгандек ҳис қилди ўзини. Ҳукмдор бурчақдаги мис чироқдонда ёниб турган чироқни кўриб бироз таскин топди, аммо муз боғлаган деворларга кўзи тушиб, Анварнинг линжига суқилди ва кўрқувданми, совуқданми дир-дир титраб сўради:

— Бу не мусибат ўзи, Анвар?  
— Шайтоннинг амалидан бўлак ҳеч нарса эмас! — Хожа Анварнинг овози бўғзидан чиққанга ўхшамас, гўё бу овоз тилининг учиде ингичка ип каби осилиб турарди. — Уша лаънати шамол бу, ҳув ўша лаънати шамол, ҳозир ўтиб кетади. Кўркма, кўркма...

— Мен совқотяпман, биродар! — Ҳукмдор қўлларини қўйинга тикиб олган, бутун вужуди, боши дир-дир титраб эди. Хожа Анвар ҳукмдорнинг юзига, кўзларига тикилар экан, «Худойим, уни жаннати қил!», деди кўнглида, чунки энди ҳукмдорнинг юзларидан ғазаб ёғилмас, кўзлариде чаён захри йўқ, бу кўзлар беш яшар гўдак кўзларидек мусаффо эди.

— Мен совқотяпман, биродар! — Ҳукмдор ҳазон япроғи каби титраб-қақшаб йиғларди.

— Ҳозир, дардингни олай, мен ҳозир! — дея хожа Анвар ҳукмдорнинг қўлтиғига кириб, уни ертўланинг чироқ ёнаётган кунжиде турган пастак тахта ёнига олиб борди.

— Сен ёт, ёта қол. — У ҳукмдорни ёстиқсиз-тўшаксиз тахтага ётқизиб, тўнининг устидан боғлаб олган энли қийғини ечди ва думалоқ қилиб, ёстиқ ўрнида ҳукмдорнинг боши остига қўйди, сўнг тўнини ҳам ечиб, ҳукмдорнинг устига ташлади, ўзи ҳам унинг ёнига чўзилиб, ёнбошига ўғирилди, худого, азиз-авлиёларга илтижо қилиб, баданидаги бор-йўқ ҳароратни ҳукмдорнинг вужудига ўтказди, бироқ бунинг ҳам фойдаси бўлмади. Ҳукмдор тагин нола қилди:

— Бу қандай совуқ ўзи, худойим!  
— Ухла... ухла... ухла... — Хожа Анварнинг нафаси ичиде музлаб борарди.

— Оёқларимни тебрата олмаяпман, ўн пуд тош осиб қўйилгандек оёқларимга, худойим!

Хожа Анвар ҳам оёқларини қимирлата олмас эди, шунинг учун ҳам минг азобда бошини зўрга кўтарди: ҳар иккисининг ҳам тиззадан қуйисини муз босган эди. Бошлари устидан мис чироқдан таралаётган заиф шуъла остиде деворлардаги муз қатламлари ҳам, ҳар иккисининг тиззадан қуйисини қоплаб олган муз ҳам қизғимтир товланарди. Бу қизғимтир муз уларнинг вужуди буйлаб аста-секин сув каби мароқли кўтарилиб, бўғизларига етиб келганда, ҳукмдор ҳеч нарсани кўрмай қолди.

— Улимнинг муборак, Анвар! — деди у.  
Хожа Анварнинг кўзлари очик қолган эди:  
Улим барҳақ, ҳукмдор...

Ниҳоят, ертўлада, тўнглаб қолган мис чироқдонда ёниб турган чироқнинг алангаси ҳам музга айланди: қип-қизил муз аланга бўғзидан синиб, пастдаги музлик устига тушди ва чилчил синди...

Ташқарида эса сукунат оғушига чўмган, қалин муз қатламлари остиде қолган бир мамлакат бор эди.

Куёшнинг заррин шуълаларига беланган бу улкан музликлар диёрнинг қайсидир бир нуқтасида, ўлимнинг совуқ сукутида, тилла товоқ ичиде шоирнинг очик қолган бир жуфт кўзи бу балокаш дунёни томоша қилиб турарди.

\* \* \*

Дарҳақиқат, кундузнинг уйқуси ҳам ширин, ҳам осойишта бўлади: охириги пайтларда, эҳ-ҳе, қачонлардан бери бундай осойишта ва қаттиқ ухлаганини эслай олмайди: Марк Георгиевичнинг етти пуштига раҳмат! Гапининг устидан чиқди, қисқа мuddат ичиде беморни ҳаддан зиёд кўтарилиб кетган

иситмадан халос этиб, оёққа тургазиб юборди... Бемор кўзларини очиб, тепасидаги шифтга боққан кўйи маза қилиб эснади ва ўзини сўзининг асл маъносиде бахтиёр деб ҳисоблади. Инсон ҳамиша умиднинг этагидан тутиб, ҳамиша эртани, келажакни ўйлаб яшамоғи лозим, кечаги кун билан, ўтмиш билан яшаш жуда қимматга тушади, чунки инсоннинг фақат бугуни ва келажаги бор, унинг ўтмиши йўқ: вақт муттасил, бир лаҳза ҳам тўхтамай фақат олдинга оқади, инсон эса ҳамиша, қандай шароитда бўлмасин, соғлигида ҳам, беморлигида ҳам вақтнинг бир томонлама йўналишига бўйсунмоғи керак... Бемор жилмайди: лаззатли чўпон қайнатмасидан сўнг ухлаб тургач, бундай доноларча мулоҳаза юриштишининг ўзи ҳам ёмон нарса эмас, соғлом танда соғ ақл деб тўғри айтганлар. Бемор ўрнидан кўзғалиб, шиппакларини топиб оёқларига илди, сўнг курси устидаги халатини олиб кийиб, соатига қаради: роса икки ярим соат ухлабди, ажабо, Замина ҳам уни ўйғотмабди... Дераза олдида борди ва парда тирқишидан ташқарига, ҳовлига нигоҳ ташлади. Ҳаво тундлашган, афтидан, ёмғир ёғадиган эди, ҳовлининг бетартиблигини, томи очилиб қолган ахлатхона ичидаги оғзи қудуқнинг оғзидек қорайиб турган ахлат қутиларини, шохларига битта ҳам яшил япроғи қолмаган, шалоқ-шалоқ барглари сарғайиб, қизариб бўлган тут дарахтларини майин тер босган деразадан томоша қилар экан, эҳ, ҳозир куз ўрнида ёз бўлганида, нур устига нур бўлар эди-да, деб ўйлади. Ким нима деса деяверсин, аммо куз каби бемаъни фасл йўқ. Куз йилнинг на у ёқлик, на бу ёқлик фасли, у худди тумовга ўхшаб одамни жуда ланж, қарахт қилиб қўяди. Бундай ҳавода йўли чўлга, ўрмонга тушганларнинг ҳолига вой... Ортдаги эшик гичирлади ва Заминанинг овози эшитилди:

— Ҳа, турдингизми? Кўрамиз энди кечаси сизнинг ўринингизга-ким ухлар экан.

— Замина ичкари кириб, дераза олдида ҳамон мудроқ босиб турган эрининг биров шшинқираган, аммо анча тиниқиб қолган юзига боқди, каравотнинг устини тартибга солгач, деди:

— Телефон қилишди, эрта туш пайти Мухтор Каримлининг ҳузурига борар экансиз, мажлис бўлар экан, шекилли.

— Бемор Заминанинг «телефон қилишди» деган гапидан сўнг тушида ғалати бир узундан-узун кўнғироқ овозини эшитганини эслади, аммо ҳарчанд уринмасин, кўрган тушини хотирлай олмади: демак, бу ерда тун ва куннинг дахли йўқ, одам кундузлари ҳам туш қўраверар экан-да! Лекин кундузнинг тушлари хосиятлига ўхшайди, чунки ўз вужудидаги энгиллик, ҳаракатчанликка, муҳими, руҳидаги осойишталикка боя тушида эшитган кўнғироқ овозлари сабабчи эканлигига беморнинг имони қомил эди. У:

— Боришим шарт эканми?! — деб сўради.

— Албатта! — деди Замина. — Одамлар орасида кўриниб туринг, дўст бор, душман бор. Агар бетайин мажлис бўлса, уйга қайтиб келаверасиз. — Замина эрининг юзига тикилди. — Эрталаб соқолингизни олишингиз керак, оқ кўйлагингизни дазмоллаб қўйдим, янги костюмингизни ҳам кийиб олинг.

Бемор индамади... Кирликнинг Саъди Афандига айтган сўзлари ёдига тушди: «Тагин сени Салоҳовнинг ёхуд Мухтор Каримлининг ҳузурига қақирсалар, этагининг тўқазмагил». Бемор жилмайди ва киришиб баданини қашлади.

... Эртаси куни соат ўн бирлар атрофида у йўлга отланди, кўчага чиқиши биланоқ жун бўйинбоғини тузатиб, ёмғир-пўшининг юқоридан кўйи барча тугмаларини қадади ва кепкасини кўзларигача бостириб олди. Кўшиллардан бирига дуч келиб қолмасам бўлгани эди, деб ўйлади у, чунки уларни учратиш қолса, тўхтаб касаллиги ҳақида узундан-узук, то чакаги толиқиб қолгунча маълумот беришга мажбур эди. Фақат унинг кўшилларига эмас, афтидан, дунёдаги барча кўшиллар шу жиҳатдан бир-бирларига ўхшаб кетадилар. Одамни соппа-соғ кўрганда, трамвай, троллейбусларда учрашиб қолганларида шунчаки саломлашиб, қисқагина ҳол-аҳвол сўраб қўя қоладилар, аммо узук чўзилган хасталиқдан сўнг уларнинг кўлига тушиб қолсанг, худо урди деявер. Нима касал бўлдинг?. Қайси ҳаким даволяпти? Қанақанинг дориларни ичяпсан? Ҳакимлар энди нима дейишяпти?.. Ҳаммасига жавоб беришингга, маслаҳатларини бошдан-оёқ эшитишингга ва бунинг устига, тезроқ соғайиб кетишинг ҳақида сидқиқидан билдирилган тилақларини қабул қилиб, ҳар бирига ўзининг чуқур миннатдорчилигини билдиришингга тўғ-

ри келади. Яъни ҳеч кимдан гина қилмаслик керак: фақат менинг кўшилларимгина эмас, деб ўйларди аҳён-аҳёнда бемор, балки бу улкан шаҳарнинг сонсиз-саноксиз биноларида яшайдиган барча кишиларнинг суҳбати айнан бир хил бўлади; ким нима олди, ким кизини кимнинг ўлига берди, кимга қандай жиҳоз келтирдилар? Фалончиевнинг кетига тегиб, ўрнига Пистончиевни қўйдилар, бундоқ ишдан олинган ва ишга қўйилган фалончиевлар неча киши ва ниҳоят, ким қандай касалга чалинди, ким нимадан ўлди — вассалом. Гўёки шаҳарда шу мавзулардан бўлак маънилироқ бир нарса қуриб кетгандек. Беморнинг фикрича — бу фикр унинг калласига энди, чуқурилик каби бир-бирига ўхшаш шаҳар одамларига боққан кўйи аста-секин қуйига тушиб, шод-хуррам Коммунист кўчасига бурилган пайтида келди — агар бу одамларнинг ҳар бири кўчага чиққанида, уйга қайтаётганида бошини кўтариб кўкка боқса эди, қуёшни, ойни, юлдузларни кўрса эди, эҳтимол, бундай суҳбатларнинг аксарияти барҳам топиб кетар эди. Шу кетишда кетса, юз йилдан, борингки, «икки юз йилдан сўнг табиий мослашув рўй бериб, бўйин мушаклари бошни юқори кўтариш вазифасини йўқотиб қўйиши мумкин. Ҳой одам, бошингни кўтар, кўкка боқ, дунё кўзларингга гўзалроқ кўринсин. Офарин ушбу каломга! Абулқосимга айтиб қўйиш керак, буни китобига киритсин, тагин анави кўнғироқ садолари ҳақидаги гапни ҳам айтиш лозим... Е кудратингдан, қандай ажойиб садо эди у. Кошки одам ҳамиша шундай тушларни кўрса! Доммо шунангки тушлар кўрган, шундай кўнғироқ садоларини эшитган одам «оҳ» демая юз йил яшаса керак. Тўғрироғи, кошки тушларингга марҳумлар, марҳумлар билан боғлиқ ҳодисалар кирмаса, кошки ҳамиша тушларингга ана шундай ажойиб садоларни эшитсанг. Ва тагин, кошки кўзинг бу салкин кунлари, дарахтларнинг сан-сарик япроқлари бўлмасайди... Бемор йўл четигада рўзнома дўкончаларининг бири олдида тўхтади, ойнаванг деворларга осиб қўйилган ранг-баранг ойномаларга тикилди, бу ойномалар муқовасидаги жилмайиб турган чеҳраларни томоша қилди ва Саъди Афандининг сувратларидан бирини эслади, бошида бухори папоқ, эгнида пўстин, сўл кўлининг номсиз бармоғида эса марварид узук... Беморнинг юраги сиқилди, шоша-пиша чўнтагига қўл суқди, хайрият, Заминага минг раҳмат, нитроглицерин солиб қўйибди. Ойномалар муқовасидан тикилиб турган турли-туман эркак ва аёллардан ҳеч бирининг юзи сарғайган эмас эди, аммо албомдаги Саъди Афанди сувратларининг ҳаммаси ҳазон япроғи каби сарғайиб кетган эди. Ҳей ўткинчи дунё, э-воҳ!.. Бемор ўрнидан жилиб, тагин йўлга тушди: у аста-секин одим ташлаб борар экан, ўйлар эди: неча йиллардан бери Мухтор Каримли мажлислар қақиради, бу йиллар мобайнида кўпларнинг суяги қора ер остида чириб кетди, аммо у, қандини урсин, мана, ҳамон мажлис қилиб юрибди!.. Аммо хаёлига келган бу фикр кўнглига ёқмади, бу фикрда қандайдир бир ёвузлик бор эди. Худонинг берган умри, оладиган ҳам унинг ўзи!.. Бемор Саъди Афандининг уч дафтардан иборат кундалигини ўқигандан сўнг неқбинлашиб қолган, шунчаки, кўзлари очилган, кўпдан бери дилида тугиб юрган шубҳали саволларга жавоб топиб, бир-икки кун ичида ҳаётга, баъзи ҳодисаларга қарашларида бир қадар донолик ва хушёрлик касб этган каби ҳис этарди ўзини. «Ҳозир жангарилик қиладиган замон эмас, ҳамма йўлини қилиб ўз нонини топиб ейдиган замон, сен ҳам ақлингни йиғиб ол, ўз жонингни ўйла». Берган уникдан кетаётганида, дахлизда айтган эди бу сўзларни. Албатта, бу калом Абулқосимнинг китобига тушадиган даражада доно гап эмас эди, аммо ҳар ҳолда, бу сўзларда ҳақиқат бор эди, бу дунёнинг, бу харчи давроннинг содда ҳақиқати...

Мажлисдан у жуда ғазабланиб чиқди, энди йўлдан ўтаётган йўловчиларга боқмай, ҳеч нарсага эътибор бермай, ҳам ўзини сўқарди, ҳам Салима хонимни. Бекор-беҳудага Салима хоним кундаликини унга берган экан: йўл бўйи Салима хонимнинг упа-эликли юзларини тасаввур қилиб борар экан, тобора асабийлашарди, унинг «кулган-йиғлаган» овози кулоқлари остида жаранглар экан, бутун вужуди кўпдан бери такрорланмаган, аммо таниш бир безгак титроғи га тўлиб борарди... Ҳой тентак, бу қандай қаҳрамонлик, бу не талабгорлик, бу қанақанги чираниш ўзи? Ҳой-ҳой!.. Марк Георгиевич ҳам, Замина ҳам пайғамбарлик қилган эканлар: бошингни қуйи солиб, бир парча нонингни топиб еганин учун худого шукр қилиб юравер. Саъди Афанди нима деган эди? «Бунчалар ҳийла-найранг, бунчалар қалтис



ўйин бўладими, ахир?» Рост экан! Падаринга минг лаънат сенинг, эй Каримли. Бир томондан бу ҳавони-чи: сенинг япроқларинг куриб кетсин, эй куз!..

«Мажлис бошланган, ҳамма жой-жойига ўтириб, залдаги гада-говур тингандан сўнг Мухтор Каримли котиба келтириб қўйган чойдан бир қултум ичиб олиб, баъзи майда-чуйда масалалардан гап бошлаганда, бемор унга синчков разм сола болади. Каримлининг ранг-рўйи ўқилмакчига ўхшарди, юзларидаги думалоқ қирмизи доғлар гўё кейинчалик ўла-элик билан бўяб қўйилгандек эди. Каримли очилиб-сочилиб, ҳазил қилиб гапирмоқда эди. Бироз ташқарида қезиб юрган куз фаслидан дам урди, буни қарангки, куз Мухтор Каримлининг энг севимли фасли экан, бу гаплар беморнинг ёдида ўша заҳоти муҳрланиб қолди: «Кузда мева-чева мўл-кўл бўлади, мен шундай бир ёшга бориб қолдимки, энди менга кўпроқ витамин керак». Залда кулгу янгради. Сўнг Каримли жиддийлашиб, олдидан турган қандайдир бир илмий анжуман ҳақида гапирди ва меҳмонларни кўтиб оладиган кишилар рўйхатини ўқиди, уларнинг ҳар бирига махсус топшириқ берди, зал хийла совуқ бўлгани учун у, ер-бу, ерда ўтирган баъзи кишилар кўлларини ухлаб исита бошладилар, бемор Каримлининг кўллари ҳам титраётганини кўрди. Сўнгра соқол-мўйловлари оппоқ бир киши ўрнидан туриб, Каримлининг саволига жавоб берди, афтидан, Каримли анжумандан сўнг ташкил қилинадиган зиёфат харжлари ҳақида ниманидир сўраган эди. Бемор энди нотижқа қулоқ солмай қўйган эди, боя у ушбу залга кириб, Саъди Афандининг кундалигидан ўқиган сўзларни эслаган, унинг бунақа мажлислар пайтида ҳаммаша ўтирадиган жойини ахтариб, таҳминан бўлса ҳам толганидан сўнг келиб орқа қаторлардан бирининг энг чеккасига ўтирган, ичдан иссиқ кийиниб олгани сабабли, терламаслик учун ёмғирпўшини, бўйинбоғини енчиб тиззаси ўстига қўйган ва сўнг Саъди Афанди тасвирлаган нақшинкор шифтга тикилган эди; энди бу шифт нақшинкор, гўлқори эмас эди, нақш ва гуллар устидан оқ мойбўёқ сурилган, эндиликда бу залнинг шифти касалхоналарнинг шифти каби бўз, тунд бир рангда эди. Ва ниҳоят, Каримли Саъди Афандининг юбилейи ҳақида гапирга бошлаганида беморнинг юраги дучуллаб кетиб, ҳамма нарсани унутиб, диққат ва ҳаяжон билан уни тинглай бошлади. Суф сенинг сиру савдоларингга, эй дунё!.. Уйга қайтар экан, ҳали йўлнинг ярмига ҳам етмаган эдики, кўкқисдан эсига бир нарсга тушди, ахир, боя мажлисда эиёфатга алоқадор саволга жавоб берган оқсоч, нуронийсифат киши Қодир Пинҳон эди-ку! Уз даврининг ёш шоири бўлган Қодир Пинҳон энди Каримлининг ёнида бош маслаҳатчи бўлиб ишлар эди. Қўрбон бўлсанг арзийди шайтонга иштон тиккан бунақанги дунёга.

Беморнинг қулоқларига мусиқа садолари урилди, ёнига бурилиб, бу мусиқа садолари энсиз тахта эшик устида неон чироқлари билан «Диско бар» деб ёзилган, ертўлада жойлашган, қизил, яшил, сариқ кўзлар ўрнатилган, деразаси йўлдан ўтадиган йўловчиларнинг тиззасидан келадиган бир емакхонадан эшитилаётганини англади. Ҳозир юз эллик грамм отиб олса ёмон бўлмасди!.. Беморнинг кўзлари чарақлаб кетди, қуйига, барга тушишдан аввал телефон будкасига кириб, уйга қўнғироқ қилди. Телефонни Замина олди.

— Қалай ўтирибсизлар?

— Қаердан гапиряписиз?

— Бироз айланмоқчиман, тагин хавотир олиб ўтирма.

— Бўпти... Мухтор Каримли нима бўлди?

— Жуда яхши бўлди.

— Тагин шамоллаб қолманг.

— Йўқ, ташвиш тортма.

— Ҳозирча хайр.

— Хайр.

Барнинг ичкарисис айнан ўтмишдаги сарой хоналарига ўхшарди: қадимий мис шамдонларда қўзинчоқ чироқлар ёниб турар, деворлар заррин нақшлар билан безатилган, каттақон, баланд тошларнинг ўнг ва чап томонларига уларнинг бўйи барабар кандакори мис қалқонлар осилган, бурчакдаги ҳужраларнинг баъзиларида эса энсиз тахталар устига баҳамл боллишлар, ёстиқлар қўйилган эди. Бемор ўзини киностудиянинг павильонларидан бирига кириб қолгандек ҳис қилди. Икки кишилик, тўрт кишилик столларнинг устида крахмалланган дастурхонлар ёзилган, катта-кичик ранг-баранг қадаҳлар парпар ёнарди. Кириш эшигининг рўпарасида, залнинг нариги

томонида иккита каттақон динамик қўйилган бўлиб, улардан шалдираб оқаётган сув оҳангига ўхшаш мусиқа таралар, юқоридаги кучли сариқ, қизил, яшил чироқлар бу мусиқага мос равишда безовта юракнинг дукиллашига ўхшаб ёниб-ўчарди: бу ерга фақат раққосалар етишмас эди, балки кечқурунлари, кун ботгандан кейин раққосалар ҳам келар... Бемор ёмғирпўш ва кепкасини букри хизматчига узатаётган, қараса, уч-тўрт йил аввал Замина Москвадан, «Березка»дан унга олиб берган бўйинбоғи йўқ, афтидан, бўйинбоғи ўша жойда, Мухтор Каримлининг ҳузурида қолдириб келган эди. Унинг кулгиси қистади, бироқ букри хизматчининг таажжуб билан тикилиб турганини кўриб, ўзини зўрга тутиб қолди. «Хайф кетдинг, эй жун бўйинбоғ!..»

Бироқ сарой каби бу ҳашамдор, антиқа қаҳвахонанинг ҳавоси унга ёқмади, бўш столлардан бирида ўйиб-ёнаётган чироқларга беткай ўтирганича таомкашни кутар экан, бу ернинг ҳавосида, гарчи у қадар совуқ бўлмаса-да, аммо қандайдир нохуш бир нарсга борлигини ҳис қилди: эҳтимол: дунёдаги барча ертўлалар шундай бўлса керак, улар ҳар қанча иситилса ҳам, ҳар қанча чироқлар қўйиб чароғон қилинса ҳам, барибир одамнинг юрагини сиқадиган ертўла ҳиди анқиб туради. Ҳатто бемор, ертўланинг остида улкан бир бўшлиқ бўлиб, сезилар-сезилмас бу совуқ ўша бўшлиқдан, Ер куррасининг қайсидир бир зулмат салтанатидан келаётган, деб ўйлади. Аммо бу борада кўп бош қотириб ўтирмади, чунки бунга ҳам бош қотираверса, шундоқ ҳам қайнаб турган қонни кўпириб кетиши ҳеч гап эмас эди. Мана, Заминанинг кўзини ҳоли қилиб келган жойи! Бу ердан чиқиб уйга борганида хотини ишонадиган тузукроқ бир баҳона топиши керак эди. «Мажлисдан сўнг Каримли мени «Интурист»га элтиб меҳмон қилди, ичиб, меҳри тошиб кетганидан бағрига босиб ўпди, мен ҳам бўйинбоғимни Каримлига инъом қилдим!» Ишониб бўпти Замина!.. Бемор залга разм солди: бу ерда ундан ташқари атиги уч-тўрт одам бўлиб, улар йирик столлардан бирида баланд овозда гаплашиб, еб-ичиб ўтирардилар. Таомкаш унинг бошига келиб, савол ишораси билан қараган эди, бемор, нималарингиз бор, деб сўради. Таомкаш мамлакатнинг энг лаззати таомларини бир-бир санашга тушди: чучвара, сомса, қозон каюб, тоқбарг дўлмаси, қовурдоқ, балиқ каюби, балиқ лўласи, гўшт лўласи. Офарин бундай мамлакатга!

— Икра-чи?

— Йўқ, икрамиз йўқ.

Беморнинг бу ерга киришдан мақсадга юз эллик грамм ичиб, ўзига келиб олиш эди, аммо деворга осилган қалқонларни, қайрилма қиличларни, ерда, гиламлар устига қўйилган ажойиб сопол, мис кўзаларни кўриб, ўзини гўё Фиротга минган Гўрўғли ҳис қилиб, таомкашга икки юз эллик грамм ароқ, майда-чуйда газак, икки дона балиқ каюби буюрди. Таомкаш бош силкиб кетгандан сўнг у столга тирсақларини тираб, иягини уқалар экан, ўзини жуда нохуш ҳис қилди. Бундан кўра мажлисга бораётганида оёқлари сингани яхши эди! Гўё халойиқ мажлис учун эмас, кўнглихушлик қилиш учун келган эди... Таомкаш дарҳол қайтиб келди, у патнисда беш одамга етуғлик емак келтирган эди. Бемор ўзини билмаганга олди, таомкаш олиб келган неъматларини столга тизиб қўйган, кичкина графиндаги ароқдан қадаҳга қуйди. Бемор бир бўлак турп олиб тузга ботирди, ароқни бир кўтаришда бўшатиб, турпини оғзига солди. Воҳ-воҳ-воҳ!.. Сўнг жиндай дудланган балиқ, бир бўлак пишлоқ олиб идишга солди ва иштаҳа билан ейишга тушди... Аммо Мухтор Каримли нутқининг охирида шундай бир ёлғонни қилдики, агар нариги дунё бор бўлса, фақат шу ёлғонни учун у дўзах оловида қуйиб кетиши тайин эди... Бемор уйдан олиб чиққан уч сигаретидан бирини тутатди ва ютоқиб-ютоқиб тортди. У гўё боши узра буралиб-буралиб залнинг эшигидан чиқиб кетаётган сигарет тутунига қўшилиб, ўзи ҳам тагин кўчага чиққандек, Мухтор Каримлининг Саъди Афанди таърифлаган «бойқуш хароботи»га бориб қолгандек ҳис қилди. Утмишда шифти безатилган, заррин нақшлар солинган бу қадимий бионинг мажлис залда, эрталаб уйда етган бир парча нонидан сўнг оч қоринга юз грамм ароқ отиб олган бемор, Каримлининг нималар деганини ҳам, ранг-рўйини ҳам гўё ҳозир чекаётган сигаретининг куюқ тутуни ортидан ғира-шира кўриб тургандек бўлди ва ароқдан сўнг бироз юмшаб, ғазабдан тушгани учун у ерда эшитганларини ҳам яхши эслаб олмади. Афтидан, Каримли ўз нутқининг бошида ҳам, охирида ҳам, бу юбилейни



эн юксак даражада ўтказиш ҳамманинг муқаддас бурчидир, деди. Сўнг Саъди Афандининг юбилейи муносабати билан наشريётларда чиқадиган асарлар рўйхатини ўқиди ва залда ўтирганларга кўрилажак бошқа тадбирлар ҳақида ахборот берди. Шундан сўнг у залдагиларга мурожаат қилди:

— Балки саволлар бордир? — Қўли дир-дир титраб, ноқсимон стакандаги чойдан ҳўплади. Бемор қўл кўтарди.

— Анави ўртоқнинг саволи бор, шекилли. — Каримли ўрнидан турди. Залда кулги, пичирлаган саслар эшитилди. Беморни яқиндан танийдиганлар унга терс-терс қараб қўйдилар.

Бемор деди:

— Мухтор домла, Саъди Афандининг чоп этилмаган бир романи бор, деган гап-сўзлар юради. Балки бу ҳақда сизга бирор нарса маълумдир? — Мана, қармоқ ташладим, ҳозир каттакон балиқ илинади, деб ўйлади бемор...

Мухтор Каримли жилмайди ва галстугини тузатар экан, сўради:

— Сенинг отинг нима эди? — Аслида Каримли унинг отини ҳам, фамилиясини ҳам яхши биларди.

Бемор исм-шарифини айтди.

Каримли ўнг қўлини юқори кўтарди:

— Ҳа, ҳа, эсимга тушди, — деди у, — ҳалиги монографиянинг муаллифи сен бўласан-а?

— Шундай!

Каримли тагин чой ҳўплади, яна галстугининг тугунини у ён-бу ёнга тортиб, деди:

— Йўқ азизим, бу роман ҳақида менга ҳеч нарса маълум эмас. — Сўнгра нимадир эсига тушгандек кулди. Мухтор Каримлининг кулишини бир бор эшитган киши уни бир умр ёдидан чиқармасди. Гўё кимдир қачондир «пихиллаб кулиш» иборасини Мухтор Каримлининг шу кулишини эшитгандан кейингина яратган эди. Бемор бир неча марта шоҳиди бўлган бу кулгунини ҳозир яна эшитиб, ўзини йўқотиб қўйди, ташвиш билан ён-верига жовдираб боқди, ҳозир кимдир, балки унинг ўзи Мухтор Каримлига оғиз очиб бир нарса дейиши лозимдек туюлди, аммо ҳеч ким фанг демади, чунки ҳамма бу кулгининг сеҳрли тилсимига тушиб қолган эди. Бемор Саъди Афандининг кундалигидан ўқиган бир жумлани эслади: «Бул дафъа юз хўроз эмас, гўё минг хўроз бир ерга йиғилиб бараварига қичқирган каби бўлди». Каримли гапида давом этди: — Шўрлик, гўри нурга тўлсин!.. Ҳозиргача кўзларим олдида турибди. Жуда дид билан кийинарди раҳматли, бошида бухори папоғи бўларди, хато қилмасам, қўлига нозик бир узук ҳам тақиб юрарди. — У тагин кулди, пихиллаш саслари шифтга тегиб, пастга тўкилаётганга ўхшарди. — Унга айтардики, у пайтлар биз нисбатан ёш эдик, ҳа, дарвоқе, унга айтардики, ҳой Саъди Афанди, янги асар ёзгансан дейдилар, бериб тур, биз ҳам бир ўқиб чиқайлик; у эса бизга, ҳой ярамас, худо ҳақи, даф бўл бу ердан, дерди.

Зал гулдираб кулиб юборди, ҳатто чапак чалганлар ҳам бўлди. Гўёки жанозага келган халойиққа ўлик тирилиб кетди деган эдилар.

— Шўрлик кейинги пайтларда жуда восвос бўлиб қолган эди... — Каримли жиддийлашди. — На илож, оғир вақтлар эди, ўртоқлар, жуда мураккаб бир даврни бошимиздан кечираётган эдик. Минг афсуским, орамизда ифлослар ҳам оз эмас эди. Ҳар ҳолда!.. Бошқа саволлар йўқми?

Вассалом. Бошқа яна қандай савол бўлиши мумкин? Юбилей энг юксак даражада ўтказилади, демак, Салима хонимнинг бутун безовталиги, ташвишларига чек қўйилган эди. Бундан кейин тагин нима ҳам деб бўларди?.. Бемор бошини қўйи солди, иссиқ пат қўйлаги остида баданини тер босган эди, у Саъди Афанди кундалигининг тагин бир ерини хотирлади: «Мен ўлтирган ўрнидан бир луқма сўқмоқчи бўлдим, аммо хотинимнинг сурати келди-турди кўз олдимга, Мухтор Каримлининг заҳил башараси келди-турди кўз олдимга, ҳирсимни босдим, дамимни ниммага ютдим, гапирмадим, гунг бўлдим». Беморнинг кўз олдида гўё «вассалом»лардан иборат бир карвон мажлисининг бошидан охиригача оқиб ўтди. Падарингга минг лаънат, эй Мухтор Каримли! Суф сенинг сирү савдоларингга, эй дунё!.. Сўнг мажлис тугаб, ҳамма севиниб, шоша-пиша залдан чиқаётганда — узундан-узоқ мажлисларда ўтиришга ҳеч кимнинг тоқати қолмаган эди — Каримли беморни олиб қолди, қабулхонада, ўз ёрдамчисининг устига даста-даста қоғоз уюлган столи ёнида унга, монография менга жуда маъқул бўлди, умуман, Саъди Афанди ҳақида жуда кўп

ёзиш керак, жуда-жуда афсуски, ҳали Саъди Афанди ўзининг ҳақиқий баҳосини олгани йўқ, деди. Бемор Каримлининг сўзларига қулоқ солиб, ҳар гапида алоҳида оҳангда ишлатадиган «жуда»ларидан асабийлашган қўйи ҳеч нарса демай бошини қўйи солиб тураверади. Саъди Афандининг юбилейи ўтказиладиган бўлинган, Саъди Афанди ҳақида ёзилган энг катта монографияни Мухтор Каримли жуда ўринлатиб таърифлаган эди — шунча гапдан сўнг яна нима дейиш мумкин?... Ақли-хуши жойида бўлган одам бу гаплардан сўнг индамай қўя қолади. Кейин Каримли беморнинг қўлини қаттиқ-қаттиқ сиқиб, деди:

— Сен Салима хоним билан яқинсан, унга айтиб қўй, ҳеч безовта бўлмасин. — Жилмайиб беморнинг кўзлари ичига тикилди. — Ҳар қандай майда-чуйда нарсаларга асабини бузавермасин. Узининг соғлиги ҳам у қадар яхши эмас, шекилли.

— Айтиб қўяман, Мухтор домла.

Сўнг Мухтор Каримли у билан хайрлашди, бемор кексаларга хос майда қадамлар билан кетаётган оғзин, қотма кишининг ортидан тикилиб қолди...

Таомкаш балиқ кабобини олиб келганида, беморнинг графиндаги ароғи тамом бўлган эди.

— Синглим, — деди бемор, — менга тагин юз грамм олиб кел.

— Бош устига!

Тавба, Каримли беморнинг Салима хоним билан яқин эканлигини қайдан билди экан?.. Эҳтимол, Салима хонимнинг ўзи айтган бўлса керак. Беморнинг олдида, у билан суҳбатлашганда ҳаммиса муросага бориб, пардали гапларни айтадиган Салима хоним отасининг юбилейи арафасида Мухтор Каримли олдида бормаидиган ҳафтаси йўқ эди. Тагин ўтган йили Каримлининг туғилган куниди, қишнинг қирчиллама соғуғида Салима хоним қайдадир иссиқхонада ўстирилган гулларни туя баҳосида сотиб олиб, каттакон гулдаста ясаб, табриклаш учун Каримлининг уйига боргани беморнинг ёдига тушди...

Ароқ олиб келган таомкаш бошини чангаллаб ўтирган бемордан сўради:

— Бир нима дедингизми?

Ҳаста бошини кўтариб жилмайди.

— Ҳа, суф сенинг сирү савдоларингга, эй дунё, дедим! Таомкаш жилмайди, унинг тўла, гўштдор юзи товоқдек ёйлиб кетди.

Бемор секин сўради:

— Ҳожатхона қаерда?

Таомкаш қўли билан ошхона томонга ишора қилди:

— Ошхона ёнидаги эшикдан чиқиб, зинапоядан юқори кўтариласиз, ўша ерда, ҳовлида.

— Бемор ҳақиқатан ҳам ертўлада ўтирганини англади, чунки ҳовлига чиқиш учун зинапоёлардан пастга тушиш эмас, юқорига кўтарилиш керак эди...

Бу ҳовли жуда катта ва ғалати эди. Дастлаб бемор бу ҳовлининг одамни гангитиб қўядиган, ҳафсаласини пир қиладиган гаройиб тилсимини ҳис қилмади. Қўқисдан этини жунжитириб юборган совуқдан дир-дир титраб, ҳовлини тўрт томондан ўраб турган биноларни кўргач, у гангив қолди ва кўрқувга тушди, бинолардан ҳеч бирининг на ҳовлига очиладиган эшиги бор эди, на деразаси, бу ҳовлига чиқиладиган ягона йўл — емакхона орқали эди. Бемор ўгирилиб ортига қаради: ертўланинг ҳовлига очиладиган темир эшиги маҳкам берк эди. Беморнинг юраги ниманидир сизди, деворлари мармардек силлиқ бўлган бу биноларнинг нариги томонда ҳам эшик-деразаси бормикан, агар йўқ бўлса, бу эшиксиз-деразасиз биноларда кимлар яшар экан, деб ўйлади у. Негадир беморнинг ўрнидан жилгиси келмас, ҳовлининг ўртасида чўнқайиб турган тахта ҳожатхонага тикилган қўйи қотиб қолган эди, бемор рўпарасидаги эшикни ҳам, ортидаги эшикни ҳам энди ҳеч қачон оча олмайдигандек ҳис қилди ўзини. У қалтирай бошлади ва худди шу пайт миясининг қаеридадир чўгдек иссиқ оғриқ кўзгаган қўйи ғарчиллаб бир эшик очилди. Бу очилган эшик унинг миясидаги қулфлоглик эшиклардан бири эди — тахта ҳожатхонанинг ёнида нақ мушукдек келадиган бир каламуш чўнқайиб ўтирганча беморга тикилар эди. Бемор Кирликкирни таниди. Ишонган ишонсин, ишонмаган ишонмасин... Ва бемор ҳамма нарсани англаб етди, сўнг қўрқа-писа кўзларини очиб, эшиксиз-деразасиз би-

ноларнинг муз боғлаган деворларига боқди... Шу пайт олисдан Заминнинг овози эшитилди:

— Кўрқманг, дардингизни олайин, яна жиндай иссиғингиз бор.

Бемор иккинчи марта кўзларини очганида, каравот олдида тик турган доктор Бергманнинг кумуш гәрдишли кўзойнагини кўрди.

— Мен совқотяпман, доктор!

Бу овоз кимнинг овози эди, ё тавба?

Қайдандир олислардан кўнгироқ овози эшитилди.

— Мен совқотяпман, доктор...

Доктор Бергманнинг лаблари қимирлар, аммо бемор уни эшитмас эди, чунки энди кўнгироқ садолари оламни бошига кўтариб жаранглар эди.

Бемор қайдадир шу яқинда телефон жириглаётганини англади.

— Қаер, Тюмен? — Замина телефонда норози оҳангда қичқиради эди. — Бизнинг Тюменда ҳеч қанақа танишимиз йўқ-ку!

— Менга бер телефонни, тез бўл! — Бемор тагин кўзларини очди, оппоқ туман оғушида Замина узатган телефон дастагини доктор Бергман унинг қулоғига тутди.

— Менман, мен Салимаман!

Телефон дастагида гувиллаб бир шамол эсар эди, беморнинг аъзойи бадани шундай музлаб қолдики, тишлари тақиллай бошлади. У ўз овозини ўзи эшитмас эди.

— Топдим, топдим!.. — Салима хонимнинг овози жуда узоқлардан, шамол гувиллаб эсаётган жойлардан келарди.

— Эсингдами, сенга бир эпикриз берган эдим, ўшанда бир ҳақимнинг оти бор эди — Ақоп Мирзаян деган, ўшанинг ўғли Сергей Мирзаянда экан. Тушундингми?.. Ақоп Мирзаяннинг ўғли Сергей Мирзаян-да-а-а!

Доктор Бергман сўхбатни бўлиб:

— Етар, кўп узоқ гаплашма! — деди.

Бу гал бемор ўз овозини эшитди:

— Номин нима экан?

— Кимнинг?

— Асарнинг... — Телефондан гувиллаб келаётган шамол ҳамлалари хона деразаларини дўл каби саваламоқда эди. — Асарнинг номи нима экан!

— Қатл куни...

Ортадаги эшик ҳам, олдиндаги эшик ҳам зич ёпиқ эди, фақат телефон дастагидан келаётган шамолнинг бўғиқ гувиллашидан на қулоқ қулоқни эшитарди, на кўз кўзни кўрарди. Сўнг Бобо Коҳо қазридан илкис отилиб чиққан шамол карвон-карвон қора булутларни, карвон-карвон оқ булутларни ўзининг бўғиқ оқимига қўшиб олиб кетди ва уларни ҳайдаб элтиб оддий шамоллар шахри бўлган бир шаҳар осмонига йиғди, бу шамол ой ва юлдузларни ютиб юборди, сўнг бор кучини тўплаб, барча ёпиқ эшикларни ланг очиб юборди: отларнинг кишнаши, сарбозлар қийқириғи, темир ва қон ҳиди миянинг чуқур дарзларини тўлдириб юборди. Ва тагин қачондир кўзлари очик қолган бир шоирнинг қайдадир рўёбга чиққан қўлэмасидан ярим-ёрти бир мисрани қоп-қора булутлар тепасида пар-пар ёнаётган юлдузлар шўъласи билан қовуштирди: ажалдан муҳлат сўрадим, муҳлатини қизганди...

Заминани нариги хонага қувиб, хобхона эшигини ичкаридан бекитган доктор Марк Георгиевич Бергманнинг эси оғишига бир баҳя қолди. Чунки беморнинг очик қолган кўзлариди ҳар бири олмадай келадиган бир жуфт юлдуз ёнар эди.

Доктор дарҳол қўлини чўзиб, у кўзларни бекитди.

\* \* \*

Халил амакининг кабобхонасида эрталабдан каллашўрва ичиб, дурустгина отиб олган, кайфи тароқ бўлган икки киши энди чой ичган кўйи сўхбатлашмоқда эдилар. Улардан бири фельдшер Маҳмуд, иккинчиси эса Зулфиқор отанинг невараси Мошу эди. Зулфиқор ота қаза қилгач, қариндошуруғ, таниш-билишлар йиғилишиб, Мошунинг олий мактабда ўқийдиган сиёғи йўқ деган қарорга келиб, уни райпога ишга жойлаб қўйган эдилар... Эндликда Мошу қўлини чўнтагига суқса, кир дастрўмолига илашиб беш-олтита йигирма бешталик чиқар эди. Маҳмуд гап ўқтирар эди:

— Ишонасанми, Мошу, жуда қаттиқ чарчаганман, худо ҳақи, бугун мана шу ҳосил байрамининг ҳам амаллаб ўтказиб

олай, роса уч кун қимирламай ётиб ухлайман. Зулфиқор бувангнинг арвоғи ҳақи, чин сўзим! — Мошу жилмайди, каллашўрвадан сўнг иссиқ чой ичгани учун тер тепчиб чиққан пешонасини ёғли қўлининг орқаси билан артар экан, деди:

— Кўп ичасан, Маҳмуд дўхтир, ароқнинг касридан бунинг ҳаммаси.

Маҳмуднинг кўзлари ола-кула бўлди:

— Мошу, худо ҳақи, ичасам ўлиб қоламан, ахир. Хўш, нима қил дейсан, а? Ҳой Халил амаки! — Маҳмуд бўйинини чўзиб, буфетнинг пештахтаси ортида пичоқ қайраётган Халил амакига қаради. — Менга ростини айт, сен кўп ичасанми ёки мен?

Гавдаси семиз Халил амаки кирланиб кетган оқ халатининг ёқасини очиб, камзули устидан қорнини қашиган кўйи эснади.

— Менга қара, Маҳмуд, — деди у. — Ҳали сен билан бу умримизда жуда кўп отишамиз... Сен менга, яхшиси, мундоқ тушунтириб айт-чи, райком бу йилги ҳосил байрамининг нега бизнинг қишлоқдан бошлади экан-а?

Маҳмуд елка қисди.

— Нега бўларди... Тоғни портлатмоқчилар-да!

— Э, бунисини ўзим ҳам биламан! — Халил амаки буфетдан чиқиб, уларнинг ёнига келди, столга тирсагини тираб, каттакон шолғом бурнини торта-торта ишқади. — Хўш, бир тоғни портлатиш учун шунча халойиқни йиғиб келиш шарт эканми, а?

— Вой!.. Байрам бўлади-да, ахир! Бу ерда митинг қилиб, тоғни портлатгандан сўнг райондаги стадионга тўпланадилар. Сўхбатга Мошу аралашди:

— Халил амаки тўғри айтяпти, Маҳмуд дўхтир, — деди у. — Мен ҳам тушунолмай турибман, қайси тоғни портлатадилар ўзи?

— Ҳа, чаласавод, — деди Маҳмуд, — нимасини тушунмайсан! Хув анави тоғларни-да! — У бурилиб, кабобхонанинг қалин ойналаридан кўришиб турган олисдаги туманли тоғларни кўрсатди. — Ана шу тоғларнинг ортида музлаб ётган қоялар бор, ўша ерга чиқиб... — Бирдан у жимиб, қошларини уйғанича ўйлиниб қолди. — Э, мениям чалкаштириб юбордиларинг. Хуллас, билганим шуки, ўша тоғдан қаернидир портлатиб, ўрнини кўл қиладилар. Кўлнинг атрофида рестороанлар, меҳмонхоналар қурилади.

— Ҳой, Маҳмуд дўхтир, — деди Мошу, — бувам, у ерда каттакон ғор бор, ичида аждаҳога ўхшаган бир махлуқ ётади, у ердан ҳатто қуш ҳам учиб ўтолмайди, дер эдилар, шундоқ жойга булар қандай чиқа оладилар экан?

— Э, бунинг гапини қаранглар! — дея қулди Маҳмуд. — Бу ҳукуматнинг садағаси кетай, унинг қадами етмайдиган жой бор эканми?!

Шу пайт кабобхона эшиги очилиб, устида нимдош шинел, бошида униқиб кетган папоқ, қўлида каттакон жомадон, Темир тотор кириб келди. Маҳмуд уни кўриши билан қий-қириб юборди:

— Вой сенинг ҳалигача чиқмаган мўйловларингдан, Темир, бормисан ўзи?! Қандай шамол учирди?

Темир тотор жомадонини ерга қўйди, папоғини бошидан олиб, ҳамма билан бирма-бир ўтириб кўришди. Кабобхонанинг иссиқ ва оғир ҳавосида ўтирган улфатларга ҳозиргина ташқаридан келган Темир тоторнинг кафти муздек совуқ туюлди. Маҳмуд унга:

— Қани, мундоқ ўтир-чи! — дея Халил амакига қараб кўз қисди. Халил амаки ўрнидан туриб буфет томон юрди ва бир оздан сўнг битта ароқ, бир товоқ қовурдоқ, ҳар хил кўкат келтириб столга қўйди. Маҳмуд ароқни очди, стаканларга қўйиб, ўтирганларга узатди, Халил амаки «ичмайман» деган маънода бош тебратди ва туриб ошхона томон кетди.

— Темир, хуш келибсан, — деди Маҳмуд ва Мошуга кўз қисиб, қошини учирди. — Қани, отиб юбор-чи!

Темир тотор стаканини қўлига олиб:

— Хайрли тонг! — дея ароқни қулт-култ қилиб ичди; сўнг бармоқларини лабига босиб, лаззатланганидан «воҳ-ҳей» деб юборди ва бир бўлак пишлоқ олиб оғзига солди: у мадори қурриган кишилардек зўрга қавшанар эди. Маҳмуд бир қўлидаги ароққа, бир Темир тоторнинг қийиқ кўзларига тикилди, кўнгли беҳузур бўлса-да, ланжланиб ўтирмай, стакани бир кўтаришда бўшатиб, бир бўлак ёғлиқ қовурдоқ олиб оғзига солди ва иштаҳа билан, шоша-пиша чайнаб ютди. Сўнг Темир тоторнинг эшик олдида турган жомадонига боқди.

— Айтмоқчи, Темир, сахари мардонлаб чамадон кўтариб юрганинг нимаси?

Темир ўтли бир оҳ чекиб юборди:

— Сен билан, Мошу билан хайрлашгани келдим, Маҳмуд.

— И-е! Нега хайрлашасан энди? — Маҳмуд таажжуб билан Мошуга, Мошу Маҳмудга боқди.

— Кетяпман, — деди Темир тотор. — Ватанга қайтишга қарор қилдим. — Агар Маҳмуд ҳозир бу ерда, Халил амакининг кабобхонасида, маймунга тил битиб, одамдай гапира бошлабди, деган хабарни эшитганида ҳам бу қадар хайратга тушмаган бўлур эди: гўё унинг қулоқлари остида аллаларса портлагандек бўлди, нафаси бўғизга тиқилиб қолди. Мошунинг ҳам хайратдан кўзлари косасидан чиққудек бўлиб, оғзи ланг очилиб қолган эди.

— Хўш, Тамаранинг ёнига қайтасанми?

— Ҳа...

— Ҳой тентак, сенга нима бўлди ўзи? Томдан тараша тушгандек...

Темир тотор ўзига ароқ сузди, бир қултум ичиб, стаканни стол устига қўйди ва:

— Кечаси тушимга Тамара кирибди... — деди. Унинг кўзларига ёш тўлиб келди. — Қазо қилган бўлса керак.

Маҳмуднинг жаҳли чиқди, Мошу эса жилмайиб, бошини четга бурди.

— Тушга кирган ҳар бир киши ўлаверар экан-да, ҳой жинни! Бунинг гапини кўринг!

— Йўқ, ўлмаган бўлса, тушимга кирмасди... Кўнглим сезиб турибди. — Маҳмуд Темир тоторнинг кўзларига тикилди. Темир тоторнинг бу гўшаларга келиб, станция буфетига текин ичган виноларидан ҳаммаша қизариб юрадиган маъносиз кўзлари эндиликда гўдак кўзларидек мусаффо, булоқ сувидек тиниқ эди. Маҳмуд оҳ чекди, Темир тоторни кузатиш тараддудига тушиб қолган Мошунини кўриб, кўзларини ола-кула қилганича:

— У ерларда адоий тамом бўласан-ку, Темир, — деди. — На илож... — деб жавоб берди Темир.

Маҳмуд тағин ўзига ароқ қўйди. Мошунинг стаканни лиммо-лим кўриб, у ўз қадаҳини ичмаган эди, Темир тоторнинг қадаҳига қуймоқчи бўлган эди, Темир тотор қафти билан стаканнинг оғзини бекитиб:

— Менга бас энди, Маҳмуд, — деди. Кейин мазам қочади.

Бу ҳам шайтонга иштон тиккан дунёнинг ажойиботларидан бири эди: Темир тотор ароқни рад қилмоқда эди. Тавба, бу дунё хароб бўляптими ё тузала бошляптими, а, садаган кетай? Бу қандоқ чархи даврон бўлди ўзи? Маҳмуд қадаҳ сўзи бошлади:

— Темир, сафаринг бехатар бўлсин, манзилингга омон-эсон етиб боргин... Биз етимларни ҳам эслаб тур. Мана, сен ҳам етимсан, мен ҳам, Мошу ҳам етим. Мундоқ ахтарсанг, бу дунёда етим бўлмаган кишининг ўзини тополмайсан. Ҳеч ким ўз насибасидан ортинги ея олмайдди. На илож, кетмоқчи экансан, оқ йўл. Аммо, атанг, бизнинг қишлоқ Темирсиз қоладиган бўлди.

Мошу бир Темир тоторга боқди, бир Маҳмудга, бироқ ҳеч нарсага тушунмади: уларнинг иккаласини ҳам зинҳор бу аҳволда кўрмаган эди. Иккаласининг ҳам кўнгли шу қадар тўлиб кетган эдики, бир ҳимо билан йиғлаб юборишлари ҳеч гап эмас эди.

— Худо кенг феълингга қараб берсин, Маҳмуд. Худойим сенга бахт ато этсин, Мошу!... — Сўнг у ортига бурчилиб, кабобхонанинг эшиги томониданг бир оз тер босган ойналардан узоқ-узоқларга тикилди. — Бошингиздан оппоқ туманларингиз аримасин, эй тоғлар! — Шундай дея ароқни сўнги томчисигизча ичиб, газак қилмай ўрнидан турди. — Йўловчига йўл авла!

Маҳмуд ҳам, Мошу ҳам оёққа қалқидилар, бир-бирига қараб, бири бирининг фикрини ўқиб, иккаласи ҳам қўлини чўнтагига суқди ва ҳар қайсиси эллик сўмдан чиқариб, Темирнинг киссасига тиқишди. Темир миннатдорчилик билан бош силкиди. Сўнг қулоқчинини бошига босиб, секин жомадонини кўтарди ва ҳар учаласи кабобхонадан ташқарига чиқшди. Кузнинг этни жунжиктируви салқин ҳавосида, сап-сарик ҳазонлар тўкилиб ётган дарахтлар орасида қўл сиқишиб хайрлашдилар.

— Сени кузатиб қўйликми, Темир? — деб сўради Маҳмуд.

— Йўқ, жигарим, йўқ. Елғиз кетганим яхши, — деди у ва

Мошуга юзланди. — Салотин синглим билан хайрлашдим, бориб Зулфиқор отанинг қабрини ҳам зиёрат қилдим... Ишқилиб, йигитлар, ўтганларнинг гўри нурга тўлсин, қолганлар мингга кирсин!

У кетди. Маҳмуд ҳам, Мошу ҳам унинг ортидан узоқ тикилиб қолдилар; нимдош шинел кийиб олган Темирнинг жомадон оғирлигидан ўнг томонга хиёл эгилиб бораётган гавдаси қалин дарахтлар орасида кўздан гойиб бўлгандан кейингина тагин кабобхонага қайтдилар. Маҳмуд станкага ароқ тўлдириб, бир кўтаришда бўшатди, бироқ бу гал газак қилмади. Ошхонадан қайтиб чиқиб, пештахта ортига ўтиб олган Халил амаки сўраб қолди:

— Ҳой, у пиёниста етим қани?

Мошу жилмайди, Маҳмуд эса жавоб бермади...

... Улар, ҳар иккиси ҳам ёлғирпўшда, бошлари очик ҳолда кабобхонадан чиқиб, катта йўлни ёқалаб митинг бўладиган жойга — қишлоқ шўросининг биноси олдидаги боғ томон кетаётганларида йўлда почтада ишлайдиган Людага дуч келдилар. Люда Маҳмудни кўриб, тўхтади.

— Маҳмуд, — деди у. — Тебе там срочная телеграмма лежи.

Маҳмуд Люданинг семизликдан тирсиллаб турган, ёғ босган гўласимон гавдасига боқиб, деди:

— Черт с ним! Потом приду.

Люда ҳеч нарса демади.

Қишлоқ шўроси олдидаги боққа етиб келиб, йўл устида қатор тизилиб турган, қип-қизил шиорлар осиб ташланган автобусларни, юк машиналарини кўрганларидан ва ранг-баранг кийиниб олган оломонга қишлоқ кетганларидан сўнг Маҳмуднинг бояги ноҳушлигидан асар ҳам қолмади. Ўзига алоҳида оро бериб, байрам либоси кийиб олган оломондан гўё атир ҳиди анқирди. Маҳмуд оғзини каппа-каппа очиб, тўйиб-тўйиб нафас олди, бир-икки киши билан саломлашди, ҳол-аҳвол сўрашиб, бир-бирларига: «Байрамингиз муборак бўлсин», дейишди. Бу гўзал боғнинг заъфар япроқли дарахтлари орасига, баланд бир жойга ўрнатилган, олдига гиламлар осилган минбардаги одамларни кўриб, Маҳмуд узун хуштак чалиб юборди.

— Вой бў-ў, жуда зўр-ку! — деди у.

Минбарнинг ўнг ва сўл томонида — Маҳмуд бирма-бир санаб чиқди — ўн тўрт сурнайчи ва ўн тўрт ошиқ саф тортиб турарди. Маҳмуд қишлоқ шўросида ишлайдиган, оғзини, юзларини ич-ичига ботиб кетган, бўйинга молнинг бошини кесганда бўғизда лахталаниб қоладиган қонга ўхшаш тўқ қизил галстук тақиб олган Воҳидни қўли билан имлаб чақирди.

— Менга қара, булар нега чалмаяпти? — Боши билан чоғ-ғучиларга ишора қилди у. Воҳид қўл соатига қараб деди:

— Митингдан кейин. Ҳозир альпинистлар тоққа чиқишяпти, бир соатдан сўнг портлатиш бўлади. Котиб, тоғ портлаган заҳоти «Гўрўгли жанг»ни чаласизлар, деб буюрди.

— Хўш, мабодо бомбалар портламай қолса-чи?

Воҳид жилмайиб Маҳмуднинг қулоғига шивирлади:

— Қаллайи саҳарлаб қаердан отиб олдинг, бирпас шумлунингни қўйиб турсанг-чи! — Воҳид нари кетмоқчи бўлган эди, Маҳмуд унинг қўлидан тутиб қолди.

— Худо ҳақи, тўхтаб тур! — дея кўзларини қисиб минбар томон ишора қилди. — Котибнинг ўнг тарафида турган аёл Зубайда хоним эмасми?

— Ҳа, худди ўзи.

— Вой бў-ў, Мошу, Зубайда хоним келибди, о-о! — Маҳмуд Мошунинг биқинига тирсаги билан ҳарчанд туртса-да, ундан садо чиқмади. — Бугун у ҳам қўшиқ айтадими?

— Унсини билмайман, дўстим, — деди Воҳид.

— Анави чап томонда турган икки киши ким, шляпали?

— Оббо, танимадингми? Биттаси Мухтор Каримли-ку!

— Ие, ахир у ўлмаганми?

— Жинни бўлганмисан, нега ўлар экан?

— Хўш, наригиси-чи!

— Салоҳов Одил Қамбарович!

— Мошу! — Маҳмуд Мошунини қўлтиқлаб олди. — Бу Зулфиқор бувам айтган Салоҳов бўлади, ху ўша полномочий. Вой бў-ў, келбатига қара унинг! Янги котибга офарин, қара, қандай зўр меҳмонларни чақириб келибди, тагин Бокудай жойдан-а!..

Ниҳоят, Воҳид Маҳмуднинг қўлидан амаллаб қутулди. Шу пайт котиб микрофонга яқин келиб, «Уртоқлар!» деди,



динамиклар бу овозни кучайтириб, атрофдан акс садолар янграб кетган бир дақиқада, теварақдаги дарахтлар орасидан қарғалар қағиллаб юборган бир пайтда ногоҳ Маҳмуднинг қорнига ханжар санчилгандек бўлди: унинг кўз олди қоронғилашиб, аъзойи баданини совуқ тер босди, чапга эгилиб, бутун оғирлигини Мошунинг устига ташлади.

— Мошу, жудаям мазам қочиб қолди...

Мошу Маҳмуднинг бўздек оқариб кетган ранг-рўйига, хира тортиб қолган кўзларига боқиб, ўзини йўқотиб қўйди.

— Нима бўлди сенга ўзи, Маҳмуд дўхтир?

— Мени бу ердан олиб кет, ҳеч ким кўрмасин.

Мошу Маҳмуднинг қўлтиғига кирди, уни тикилинчдан олиб чиқиб, чеккароққа, бир дарахт остидаги сариқ майсалар устига ўтқазди. Халойиқ қарсақ чалди, қаердандир, издиҳомнинг олдидан «ура!» садолари эшитилди. Ғўё Маҳмуднинг қорнидаги оғриқ худди шу «ура!» садолари билан боғлиқ каби аста-секин пасая бошлади. Ранг-рўйи ўзига келиб, кўзлари олдидаги туман ғойиб бўлди. У бошини кўтариб, ўзига қўрқув билан тикилиб турган Мошуга қаради.

— Бу қандай бало бўлди?..

— Худо ҳақи, кўп ичма, Маҳмуд дўхтир. — Мошу йиғлаб юборгудек бир аҳволда эди.

— Ҳа, укам, тўғри айтасан... — Маҳмуд Мошу ёрдамида оёққа қалқди ва оғриқ тагин тугиб қолмасмикин, дея ҳадиксираб турди. Йўқ, оғриқ такрорланмади. — Аनावи тоғ нари турсин, бутун дунёни портлатсалар ҳам, иним, энди мен бу ерда қола олмайман. Секин-секин уйга кета қолай!

— Сени кузатиб қўяйми?

— Йўғ-э! Икки қадам-ку! Сен томоша қилавер. Кейин гапириб берарсан менга.

... Мамлакатнинг аксар қишлоқларида бўлгани каби, бу қишлоқнинг ҳам бир жинниси бор эди. Ғулом Чўмоқ. Оти Ғулом эди, лақаби — Чўмоқ. Қишнинг-ёзин, эртаю кеч, кўлида бўйи барабар бир сўйил, қишлоқнинг хилват жойларида, ўрмонун далаларда тоқ-танҳо тентираб юрарди. Ҳеч ким билан иши йўқ эди. Ундан гап олиш ҳам ҳар қандай марднинг иши эмас эди. Кўққисдан дуч келиб қолганинда, ҳарчанд уринсанг-да, ҳарчанд ширин сўзлар билан аврамоқчи бўлсанг-да, у зинҳор оғиз очмас, на бирор саволга жавоб берарди, на ўзи бирор нарса сўрарди.

Бугун, ушбу ғала-ғовурда фавқулодда кутилмаган ҳодиса рўй берди. Қорнини чағаллаганича аста-секин уйга кетаётган Маҳмуд халойиқнинг сийрак жойида Ғулом Чўмоқни кўриб қолди. У аввал кўзларига ишонмади. Диққат билан боқиб, юзлари чўзинчоқ, қиррабурун, бир кўзига оқ келган таниш башарани, тирсақлари йиртилган эски қора камзул ва узун сўйилни кўргандан сўнг бу кимса Ғулом эканлигига Маҳмуднинг шубҳаси қолмади. Севиниб кетиб, ҳазиллашган кўйи унга яқинлашди:

— Ие, ҳой Ғулом, сенинг байдоғинг қани, ахир?

Ғулом Чўмоқ тўхтади, турган ерида михланиб, бошини қуйи солди: ғўё бу овоз уни даҳшатга солган эди.

— Ҳой, одобнинг борми ўзи, одам одамга мундоқ салом беради, ҳол-аҳвол сўрайди... Халойиқ тўй-тантана қияпти, шундоқ кунларда сал жилмайиб юрсанг-чи, ҳой, уйинг қуймагур!

Шу пайт бирдан Ғулом Чўмоқнинг оғзи очилди, бундай кескин, асабий овозни Маҳмуд умрида эшитмаган эди:

— Бугун қатл қуни, Маҳмуд!

Маҳмуднинг қошлари тугилди.

— Нега энди қатл қуни бўлар экан, ҳой девона?

— Чунки Бобо Коҳони портлатадилар, Маҳмуд!

— Қаерни портлатсалар — жаҳаннамга! Мунинг гапини қаранглар! Урнида кўл бўлади, сен билан мен ёзда у ерга бориб чўмиламиз. — Маҳмуд қаҳ-қаҳ уриб кулди.

Ғулом ҳеч нима демая, тагин бошини қуйи солди. Маҳмуд кўл силтаганича ундан уч-тўрт қадам узоқлашган ҳам эдики, орқадан Ғулом Чўмоқ айтган галати сўзларни эшитди:

— Дард ҳам оғриқ каби бир келса, ботмонлаб келади, синглим!

Маҳмудни илон чаққандек, ичи узилиб тушгандек бўлди.

Яна бояги оғриқ такрорланиб, ғўё қорни, ичкаларига пичоқ санчилди. Қандай қилиб уйга етиб олгани ёлғиз таңрига аён... Уйда боржом олиб ичишга ҳам қурби етмади, инграинграй зўрға камзулини ечди, оёғидан пойабзални чиқариб, камарини бўшатди ва шим-пими билан ўзини қаравотга ташлади. Эй худо, бу қандай оғриқ бўлди экан?..

У қанча ётганини билмайди. Кўзларини очганида уй ғўё ўт олиб ёнар, хонанинг кенг деразасидан ниҳоятда ёрқин ой шуълалари оқиб кирмоқда эди. Ташқарида кимдир уни чақирди. У ўрнидан туриб дераза ёнига борди ва ташқарида, ой шуълалари остида пар-пар ёнаётган тош-кесакларга боқар экан, бир шарпага кўзи тушди. Шарпанинг кимлигини таний олмай, сўради:

— Кимсан, ҳой биродар?

— Менман. Маҳмуд бўламан.

У шаҳарда касал ётган қариндошининг овозини таниди. Бошини кўтариб кўкка боқди: кўкда битта ҳам юлдуз йўқ эди. У каттариб кетган ойдаги тоғларни, дараларни аниқ-тиниқ кўрди. Маҳмуднинг ичи музлаб қолган эди, у бу балокаш дунёнинг бир охирати ҳам бор эканлигини энди тушунди.

— Боряпман, дардингни олай, боряпман, — дея уйдан чиқди ва қариндошининг Қоятеги деган жойда, қуйида, Курнинг буткул қуриб қолган ўзанида, тошларга, қояларга арқон каби чирмашиб ётган ўтлар, йўсинлар орасида турганини кўрди. Қуйига, унинг ёнига тушгач, сўради:

— Курнинг сувлари қани, биродар?

— Сув қолибдими энди, Маҳмуд!

Маҳмуд илгари юрди.

— Улимнинг муборак, Маҳмуд.

— Улим барҳақ, биродар.

— Кетдикми?

— Кетдик.

Улар кўл ушлашиб кета бошладилар. Улардан олдинда оппоқ сочлари елкаларига ёйилиб ётган, узун қўйлақ кийиб олган, товонлари тарам-тарам ёрилган бир тарсо қиз ва бир қари бўри борар эди.

— Сеникиларми? — сўради Маҳмуд.

— Ҳа, меникилар.

Маҳмуд кўларини мушт қилиб, кафтига тирноғини ботириб кўрди, бироқ ҳеч қандай оғриқни ҳис этмагач, фарёд чекиб юборди:

— Куйдим, кул бўлдим, эй тоғлар!..

Сўнгра улар юксак бир қоя устида турган тўрт шарпани кўрдилар. Саҳари мардонлаб йўлга чиққан бу тўрт забткор — альпинист манзилга етиб боролмаган эди: улар йўлнинг ярмига ҳам етмаслариданоқ Бобо Коҳонинг қаьридан ёпирилиб чиққан қора туман арқонга айланиб, тўрталасини ҳам бўғиб ўлдирган эди. Тўрталаси ҳам бараварига сўради:

— Йўл бўлсин, оғайнилар?

— Бобо Коҳо сари.

Тўрталаси ҳам қоя устидан қуш каби пастга учиб тушишди.

— Улимнингиз муборак.

— Улим барҳақ.

Қурнинг қуриб қолган ўзанида тошлар ой шуъласидан ўт олиб ёнар, Бобо Коҳо сари одимлаб бораётган шарпаларнинг узун йўлига кумуш ой шуълалари тўшалиб ётар эди.

Энди мен ҳеч кимнинг тушига кирмайман. Сўнги марта хотинимнинг тушига кирдим, у ҳам йиғлади, мен ҳам, у мени қучоқлади, мен уни, у менинг кўз ёшларимни ичди, мен унинг... Бироқ хотиним эрталаб уйғонгач, Салима хонимга кўнғироқ қилиб, кўрган тушини телефонда йиғлай-йиғлай айтиб берди. Иккаласи ваъдалашиб, туш пайтида учрашдилар ва Тоза Пирга бордилар, у ерда муллага беш сўм беришгач, Салима хоним, бир дуо ўқиб, бу ёш жувоннинг тушига кирган ўликнинг хавф-хатаридан уни халос қилинг, деди...

Энди мен, ҳой яхшилар, бундан сўнг ҳеч бир кимсанинг тушига кирмайман! Аммо, эй менинг сабрли ўқувчим, фалакнинг гардиши-да бу, шояд туннинг рўёсида ранг-рўйи ҳазон каби саргайган, кўзлари ич-ичига ботиб кетган, бели бироз эгилган бир беморни ёхуд бошида бўҳори папоқ, эғнида пўстин, табассумга мойил ғуссали кўзлар соҳиби бўлмиш кексайиброқ қолган бир кишини кўрсанг, унда беҳудага биздан гина қилма. Худо ҳақи, марҳумлар фақат қори савоб истайдилар.

Уйқунгиз ширин бўлсин, тириклар!

<sup>1</sup>. Чўмоқ — калтак, сўйил.

Абдуғани Абдувалиев

## Саломат буласинлар

### Ҳажвий қисса

Тушликда Заркент кўприги ари уя бўлиб кетади. Ан-ҳор ёқасидаги сўрилар лиқ тўлади, чойхона-ошхонага кириб-чиқаётганларнинг кети узилмайди. Атрофни палов ва қабоб, обинон ва сомса ҳиди тутлади. Ҳар қандай ўткинчининг шу ерда андак ўтириб, бир пиёла чой ичгиси келади. Кўприкнинг бериги томонида тахта деворга суяниб, қурутфуруш чол ҳам тамадди қияпти. Юмшоқ нонни чойга палла қилиб оғзига ташлайди, кавшанганда юқори лаби бурнига тегай дейди, чой тутган қўли тинимсиз қалтирайди. Чол шу йил қишда қаттиқ қоқинди: ана кетди, мана кетди бўлиб анча ётди. Шифтга қараб ётиб: «Рўзбеҳликка чиқиб олсам, Наврўзга етиб олсам яхши бўларди-да. Ҳозир ўлсам, кетимдан қабристонга борган одамлар совуқда қийналиб қолади», деб илтижо қиларди... Чилладан кейин секин-аста соғая бошлади. Мана, ҳозир унинг тепасида шундоқ-қина осилиб турган мажнунтол ям-яшил бўлиб қолди... Чол навбатдаги луқмани қалтираб оғзига олиб борувдики, хира кўзларига аввал велосипед сояси, кейин Холмирза ғирвоннинг гавдаси кўринди.

— Ассалому алайкум, — деди Холмирза ғирвон велосипед эгарига тирсагини тираб.

— Отдан тушсангиз ҳам узангидан тушмайсиз-да, ғирвон, — деди қурутфуруш чол қўлидаги пиёлани ерга қўйиб. — Мундоқ оёғингизни педолдан олинг, веласипидни манави толга суяб, ўтиринг, чой ичамиз.

— Тол мўрт нарса бўлади, — дея тушунтирди Холмирза ғирвон. — Қарс этиб синиб кетса борми, вала-сипид ҳам кетди-да сувга оқиб.

— Оббо, шунча йилдан бери синмаган, энди синармиди, ғирвон?

— Сиз айтган эски толлар кесилиб кетган. Бу мажнунтол мўрт бўлади, бир тепсангиз — синади.

— Бўлмаса, ана, хоҳлаганингизга тираб қўяверинг. — Чол девор ёнида қаторасига турган машиналарни кўрсатди.

Холмирза ғирвон мўлжаллаб энг охирида турган «УАЗИК»нинг орқасига велосипедини суяди. Велосипед шохидан чармхалтани олгач, чолнинг биқинига келиб

чўкди. Чармхалтадан тўртта кўк сомса чиқариб, чолга узатди:

— Келинингиз ёпган экан, оғизлари тегиб қолсин, деб, сизга бериб юборди.

— Минг раҳмат, илойим, мингга кирсин. Яхшиям, келин бор экан. Сизга қолса, ажалнинг уруғиниям бермайсиз.

— Ажалнинг уруғини берганимда, аллақачон асфаласофилинг кетган бўлардингиз. Эсингиздами, қишда ҳар сафар хабар олгани кирсам, «рўзбеҳликка чиқиб олсам», деб нола қилиб ётардингиз. Энди баҳорга чиқиб олиб, кериялсизми? Учаётган рақитлардан икки энли хат бериб юборамиз худога, ана кейин — тамом, кетаверасиз арши аълога.

— Хе-хе-хе-хе, ёмонсиз-да, ғирвон, — деди чол Холмирза ғирвоннинг елкасига қоқиб. — Сомсанинг барини барибир еёлмайман, иккитасини сиз олинг, иккитасини мен.

— Иккитасини еёлмасангиз, манави лунгига ўраб қўйинг, кечқурун ейсиз.

— Ҳай, хўп-хўп, — деди чол ва сомсани ёрди-да, кўкидан чимдиб, оғзига ташлай бошлади. Холмирза ғирвон пиёласидаги чойни сипқориб:

— Оғзи кўкка етган сигир — ўлмайди, дейишади. Мана энди ўлмайсиз, — деди-да, ўрнидан қўзғалди.

Чол унинг этагидан тортиб, кўзини сузди:

— Бир сўм беринг, эллик тийинлик қурут берай.

— Э, ҳай? — деди Холмирза ғирвон ҳайрон. — Нега бир сўм берсам, эллик тийинлик берасиз?

— Ўтган сафар қурут олганда берган эллик тийин-лигингиз саветники эмас экан.

— А?

— Булғордики экан, магазинда ўтмади.

Холмирза ғирвон чўққи соқолини сийпаб ўйланиб турди-да, бирдан кулиб юборди. Уғли Булғорияга саёҳатга борганида уч-тўртта тангасидан олиб келган, дадасига эсдалик, деб берган эди.

— Э, бўлди, мана сизга бир сўм. Булғордикини бизга беринг, ўзимизга тан.

— Бериб бўпман, — деди чол лабини чўччайтириб. — Булғорлар ўзимизни одам. Битта канвертга тангани солиб жўнатаман-да, булғорский бодрингдан юбор, дейман. Юборса, унга ғирвондан лавия юбораман... Қани, берирак келинг, ўрнимдан турсам, ўтиролмайман.

Холмирза ғирвон чўнқайди. Чол найза қилиб ўралган қоғозга қурут солиб, Холмирза ғирвоннинг чармхалтасига жойлади, бир сўмни унинг кўкрак чўнтагига қистирди. Сўнг:

— Биласиз-ку, мен пул учун эмас, эрмак учун қурут сотаман. Невараларни сўраб қўйинг. Айтгандай, ишга бориб турибсизми? — деди.

— Феълим айниб юрибди.

— Нима, ойлиги чатоқмай?

— Мен ойликни ўйламайман. Яқшанба куни мардикор бозорни бир айлансам, йигирма сўм топаман. Йигирма сўмга бир қоп ун олсам, бир ой ейман. Қоровуллик учун ҳали ёлчитиб ойлик бергани йўқ. Кеча жичча моюна берди. Ярмини қайтариб олди. Кассирни ёнига тўрт киши туриб олибди. «Бир сўм беринг», деди биттаси. «Нега?», десам, «Китобсеварлар жамиятига», деди. «Яна бир сўм беринг, Ҳушёрлар жамиятига», деди иккинчиси. «Мен ҳушёрман, арақ ичмайман», десам, «Ичмаганингиз учун ҳам берасиз», деди. Ҳай, деб, энди кетимга бурилувдим: «Отахон, қани, чўзинг», деб қолди учинчиси. «Нега?», десам, «Сувга чўкканларни қутқарувчилар жамиятига», дейди... Биз ҳам қоровуллар жамиятини тузсак бўларкан, деб қўйдим ичимда. Бун-

дай разм солсам, ҳаммани ўз жамияти бор экан.

— Феълингиз шунга айниятими?

— Э, йўқ. Гап бошқа ёққа айланиб кетди. Бошлиғимиз нопокроқ йигитга ўхшайди-да. Ишламай қўяверайми...

Холмирза ғирвон гапираркан, «АБВГДЕ... FХ БИТ»га қарашли цех бошлиғи Бебошевнинг картошқадек калласи кўз олдига келди. Бошлиқ ўтган ҳафта ҳаммани йиғиб: «Эртага дам олиш куни, ҳаммамиз адирга сайилга чиқамиз. Бирон киши қолмаслиги керак. Мен бошқармага ахборот бериб қўйганман: «Меҳнаткашларнинг маданий дам олишини намунали ўтказамиз», деб. Мен ўсадиган кадрман. Раҳбарлар олдида шарманда қилманглар», деди. Автобусга ўтириб адирга йўл олишди. Тушликка қовурма шўрва бўлди. Асадулла билан Замзам қори «тентак сув»дан тотиб олишган, чоғи, бири-бирига суяниб ўтириб ҳиргойи қилишди, попопчи сурнай чалди, чархчи чилдирма чертди, ижара бўлими мутасаддиси Ҳанифахонни кимдир ўртага тортди. У аввалига: «Вой, қандоқ бўларкин», деб бўйинни қисиб, ишшайиб турди-да, йўрғалаб кетди. Кўзларини сузиб, даврани икки-уч айлангач, лапар айтиб юборди:

Мошованинг моши бор,  
Ичида муштдек гўшти бор.  
Қайнатгани ўтин йўқ,  
Қариларга хотин йўқ.

Ҳанифахон лапар айтarkan, Асадулла бир кўзини қисганча сигарет тутатиб, ўкрайиб ўтирарди. Замзам қори кўлларини қовуштириб, мук тушганча, гўё Ҳанифахоннинг оёғи тағида бир нарса бордек, тўпиғидан кўз узмас, лапарчи айланиб унинг олдидан ўтаётганда: «Ла-илаҳа иллоллоҳ», деб қўярди.

Пича ўйнаб-қулишгач, бойчечак тергани адирга чиқиб кетишди. Асадулла билан Замзам қори қолди.

Замзам қорини Асадулла тўхтатди:

— Қори, қаёққа кетяпсиз?

— Баҳор неъматидан баҳраманд бўлмак, ҳар бир мусулмон фарзанди учун савобдур.

— Одамга ўхшаб гапиринг. Кайфингиз бор, адирдан думалаб, корхонамиз қорисиз қолмасин. Иккита илик билан ҳалигидан қиттай олиб қўйганман. Айиқ бўлиб ётамиз.

— Асадуллаҳон, иним, юз марта айтдим: «Старка» олинг, ҳиди келмайди, деб.

— Ҳой, мазги ишлайдими? Мен пулга арақ оламанми? Бошлиқ олволган экан.

— Э, бундоғ демайсизми. Ҳай, текин бўлгандан кейин заҳар бўлса ҳам ичамиз-да...

Шундай қилиб, икковлари қолишди. Чакки қолишди. Агар қолишмаганда, Холмирза ғирвон кўрганни, эҳтимол, улар ҳам кўришар ва Бебошеви цех бошлиғи лавозимидан учириб юборган бўлишарди. Ахир улар анчадан буён Бебошев билан Ҳанифахонни қўлга тушира олмай, доғда эдилар-да. Улар кўрмаганни Холмирза ғирвон кўрди. У оқсоқланганча, чаккасига бойчечак кўндириб адирлар оралаб юрди. Заҳар танг қилиб, бир дўнглик ортига ўтди-ю, ёқа ушлади: бошлиқ Ҳанифахонни пуйпаб ётарди...

У бу воқеа ҳақида ҳеч кимга оғиз очмади. Бироқ ўшандан буён кўнгли хижил эди... Мана, қурутчи чолнинг олдида бошлиқни эслаши билан дили хира тортди.

...— Битта бошлиқ — ҳукумат эмас. Бир вақтлар ўта ҳалол ҳосилот бўларди. «Мен — хўжайин, мен хўжайинман», дейишни яхши кўрадиган ҳаромхўр бир раҳбарнинг тўхматига учради. Кўп мусибат чекди, — дея қалтираб гапирарди қурутчи чол. — Лекин руҳи бардам

эди. Ҳар гапининг бирида: «Бахтимизга Масков бор», деб қўярди. Шу гапни кўп такрорларди. Биз унинг маънисига кўпам тушунмасдик. Анча ишсиз юрди, озгина қамалиб ҳам чиқди.

— Нима гуноҳ қилган экан?

— Уша раҳбар бировнинг хотини билан дон олишар экан, буни ҳосилот сезиб қолибди. Ҳосилотни йўқотиш учун тўхмат уюштирган. Хирмондаги пахтага ўт қўйиб юбориб, ҳосилотга тўнкаган... Ҳай, шу десангиз, орадан икки йилча ўтгач, «Дарвишали оқланибди. Калхўзга раис бўлармиш», деган овоза чиқди. Раис бўлиб, кейин бошқа областга исполком бўп кетди. Тагини суриштирсак, Масковдан дилгиром келган экан. Ҳа, бекорга ҳадеб: «Бахтимизга Масков бор», демаган экан, дедик...

— Ҳа... Бўпти, мен борай.

— Бирпас туринг, дардлашамиз.

— Иш кўп. Ишхонада Замзам қори деган исминчигим бор. Шу бечоранинг хотини қачондан бери касал. Бир таниш дўхтирни танийман, иморатини қуриб берганман, майли деса, шу дўхтирга эр-хотинни бошлаб бораман. Бугун кечқурун исминга келади, гаплашаман. Ҳозир уйга кириб асбобларни оламан-да, ҳов, нариги маҳалладаги Жаъфар кулагичниқига бораман. Битта уйи кетибди.

— Ҳа, нима бўпти?

— Ғирт ғирвонлик-да. Олтита уйнинг электр чироғига битта ўчиргич қилиб, ётоқхонасидаги шолчанинг тагига ўрнатган. Хотини билан уришиб қолган экан. Утган куни кечаси кўчадан келса, хотини ётоқни ичидан беркийтиб, чироқни ўчирмай ухлаб қолибди. Нариги уйга кириб жойни солибди, чироқни ўчиришни билмай, бир четда ётган маҳсини олибди-да, лампочкага кийгизиб, ип билан танғиб ухлайверибди. Маҳси роса қизиб лов этиб ёнибди-да, қоғоз гулли шигга туташиб, аланга олиб кетибди. Кеча уйга келиб: «Шунақа-шунақа бўлди, тузатиб бермасангиз бўлмайди, уста», деб нукул кулади. Майли, бораман, дегандим. Бугун...

Шу пайт нимадир қарс этди. «УАЗИК» юриб, велосипед ағдарилиб тушган эди. Холмирза ғирвон чол билан хайрлашиб велосипеди сари чопди, турғазиб, у ёқ-бу ёғини пайпаслаб кўрди. «Яхшиям толга тираб қўймаганим, анҳорга ағдарилиб тушаркан», дея дилидан ўтказди. Кейин машина кетган томонга қараб тўнғиллади:

— Бефаросат одамлар кўп-да.

11

Замзам қори жаҳл билан уйидан чиқиб, мачит томон пилдираб кетди. Жума намозига шошиларди. Бунинг устига тажанг — касалхонадан яқинда чиққан хотини батамом тузалганим йўқ, деб қорини ҳануз ёнига йўлатмайди. Тумтайиб олган. Қори касалхонада хотинини нақ шарманда қилди. Уша куни нон олиб кўргани борди. Хотинининг ҳамхонаси — тўладан келган кампир қори палатага кириши билан секин чиқиб кетди. Хотини ҳам дарров юзини яширди.

— Ассалому алайкум, — деди қори. Хотини юзини тўсиб олганини кўриб: «Ўз эрини танимаяпти, адо бўлганга ўхшайдур», деб қўйди ичида. Сўнг беморнинг каваротига аста яқинлашди.

— Тузукмисан, Бибиш? Танимаяпсанми?

Хотини анграйиб қаради.

— Вой, сизмисиз?.. Соқолингизни бекор олдирдингиз-да, дадаси. Урганиб қолган эканман, шу кунларда танимай қоляпман.

Замзам қори иягини силади.



— «Соқолингни олмасанг, ишхонадан ҳайдаймиз. Соқол — эскилик сарқити», деяпти.

— Одамларга калака бўлиб қоламан, демадингизми?

— Дедим. Аммо бошлиқ тушунмотти. Падарқурсурга бирон гапни тушунтириб бўлмайди. Бунинг устига, хотинбоз. Шаърий хотини туриб, бегонага кўз тикадур. Насихат этсанг, қулогига олмайдур. «Усадурган кадрман», деб, одамни жеркиб ташлайди. Валлоҳи аълам, шу гапига ҳеч тушунмайман. Ҳай, деб худога солиб қўйдим. Мана кўрасан, шу хотинбозни бир кун шарият уради... Ҳўш, ўзинг тузукмисан? Жавоб берай дейди-ми?

— Йўқ. Қонингиз кам, кўпроқ тухум енг, деди.

— Товуғимиз йўқ, каптар бор, демадингми?

— Йўқотинг ўша каптарларингизни! Ундан кўра, тўрта товук боққанимиз яхши.

— Ҳукуматга қаршимисан? Ҳукумат: «Каптар — тинчлик рамзи», деяпти-ку. Замзам қорининг хотини тинчликка қарши экан, деб уйимизни обиска қилсинми?.. Ке, бугун пайшанба, улуг айём, тиловат қилиб, сенга бир дам солиб қўяй. Яна икки марта дам солсам, нариги пайшанбагача, иншоолло, отдек бўлиб кетасан.

— Дўхтир кириб қолса, хафа қилади. Уйда солдирарман.

— Дўхтир ҳам мусулмондур, имони бордур, бизни тушунар, — деди Замзам қори ва тиловатни бошлади.

Орадан андак фурсат ўтгач, палатага оқ қалпоқ кийган дўхтир кирди, бироз ҳайрон бўлиб турди-да, Замзам қорининг тепасига келиб:

— Ҳей, — деди. — Ты мулла, да? А, ну-ка, вон отсюда!

Замзам қори шошиб ўрнидан турдию:

— Измините, пажалиста, меники жена, измините, — деб чиқиб кетди. У кетгандан кейин дўхтир беморни роса койиди. Муддатидан аввал жавоб бериб юборажagini писанда қилди...

Бугун уйда қорининг хотини шифохонадаги қилиғи учун қорига яна дашном берди. Шу сабабли ҳозир Замзам қори салласини бошига кўндириб, зинғиллаганча намозга кетаркан, хит эди. Дамбоғузардан ўтиб, чапга бурилиши билан рўпарасидан бир ўспирин гандирак-лаб чиқди. Замзам қорига букилиб салом қилди-да, башарасига тикилиб:

— Бобой, мен сизни қаердадир кўргандайман... — деди.

— Онангни уйда кўргансан, валад! — дея чийиллади қори. — Бу касофатни қаердан ўргандинг, лаънати? Успирин ҳушёр тортиди.

— И-и, кечирасиз, дада. У-ўрто-ғимни а-армияга об-кетаётган э-кан...

— Сени қачон олиб кетади, малъун?!

Успирин калласини эгиб, гандирак-лаб қочди...

Замзам қори жума намозидан кейин тўғри ишхонага — «АБВГДЕ... ҒХ БИТ»га қарашли цехга йўл олди. Бугун қоровулликда унинг навбати, кечроқ борса ҳам бўларди. Бироқ «Прокат-ижара» бўлими мутасаддиси Ҳанифахоннинг ишқи уни ўртаб юборди. Шу сабабли эртароқ бориб, Асадуллахонни тезроқ топиб, бу нозик ва мураккаб масалани ҳал этиши лозим эди.

Цехга ярим қақирим қолганда машинанинг «ва-пп» деган товуши эшитилди. Қори ўзини четга олиб, ўгирилганди, Асадулланинг шалағи чиққан «Москвич»га кўзи тушди.

— Чиқинг! — Асадулла ўнг кўзини қисди.

Замзам қори Асадулланинг ёнига ўтириб, эшикни ёпиши билан тириллаб турган мотор «пап» этиб ўчди.

— Ювинганмисиз, қори? — деди Асадулла қуш қараш қилиб.

— Лоҳавла валоқуввата, истиғфор айланг, Асадуллахон! Жумадан келяпман-а. Ҳай, машина — темир, бузилди — тузалади. Аммо мен тузалмаяпман. Дардим оғирлашиб бораётир.

— Ийи-ийи, ҳўш, нима гап? — деб сўради Асадулла дўпписини чаккасига суриб.

— Уф-ф, пешонам шўр экан, — деди қори пешонасини лунги билан артиб. Сўнг ғазал ўқиди:

Мендин саломе ба суйи жонон,  
Эй, бод, еткур арзи ғарибон.

Ҳам дардмандам, бехонумонам,  
Жоно, ту буди, дардимга дармон.

— Барибир тушунмайман, нима демоқчисиз? — деди Асадулла силтаб.

— Хотин ёнига йўлатмаяпти. Жуда қийналиб кетдим, иним. Ҳанифахонни тезроқ гаплашмасангиз, бўлмай-дур.

— Э-э, гап бу ёқда денг. Масала чигаллашиб боряпти, қори. Иш чатоқ. Яқинда Ҳанифанинг эри Розик олиф-тани учратиб: «Қўлингиздаги узукни қаердан олгансиз?, деб сўрасам: «Шу билан иккинчи марта сўрашинг, хўжайинмисан? Уйнашимдан олдим!», деди жеркиб. Кейин сал попуғи пасайиб: «Буни мағазиндан олдим. Аввалги узугимни ўтган йили йўқотиб қўйиб, ҳалиям хотинимдан дакки эшитиб юрибман. Хотиним ишонмай қўйди. Ё уни цехдан бўшатиб дом културга олиб келаман, ё ўзим хотинимнинг ёнига бориб ишлайман», дейди.

— Э, бизни корхонага ўйинчининг кераги йўқ, демадингизми? Эр бўлмай ўлсин, ҳезалак, — деди Замзам қори афтини буриштириб. — Майли, Ҳанифага ўша ҳезалак шаърий эр бўлиб юраверсин. Мен хуфия никоҳ қилиб оламан. Шунга кўндириб берсангиз, то қиёматгача унутмайман, иним.

— Да-а? — деди Асадулла қуш қараш қилиб. — Ма-бодо, кўндирилмасам-чи?

— Унда яна соқол қўйиб юбораман.

— Қўяверинг, менга нима?

— Ҳа, ўзингиз айтдингиз-ку, қорилик қилмай, соқолни кириб ташласанг — кўндириб бераман, деб. Сўзингиздан қайтманг-да, бўтам. Арслон изидан, йигит сўзидан, деганлар. Шу жувонни кўрсам, аъзойи баданим бўшашиб, ғалати бўб қоляпман.

— Да-а, деда, масала жиддий, — деди Асадулла энсасини қашиб. — Бўлмаса, бундай қилинг. Сиз бошлиқнинг орқасидан тушинг. Сегаётгандирсиз, Ҳанифахон билан... лаббай?.. Уста Холмирза ҳам сезганлар, шекилли, яқинда менга: «Бошлиғимиз покиза одамга ўхшамайди, мен бу даргоҳда ишламайман», деб қолдилар. Устани ялиниб, зўрға олиб қолдим.

— Баракалла, яхши қилибсиз. Уста ҳалол одам.

— Энди, сизнинг вазифангиз, бошлиқнинг ҳар қадамни кузатиш.

— Кузатаман.

— Ҳар бир ноҳўя ҳаракатини хатга тушириб қўйсангиз, девнинг жони чумчуқнинг жиғилдониди, дегандек, гаҳ десак қўлга кўнади. Ҳанифага қўлини теккизмайдиган бўлади. Теккиздирмаймиз!..

Асадулла охирги сўзни ғазаб билан айтди. Кеча Ҳанифани бир бурчакка қисиб:

— Жа, бошлиқнинг атрофида гиргиттон бўлиб қолдингиз кейинги пайтлар, — деди.

— Вой, бошимга ураманми ўша қораялоқни, — деди Ҳанифахон лабини буриб.

— Айтиб қўяй, бошлиқлар келиб-кетаверади. Лекин биз қоламиз.

— Сиздан шу гапни кутмагандим, Асадулла ака.

— Цех бошлиқлари сайланади, деган янги гап чиқди. Бебошев сайланадими-йўқми, номаълум. Шу кетиши бўлса, кечирасиз-у, ҳожатхонага ҳам... сайланмайди.

— Вой, сизга нима бўлди, Асадулла ака? Кўзларимга ишонмаяпман. Бебошегни капийкага олмайман. Улайин агар.

Шу гапдан кейин ҳам Асадулланинг кўнгли тинчимади. Бошлиқнинг ҳунармадлардан ундирадиган «чўтал»-ини оширганига чидаш мумкин-у, аммо Ҳанифахонга тўр ташлаётганига тоқат қилиб бўлмасди... Замзам қори билан гаплашар экан, ғазабини ҳозир ҳам билинтириб қўйди.

— Ҳа, қори. Иккинчи қўлини бировнинг хотинига теккизмайдиган қиламиз!

— Яшанг. Мен фақат бошлиқни эмас, анави, поччаси бор-ку, гўрковларнинг бошлиғи...

— Ваққосхонми?

— Ҳа. Ушани ҳам кузатаяпман. Ҳар ҳафта қабристонга чиқиб, гўрковларнинг юрагига қўл солиб кўряпман. Ҳозир ҳар битта ўлик ҳисобимда турибди.

— Боплайсиз, қори. Агар поччаси билан икковини қўлга олволсак, Ҳанифахон қўйнимда, деяверинг.

— Омин! Нима ният қилган бўлсак, ниятимизга етайлик! Йигит ўлмайлик, бало кўрмайлик, куруқ тўхматдан, оёқ-ости фалокатдан, бевақт ўлимдан, золимнинг зулмидан, оч битдан, кутурган итдан ўзинг асрагин. Вал-жамиа, валмўминина, валмуслимот...

— Э, бўлди, калта қилинг. Тушинг машинадан! Озгина итариб юборинг, — деди Асадулла.

Замзам қори паства тушиб, бўксасини дўппайтириб, икки кафтини тираб итара бошлади. Машина «виғ-виғ» қилиб турди-да, «виғ» этиб юриб кетди. Қори олдинга мункиб, ерга чалпак бўлиб тушди...

Давоми бор

Гулмих Жўра Алимардон

## Кўпайди

*Ҳақиқат изладик — ноҳақ кўпайди,  
Покланиш йўлида илҳақ кўпайди.  
Фаровон турмуш-ку, орзумиз эди,  
Дарёнинг тошидек қашшоқ кўпайди.*

*Биз имон изладик — қаллоб кўпайди,  
Диёнат изладик — жаллоб кўпайди.  
Молимиз, жонимиз соқчиси десак,  
Угрига эш бўлган каззоб кўпайди.*

## Эрк ҳақида

*Ниҳоят берилди эркинлик сози,  
Хоҳласанг қуйлату хоҳласанг тиндир.  
Буқун ўз эркинга ўзингсан қози,  
Кун кеча ёт қўлда ҳурлик тутқунди.*

*Эрк сози қўлда-ю, аммо ҳакам руҳ  
Топиб чалармиқан орзу пардасин?  
Еки бир ноқобил ҳаваскор каби  
Қайната бошларми диллар зардасин?!*

Сурайё Шарипова

## АЙТИЛМАГАН ГАПНИ ЁЗ

### Пародия

*Кандай иш қилар бўлсанг,  
Аввал йўла, сўнгера қил.  
Қадам ташлашдан аввал,  
Йўл текисми, шуну бил...*

Тўлқиннинг «Насиҳат» шеърдан

*Овқат ейишдан олдин  
Албатта юв қўлингни.  
Ер-пер ағдарар бўлсанг,  
Маҳкам боғла белингни.*

*Кўчага чиқар бўлсанг,  
Эшигингни қулфлаб чиқ  
«Ким у?» дея сўрагин.  
Гар эшигинг этса «тиқ».*

*Бозорга борар бўлсанг,  
Унутмагин тўрвани.  
Палов суюқ бўлмасин,  
Куюқ қилма шўрвани.*

*Бир нима харид қилсанг,  
Аввал ўлчовини кўр.  
Пулини тўла сўнгера,  
Ишинг шунда бўлар зўр.*

*Ботинкадан олдинроқ  
Пайпоқни кий оёққа.  
Таксига минсанг, олдин,  
Айт боришинг қаёққа.*

*Шўр-пўр бўлса овқатинг  
Бироз сув сол, бўлар соз.  
Фақат шеър ёзар бўлсанг,  
Айтилмаган гапни ёз!*

# Мундарижа

## НАЗМ

Абдулла ОРИПОВ . . . . .	2, 36
Мақсуд БЕКЖОН . . . . .	8
Умида АБДУАЗИМОВА . . . . .	15
Зулфия МУМИНОВА . . . . .	22
Мирза ҚАЙНАР . . . . .	32

## НАСР

Гулноза ЭРНАЗАРОВА. Робия, Ҳикоя . . . . .	10
Луқмон БҮРИХОН. Қўноқ, Ҳикоя . . . . .	16

## НИГОҲ

Мактаб — миллат тақдири . . . . .	33
Абдурашид АБДУҒАФУРОВ. Беш юз ёшга тўлган беш ғазал . . . . .	38
Ашурали БОЙМУРОДОВ. Шеърлар . . . . .	40
Олмахон ТОЖИБОЙ ҚИЗИ. Фол кўриш гуноҳми? . . . . .	41
Шоира НОРМАТОВА. Эркин адабиёт да- ракчилари . . . . .	42
Муҳаммад ЛАТИФ ПАРТАВ. Муҳаммас- лар . . . . .	44
Вафо ФАЙЗУЛЛА. Тупроқдан эшик очган руҳ . . . . .	46
Абул ҲАСАН ҚИСОИЙ. Оламнинг аввали ва охири ҳамда пайғамбарлар хусуси- да. Давоми . . . . .	48

## ТАНИШУВ

Марҳабо АҲМЕДОВА. Шеърлар . . . . .	7
Юсуф ХУДОЙҚУЛ. Шеърлар . . . . .	23

## АСЛИЯТДАН ТАРЖИМА

Юсуф САМАД УҒЛИ. Қатл қуни. Роман- нинг охири . . . . .	55
--	----

## МАҚОЛАНАВИСЛИК

Тарих давомли мангу сабоқдир. Шоир МУҲАММАД АЛИ билан суҳбат . . . . .	4
Шониёз ДОНИЕРОВ. Мадаминбек ким эди? . . . . .	24
Садриддин САЛИМ. Девор босиб қолган кампир . . . . .	30
ТИЛ САНДИФИ . . . . .	21, 54

## ЕЛПИҒИЧ

Абдуғани АБДУВАЛИЕВ. Саломат бўлсин- лар. Ҳажвий қиссанинг бошлани- ши . . . . .	76
Жўра АЛИМАРДОН. Ҳажвий шеърлар . . . . .	79
Сурайё ШАРИПОВА. Пародия . . . . .	79

Муқованинг 1—4 саҳифаларини рассом Асқарали Сулаймонов ишлаган.



[«Молодость»]  
ежемесячный  
литературно-художественный  
общественно-политический журнал  
на узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и  
Союза писателей Узбекской ССР

Мусаввир: Н. АКРОМОВ  
Техник муҳаррир: О. РАҲИМОВ  
Мусаҳҳих: М. ТУРСУНОВА

Манзилгоҳимиз:  
700113, Тошкент, Қатортол кўчаси,  
60-уй.

Телефонлар:  
Бош муҳаррир: — 78-94-05  
Бош муҳаррир ўринбосари — 78-49-83  
Масъул котиб — 78-97-07  
Наср бўлими — 78-97-58  
Назм бўлими — 78-77-16  
Мақоланавислик, адабий танқид ва  
санъат бўлими — 78-17-47  
Фотомухбир — 78-97-58

Таҳририят ҳажми 12 босма табақдан ортик  
роман ва 8 босма табақдан зиёд қиссалар  
қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма та-  
баққача бўлган асарлар муаллифларга қай-  
тарилмайди. Таҳририят ўз тавсиясига кўра  
амалга оширилган таржима асарлар қўлёзма-  
синигина қабул қилади.  
Ойбитикдан кўчириб босилганда «Ёшлик»дан  
олинди, деб изоҳланиши шарт.

Босмахонага 21.02.91 й. да туширилди.  
Босишга 4.04.91 й. да рухсат берилди.  
Офсет босма. 1-офсет қоғози.  
Қоғоз формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Қоғоз ҳажми 5,00 босма табақ.  
Шартли босма табақ — 8,4.  
Нашриёт ҳисоб босма табағи — 12,1.  
Шартли буюқли босмада нашр ҳажми 11,76.  
150000 нусхада чоп этилади.  
Буюртма № 4837.  
Баҳоси обуначиларга 80 тийин.  
Сотувда 1 сўм.

Узбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси «Ка-  
малак» нашриёт-матбаа бирлашмаси. Уз-  
бекистон Компартияси Марказий Қўмитаси  
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли  
босмахонаси.

© «Ёшлик» № 4, 1991.